

Пүрсүнай Содикбай

# Аёлга қасиға



ТУРСУНОЙ СОДИКОВА

# АЁЛГА ҚАСИДА

## САЙЛАНМА

Тўртинчи нашри



УЎК: 821.512.133

КБК 84(5У)6

С 21

**Содиқова, Турсуной.**

С 21 Сайланма, Аёлга қасида. /Т. Содиқова. - Тошкент: «O'zbekiston». 2018. Тўртинчи нашри - 328 б.

ISBN 978-9943-01-193-9

Халқимизнинг дилбар шоираси, моҳир сўз устаси Турсуной Содиқованинг қўлингиздаги китобида инсон қалби кечинмалари, тирикликнинг моҳияти, аёл ва унинг дунёси ҳақида мушоҳада юритилади. Аёл – она, мўътабар зот, покиза олам. «Атиргул иси» китобининг давоми бўлган мазкур асар ёшлиарни Ватанга, эл-юргта, ўз анъаналаримизга содик, чин инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлади, деб умид қиласиз.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 821.512.133**

**КБК 84(5У)6**

ISBN 978-9943-01-193-9

© Турсуной Содиқова, 2008, 2013, 2015, 2018

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2008, 2013, 2015, 2018

## МУАЛЛИФДАН



Ҳар бир инсон бир тажриба хонаси. Умринг ўтар экан, бу дунёning хуш-нохуш ранглари, турфа таъмларини қабул қила-қила жисму жонинг минг силкиниб, минг букилиб ва яна қайта-қайта расоланиб бораверар экан. «Аллоҳнинг ҳамма иши яхшиликка» эканлиги нақадар ҳақ! Ки кўргулигинг кўпайиб, ёшингга ёш қўшилган сари феълинг тиниб, ақлинг пишиб, зукко табибдай, тегрангдаги ҳодисотларни тиниқ уқадиган ва не ташхис қўйсанг, тўғри чиқадиган бўлиб қоларкан. Икки оғиз сўзинг билан кимдир йўлга тушиб турса, яқинларинг ва бола-чақаларингнинг муаммолари сен билан ечилиб турса, қандай мароқли! Аммо, «мана энди тажрибам бор, бу ёғига мазза қилиб яшайман-да», деганингда қарасангки, бу дунёning чиқар эшиги кўриниб қолади. Қулоқ солсанг, юрагингнинг соати ҳам суст ураётгандай! «Ие, бу ёғи кун ботар-ку», – дейсан! «Мунча тез? Қўлимдан эндингина иш келганда-я!» – деб ичинг зил кетади! Аммо инсончиликнинг фарзи – қўнмоқ! Қисматдан қочиб бўлmas.

Разм солинса, аксарият ёши улуғлар насиҳаттўйликка мойил бўлиб қоладилар. Буни ҳаргиз уларнинг қусури деб бўлmas. Ўтиб бораётган одам савоб ва гуноҳлар ичидагомталаш бўлиб турган жондир! Бу ҳолат унинг хатолари тобора кўзига кўриниб, савоб ишларни кўпайтирай деса, умрини, кучини етказа олмаётган надоматли давридир. Киши билими ошиб-тошиб кетгани учун бировга ақл ўргатмайди. Билимлilar қаторига қўшилгунча хатолар, адашишлар заҳматини ўзи обдан тотгани учун ҳам, изидан келаётганларни огоҳлантиришга ошибқади,

осонроқ йўлни кўрсаттиси келади. Буни улар ўзларини поклаш учун, яъни Яратганинг розилиги учун қиладилар. Бироннинг билмаганини куюниб билдираётган одам, яъни янги хатоларнинг олдини олаётган одам ўз гуноҳларидан мосуво бўлаётган кишидир. Бу тавба қилишнинг энг чиройли йўлидир!

Катталар бизга «ундоқ қилманлар, ёмон бўлади, бундоқ қилманлар, ёмон бўлади», дея уқдиришарди. Аслида бу гапларнинг мағзида Қуръони карим ва Ҳадиси шариф мурожаатлари жамлигини мана энди уқдик.

Дилимиз, қўлимиз, тилимиздан кетаётган ҳар бир амалнинг жавоби қайтиши рост. Бошимизга тушган ҳар бир кунга фақат менимиз сабаблиги рост. Шундоқ, экан, ҳар қадамда ўзимизни ўзимизга пойлоқчи қилиб қўйишимиз шарт! Айниқса, аёл тоифасига бу хушёрлик фоят зарур! Оила об-ҳавосини аёл яратади. Аёлнинг атрофга келтирадиган фойдаси беҳад. Аммо зиёни ундан ҳам кўп! Бу хавотир камайиши учун қиз боланинг танглайнини фақат илм билан кўтариш керак, илм билан тўйинтириб, илмдан либос кийинтириш керак, деган хуносага келасан киши!

Ҳадис илми яшаш, комил инсон бўлиш йўлларини кўрсатувчи нурдир. Агар уни ихлос билан мутолаа қилсангиз, дардингизга дармон топасиз, хатоларингизни пайқаб қоласиз, кўнглингизда хайрли иштиёқдар туғилади.

Мустақиллижимизнинг равнақи учун, кўзлаган режаларимизни сидқидидан амалга ошириш учун фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш, яъни шахснинг ўзига бўлган талабини ошириш, унинг ички имкониятларини юзага чиқаришга кўмаклашиш фоят муҳимдир. Инсон қалбан покланмагунча жамиятга фойдаси бўлмас. Ҳадислар эса инсон руҳиятини тозаловчи ҳалқчил, сингишимли омиллардан биридир.

Биз қирқта ҳадисга суюнган ҳолда, Аллоҳдан мадад сўраб, инсон дунёсининг синоатлари, руҳият манзаралари, феълидаги афзалликлари ва нуқсонлари ҳақида мулоҳаза юритишга уриниб кўрдик. Илоҳим бизни сизнинг ризолигингизга етиштиурсин!

*Турсуной Раҳимжон қизи*

# РИЗОЛИК ИЗЛАБ...

(Ҳадислар талқини)



Шайтон одамнинг қон  
йўлидан юради.

*Ҳадис*

Пайғамбаримиз (с.а.в) гўдаклик чоғлари далада ўйнаб юрган кунларининг бирида, осмондан фаришталар тушиб, уларнинг қўксиларини ёрадилар. Юракларини қўлларига олиб, сиқадилар. Қоп-қора қон силқиб тушади. «Ана энди сизда шайтоннинг ҳақи қолмади», — дейди улар ва юракни жойига қўйиб, болани асл ҳолатига келтирадилар...

Қиссадан ҳисса шуки, шайтон фақат пайғамбарларгагина таъсир қила олмаган. Унинг жами қасди Одам наслида! У иблисзода ёнингда фақат вақти-вақти билан, яъни пул-молинг кўпайғандан ёки ноchorлиқда ва ё яхши-ёмонга қўшилганингда пайдо бўлмайди, балки у умрингнинг охиригача томирингда, қонингда айланади. Юраги юрагингнинг ёнида уриб туради. Ҳар дақиқада кайфиятингга таъсир қиласди. У сени ваҳималарда чарчатиб, ўзи роҳат қиласди. Гумонлар билан кўнглингни йифлатиб, ўзи қаҳқаҳа уради. Кўксингга ҳасад солиб, унинг ўтида бутун соғлигингни куйдириб, кул қилиб, ўзи қувватга тўлади!

Аллоҳ инсонга севмоқ-севилмоқ, жами гўзалликларни бунёд қилмоқ, ўз жонидан бола яратмоқ ва уни вояга етказмоқ имконларини берди. Бутун жисмига-ю умрига нур узатиб турадиган, «ТАФАККУР» деб аталган мўъжиза берди. Аммо бир шарт қўйди: «Мана сенга шунча мукофот, лекин умринг имтиҳон ичра кечади — шайтон ёнингда ҳамиша қутқу солиб туради. Тафаккуринг билан уни енгсанг, икки дунёинг обод, гар

шайтоннинг айтганини қилсанг, бу дунёда баҳтсиз, у дунёда эса дўзахийдирсан!» — деди.

Биродар, умр бизники, оғрийдиган жон бизники бўлса, баҳтсизлик бизни кўйдириб турса, Аллоҳни-ю элнинг олдида жавоб берадиган биз бўлсагу, нега вужудимизни шайтон батамом эгаллагунча ғофил турамиз?

У аввал бизнинг кўнглимизни кўр қиласди. Ҳеч қаеримиз оғримаётганидан, бошимизда бошпанамиз, ёнимизда яқинларимиз, умр йўлдошдай қўргонимиз борлигидан мазза қилмай қўямиз. Минг бир рангда товланиб турган табиатдан, болаларимизнинг чулдираган овозидан завқланмай қўямиз. Шайтон гўзал ниятларимизни сиқиб чиқариб, ўрнига ношукрчилик тўлдиради! Кибр уруғини экади, яъни, «эринг сенинг тенгинг эмас, шу камбағаллиқда ўтаверасанми, фалончининг яшашини кўр, келининг ўглингни эгаллаб олди, қайнонанг нега сенга танбех, беради, бир боплаб қўй, фалончиларга ёқиб олсанг, мартабанг кўтарилади, қўшнинг нега сендан ўтказиб тўй қилиши керак?» каби бехосият ўйлар солади дилингга! Жуфтингдан айб топа бошлайсан, болаларингни силтаб, қайнонангга тумтайиб, келинга зевс бўлишга тушасан. Уларнинг ҳам ўз шайтонлари бор — ўзингга яраша жавоб қиласдилар! Қарабсанки, уйинг кулфатхонага айланди. Шайтон ютди! Нариги дунёлик номаи аъмолингга «дилозор» деган тамға ҳам битилди. Бу дегани йўлинг дўзах томон бурилди!

Ёдимизда бўлсинки, биз шариф зотмиз. Аллоҳ бизни мусулмон яратган, яъни атрофга ва бандаларига яхшилик қилмоққа, икки чанқоқ кўз билан Аллоҳнинг неъматларини кўриб роҳатланмоққа ва шукроналар айтмоққа, булбул тил билан одамларнинг қулфи дилини очмоққа, қўлу оёқларимиз билан бу дунёning йўғини бор қилмоққа қодир қилиб яратган! Инсоннинг ҳар бир ҳужайрасида бир филнинг кучи бор. Ахир у сенга ва менга атаб берилган неъмат! Нега уни шайтонга

бой берамиз? Бизга берилган имконларга муносиб эканлигимизни исбот қилайлик – кучимизни ЯХШИЛИККА ВА ФАҚАТ ЯХШИЛИККА астайдыл сарф этайлик, биродар!

\* \* \*

Албатта дунё ширин ва кўркам – Аллоҳ таоло ўша дунёга эга қилиб қўйиб, қанақа амал қилишингизни кузатади. Мол-дунё ва хотинлар тўғрисида тақво қилинг, яъни молу дунё ва хотинлардан қўрқинг. Албатта бани исроилнинг аввалги фитнаси хотинлардан чиққан, огоҳ бўлинглар.

Ҳадис

Яна бир ҳадисда «Хотинлар шайтоннинг тузофидири» дейилади. Бу гап сизга оғриқли текканини қўриб турибман, ойим! Аммо унинг мағзини холислик билан чақиб қўрайлик.

Ҳақиқатда ҳам аёл атрофнинг эътиборида турадиган Аллоҳнинг гўзал неъмати. У неъматми, демак, унга эҳтиёжманд албатта бор! Унга интилиш бор, унга ёлвориш бор! Аслида, суйган, меҳр қўйган одамига талпинадилар.

Тоифадош, сенга одамларнинг ишқи, ихлоси тушиб турган пайтда чиндан ҳам кўркам эдинг, бегуноҳ эдинг! Айнан шу – кимдир амрингга шай турган ва ўзинг учун ҳам энг ёқимли кечётган онларингда орага шайтон аралашади!

Эркак ҳам шу асногача балки хатосиз эди. Сенга меҳри бойланди, ойни сўрасанг-да олиб бергудай алфозга тушди. Чунки унинг ҳам шайтони ҳамлага ўтди! «Бундан зўр аёл дунёда бошқа йўқ, шошилиб қол, сен муҳаббатга йўлиқдинг, бу – муҳаббат! Зарури – шу, қолганидан кеч!» – дея қутқу сола бошлади.

«Тила тилагингни», – деб қистайди эркак. «Ўзи рози бўлиб сўраяпти-ку, кўнглингга келганини айтиб

қол», – дея ундаиди сенинг шайтонинг! «Бу гап ўзидан чиқди-ку», – дейсан ўзинг ва кўнглингта келганини айта бошлайсан...

Ана шу жойда сен шайтоннинг тузогига илиндинг! У овини илинтириш учун сени ўртага қўйди! Гўл эркаккинани гуноҳга тутиб бердинг. Сен – бор-йўғи тузоқсан, ўлжани эса тузоқ эгаси олади. Қарабсанки, ҳеч нарсасиз қолдинг, яъни энди омадинг чопмайди, ҳар ишингда ишқал чиқаверади. Чунки сен бироннинг гуноҳкор бўлишига сабаб бўлдинг. Эркагинг сени хурсанд қилиш учун кимларнингдир дилини оғритди, уларга эътиборини, бурч туйғусини унуди! Бу уятсизлик, ноинсофлик, қолаверса, енгилтаклиқдир! Шу ҳолатга тушган эркакни гўл дедик. Аммо унинг касрига қолиб турган – сен ундан ҳам гўлроқдирсан! Чунки шайтонга қўл берганингиз ўлжасига айлантиргмаган бўларди.

Агар эркак Ҳадиси шарифнинг «яхши кўрган кишингни ўртачароқ яхши кўр, бир куни келиб, балки у ёмон кўрганинг бўлиб қолар» деган қаломини таниганда эди, ўзини шайтоннинг ўлжасига айлантиргмаган бўларди.

Сен ҳам ўша муборак китобдаги «Бир нарсани яхши кўришинг сени кўру кар қилиб қўяди» деган жойини ўқиб уққанингда эди, «боримни ҳам, жонимни ҳам сенга тутдим» деб турган эркакка ҳушёроқ қарадинг. «Наҳот мен унинг ҳамма яқинларидан юқори турсам, мени топгунча унга суюнчиқ бўлганларга мутлақо беэътибор бўлиб қолиши унинг нонкўрлиги эмасми? Уни кўру кар қилаётган мен эмасми?!» дейишинг керак эди.

«Хотинлардан тақво қилингиз, қўрқингиз» деган хитобда буюк огоҳлантириш бор. Ва бу мурожаат кўпроқ аёлларнинг зеҳнида жаранглаши лозим. Сабабки, эркак киши феълида тўрт эмас, минг фасли бор аёлдан эҳтиёт бўлишга кўпинча ожиздир. Бу ожизликка шафқат яна аёлдан сўралади.

Жуфтининг қай пардасини эзса, қандай оҳанг таралишини аёли чандон билади. Аёл бир сўз билан эрининг феълидаги исённи бостириши, бир сўз билан унинг кўксига ўлган илонни тирилтира олиши мумкин. Огоҳ бўл, эркак сув омборига қамалган бетизгин тўлқин, қай томонга бурсанг, ўша ёқни ювиб кетаверади. Шунинг учун ҳам, истасанг, тўрт тарафга қараб булбулдай чаҳ-чаҳлайвер, аммо жуфтинг ёнида тилингга қулф сол, фақат керак сўзнигина чиқар! Танишибилишларинг, яқинларинг ҳақидаги мулоҳаза-таҳ-лилларингни сўзлайверма, у бирордан ўринсиз совиб ёки унга ўринсиз исиб қолиши мумкин. Жуфтингга таъсиринг ўтаётганини сезган заҳотинг ўйла: бу етаклашингнинг охири гуноҳга тақалмайдими? Ҳеч кимга озор етмайдими? Нияting Аллоҳ рози бўладиган яхшиликми? Агар шундай хушёриқда турсак, шайтон ҳеч қачон бизни тузоққа айлантира билмас!

\* \* \*

«Аллоҳ таоло: «Одам боласи даҳрни сўкгайдир, даҳр эрса – Мен эрурман, тун ҳам, кундуз ҳам Менинг илгимдадир!» – дейди», – деб айтган эканлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам.

*Хадис*

Даҳр бу сиз билан биз яшаб турган замон ва макондир. У шу туриши, яъни пасту баланди билан пешонамизга битилган. Биз шу замонга муносибмиз. Тўғрироғи, бизнинг феълимизга қараб замон яхши ёки ёмон бўлажақдир.

Даҳрнинг, яъни замоннинг бир парчаси оиласиздир, у мендир, жуфтимдир, боламдир! Ва ҳаммамиз биргалашиб, худди тўр тўқиган каби ўз тақдиримизни тўқиб борамиз. Гоҳо кўргуликлар рўпара келса: «Бу пешона-да! – деб оҳ урамиз! – Гуноҳим йўқ,

эса-да, шу күйга ташлади», – деб айбни худога түнкаймиз. Баъзан эса, «Худо яхши кўрган бандасини қийнар экан», деб ўзимизни алқаб қўямиз, яъни кулфат ичра ҳам кибр билан турамиз! Аслида, Аллоҳ адолатда беназир! Тўғри, ҳар кимсага тақдирни унинг ўзи юборади, фақат феълига қараб! Ҳеч банданинг қисмати бошқасиники билан алмашиб қолмайди! Ҳамма ўз экканини олади.

Аёл – вазир. Аёл – оиласда эркақдан кейинги раҳбар. Адолатли қозиликни уйда аёл олиб бориши керак, энг маъқули шу. Шу боисдан ҳам, аввало, аёл илмли ва тарбияли бўлсин деб тилайлик. Кизларнинг дунё-қарашини бойитишга қасд қилайлик. Бунинг зарурлиги яна шундаки, болага кўпроқ онанинг феъл-автори ўтади, рўзгор аравасини эркак тортади-ю, аммо қўзга кўринмас жилов аёлнинг қўлида бўлади. Оиласи муроду мақсадига етказадиган ҳам, жарга қулатадиган ҳам аёлдир!

Дейлик, ўғлингиз гап қайтарадиган бўлиб қолди. Сиз зўр бериб орқаворотдан унинг жўраларини айблайсиз. «Уларга қўшилгандан бери шундай бўлиб қолди», – дейсиз, хато қиласиз! Келинг, шу биргина ҳолатни таҳлил қилиб кўрайлик. Болангизнинг бетгачопарлиги – уйингизда пиширилган ош! Биринчидан, ўғлингизга ўринли-ўринсиз танбеҳ бераверадиган отасини тия билганингизда, боланинг асаби бугунгидай ишдан чиқмасди! Иккинчидан, ака-укаларни бирининг олдида иккинчисини мақтаб ёки камситавермаганингизда, болада бундай нафрат уйғонмасди! Учинчидан, эр-хотин ўзаро ўринсиз можаролар ясаб, бирбирини беҳурмат қиласидиган хонадоңда ҳам болалар ота-онанинг иззатини қилмай қўяди ва ҳоказо...

Бугунги ёшлар аввалгида эмаслар, деб сиз даҳрни сўқманг. Аксинча, биз – катталар кўнгилдагидай эмасмиз. Ўз болангиз ўзингизга сапчияптими, унинг гувоҳлигида қилган хатоларингиз учун, Аллоҳ, болангизнинг ўзидан жазо ясаб сизга юбораётир.

\* \* \*

**Шошилмаслик Аллоҳдан,  
шошилиш шайтондандир.**

*Хадис*

Шошилиш зўриқишига олиб келади. Қадамингни ўринсиз тезлаштирсанг, қоқилиб йиқилишинг мумкин. Қўл ҳаракатингга зўр берсанг, уни бунга уриштириб юборишинг, тилингни шошилтирсанг, нокерак гапни айтиб юборишинг, ақлингга газ боссанг, хом хуласаларга келиб қолишинг мумкин. Айниқса, аёл шошқалоқ бўлса, оиласида мувозанат бўлмайди. Ҳамма аёл ҳам сифат белгиси билан туфилмаслиги, унинг устига орада шайтон борлигини ҳисобга олсак, шошилишнинг зиёни беҳаддир.

Оила аъзоларингга гумон билан қарасанг, уларнинг асабларини бедавога, неча кунларингни қарога айлантирасан. Болаларинг тақдирини шошилиб ҳал қилиб, баҳтсизликлар ясад, армонларда тўзиб борасан ва ҳоказо...

Фақат ўзининг оиласини куйдирса майли-я, баъзан бир енгил ўйладиганнинг касри бир жамоага, бир жамоанинг шошқалоқлиги минг жамоага зиён етказиши мумкин. Масалан, маънавиятни юксалтириш бўйича Ҳукуматимизнинг қатор қарорлари чиқди. Бунга дарҳол жавоб бергилари келди-да, бир шошқалоқ бошлаб берди-ю туфурӯқхонадан то машина паркигача «Маънавият хоналари» ташкил этила бошланди. Ваҳоланки, маънавият марказлари томонидан бундай кўрсатма берилмаган эди. «Қандай маънавий ишлар олиб боряпсиз?» деган саволга юзларида фахр билан обдан ялтиллатилган, машҳур кишилар суратлари ва плякатларга тўлдирилган хонани кўрсатадилар. Шу билан гўё маънавият яратиб бўлинди! Текширувчи боргандагина очиладиган бу хоналар одам кирмагани учун, доим бўёқ ҳиди билан димиқиб туради, гиламлари ҳам ҳамиша яп-янги. Ҳар бир мактабда пештоқига «Маъ-

маъқуллайдиганлар бордир, шунинг учун чоранинг тезини қидирадиган бу аёлга билдирган мулоҳазамни яна бир айтиб ўттай.

«Айтинг-чи, синглим, – дейман унга, сиз ҳам аралаш мактабда таҳсил кўргансиз, демак, ўзингизни айниган ҳисоблайсизми?» «Мен ундайлардан эмасман!» – дея хитоб қиласди у...

Бу аёлнинг ўзидан бошқага бадгумонлик билан туришининг ўзи мусулмончиликдан эмас, бу бир. Иккинчидан, яхши ният сари бундай ғазаб, аламзадалиқ билан киришмайдилар. Пайғамбаримиз атадилар: мусулмоннинг кўзга ташланадиган биринчи белгиси ҲИЛМдир. Қолаверса, бирга ўқиганки қиз-ўғил айниб кетаверса, атрофда соғ одам қолармиди!

Ахлоқнинг яхши-ёмонлиги асосан зотга, тарбияга боғлиқдир. Боланинг аввал дилини поклаш керак, яъни гўзал ахлоқ илмини фан сифатида кўплаб соатларда ўқитиш, сингдириш керак. Ҳаромдан ҳазар, ҳалолга интилиш хоҳиши кишининг юрагидан сизиб чиқмас экан, у ўлжасини пойлаган ўғри мушукдай иш тутаверади. Асил инсонларнинг боласини қай даврага солманг, атрофини тозартирса тозартирадики, айнимайди. Ёмонга минг чора кўринг, алоҳида мактабда, ҳатто устидан қулфлаб қўйиб ўқитинг, баривир, девордан ошиб бўлса-да, ҳаром томоғини тераверади. Қолаверса, бугунги ўсмир қизу йигитни (ҳали гуноҳдан қўрқишилни тугал олмаган ёшларни) ўзаро қанча узоқлаштирсангиз, шайтон уларнинг бир-бирига қизиқишини шунча орттираверади.

Оз бўлса-да, енгилтабиат ёшларнинг учрашига сабаб, уларнинг аралаш ўқитилиши эмас, маънавий тарбияни етарли ололмаётганидир. Илм сингдиришнинг турфа усулларини қидирмаяпмиз, қидирсак-да шошилиб қўйиб, натижа ола билмаяпмиз. Бунинг учун, биз мураббийлар, яъни ота-оналар, муаллимлар, отинойилар, қўйинг-чи, ҳамма ёши улуғлар ёшлар қошида хижолатлиkmиз. Шошилмайлик, аммо изланишдан тинмайлик.

\* \* \*

**Аёлларни фақат улуғ одамлар  
ҳурмат қиласи. Уларни фақат  
пасткаш одамлар хорлайди.**

**Хадис**

Қуёш аслида иккита! Бири күнда, бири эса «АЁЛ» номи билан заминда яшайды. Аёл – малхами дунё! У – нур манбаи! Жумла оламни Қуёш, одамлар қалбини эса Аёл иситиб туради! Демакки, күндаги Қуёш шу туришида ҳали мукаммал эмас, унинг тўқислиги аёл биландир! Онасиз, опа-сингилсиз, умр йўлдош ва маҳбубасиз, қизингизсиз, хола-аммаларсиз ва ёки қўшни момоларсиз қолишни бир тасаввур қилинг-а! Тепангизда ўнта Қуёш бўлса-да, баҳорингиз қишига айланиб, ёзларингиз изифирин бўлгай!

Эркакдан ҳурмат сўралиши аёлнинг баҳосини ошириш учун ёки унинг «заифа» аталгани учун кўнглини кўтариш маъносида эмас, балки эркакнинг ундан қарзлари беҳад кўплиги учундир.

Эркакка рўбару бўлгандан бошлаб, аёл босган ҳар уч қадамнинг иккитаси азият. Аммо Аллоҳ уни шу қисматга кўндириб қўйган. Бу ҳолатни у оддий яшаш тарзи деб билади, миннат қилмайди, фифон чекмайди. Аёл ҳеч қачон ўзининг ҳурмат қилинишини сўрамайди! Ҳурмат кўргудай бўлса, ҳайрат ва ҳаяжон билан, мукофот тарзида қаршилайди! Ўзини бу даражотга муносиб кўрмай, баъзан хижолат чекиб ҳам қўяди. Унинг шу туришининг ўзи буюклик-ку, биродар!

«Эркакнинг қарздорлиги» деган гап кимларгадир ёқмас балки, ана ўшаларга икки оғиз сўз айтай! Сиз аёлга беписанд қараб, гуноҳга ботмангиз. Энг кичик мисолни олайлик, ҳар гал аёлингиз қўлингизга сув қўйиб, эгилиб сочиқ тутган пайтлар бўйингиз бир газ ўсмайдими? Сизни юқорига ўтқизиб, ўзи пойгакка чўккалаганда ўзингизни подшоҳ сезмайсизми? Гуллаб турган бодом новдасидай бир аёлнинг эшигингиздан

бош эгиб кириб, күзингизга жавдираб, ҳаёт-мамотини сизга бағишлаб, қаттиқ останангизга бош қўйиб яшай бошлашининг ўзи сизни кўкларга кўтармайдими?! Ўзининг неларнидир қумсаётган кўнглини ерларга кўмиб қўйиб, таомни сизга ёқадиганини пиширса! Сиз хуш кўрадиган чой дамласа, сизнинг дидингизга мослаб дастурхон безаса! Бу сиз учун осмоний мукофот эмасми? «Берган худога ёқибди» деган нақл бор. Аёл ҳузурини йўқотиб сизга ҳузур бераётир. Сизнинг бу хурсандлигингиздан Аллоҳ ҳам хурсанд. Аммо бандаларни рози қилиш сизнинг ҳам елкангиздаги юк! Ўзингиз ҳам аёлингизни меҳнатларига яраша хушнуд қилишни ҳар гал юрагингизга туғиб қўйинг, биродар!

Келтирган ҳадисимизнинг **«аёлларни фақат улур одамлар ҳурмат қиласи»** жумласига эътибор қилинг. Аҳли аёлига иззат-икром кўрсатадиган эркаклар жуда кўп. Аммо яхши аёлларнингина ҳурматланиши ҳали катта савоб эмас. «Косанинг тагида ним коса» деганларидаи, бу ҳадисда нозик бир ишора, яъни «кўнглингдагидай бўлмаган аёлингни ҳам ҳурмат қила бил» деган маъно ётадир!

Тили югурик, феъли тез ёки тутуми ёмон аёл энг хунук аёл. Мен ёки бошқа кимдир уни шундай аташимиз, ёмон кўришимиз мумкиндири. Аммо, ҳурматли эркак, сиз ҳаргиз бундай қила олмассиз! Ичингизда ёмон кўриб турсангиз ҳам, унга ёмонлик кўрсатмагайсиз. Бу инсофдан бўлмас, Аллоҳ ҳам рози бўлмас! Сабаби, хира тортиб қолган кўзни ўйиб ташломайсиз, оқсаётган оёқни кесиб юборолмайсиз, чунки улар шу туришида ҳам сизга керак, бу биринчидан. Иккинчидан, оёқлари гурсиллаган, кўзлари чараклаган эди, улар сизнинг хизматингизда шундай ҳолга келдилар! Сизга мақбул бўлмай турган аёлингиз ҳам керагингиз, сиз учун фидо бир жондир, қолаверса, у ҳам бекорга бадфеъл бўлиб қолмаган!

Аёл сизга ёқмаган алфозда ҳам қозонингизни жазиллатиб, чироғингизни ёқиб юраверади, ўтингиздан

кириб кулингиздан чиқаверади. Юклик ҳолатида ҳам ўшандай, тиними йўқ. Ичидаги боласи унинг ўпка-жигарига чирмовиқдай ёпишиб, бағридаги бор мағзини шимиб турса ҳам (бекорга «оғир оёқ» демайдилар), оёқлари шишиб, бели узилай деса ҳам, ётиб олмайди, рўзғорнинг, сизнинг хизматингизни қилаверади! Сизнингча, ҳурмат унга бўлмай, кимга бўлсин?!

«Кўзи ёриди» дейдилар ва бекорга бундай демайдилар. Фарзанд кўриш жараёнида аёл қоронғу гўрни кўриб қайтади, «ё ҳаёт, ё мамот» дея қутқу солиб турган кўприқдан ўтади. Кўзи ёрир экан, аёл суюкларининг қирсиллаб сурилаётганини эшитиб, этларининг узилаётганини билиб туради. Жони кўз косасидан чиқай деб турса-да, «дўхтиржон, нима қилсангиз ҳам, боламни тирик олинг» дея фарёд уради! Ўзим нима бўламан дейиш йўқ! Айтинг-чи, биродар, ҳурмат фақат унга бўлмай, кимга бўлсин?

Бола онанинг ҳамма аъзосидан узиб-юлиб олиниб, бола шаклига кирган вужуддир! У туғилганда қўллари мушт ҳолатда бўлади, қарангки, бола тушишда ҳам она қорнининг охирги намларини чанглаб тушади. Яна бир мўъжизани кўринг, агар болани туғилган заҳоти онасининг қорнига дум ётқизиб қўйилса, ҳали кўзлари очилмай туриб, сирпана-сирпана она кўкрагини ўзи топади ва эммоққа тутинади!

Айтишларича, сут оқ рангдаги қон экан, демакки, бола туғилган заҳоти онасининг қонини сўришга тушади! Фарзанднинг «ширин душман» эканлигининг дастлабки мисоли шу! Болани вояга етказиш деган жанггоҳ, ҳар бир онадан ўзини қурбонлиққа тортишни сўрайди. Қойил бўлингки, бу йўлда яхши аёл ҳам, ёмон аёл ҳам жонини бирдай тикади! Шунча жафо билан эришилаётган фарзанд эса, воҳ-воҳқим, унинг номи билан эмас, «фалончизода» деб сизнинг номингиз билан аталади!

Ҳазрати эркак! Аёл сизнинг палагингизни кўпайтираман деб вайронага айланди! У сизнинг номингизни

ұчирмаслик учун жонидан кечишига тайёр турди! Бу фидойи жон камчилиги ошиб-тошиб кетганда ҳам, минг эмас, миллион ҳурматта лойик эмасми?!

Нұқсони бор аёлининг аёллик ҳурматини жойига қўйган эркак йигитнинг яхшиси! Алоҳ розилиги учун ҳам асранг аёлни! Бу ХОКИСОР БҮЮКЛИКка қўтармоқчи бўлган қўлларингизни ўзингиз суд қилинг! Унга бепарда сўзлар отмоқчи бўлган тилингизга оловлар босинг! Унинг тани сиҳатлигини ўйламаган кунларингизни қаро деб номланг! Аёлингизнинг тўлмай турган кўнгли ва оғриб турган жонини тинглай билинг, улуғлашганингиз шу, азизим!

\* \* \*

**Эркаклар хотинларга  
итоат қилгандарида ҳало-  
катга учрайдилар.**

**Ҳадис**

Аёлнинг атрофингизда гирдикапалак бўлиши ҳали муҳаббат изҳори эмас, у фақат умр йўлдошлиқ юзидан сизнинг соғ ва хушнуд бўлишингиз учун қайфурмоқда. Бу юмушларни у фарз деб билади. Эркакнинг ҳам рўзюордаги энг ориятли юмуши аёлинни соғлом асрашдир. Деймизки, Ватан – муқаддас, уни бало-қазодан ҳимоялаш эркакнинг шаъни, қиёмат қарзи! Аёлингиз эса болаларингизни ўз устухонлари аро ундириб, ўстирадиган иккинчи ватандир! Аммо Ватаннинг хунукчиroyлиги, яхши-ёмони бўлмас. Агар сиз бор жойда у хароб бўлса, сизнинг тириклигингиз ёлғон! Болангизга бафингиз ачишса, оталикни жойига қўяман десангиз, онасининг жонини ҳурмат қилинг!

Аммо... бу орингни-ю, фурурингни аёлингга қурбон қил дегани эмас! «**Эркак киши аёл устиндан раҳбардир**» дейилади яна бир ҳадисда. Нима учун ақлу макри қирқ туяга юқ бўладиган, яралишдан жонсарак аёл раҳбар сайланмаяпти? Эрга итоатга буюриляпти? Бу

навият хонаси» деб ёзилган хона албатта бор! Айтингчи, маънавият бир хонага жамлаб қўйиладиган нарсами? Ахир мактабнинг ўзи яхлит бир маънавиятхона эмасми, мантиқ қани, биродар?

Маънавий тарбия – инсон дунёниг бу эшигидан кириб, у эшигидан чиқиб кетгунигача давом этадиган илм бериш жараёни дегани! Маънавият инсондаги виждандир, ориятдир. Маънавият тарбияси шу ор, вижданни асрар, ўзини ва ўзгаларни асрар илмидир! Фазл йифиб, *ВАТАН* ва *ХАЛҚ* деб аталган онаи мукаррамага муносиб бўлиш илмидир! Бундай муқаддас юмуш шошқалоқликни кўтарадими?

Мустақиллик бизга дин, виждан эркинлигини берди, офтоб юрагимизнинг ўртасидан балқигандай бўлди. Аммо яна шайтон оралади – шошқалоқ художўйлар кўпайди, маҳаллаларда шитоблик билан маҷитлар кўпая кетди. Қарабисизки, бу бир тўп ғоявий душманлар учун қулайлик бўлди. Заҳмини элу юртортди.

Етти-саккиз йил бурун ўтказилган бир давра сұхбатини эслайман: фаоллар билан бирга исломий илмга ихлос қўйган аёллар ҳам таклиф қилинган эди. Дил поклиги, бурч ва садоқат ҳақида гап кетарди. Мажлис аҳдининг асосий қисми бўлаётган гапларга хайриҳоҳ эканлиги шундоққина кўриниб турар, аммо бир ёшгина жувоннинг менга тикилган нигоҳи жуда асабий эди. Ҳа деганда менинг ҳам кўзим шу аёлга тушаверди. Сўзимни бўлиб, унинг фикрини сўрадим, худди шуни кутгандай у бирданига портлади: «Бундай гўзал сұхбатлардан фойда йўқ! Ёшларнинг тарбияси яхши бўлсин десак, тезлик билан мактабларда қизлар билан ўғил болаларни ажратиб ўқитишга ўтиш керак! Ҳамма кўнгилсизликнинг сабаби ўшанда!» – деди иддао билан. Бу жувоннинг нияти яхши, аммо унинг фикрлашида бетоқатлик бор эди, агар у шу тутумда кетса, албатта қош қўяман деб кўз чиқараверади! Дарвоқе, китобхонларимиз орасида ҳам унинг фикрини

безиз эмас. Аллоҳнинг ҳамма иши ҳисоб-китобли. У руҳият қонунларини заргарона ишлаб қўйган. Гар буздинг – ҳалокатга учрайсан.

Раҳбар – таъминловчи, раҳбар – ҳимоя қилувчи, раҳбар – иш тақсимловчи ва айниқса, назорат қилувчи! Ба раҳбар – санъаткор: важоҳатли ё мулоийим, очиқ ё босиқ қиёфага кира билиши керак. Аллоҳ аёлни ўз жуфтини ана шундай қиёфада кўришга эҳтиёжманд яратган, бу Яратганинг хоҳиши. Эркак ўшандай бўлолмаса, худонинг измидан чиққан бўлади ва жазоси тайниндир.

Ҳаётга бир разм солинг. Жуфти еру кўкка ишонмай, кўзига жавдираб турадиган, оғзидан чиққани ижро бўладиган аёл борки, эрига нисбатан лоқайд бўлади. Ҳатто кетма-кет кўрсатилаётган фидоликларни қувониб эмас, эринибгина қабул қиласи. Кўряпсизми, эркак ўз меҳрига яраша меҳр ололмай турибди ва ололмайди ҳам! Чунки у атрофдаги бошқа қарзларини унутиш ҳисобига аёлига ортиқча берилди. Ундан ташқари, ўзининг ҳазратлигини унуди: унга жуфти беписанд бўлса-да, «ҳурмат» кўрсатаверди! Қолаверса, раҳбарона сир бой бермасликни унуди: аёлига юрагидаги борини тўкиб солаверди! Бундай кўйга тушган эр эса аёлнинг наздида бирдан ушоқланиб, бўйи ҳам пастлаб кетгандай туйила бошлайди! Унумтангки, эру аёл бир-бири учун ҳаргиз забт этилган чўққига айлануб қолмаслиги керак. Акс ҳолда, зерикиш бошланади. Инсон руҳиятини Яратган шундай ясаб қўйган. Эркак бош эгиб, изҳори муҳаббатга тушдими, тамом, аёлда кибр уйғонади ва ўзи билмаган ҳолда жуфтидан совий боради ва бу Аллоҳдан. Ҳалокатинг бирламчиси шу.

Рўзгор эр кишини сара-пучакка ажратадиган жанггоҳ. Йигитларжон, қулогингизга қуйиб айтай, бозор ва уйнинг хўжалик ишлари фақат сизда бўлсин. Аёлингиз болға-теша, бозор халта ушламасин. Оиланинг кўча билан битадиган ҳамма муаммолари сиз орқали ўтсин. Минг кўйга тушсангиз ҳам, шуларга яранг! Аёлингиз

бу ишларга ишқибозлик билдирса ҳам, унинг масла-  
ҳатини олинг, аммо майдонга ўзингиз тушинг. Эркакча  
тутум шу. Гар сиз буни уддаламасангиз, турган гапки,  
бу юк аёлга қолади. Оқибатда, биринчидан, унинг  
бошқа юмушларига бу ҳам қўшилиб, вужудида  
зўриқишиш бошланади. Бу дегани – у тажанг тортади,  
соғлиғи кетади ва носоғ болалар бера бошлайди. Иккин-  
чидан, феълида эркакшодалик юзага келади, рўзго-  
рингиздан иффат кўтарилади. Бу сиз учун яна бир  
ҳалокатдир!

Фармонбардорлик ҳуқуқи ҳамиша ишни қотириб  
қўйган киши тарафдадир. Агар сиз тўрт мучангиз соғ  
бўла туриб, аҳли аёлингизни иссиқ-совуқдан, иснод  
ва хатардан ҳимоя қиломасангиз, қозонини қайна-  
толмасангиз, ўз-ўзидан оиласдаги овозингиз пасайиб  
боради! Энди аёлнинг овози амри фармонга, сиз эса  
итоатга ўтасиз! Бу ҳам ҳалокат! Бу дегани аёлингиз  
изнингиздан чиқди, демак, синдингиз! Аёл рўзгор  
тортишда майдонда ёлғиз қолди, жуфти тирик туриб,  
ола хуржунни елкасига олди, ўксикланди, ғариблашди  
дегани! Энди унинг оҳи тутади сизни!

Борди-ю, топармон-тутармонлигингиж яхши дейлик,  
аммо аёлингиз сизга иш буюриб турса, шанғиллаб  
танбех, берса, ўз иззатингизни ҳимоя қиломасангиз,  
унинг жағини ёпиш учун ҳам айтганини бажара-  
версангиз, бундай хонадон ҳам хатарга тўла! Қизла-  
рингиз борган жойида эрларини хор қилади, кели-  
нингиз ўғлингизнинг елкасида юради! Аёлга ўринсиз  
итоаткорликнинг жавоби бу!

Эркакларнинг ҳар уч хатосининг иккитаси аёллари  
туфайлидир. Аёлингиз Аллоҳ рози бўладиган ишлар-  
гагина етакласа, маслаҳатларига қулоқ осинг. Мабодо,  
у меҳрибонлик билан чой узатиб, ўзингизни ўзингизга  
мақтаб туриб, молу дунёга, шон-шухратга хирс қўйдир-  
маяптими? Оға-иниларингизга, қўни-қўшниларга гиж-  
гижламаяптими? Онангиздан аразлашга, отангиз ўлмай  
туриб мерос талашишга сизни созлаб қўймаяптими?

Агар шундай таъсирда бўлсангиз, ҳалокатга учраганингиз шу! Бу билан худо берган буюк неъмат – орвиждан, жигар-бафирдан жудо бўлдингиз! Энди сиз яшайверасиз, юрагингиз ураверади, фақат руҳсиз соатга айлангансиз, аёлингиз буровингизни нечага тўғрилаган бўлса, ўша вақтда бехато жиринглашни биласиз, холос!

Эсингида бўлса, бир ҳадисда «**Аёлларни улуғ одамлар ҳурмат қиласилар**» дейилган эди. Яна эслаб қолингки, аёлларни ҳурмат қилган одам ҳали улуғ эмас, ҳурмат қилиш меъёрини билган одам улуғдир. Жами эркакларга улуғлик тилайман.

\* \* \*

**Ёнма-ён қурилган бинолар  
бир-бирларини ушлаб турганидек,  
мўминлар бир-бирини қувватлаб  
туряди.**

*Ҳадис*

Мўминликнинг бир кўриниши ҳамиша бирорга яхшилик илиниш, яхши ниятларга рағбат бериш, ҳеч йўқ бирорнинг ҳақига самимий дуолар қилишдир. Аллоҳ, бандаларини атойи яхшиликка чорлади. Азбаройи уларни суйганидан шундай қиласиди. Унинг чорловлари замираидан бизга аталган мукофотлар ваъдаси бордир. Дейлик, сиз бирорга мурувват кўрсатдингиз, шу заҳоти қўлу тилу дилингиз бунинг учун сизни олқишлийди. Чунки улар савоб ишлар учун яратилган эди, сиз юзларини ёруғ қилдингиз, Яратганнинг эса бунинг учун мукофоти тайин, бу бир! Иккинчидан, сиз хурсанд қилган одамнинг қувончи, розилиги Яратганни яна рози қиласиди, бу ҳам Аллоҳнинг янги тортифи сизга келяпти дегани! Қолаверса, кимсани қувонтириб, аввало ўзингиз яйрайсиз. Қарабсизки, ўзингизда ва хурсанд қилган кишингизда бу кайфият туфайли янгидан-янги яхши ниятлар туғилади ва эвазига иккингиз учун яна устма-уст савоблар ёзилади.

Аллоҳ таоло айтади: «Агар банда Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Агар банда Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч юраман. Агар у мен томонга юра бошласа, Мен унга томон югурмаман». Аллоҳнинг сахийлигини-ю бизнинг ғоғиллигимизни қаранг, бирорвага қилган бир муруватимизга жавобан ўн туҳфа тайёрлаб турибди. Энди айтинг-чи, биродар, биз ҳар доим ҳам бир-биримизга муруват билан яшаяпмизми?

Бир-бирингизни суюнг дея чорлайди Куръони қарим! Беихтиёр хаёлим онамга учади. ... Мунчоқдай икки синглим қазо қилди. Менгача эса уч акам ўтган. Қўзидағи жоласи тинмагувчи онам яхши-ю ёмонга пайдар-пай муруватлар кўрсатар ва мен – ёлғизгинани дуо қилишларини сўрарди. 13 ёшга етганимда ўғил укалик бўлдим. У эндиғина атак-чечак босган кунларнинг бирида онам «болам, бугун яхши ният билан ҳовлима-ҳовли юрамиз» деди ва вазифамни тушунтириди. Ёпинчиққа ўраниб олган онам, ҳар бир ҳовлига кирар эканмиз, остоноадаёқ чўккалаб олар ва мунғайғанча қўлларини чўзиб жим ўтиради. Мен эса қийқим мато сўраб кирганимизни ва укамга умр сўраб дуо қилишларини уқдирадим. Хонадон бекалари хайриҳоҳлик билан елиб-югуриб қийқим-сийқим топиб чиқишиар ва кўзларида ёш билан укам учун Худодан сўранардилар. Онам сим-сим йиғлаб юриб бу қийқимлардан жанда тиқди. Укам беш ёшга киргунча фақат шуни кийди. Ҳар сафар бу қуроқ тўнни ювиб-тозалаб ўғлининг елкасига илар экан, онам «болам жанда эмас, элнинг дуоларини кийиб юрибди, қўргони шу дуолар бўлади, иншооллоҳ» дерди қониқиш билан.

Жанда масаласи балки бидъатdir, аммо онам дуода хосият кўплигини билган ва шунинг учун ҳам дуолар гадоси бўлган экан...

Ҳар бир инсонда нур захираси бўлади. Яхшиликка отланган заҳоти бу нур уйғонади ва унинг юзида балқийди. Қарабсизки, атрофга даволовчи зарралар тарата

бошлайди. Онам беморланса, ихраб, ўнтаң, юрагингни шувиллатадиган бўлиб оғрир эди. Аммо қадрданларидан бирортаси ҳол сўраб киргудай бўлса, дарҳол ўнгланиб қолар, зум ўтмай кирсангиз, хандон отиб ўтирган бўларди... Касалнинг катта-кичиги йўқ, ҳар қандай bemor икки йўл ўртасида туради. Ҳол сўраб келганнинг нурли юзи, икки оғиз меҳрли сўзи, Аллоҳ сабабчи қиласман деса, кишини ҳатто ўлимдан ҳам олиб қолиши мумкин.

**«Ҳар бир банда Аллоҳнинг иморати, уни бузишга ҳеч кимга изн берилмайди»** дейилади Қуръони қаримда. Қасд билан, ҳасад билан бировнинг кўнглини вайрон қилган одам мўминликдан чиқсан одамдир, энди у жазосини кутаверсин! Аммо яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам эгаси Худо, Унинг розилиги учун сахийликни, муруватни барчага, ҳатто сизни ёқтиргмаган ва сизга ёқмаганларга ҳам раво кўриш мўминликдандир. «Нима учун ёмон кўрган кишимга яхшилик қиласканман» деб торлик қилманг, биродар! Ҳақнинг Ўзи муқаддас Қуръоннинг ҳар саҳифасида «Мен афв этгувчиман» деб турибди-ю, «фалончини кечиролмайман» дейидиган бандаси унинг олдида ким бўлиб қолибди?! Қолаверса, сизнинг хуш кўришингизни билиб турадиган одамга муруват қилсангиз, яна бир севиниб қўяди, холос, аммо ҳаяжонланмайди. Сизни ёмон кўрадиганга қилинг яхшиликни, ана ўшанда кўрасиз, у буни байрамдай қабул қиласди, севинчларида мушаклар портлади! Бори йўғи сиз унинг кўнглини кўтардингиз, холос. Аммо энг катта фойдани ўзингиз кўрасиз: боши берк кўчага кириб қолган талай ишларингиз энди ечимини топажақдир! Бу баҳт-ку ахир!

Бирор яхши ишни бошлаб қўйиб, чўчиб турганларга рағбат берсангиз, кучига куч қўшилади. Иморат со-лаётганга «ҳорма-бор бўл» қилиб хабар олсангиз, тилло бергандай бўласиз! Бировдаги фазилатларни сезганингизни ўзига сездирсангиз, сафдошларингизнинг яхши ишларини табриклай билсангиз ва улар ҳақида

атрофга ҳикоялар айтиб юрсангиз, унинг эмас, ўзингизнинг баҳоингиз ортади! Бир-бирини суяб яшаш баҳти, құшдай учиб, яйраб яшаш лаззати мана шу!

Биродар, дарвозаларни тақиллатинг, эшик очганга «Бормисан, қүёшім» денг! Телефон жириングласа, гүшакка юрагингизни тутиңг ва бағир бериб сұрашынг! Іннингиздан үтиб бораётгандарни пичирлаб дуо қилинг, улар сизнинг атрофдаги устунларингиз, улар борки, сиз тикка юрибсиз. Мен ҳам құлларимни кафтингизга қўйиб турибман, юрагимнинг томирларингизга томишини эшитяпсизми, азизим!

\* \* \*

**Одамларнинг юрадиган йўлидан тиканни (халақит берувчи нарсани) олиб ташлаган кишининг ўтган ва кейинги гуноҳларини Аллоҳ мағфират қиласин.**

*Ҳадис*

Одамларнинг ўзидан кўра Аллоҳ, уларни қўпроқ авайлайди. У доим бизнинг кўнглимизга солиб туради ва ўзимиз билмаган ҳолда кўплаб савоб ишларни адо этиб юрамиз: бирорни ранжитмаслик учун гапни танлаб айтамиз; кимсанинг кўзига ботмаслик учун, у ёқбу ёғимизга қараб кўчага чиқамиз; одамларнинг кайфиятини кўтариш учун, дарвозамизнинг олдини ораста қилиб қўямиз.

Инсонларнинг корига яраш борасида икки тоифанинг – ҳунармандлар ва савдогарларнинг ҳам ўрни катта. Ҳунарманди билан савдогарининг имони бор юрт барқарор бўлади деган гап бор. Қўлдан кетгунча эмас, одамларни рози қилиш учун ихлос билан буюм ясаган ҳунарманднинг ҳабиби ҳам, табиби ҳам Аллоҳдир. Барака-ю баҳт шунинг уйида! Савдогарлар эса манзилларга мол эмас, маърифат ва маданият ташийдилар. Назари тўқ кишигина бу касбга қўл урса яхши.

Хақиқий савдогарлар аввало дидли – халқининг маънавий юксалишини, саломатлигини ўйлаб мол танлайдиган, қасами инсоф ва доимо эҳсонли бўлганлар. Тарихимиздан маълумки, юрт учун кўплаб фойдаси текканлар шу тоифа вакиллариридир.

Андижонда бутун умрини одамлар учун гўзаллик яратишга сарфлаб бир улуғ инсон – Солижон ака Меҳмонов яшаб ўтди. У Хонободда йигирма йил ижро-қўмга раис бўлди ва халқни ялпи кўтариб, тошлоқ, тўқайзор бўлган бир жойни боғ шаҳарга айлантириб кетди. Унинг шундай ўгитлари бор эди: «Жамият тараққиёти бир жиҳатдан шахснинг кайфиятига боғлиқ, ўша нуқтани маҳкам ушлаш керак. Бир куни газетада ўқиб қолдим, Америкада таназзулга кетаётган корхонада тажриба ўказибдилар. Яъни заводнинг бир бўлимини яхшилаб таъмирлаган эканлар, иш унумдорлиги қирқ фоизга кўпайибди. Аммо таажжубланарлиги шуки, ҳали хароблигича турган иккинчи бўлимда унумдорлик йигирма фоиз ортибди. Улардан: «Нега шу кунгача орқада келиб, энди бундай натижага эришдинглар», деб сўрасалар, «Яқинда бизнинг бўлим ҳам таъмирланар экан-да», дер эмишлар. Шу менга сабоқ бўлди. Бу пайтлар мен тери ошлаш заводида ишчи здим, вақт ўтиб, шу корхонага директор этиб сайладилар. Шу кунгача завод режасини ҳеч бажара олмас, кишиларнинг пўстагини қоқадиган мажлислар ора кунда бўлаверар эди. Мен бошқача йўл тутдим. Ишни завод ҳовлисидаги уюм-уюм ахлатларни тозалатишдан бошладим. Таҳоратхоналарни, қўл ювадиган жойларни тартибга келтирдим. Емакхоналарни ростладим. Ишчилар юрадиган йўлкаларни асфальтлатиб, четларини оқлаб, кета-кетгунча гул ўтқаздим. Саҳнга дарахтлар эктириб, кўкаlamзорни кўпайтирдим. Иш ҳақида, режа ҳақида оғиз очмадим. Мўъжиза юз берди: одамларнинг чехралари ёриша бошлади. Ҳеч қанақа сиқувсиз, бақирчақирсиз ишларимиз ривожлана кетди», – деб ҳикоя қилганди, Аллоҳ, у кишини мағфират қилган бўлсин...

Қаламкаш кўрганини тиниқроқ ёзади. Сизга бир мисолни ўз оиласдан келтирай: ўша пайтлар кўп қаватли уйда яшардик. Умр йўлдошим тузуккина идорада раҳбар бўлиб ишларди. Аммо феъли ажабтовур эди: вақт топди дегунча гулқайчи, белкурак кўтариб чиқиб кетар, гоҳ қўшни эккан узумни хомток қилаётган бўлар, гуллар тагини юмшатар, гоҳ суфориб юрган бўларди. «Сеники-меники» демай, уйнинг у бошидан-бу бошигача гулзорларни қайчилаб, қўкатларини юлиб, сартарошга боргандай қилиб қўяр, гоҳ қўлбола супурги ясаб, ён-атрофни тозалай кетарди. Бир қун қарасам, чинорнинг учидаги қуриган шохларни арралаяпти. Шу тарзда кунда-кунора уйимиз теграсидаги ҳамма дараҳтларни қиртишлаб чиқди. Арраланган шохларнинг йиригини алоҳида, майдасини алоҳида ажратиб, дасталаб боғлаб, эҳтиёжманд одамларнинг олиб кетишига ўнғай қилиб, ёмғир тушмайдиган жойга тахлаб қўйди. Бу ишларни «ҳай-ҳай»лаганингизга ҳам қарамай, берилиб, байрамона кайфиятда бажарап, уйга афтиангoriga чанг ўрнаб, юzlари, билаклари тилингандшилинган ҳолатда киради... Ясаниб-ялтирашни бил-, майдиган, кўринишлари одмигина, камгап, тортинчоқ бу одам шундай пайтларда кўзимга ғоят улкан кўриниб кетар, қордай оҳорли кийинволиб, виқор билан ўтиб-кетиб турган қўшни эркакларга солишириарканман, «менинг жуфтим буларнинг ичидаги энг чиройлиги», деб фуурланиб қўяр эдим...

Айрим дарвозалар олдидан ариқлар йиғлаб оқиб ўтади, чунки эгаси эшигининг олдига тўрт туп райҳон эка билмай, остонасини ажриқзорга айлантириб яшайди. Эркаги бор, аммо деворларининг шўри қайнаб, саҳнини чим босиб ётган ҳовлилар йўқ дейсизми? Эркаги бор, аммо деразасининг синган кўзи бир йилдан бери солинмай ётган, бир йилдан бери ўтмас бўлиб кетган қайчи-пичоғини чархлатиб келишга рағбати йўқ хонадонлар бизда топилмайди дейсизми?

Эҳ, биродар, илоҳим, бу дунёда бор эканлигимизни ҳис этиб турайлик! Яраб турган пайтда оёқларни гурсиллатиб босмоқ, қўлларни чаппар уриб ишлатиб қолмақ керак. Худо берган, ғайрат деган имкондан гўзал меҳнатлар ясаб, атрофга роҳатлар улашиб, сен туфайли яйраганларни кўриб, ўзингнинг ҳам кўнгилларингни гулга тўлдириб яшамоқ керак!

\* \* \*

**Мўмин одам газанда чаққан  
бир инга қўлинни иккинчи марта  
олиб бормайди.**

**Ҳадис**

Бир қадрдон аёл уф тортиб: «Эҳ, синглим, шу амакингиз билан асло бир ҳовлида яшагим келмай қолди», — деди ва жуфтининг ёмон феълларини санай кетди. У деб озиб-тўзиб кетгани, боши оғрийдиган бўлиб қолгани, нима қилишга гаранглиги ҳақида кўзлари ёшга тўлиб ҳасрат қиласади... Бу аёлнинг ўзи покиза, пазанда, кўримли инсон. Чок ишида унга етадигани кам, бармоқлари теккан нарсани дутордай чала оладиган аёл!

«Менга қаранг, ойим, — дейман ҳазиллашиб, — сизнинг бийронлигингиз қайда қолди? Дейлик, нима бўлди-ю, ҳовлингизда роса халақит берадиган жойга бир тўнка қўйилиб қолди. Бир урилдингиз, икки урилдингиз, жонингиз оғригач, ҳушёр тортиб, ундан айлануб ўтасизми ё ҳар гал «бу ерда нима қилиб турибсан?» деб тепиб, оёғингизни пачоқ қилаверасизми! Гапи қаттиқ тегадиган одамингизни ҳам гўё тўнка деб фараз қилинг-да, иложи борича айланиб ўтинг, айланай! Нега жағининг тагига борволаверасиз? Кўриниши ёқмаяптими, нега тикилиб оласиз, атрофингизда минг гўзаллик сочилиб ётиби, ўшаларга қараб роҳатланинг!

Ҳамма нарса каби инсон ҳам эскиради. Ким эвида, ким хунук қайтади. Бировнинг тили, бировнинг афти, бировнинг соғлиғи чарчайди. Киши шу тарзда умрининг кунботарига қараб юради. У кунботарга қараб

кетаётганини билгани учун ҳам, гоҳида бетоқат ҳараллар содир этади. Иродаси бўш, сабри суст, шукронаси йўқ кишиларда бу ҳолат атрофга малолли тарзда намоён бўлади. Аммо, ойим, малол келса ҳам, шу жуфт сизники. У Аллоҳдан сизга аталган мулк! Агар у синган ойна ё ўтмас пичоқ бўлганида ирғитиб юборсангиз майли эди. Лекин эр-хотиннинг томирлари бир-бирига ажриқдай чувалашган бўлади, уларни фақат ўлим ажратади! Сизга тинчлик керакми, керак! Шундоқ экан, яқин кишингизнинг қачон таранг тортишини биласизку ахир, торини ўша пайтда черта кўрманг! Ўзи ёниб турганда керосин қуйиб юборманг! Қолаверса, мингта ташвиш, минг режангиз фужон ўйнаб турганда, бир одамга тикилволиб, хатосини санаб, басма-басига уни боплаб қўйишнинг режасини тузавериш сизнинг ёшингиз учун бачканалик эмасми, айланай?!»

Инсон қусурли бўлади, аммо мутлақо ёмон бўлмайди. Инсончилик шундай: хатосини юзига соганинг сари, ини қавланган илон каби ҳамлага ўтаверади. Бу дегани яна сизнинг дилингизни оғритиб, гуноҳи кўпая боради. Аксинча, ундаги чўкиб ётган фазилатларни юзага чиқарсангиз, ўзингиз нафланасиз! Ҳам савобга қоласиз! Бунинг учун унга сал эътибор бериб, арзимаган яхши ишини ҳам лутфан рафбатлантириб борсангиз бўлди. Бу билан сиз у кишингизни суюб қолмайсиз ёки унга исиб қолмайсиз, заҳрини кетказиб оласиз, холос, ҳатто уни тихирлик қилиб кўнмаётган рўзгорнинг қайсиdir маслаҳатига кўндириб оласиз .

Ойдан Ойликни, Кундан Кунликни сўраш керак. Ҳеч қачон қарға булбул бўла билмагани каби бир-биримиздан имконимизда йўқ нарсаларни талаб қилиш мантиқсизлиқдир: қайнонангиз меҳнатларингизга беписанд қараса, куюнманг. Тайёрлаган овқатингизни индамай охиригача еяптими, саранжом қилган уйингизда индамай ястаниб дам оляптими, сиздан хурсандлиги шу! Раҳмат айтиб, кўнгил олишни унга онаси ўргатмаган, бўлмаса айтар эди! Қолаверса, бу меҳнат-

ларни ўзингиз учун ҳам қиляпсиз. Бола-чақангиз баҳраманд бўляпти. Бадқовоқ одамга жавобан сиз ҳам косани дастурхонга дўқиллатиб қўядиган бўлсангиз, жавоби яна ҳам хунук келади. Меҳнатингиз ҳам бекор кетади, азиятингиз ҳам қўпаяди.

Қайнонанинг суяги қотиб бўлгани сабабли шу тўхтамни айтапмиз. Аммо навниҳол келин учун бу усулни қўллаб бўлмайди. Келин иқдим яратувчиидир, уни бошидан, яъни суяги қотмай туриб, рисолага солиш керак. Панд бераётган келинга қайта-қайта, сабр билан, вазминлик билан, оғизни бепошна қилмасдан тўғри йўлни кўрсатавериш керак. Аммо беморга бир дорини керагидан ортиқ берсанг, тошма тошиб кетгани каби, ёшларни йўлга солишда ҳам ҳадеб бир хил усулни қўллайвермаслик, бир хил танбеҳни айтавермаслик керак. Келинингиз ё болангиз сизга гап қайтаряптими, демак, танбеҳингиз ўринли айтилмади ёки уни қайта-қайта такрорладингиз, эшиттувчининг асабини қайрадингиз, сизни чақиб олишининг сабаби шу.

Агар қайнингил, қайнбўйинларингиз, жамоадошингиз ёки қўшнингиз сизнинг ёрдамингизга эҳтиёжманд бўлиб кўринса ёки сўранса, муруватингизни сочаверинг. Аммо сиз савоб учун кўрсатаётган меҳрибончиликларни у суиистеъмол қилса, яъни сиздан кўпроқ фойдаланиб қолишига тушса ёки беписанд, фармон бериш оҳангидаги гапира бошласа ва ёки сизга миннатдорчилик билдиришни лозим кўрмаса, дарҳол унга тасаддуқ бўлаверишни тўхтатинг. Қадрингизга етмайдиганинг ёнидаги кишиларга чандон хотамтойлик кўрсатаверинг, аммо унга яхшиликни бас қилинг. Сизни ранжиттанини сезсин ва хижолат бўлсин. Бу ҳам бир тарбия. Қолаверса, сиз ҳам Аллоҳнинг неъматисиз, ўзингизни исроф қилсангиз, уволига қоласиз.

Савоб учун яхшилик қилиш яхши, қачонки у тараф сени яхши ният билан қабул этса! Аммо нозик сўзни уқмайдиганга сардафтарингизни очманг. Бахилнинг олдида ютуқларингизни гапирманг. Кўзга бир хунук

кўринган нарсага бошқа қараманг, фийбат бўла-  
верадиган жойдан қулоқларингизни олиб қочинг! Кўз,  
қулоқ, тил, юрак каби Аллоҳ берган бебаҳо неъмат-  
ларни чиллали чақалоқни аяган каби поқдомон жой-  
ларда олиб юринг, йўқса, у исроф бўлади, захаланади!  
Бу мўминликнинг фарзлари дир, азизим!

\* \* \*

**Исломда бирорга зарар бериш  
ҳам, заарланиш ҳам йўқ.**

**Ҳадис**

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.)га саҳобаларидан бири  
келиб айтибди, ки бир мўмин бор экан: йил-үн икки  
ой рўза тутаркан, кечалари эса тинмай ибодат қилас  
екан. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша одамни суҳбатга чақи-  
рибдилар ва дебдилар: «Сен шундай амаллар қилас  
экансан, аммо айтиб қўйай, рўза тутғил, лекин вақтида  
овқатланғил. Ибодат қилас, лекин вақтида ухлагил,  
чунки сенда ўзингнинг, кўзингнинг, аҳли аёлингнинг  
ҳақи бордир!» Бундан аён бўладики, ўзинг, кўзинг ва  
аҳли аёлинг Аллоҳнинг сендаги омонати, уларни асрар  
берсанг, заарламасанг, Яратганга бўлган садоқатинг  
шу экан. Жонимни фидо қилиб бўлса-да, Аллоҳга  
эътиқодимни кўрсатаман деб бўлмас! Гап сенинг битта  
жонинг ҳақида эмас, шу бир жонингга уланган талай  
жонлар хусусида дир. Шунинг учун ҳам, ўзингга бераҳм  
бўлсанг, сенга Аллоҳнинг жазоси бордир: ё беморлик  
беради, ё яроқсизлик, ё энг ёмон кўнгилсизлик рўй  
беради! Бунинг оқибатида қанча одам талафот кўри-  
ши – сенга суюниб, тиккаланиб турган болаларинг  
сенсиз довдираб қолиши, жуфтинг ночору сарсон  
бўлиши, ота-онангни рози қилолмай, қиёмат қарзинг  
елканга кетиши мумкин ахир! ...

Инсон – шариф! Бир ўзи бирваракай бир неча  
тақдирга сув ва нур узатиб тургани учун ҳам унинг  
унвони шундай! «Ўзингда ўзингнинг ҳақинг бор»  
дегани, атрофга балогардон бўлишга яраш учун, ўзинг-

даги ўзингни асрай бил, демақдир! Исломда бирорга зарар бериш ҳам, заарланиш ҳам йўқ дейилишининг бир маъноси шу.

Бизнинг дин энг инсонпарвар диндир. Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ (с.а.в.)га: «Онам мени соғиниб келибдилар, муруват кўрсатайми, нима дейсиз?» – дедим (Онам ҳануз исломга кирмаган здилар). Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, онангта муруват қил!» – деб жавоб қилдилар». Гарчи у аёл мушрик бўлса-да, унга зиён рано кўрилмаётир. Чунки у онаи муҳтарама! Исломда «энг оғир гуноҳ ота-онага оқдик (итоатсизлик, ҳурматсизлик) қилишдир» дейилади. «Сиз менинг хоҳишлиаримга қарши чиқяпсиз, сиздай онадан кечдим» деган фарзанд мўмин саналмагай! Номуносиб отасидан юз ўтириб кетган ва ё унга қўл кўтарган ўғил ҳам номусолмондир.

Урва розияллоҳу анҳу Ойша онамидан нақл қиласидилар: «Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига кирмоқ учун рухсат сўради. Жаноби Расулulloҳ уни кўргач: «Бу одам – қабиланинг ёмон биродари, бу одам – қабиланинг ёмон фарзанди!» – дедилар. Сўнг, бояги киши келиб ўтиргач, жаноб Расулulloҳ унга очиқ чехра билан юзландилар. У чиқиб кетгач, Ойша онамиз: «Ё Расулulloҳ, уни кўришингиз билан қўпол гапларни айтдингиз, кейин эса очиқ чехра билан юзландингиз?!» – дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Ойша, қачон менинг бадхулқ бўлганимни кўргансан?! Қиёмат куни Аллоҳ, наздида энг ёмон банда одамлар ёмонлигидан ҳазар қилиб қочадиган кишидир», – дедилар». Кўриб турибсизки, ёмон санаган кишимизга ҳам очиқ чехра билан муносабатда бўлиш уқдирилмоқда.

Бир илми толиб аёлни биламан, Қуръондан қироат қилганда даврани сел қилгудай салоҳияти бор, аммо ён қўшниси билан салом-алиги йўқ, кўрганда иддао билан терс бурилиб кетади. Бу ойимни динга самимий хизмат қиляпти деб айтиб бўлмагай! Уни Аллоҳ, кечирсин...

«Осонлаштирингиз, қийинлаштирунгиз, бирлаштирингиз, бездирмангиз» дейилади Қуръони каримда. Инсон боласига буюк муҳаббат изҳор қилувчи мурожаатлар бу! Ибодатда, муросада, яшаш тарзида, бирорни севишида-ю бирордан ненидир талаб қилишда, бола тарбиясида, илм ўрганишда ... ҳамма, ҳамма нарсада асло мураккаблашиб кетмайлик, чунки у жонни қийнайди! Жон эса Аллоҳники, қийнашга ҳаққимиз йўқ! Қуръон сўзлари биз учун муқаддасдир. Юракка ёзиб сақламоқ, амалда ихлос билан қўлламоқ керак.

...Бир маъракада ўтирибмиз. Дастурхонга гўзал таомлар тортилган, мезбонлар минг букилиб мулозаматда туришибди. Меҳмонлар сара лиbosларини кийиб, ўзларини сара мақомда тутиб ўтирибдилар. Улар бир-бирларига табассумлар улашиб, ҳол-аҳвол сўрашишар эди. Мана шунаقا давраларда ич-ичингдан тан берасан-да, шарқ аёлларидаи гўзали дунёда йўқ, деган тўхтамга келасан киши! Шу пайт отинойи марта-басидаги бир жувон қош чимириб маъруза бошлади. Мени дастлаб таажжублантирган нарса ҳилодай маъсум бу ёшгина ойимнинг овозини амри фармонг пардасига қўйиб гапириши эди. Намоз хусусида сўз очар экан, ўтирганларнинг ҳар бирини сўроқ қилгандай ниқтаб гапира кетди ва ҳар бир сўзи мўйчинакдай баданни сескантирас эди. Кейин юриш-туриш, кийиниш мавзусига ўтди. Мундоқ қарасам, даврадан ҳусн кўтарилиган, ҳамма бир гуноҳ устида қўлга тушгандай забун ҳолатга тушибди. Миямда эса бир савол муаллақ туриб қолган: нега бу аёл бу қадар газакли?! Нега рангидан қон қочгунча асабийлашяпти? Агар у илм бераётган бўлса, нега уни инкор этмай тинглаётганлари учун, бу давра аъзоларига меҳр билан қарамай, қўзларидан ғазаб сочётири? Бу отинча ойим қайдан олди бу андозани? «Мусулмончиликнинг биринчи белгиси – ҳилм» деб турибди-ку ҳадис! «Бездирмангиз!» деб уқдирияпти-ку Қуръони карим! Дин йўлини қийинлаштиришнинг ўзгинаси-ку бу!

Илмдор синглим, қўлингизда Аллоҳнинг қаломидай хазина турибди, гавҳарларини кафтиңгизга қўйиб, қўзларни қамаштиrmайсизми? Қуръон сирли бир сандик, асрорларини бирма-бир очиб, қулфи дилини очмайсизми буларнинг? Илм – нур, бу нурни эшигтгувчининг қобирғалари орасига жойлаб қўймайсизми, вужудидаги музлари эриб, губорлардан мусаффо бўлмайдими! Чўчитиб намоз ўқитилиб, уялтириб кийим расоланган жойда мусулмончилик йўқ! Ошиқ маъшуқани севган каби муқаддас эътиқод ишқини юракларнинг ўртасига тушириш керак! Эриган юрак вужудни ўзи гапиртириб, ўзгартириб олаверади!

Исломда озор бериш йўқ. Биз, муаллимлар, баданни оғритмай инсонларнинг дили билан тафаккурига етиб олсак, бўлди. Шундай бўлиб олайликки, ҳар бир ҳараткатимиздан Аллоҳ, рози бўлсин: нигоҳларимиз одамларнинг юрагига чўғ туширсин, сўзларимиз оғриб турган жойига малҳам бўлсин, ёшу қарининг рўбараўсида тавозе билан турайлик, юзимизда фақат меҳрибонлик балқисин. Энг муҳими, ниятимиз мусаффо бўлсин! Аввал бизнинг ички ва ташқи амалларимизни севиб қолсинлар, ана ўшандагина бизга эргашадилар.

\* \* \*

«Қўшниларингизга мурувват қилингиз», – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.). «Қўшниларим кўп, қайси бирини кўпроқ йўқлай», – деб сўрадилар у кишидан. «Эшиги эшигингга энг яқинига», – деб жавоб бердилар.

Ҳадис

Нега «эшиги эшигингта энг яқинига» дея таъкидланмоқда? Чунки ҳаётимиз давомида энг кўп малолимиз ён қўшниларга тушиб келади! Улар ҳатто биз деб чекадиган азиятларини қисмат деб биладилар, чидаб яшашга ўзларини қўндирадилар: энг кичик

мисол бўлмиш – ёғ доғимизнинг ҳидларига-ю итимизнинг акиллашларига, боламизнинг тўполони, ботбот бўлиб турадиган эр-хотинчиликнинг бепарда можароларига сукут билан дош берадилар. Бизнинг шовқинимиз соат нечада тугаса, қўшни шўрлик ўшандагина ухлай олади!

Ён қўшни ёмонларнинг ёмони бўлса ҳам, сизга қоровул! Эшигингизни бежо тақиллатганга дарҳол кўриниш беради, уйингиздан тутун чиқса, биринчи бўлиб пақир олиб югурди! Боламизга иситма кирса ҳам, келинимизни дард тутиб қолса ҳам қўшнига чопамиз! Дазмол қуиб қолса, ишга боролмайсиз, гугуртингиз ногаҳон тугаб қолса, қозонингиз қайна-майди, тузингиз тугаб қолса, овқатингиз ейилмайди, калитингиз бўлмаса, ёмғирда ивиб тураверасиз! Ва яна, яна... санайвериш мумкин. Бундай ҳолатларнинг барида қўшни – халоскор, «Тез ёрдам»нинг ўзи! Болачақандан айбингни ҳаргиз яшира олмаганинг каби, сенинг не эканлигининг обдан билгувчи ва билганини ичига ютиб юргувчи ҳам ён қўшнингдир! Буларни ҳеч қачон ўйлаб кўрмаймиз, феълимиз тутиб қолса, хатоларини териб, қора дафтарга ёзиб юрамиз, аммо уларнинг ёнимизда эканлигининг баҳосини ҳеч таро-зуга солмаймиз! Агар ўлчаб кўрганимизда эди, қариндош-уруғимиздан ҳам кўра улардан кўпроқ қарздор эканлигимиз маълум бўларди, эҳтимол.

Яна бир ҳадисда аёлларга мурожаат этилар экан, «**Қўшнига тұхфалар қилингиз, агар бергани ҳеч нарсангиз бўлмаса, бир-бирингизга ҳеч йўқ қўй туёғини бўлса-да илинингиз**», дейилади. Бунда ҳам ҳикмат бор. Эҳсон қилсангиз, биринчи дуогўйингиз, тўй қилсангиз, уйигача бўшатиб бергувчи, бошингизга иш тушганда ёнингизда юпатгувчингиз у. Болангиз туғилгани ҳақидаги хабарни ҳам биринчи бўлиб қўшнига айтасиз. Шу кундан бошлаб фарзандингиз унинг қароқларига жойлашади: болангизнинг ҳар бир кунини, ҳар бир қадамини кўриб боради. Яхши

хулқини дуо қиласы, хато устида ушласа, қулоғини чүзіб қўяди. Энг муҳими, гўдагингиз қўшнининг ибратли ишларини ёзин-қишин кузатиб боради, сиздан ўрганмаганини ундан ўрганади. Мана ўзингизни олинг, болалигинизни эсладингиз дегунча, ҳўв ўша қўшни амаки ва момоларнинг турфа тутумларини лаззатланиб ёдга оласиз. Сиз ҳануз хотирлаяпсизми, демак, қайси биригадир ўхашни ҳавас қилиб, эҳтимолки, уларга тақлид қилиб яшаб келяпсиз! Бу озмунча қарздорликми!

Яхши қўшничиликни халқимиз муқаддас деб билган. Ҳовли ичидан албатта қўшниларга даричалар очилган. Бу даричаларга ҳеч қачон занжир солинмаган, демак, кун-туннинг хоҳлаган пайтида бир-бирлариникига киришга ҳаддари сиққан. Дарича очишнинг имкони йўқ ҳолатларда туйнук қолдирилган. Дарича-ю туйнукнинг ягона мақсади ўзаро йўқловлар узатиб туриш ва бир-бирларининг ҳолидан бевосита хабардор бўлиб туришдир. «Қўшнининг қўшнидан еттидан бир ҳақи бор» нақлини халқимиз ёдлаб юради. Нон ёпилса, ҳали саватга тушмай, қўшни ҳақи узатилади. Тансиқ таом тайёрланса, олди насиба қўшнига. Онам раҳматлининг тўйдан қайтган тугунининг ярми ҳам қўшниларга аталар эди. Андижонда тўйнинг эртасига «юз очди» маросими ўтказилади. Қудаларнинг олди-бердиси ичидан куёв ва келиннинг қўшни момоларига атаб ҳам кийимликлар қўйилади, бу ҳам бежиз эмас.

Куни кеча бир қадрдонимиз ҳикоя қиляпти: «Саксонга кирган холамни жойига қўйдик. У бефарзанд ўтди, биргина қизни асраб улғайтирган эди. Аммо азаси ҳайит намозидай гавжум бўлди. Қабристонга кетганлар қайтгунча қўшниларидан чиққан қозон-қозон овқатта ҳовли тўлиб кетди, маҳалласи оқибатли экан, эркагу аёли тикка туриб хизмат қилди, қиш чилласига қарамай, офтобнинг чарақлаб турганини айтмайсизми..!» Аён бўлиб турибдики, бу ойимнинг ўзи ён-верини кундай иситиб яшайдиган аёл бўлган, кимгаки не насиб этибди – бу ўзидандир!

Онамнинг бизникига келса ёки касалхонага ётиб қолсами, иккى кундан кейиндоқ айтадиган биринчи гапи «Вой, құшниларим күзимдан үтди-я» хитоби бўларди. «Мунча энди?!» деган иддаомизга: «Ундей дема, дунёга келиб топган вафодорларим – құшниларим! Қизинг бир хуш мўйловники бўлиб кетаркан, ўғлинг бир қоши пиликнинг жўжаларини боқаман деб меҳнатда овораи сарсон! Эртами, кечми бир нарса бўлса, болаларингга хабаринг етиб, бой қариндошларинг катта тугунини кўтариб келгунча, оғзингга сув томизадиган, бошингни уқалаб, жафингни танғиб турадиганлар шулар-да, болам!» – дер эди онажоним. Бу гапларни ҳар эслагандага юрагим бир қалқыйди. Бу тош уйларга қамалиб олиб, тобора торайиб бораётган бу тош юракларга биқиниб олиб, «қўшни» аталган, Аллоҳ берган гўзал неъматларни беэътибор қолдираётганимиз учун, уларнинг қўнглини олишга, дийдорларини кўзимизга суртишга кайфият топмаётганимиз учун ӯзимни ӯзим суд қиласман. Ва Андижонда қўшни бўлган Насибаҳон опа исмли дилбар аёлни эслайман. Унинг қазо қилганини яқинда эшитиб, юракларим ситилди! Мунис кайфиятдошим, беминнат паноҳим эди у. Биттагина ишини айтай: бир куни «Турсуной опангни ишдан ҳориб қайтаётганини деразадан кўрувдим. Кетидан икки-уч меҳмон кириб кетди-ёв! Уйида нимаси бору нимаси йўқ. Мана буларни тездан олиб чиқиб бер!» – деб қизини чиқарибди. Меҳмон кириб келяпти, кетидан қўшни қиз, катта патнисда ликопчаларда ноз-неъматлар, нон, ҳаттоқи чиройли чойнақда янги дамланган чойи ҳам бор! Онанг яхшилик қиласа ҳам, шунчалик қиласи-да! Қарзларим бўйнимда маржондай осиғлиқ қолди, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!..

«Қиёмат куни қўшиидан» деган гап ҳам бор. Аллоҳнинг олдида ҳам, баңдасининг олдида ҳам сизнинг яхши-ю ёмонингизга гувоҳликка үтадиганлар ҳам шулар. Қўшни рози бўладиган савобли ишларни кўпроқ қилмоқ жоиз. Ҳатто яхши ҳисобланмаган ҳамсояга ҳам

муруватларимиз кўп бўлса қани? Чунки ҳиммат, сахийлик – нур, музни ҳам эритади, олижаноблик уруфини экади. Қарабсизки, сиз бироннинг афзалашувига сабабчи бўлиб қоласиз!

\* \* \*

**Солиҳ фарзанднинг ота-онаси учун қилган дуоси қабул бўлади ҳамда уни вояга етказган ота-она-нинг амал дафтари ёпилмайди.**

*Ҳадис*

Ҳамма жароҳат кундан-кунга кичрайиб, битиб боради. Аммо бир яра борки, йил сайин катталашиб, қонагандан-қонааб бораверади, оғриғи ортаверади! Бу етимлик доғидир. Ёш етим қолганларнинг аҳволоти бирмунча енгил бўлгич. Чунки хотираларида юқ камроқ. Аммо ёшинг катта бўлганида айрилиш оғир етимликдир.

Инсончиликда бутун умринг кишилар билан мулоқотда ўтади. Бир бошинг билан минглаб одамлар карвонини ёнингдан ўтказасан. Лекин уларнинг ичидагонини гаровга қўйиб, сенга астойдил харидор бўлгани фақат онангдир, фақат отангдир! Харидор доимо молнинг яхшисини қидиради. Аммо бирорлар хуш кўрмаган исмингни ҳам қўшиқдай суйиб айтувчи, яхши-ёмон туришингни кўзига тўтиё билувчи фақатгина онангдир, отангдир! Харидор олган молини яйраб ишлатади, обдан фойдаланади, бир куни эскиргач, бир четта суради. Аммо сени бир парча гўшт, ожиз ҳолатда қабул қилиб, жонини-ю борини сарфлаб, яроқлиларнинг яроқлисига айлантирадиган, сифату мағиз бериб, яшнатиб қўядиган, ўзига эса ҳоргин ва сўлғин лошини қолдирадиган ғаниматларинг – фақат онаиззоринг, фақат отангдир!

Бандаси тинмай симириб нафас олиб, ҳавонинг шукронасини айтмагани каби, офтоб қаёқдан чиқса, ўша ёққа юзланиб, нур эмиб яшаб, қуёшни қарздорлик

билан эслаб қўймагани каби, ота-онани ҳам ҳамиша ёнимда шундай тураверади дебми ва бу неъмат ҳаво каби ҳеч тугамайди, қуёш каби мутлақ ботиб кетмайди деган туйфудами, бепарво юрасан киши. Бегоналарнинг кўнглини олиб, асосий вақтларингни бошқа нарсаларга сочиб, ота-она билан эса ҳамиша шошилиб гаплашиб, шошилиб хайрлашиб йилларни ўтказасан. Куни келиб, дод-вой билан уларни тупроққа топшириб келганингда ҳам ҳали оғрифинг унча бўлмайди. Қачонки, болаларинг тиззангдан тушиб, ўзи ясаниб, ўзи бежанадиган бўлиб, бир касби корнинг, бир рўзғорнинг изидан тушганда, бирдан тўрт тарафингдан елвизак ураётганини, ўрта йўлда қўрғонсиз қолганингни англаб қоласан. Ўзи билан ўзи овора болаларингдан эътибор кута бошлайсан. Сен уларга термуласан, уларнинг қўзи эса бошқа ёқда! Юрак тўла гапларингни бир айтиб ёзилай десанг, эвоҳ, улар ҳам худди ўзингдай доим қайгадир шошилиб туради! Қарабсанки, сендан ҳамма оладиганини олиб турибди, аммо сенинг дилинг сўраган нарса бу дунёда қолмай қолади! Ана ўшанда юрагингнинг нақ ўртаси омбир билан буралгандай бўлади, «ўх, онам-а!» дейсан, «вой, отажоним-а!» дея фарёд чекасан! Ҳақиқий етимлик мана шундан бошланди деявер. Энди сенинг доимий машғулотинг – ўз-ўзинг билан сұхбат! «Бу ҳолатимни онам қўрса, нима дер эди, отам бўлса, нима қиласр эди?» дея бағринг уқаланишга тушади. Сен зор бўлиб қидираётган ва бу ёруғ оламнинг барча муаттар бўйларидан тотлироқ бўлган нарса, онангнинг, отангнинг кўксига бош қўйгандаги ҳид экан. Мингта чаманин айлан, унингдай қувват бергувчи, унингдай овутувчи исни энди ҳаргиз тополмассан! Уларга айтган-қўйганларинг кино лентасидай кунда ёдингдан ўтаверади. Муруватингдан кўра жабринг кўпроқ бўлганини борган сари тан олиб борасан, навбат келиб, жонингни ота-оналикининг азиятлари ҳар бора тилганда, «оҳ, онам анови ишимга қандай чидаган экан, отам фалон гапимни қандай

күтартган экан?» дея ўз бошингга ўзинг уриб қоласан. Унинг устига, ёшлигингда фаҳминг етмай, ақлинг кирганда эса моддиятиңг танглик қилиб, уларнинг күнглини ололмаган бўлишиңг мумкин. «Ота-онам тирик бўлса, ундоқ қилар эдим, бундоқ қилар эдим», деган аччиқ армон юрагингнинг ўртасига ёпишиб олган! Мана шу ўринда сенга ҳадиси шариф ёрдамга келмоқда.

Унда айтилишича, киши вафот этгач, унинг амал дафтари, яъни у дунёлик номаи аъмолига жамланадиган савоб ва гуноҳларни ҳисобга олиш тўхтайди. Аммо орқасида дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанд қолдирган ота-онанинг амал дафтари ёпилмас экан. Бу дегани, то тириксан, Аллоҳга ёлвориб, ота-онангнинг у дунёлигини обод бўлишига ёрдамлашишинг мумкин. Биз солиҳлик билан дуо қилганимиз сари, дафтарларидағи савоб амаллар сони кўпаяверар экан. Билсанг, бу – уммон-уммон гуноҳларимизни ювишга имкон берадиган буюк чора! Аммо ҳамманинг ҳам дуоси қондириладими? Бу ерда «солиҳ» деган сўз келтирилмоқда, унинг маъниси не?

Ота-онанг ниманики кўз қорачиғидай асраган бўлса, кимгаки ихлос қўйган бўлса, нимани орзулаган бўлса, (албатта, яхши нарсалар кўзда тутилмоқда) ўшанга садоқат кўрсатиш солиҳликдир. Ҳар ҳайитда мол сўйиб қурбонлик қилсанг-у, аммо аканг ё синглинг билан аразлашиб юрган бўлсанг ёки ака-у坎г билан мерос талашиб, қозима-қози югурсанг, ёки ота-онангнинг оға-иниларидан қолганларни йўқлашни унутсанг, дуоларинг ўтмагай, аксинча, руҳлар қоп йиғлагай! Ҳаттоқи ота-оналаримиз тириклигида хатога йўл қўйиб, ўз оға-иниларига бепарволик кўрсатган бўлсалар (бунинг азобини у ёқда тортиб туришибди, Аллоҳ, уларни кечирсинг!), биз ихлос билан уларнинг бу гуноҳларини енгиллатишимиз, яъни қавму қариндош билан меҳр-оқибатда яшашимиз, ундан чиқадиган савобни ўтганларимизга бағишлишимиз керак экан.

Ҳалоллик ҳам солиҳликдир. Бироннинг ҳақидан қўрқмасанг, феълингда ҳаром амаллар бўлса, дуоинг ўтмагай!

Ёлғон ишлатган кишида-да солиҳлик йўқ, демак, унинг ҳам дуоси бесамар бўлгай!

Аллоҳнинг яна бир мўъжизасини томоша қилинг-ки, ота-оналар ўзлари бу дунёдан ўтган бўлса-да, фарзандларини шу тарзда тарбиялашда давом этадилар. Бу дунёдаги савобларимиз қўпайишига сабабчилик қиласидар. Ота-она отлиқ гўзал неъматдан баҳраманд қилганига Яратганга шукрлар бўлсин! Ва ўзимизни-ю болаларимизни фарзанди солиҳ бўлиш мартабасига эриштирсин, омин!

\* \* \*

Илмни ўрганиб уни ҳеч кимга айтмаётган одам бойликни тўп-лаб, уни ҳеч сарф қилмаётган баҳилга ўхшайди.

*Ҳадис*

Мусулмон киши ўз биродарига ҳидоятининг зиёда бўлишига ёки ёмонликдан қайтишига сабаб бў-лувчи ҳикматли сўздан кўра аф-залроқ нарсани ҳадя этолмайди.

*Ҳадис*

Кимки билган илмидан сўрал-са-ю, билганини айтмаса, Аллоҳ таоло унга (қиёматда) оловдан жилов солади.

*Ҳадис*

Бир муҳлис аёл куйиб-пишиб, бир давра суҳбати тафсилотини сўзларди. Эмиш, бир муаллима аёл бошқаларга қарши ўлароқ: «Мен Турсуной Содиковани яхши кўрмайман, нега у ақл ўргатаверади?!» – дебди. «Нега бўлмаса одамлар уни эшитишади?» – дея эъти-роз билдирибди қолганлар ва шу тарзда анча тортишув

давом этибди-да, муҳлислар ғолиб келгандай бўлишибди... Бу гап мени ўйлантириди. Мени ёқтирган аёлдан хафа бўлмадим, аммо нега кейинги ўн йилда шеър қолиб, насрга бафир бериб қолганим, нега қаламим яшаш фалсафаси-ю, инсон руҳияти тилсимларини титкилаш дардига учраб қолгани ҳақида ўйга толдим.

Қаламкаш ёки воиз нега ёзади ва нутқ ирод этади? Ва ёзгиси келганда, ёинки сўзлагиси келганда ёзмаса, сўзламаса нима бўлади? Шу саволларни ўзимга бериб кўрдим ва қалаванинг учини топгандай бўлдим.

Ҳар қандай одам ёши улгайгач, тажрибалар йиғиндисига айланади, бу пасту баланд ҳаётнинг довонларидан ўтишни минг жон оғриғи билан бошидан кечирган киши, ким бўлишидан қатъи назар, кичик бир мактабдир. Ўзингнинг ўтиб бораётганингни сезганинг сари атрофга муруватпеша ва дилгир бўлиб қоларкансан. Менинг фалон хатойим ёмон бўлди, бошқалар ҳам шуни қилмасайди, деган безовталик юрагингдан кетмай қоларкан. Қаламкашда эса дилидагини узоқ-узоқларга етказиб айтиш имкони бор ва бу ундаги Аллоҳнинг неъмати ва омонати! Юрагига Аллоҳ, солиб турадики, қаламкаш сўз айтмоққа жазм қилади. Айтмаса, юқорида келтирилган ҳадислардан кўриб турибсизки, мусулмончиликка қарши борган бўлади. Қолаверса, кўнглингга келган нарсани айтиб олмагунингча худо сени дилингга бошқа нарса сифмайдиган қилиб қўяди. Халққа айтасану юқдан қутуласан, бошқа ишларингга кейингина йўл очилади. Қалам аҳли ҳеч қачон «ақдим жуда ошиб-тошиб кетди, бошқаларни ҳам бир ўқитиб қўяй» деб қўлига қалам олмайди. Эътибор берсангиз, ҳамманинг сири ўзи билан кетади, фақат қалам аҳдинингнина асрори оламга дастурхон бўлади, у йиғлаб ёзади, армонларини, афсусларини айтиб, Аллоҳга таваллолар қилиб ёзади! Шу кўйга тушгачни у китобхонни уйғота олади.

Кўп жойларда «сиз кўнглимиздагини, тилимизнинг учидагини топиб айтасиз» деган лутфларни эшитаман.

Аммо бу гапдан «сен айтган нарсаларни ўзимиз ҳам аллақачон билар эдик» деган маънони ҳам тушуниш мумкин. Шу кейинги маънони ушлаб олиб, узоқ мулоҳаза қилиб қўрдим. Ёзаётганиларим тўғрими ё йўқ? Сўнг бир ёруғ тўхтамга келдим: дилимга қадалган нарсаларни ёзаверишим керак. Китобхон айтганиларимнинг кўпини билиши мумкин, аммо инсоннинг бир заиф жиҳати борки, у ўзидағи куч ва салоҳиятни ўлчай билмайди. Кўп ақлли хулоса, таҳдиллари бўлса ҳам, бир иш бошлишда иккilanаверади. Четдан унга кимdir ҳамоҳанг фикр айтиб қолса, «ана, ўйлаганим тўғри экан» дейди-да, дадиллашади. Тўхтаб турган фикр фаолиятта айланади. Бу – менинг бир туртким билан бир арава жойидан жилди деган гап! Инсон доим ўзига ҳамфикр, ҳамдард шерик излайди. Ҳамфикрлилик бир-бирини ўқитиш эмас, бир-бирини маъқуллашдир.

«Бозорга ўхшайди бу дунё» деган экан шоир. Инсонлар турфа, уларнинг қўлидан келадигап ишларнинг ранг-баранглигини айтмайсизми! Сози бор, иносози бор, мағзи кўпи бор, ози бор – ҳамма қўлидан келганини ўртага қўяди. Харид эркин, кимга нима керак бўлса, ташлаб олаверади. Ўзида бор нарсага эса тўхтамай ўтиб кетаверади. Эътибор берасизми, бозордаги нарсанинг ҳаммасига албатта харидор топилади. Қалам аҳлипинг маҳсулоти ҳам шундай, ҳар гал этасини ўзи топиб олади.

Бизни хуш кўрмаган аёл ҳам ёпимиздан эътиборсиз ўтиб кетавериши мумкин эди. Лекин у тўхтаб, китобимизни олибди, ўқибди, чиқиб кетмай ваъзимизни ҳам эшитибди. Шуни ишонч билан айтайки, бу ойимнинг инкорида эътироф бор! Ҳа, ҳа, у бизни эътироф этаётир! У айнан китобимизни ўқигач, сўзимизни тинглагач, бизни ёмон кўрди. Демак, унинг дарди бор жойни пайпаслаб топибмиз. Кўзига кўрсатибмиз, «фалон хатоларинг учун шундай бўлибсан» деб ишонтирибмиз. Яшасин сўз! Чунки унинг юраги уялиб кетди, жони оғриб кетди! Кожлик билан терс қарashi

шундан, қолаверса, у ичида ўзининг қай ишинидир «ўшани нотўғри қилганман-ов» деб фашланиб юарди, аммо шайтони «нега энди сендай одам хато қилар экан, ўз этингни ўзинг ема, сен ҳақсан» дея овунтириб келарди. Ҳақ ташхисни эса энди эшилди. Имоним комилки, бизни ёмон кўргандан бошлаб, бу аёлнинг ўзида ўзидан кўнгли тўлмаслик кучайган, иншооллоҳ, энди у пинҳона бўлса-да тавбага ўтади!

Ақду зако, қўл, тил, дил инсонга Аллоҳдан фақат яхшилик қилиш учун берилган. Уни ичимизга димлаб ўтиб кетмайлик. Яхши сўзни, яхши ниятни булбулдай чах-чахлаб қўйлайверайлик, бирор эшилмаса, бирор эшилди, бугун эшилмаса, эртага эшилди. Кўнфироқдай жаранглаб, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан огоҳлантириб яшайверайлик. Кимdir бу ишни қилмаётган ёки меҳнатидаи эринаётган бўлса, бу юмушни бажариб турганларга тилида бўлмаса ҳам, дилида «баракалла, улар фойдали гапни айтяпти» деб турса, биродарлик қилган бўлади ва савобга teng шерик бўлаверади. Барчамизга бир-биримизни уйғотиб яшаш насиб бўлсин, омин.

\* \* \*

**Аёллар эркакларнинг тувишган сингиллариридир.**

**Ҳадис**

Аллоҳ, яратган мўъжизаларнинг энг нодири аёл! Унинг феъли сир-синоатга тўла. Мингта фасли, мингта ранги бор. У чексиз сахифали афсона китоб, варақлаган саринг қизифи чиқаверади!

Тунов куни бир ёши улуғ одам ҳикоя қиляпти: «Имом хатибимиз ҳар гал жума намозининг сўнгида дуо ўқиётиб, «Аллоҳим ҳеч кимни катта бўлганда етим қилмасин» дейишни канда қилмайди. Охири бир кун гап солдим: «Тақсир, деярли ҳаммамизнинг ёшимиз фалон жойга борган, аллақачон етимлиқдамиз-ку?» – дедим. «Эй, биродар, энг оғир етимлик аёлингдан кейин қолищдир», – дея жавоб қилди у киши».

Кибр билан мўйлов бураб турган эркакни, эшиқдан кира солиб, гулдурос овоз билан амри фармон бериб, ўзини ҳазратдай тутаётган эркакни, «сенинг қўлингдан нима келар эди» дея аёлини оёқ учида қўраётган бандани ич-ичимдан кулиб кузатаман. Бир ойгина аёлсиз қолсин-а бу зот, ҳоли нима кечар экан! Эҳ, йигитларжон-а, барибир ғафлат ўраб туради сизни – Аллоҳ аёл деган зотни жонингизга, кайфиятингизга, ўнгу сўлингизга қўрғон қилиб қўйгани учун шукронани қадамингизда айтиб юрингиз!

Юқоридаги ҳадисга қаранг, жуфтингиз сизга етти ёт бегона бўлса ҳам, мавқеи туғишган синглингиз даражасида кўрилмоқда. Хўш, сингил ким? Сингил табиатан эркак жигарга, айниқса, акага ўта боғланган бўлади. Ҳар «ака» деганда бағрида тоғлар ўсади. Шу биргина сўз унинг жами камини тўлдириб тургандай туйилади. Бой аками, камбағал аками, барибир унга интилаверади. Бу ака акаликни қотириб жойига қўймаса ҳам, бундан сингил ўқсиб юрса ҳам, бир-бир йиғлаб олади-да, жигарини яна қидириб келавёради. Унга акасини ёмонлаб қўрсангиз, гугуртсиз ёниб кетади! Худо қўрсатмасин, эркак бирор фалокатга йўлиқса ҳам, энг кўп ёш тўккувчи унинг синглиси бўлгич. Ҳамма юз ўгириб кетган чоғда ҳам, «акам асли ёмон эмас, уни кимдир йўлдан урган» дея оқловчи ҳам угинадир!

Дадамнинг уч сингиллари бор эди, уларни тез-тез йўқлардилар, аммо жигарларини катта тортиқлар билан севинтириш имконлари йўқ эди. Аммо аммаларимнинг соғинч билан кириб келишларини қўрсангиз, ҳар гал дадамнинг юзларига юзларини босиб, йиғлаб қўришардилар. Хосиятхон аммам акасига ҳеч совғасиз келмас, ҳеч йўқ «шу тўрттагина сомсани ё мантини сизга атаб қилдим, дарров еволақолинг» деб оғзига тутар, келгандан кетгунча дадамнинг ҳали оёғи, ҳали елкаларини уқалайверар, боз-боз онамнинг дадамга тайёрлаган таомидан хато ҳам топиб қўярди (бу ҳам

жигарлик жонкуярлиги-да!). Бундай пайтда дадамнинг яйрашларини кўрсангиз! Сораҳон исмли аммам эса бизни кўрди дегунча, юраклари ҳаприқиб, «вой, акамнинг табарруклари» деб бағрига босаверар, болаларидан беркитиб қўйганларини бизнинг қўлимизга қистираверар эди. Биттагина тоғам бор эди, у кишининг оғир беморлиги саратонга тўғри келди. Тоғам пашишахона (пашиша, чивиндан сақлагувчи дока тўсиқ) ичидатар, онам эса ёнига кирволиб, тинмай елпир, акасининг гоҳ оёқлари, гоҳ қўлларига юзларини босиб, ўз кўзидан оққан сувга ўзи ивиб, туни тонгга уланиб кетса ҳам, жилмай ўтирас, ўрнидан турса, жигари узилиб қоладигандай, ёнига миҳдай қоқилиб олганди. Мактаб кўриб, насиҳат эшитиб, бундай меҳрибон бўлиб қолмайди киши, бу илоҳий муҳаббатдир, бу илоҳий қадр!

Ҳадисда эса, биродар, умр йўлдошингизни ана ўша, «сингил» отли, шундай муборак зотта тенг қўйилмоқда. Ўйлайсиз, наҳотки жуфтинг синглингнинг ўрнини боса билса? Амин бўлиб айтаманки, кези келганда, аёлингиз сизга синглингиздан ҳам фидойироқдир!

Сиз ҳамиша аёлим мени ёқтириб туради деб ўйлайсизми? Ҳаммада бор шайтон сизда ҳам бор – ҳеч кўнгил қолдирадиган ишингиз йўқми? Жуда бор-да, ўргилай! Гоҳида юзингизга қарагиси келмайдиган пайтлари бўлади, аммо «нима бўлса ҳам, умр йўлдошимда» дейди ва хизматингизни қилаверади. Кеча уни қон қақшатган бўлсангиз ҳам, бугун бир беморликка учрангиз, йиғлаб юриб, ҳатто сизни ортмоқлаб юриб бўлса-да, шифоингизни излашга тушади. Ожизланиб қолди-ку, ёки оёқсиз, ёки қўлсиз қолди-ку, буни бoshимга ураманми демайди! Эркаги ишида камомад қилса, она мерос буюмини сотиб бўлса-да, қарзни узадиган шу аёл! Феълингиз торайиб, қариндошлару ҳатто болаларингизга ёқмай қолганингизда ҳам, «Аллоҳ розилиги учун, ўтиб кетган қайнотам ва қайнотам учун деб» оқ ювиб, оқ тарайдиган ҳам шу аёл! Жуфти саёқ юриб, то бурни қонаб, пешонаси тошга тегиб, ҳеч

кимга керак бўлмай қолганида ер чизиб қайтиб келса, унга бармоғини теккизишга жирканиб турса-да, «агар мен кечирмасам, нобуд бўлади-ку!» деб, яна унга иссиқ чой дамлаб, олдига дастурхон ёзаверадиган ҳам шу мард аёл! Бундай beminnat суянч ва beminnat дўстдан айрилиш эркак учун албатта ғариб етимлик бўлади-да!

Сиз бу тўхтамга фақат чол бўлгандағина келманг, биродар! Аёлнинг ҳам орқасида турадигани, унинг учун қасос оладигани – Аллоҳим бор! Бу дунёдаги ҳамма муносабатларимиз учун у дунёда ҳисоб топширамиз. Аёл иқлимидан келиб чиқиб айтаманки, аёлингиз бу дунёда сиз учун куйиб яшади, энди у охиратдаги азиятингизни кўриб ҳам абгор бўлмасин. Гуноҳингизни оғирлаштирунг ва унинг ўттизида, қирқида, эллигида, қўйинг-чи, умрининг ҳамма бекатларида мурувватингизни дариг тутманг, токи гуноҳларингизни ювиб турсин.

Одам Ато билан Момо Ҳавонинг никоҳларини (инсониятнинг биринчи никоҳини) Жаброил алай-ҳиссалом ўқиган эканлар, Аллоҳ, ўзи гувоҳликка ўтган экан. Демак, бандаси борки, бу улуғ кунда Аллоҳга қасам беради, шу табаррук ва муқаддас никоҳ ҳаққи, бир-биримизга эътибор ва мулозаматда бўлайлик ва Яратганинг қошига ёруғ юз билан борайлик, омин.

\* \* \*

**Уловингни аввал боғла, кейин  
Аллоҳга топшир (яъни таваккал  
қил).**

**Ҳадис**

Бир разм солинг, биродар. Майсага зилдай заминни ёриб чиқиши қувватини, бешиктебратарга хавфдан қутулиш учун турли рангга кира олишни, кенгуруга боласини асраш учун чўнтакни ато этиб қўйибди. Аллоҳнинг бундай мўъжизаларини атрофдаги ҳамма мавжудотда беҳисоб кўриш мумкин, фақат ихлос билан кузатсан бўлди. Инсонга ҳам ўз муҳофазаси учун оёқ-

қўл, сезиш, кўриш ва тафаккур қилиш каби бисёр имконлар берилган. Қавмимиз орасидан чиққан ва биздан бир қадар илгарила б кетган ҳамда ҳаётлари ибратли кечган кишилар, аввало, Аллоҳнинг пано-ҳидаги, қолаверса, Худо берган ўша ҳимояланиш захираларини ишга sola олган кишилардир.

Дейлик, «йигитчилик-да» дейсиз, ароқни ичаверасиз, «ҳали ароқдан ҳеч ким ўлмаган» дейсиз. «Йигирма йилдан бери ичаман, мана оёғимда туриб, пул топиб юрибман-ку, Ўзига таваккал, У мени асрайди» дейсиз. Аввалига ошқозонингиз табиий захира қувватини сарфлайди, ҳеч нарса бўлмагандай юраверасиз. Чунки Яратганинг даргоҳи кенг – У сизга дарҳол зиён етказмайди, ҳали-замон тавбага келишингизни кутади! Аммо ҳаддингиздан оша борганингиз сари У ҳам ҳисоб-китобга ўтади: сизни ўлдирмайди, аммо жисмингиздаги заха аъзога бошқа аъзо-ларингиз ҳисобига яшашга изи беради. Бунинг эвазига юрагингиз, буйрагингиз, жигарингиз, миянгиз изидан чиқади. Қарабисизки, оёғингиз юраверади, тилингиз гапираверади, аммо ичдан нурашга тушасиз, болалар носоғлом туғила бошлайди. Асло «бекор айтибсиз, ана, болаларим сопна-соғ» деманг! Кўриниши яхлит бўлгани билан ичи тор, тезда аразлайди, тезда жаҳди чиқади, салга оғриб қолади! Бундай бола бутун ҳисобланмайди.

«Болаларимни сенга таваккал қилдим, уларни аспа» дейишдан аввал, қўлдан келганча уларнинг ҳимоясига ўзингиз уриниб кўришингиз ва аввало ўзингиз фарзандларга касофати урадиган ишлардан тийилишингиз зарур экан. Аксари ҳолатларда ота-оналарнинг касрига болалар қоладилар, ўшанисидан арасин! Ўз ҳаракатларимизни доим таҳлил қилиб боришимиз, ўтказиб юборган хатоларимиз учун чин дилдан, илтижо билан тавба қилишимиз шарт экан! Тавба нима ўзи? Аввалги хатоларни мутлақо тақрорламаслик ва савоб ишларга тутинмак, сўнггина Аллоҳга дуо билан юкинмакдир.

Иншооллоҳ, шуңдагина Ўзига таваккал қилган нарсангиз асралгай.

Хаёт тақозоси шу, турли юмушлар билан үғил-қизларни күчага чиқарамиз. Аммо ғофил қолмайлик. Шайтоннинг ҳар ерда ҳозир эканлиги ва инсониятга доимо тажовузда туришини болаларга ҳамиша эслатиб турайлик. Фарзандлар ота-онаси нима қилса, шуну такрорловчи тұтилардир. Ўзингиз үзингизга маълум-сиз, жуфтингиз феълини ҳам яхши биласиз, заиф жиҳатларингиз болангизга үтгани аниқ! Шу нарса сизни доим безовта қылсын, уйғоқ ва зийрак туринг! Таъсир қыладиган жойи келди дегунча, самимиilik билан, йўл қўйган хатоларингиз ва унинг эвазига тортган азиятларингиздан сўзлаб ёки ён-верингиздан мисоллар келтириб, гап едириб бораверинг. Гуноҳини бўйнига олиб ва тавба қилиб турган кишининг Аллоҳ, ҳамиша юзини иссиқ, кўрсатади. Гарчи энсаси қотиб эшитса ҳам, айтганларингизни хотира халтасига солиб қўяди ва бир куни албатта керак қиласди.

«Мен ҳеч қачон адашмаганман, болам ҳам адашмайди» дея ғафлатда қолманг! Элда «итим ҳўрмайди деманг, эrim урмайди деманг» деган гап бор, фарзандингизга бир томчи анови уруфингиз, бир томчи мана бу аймогингизнинг қони ўтиб қолган бўлиши ва шайтонга осонгина эргашиб кетиши мумкин. Руҳий муолажани имконингиз етганча, узлуксиз олиб бораверинг.

Аммо эҳтиёткорлик қиласман деб, ҳаммага қинғир қараманг. Гумон – гуноҳдарнинг ичида энг оғири! Ҳар сафар гапни «ҳар эҳтимолга қарши», «балодан ҳазар» деб бошланг.

Аллоҳга таваккал қилинг, аммо ҳар бор режа тузганингизда, «ҳар эҳтимолга қарши» деб, бир-икки нусхада унинг эҳтиёт чораларини ҳам кўриб қўйганингиз дуруст.

Ойим, кўчага чиқиб кетаётган жуфтингизни «Аллоҳ, Сенга таваккал, Ўзинг асраб бер» дейишдан аввал, унинг ташқарида кўнгли суст кетмаслиги чораларини

қўриб боринг, яъни юрагини доимо уйга тортиб турадиган тил ширинлиги, саранжомлик ва қўри- нишингиздаги орасталикни ҳамиша жойига қўйиб қўйинг. Сиз бу ишингиз билан Аллоҳнинг бандасига ҳурмат билдирияпсиз, бунинг эвазига Яратган ҳам мулкингизни ўз ҳимоясига олади.

Қувалик шоирамизнинг оналари қазо қилди. Кечикиб бўлса-да, қўнгил сўрагани бордик. Бир маҳал-ладошлари ҳамроҳлигидаги ҳовлиларини топдик. Дарвоза ташқаридан (эшитяпсизми, ичкаридан эмас, таш-қаридан!) занжирланган, аммо қулф солинмаган. Эгаларини у қўшни-бу қўшнидан суриштирдик, ишга кетишгани маълум бўлди. Ҳамсоялари етагида ҳовлига кирдик. Мевалари шифил пишган, анвойи гуллар очилган, гуркираган бир ҳовли! Қарангки, уйлар ҳам қулфланмаган. Ичкаридан ловуллаган қўрпачалар олиб чиқилиб, сўрига тўшади. Марҳуманинг хотираларига дуои фотиҳа қилгач, эшик занжирини яна аввалгидаи илиб, йўлга равона бўлдик...

Мени маст эттан нарса ташқаридан илинган занжир эди! Демак, бу ерларда ўғри йўқ! «Яшасин қулфланмаган эшик, яшасин ҳалол одамлар!» дея ҳайқиргим келди! Бу қулфи йўқ дарвоза гўё инсонларга муҳаббат изҳор этиб туради... Хуроса шуки, уй эгалари ҳамқишлоқларига юз фоиз ишонгандар, мулкларини Аллоҳ сақлашига ишонгандар, фақат бегона молми, итми кириб қолмасин дебми шундай қилгандар, яъни аввал занжирни илиб, кейингина Аллоҳга таваккал топширгандар.

Биродар, бизга мукофот этиб берилган ҳамма неъматларни ихлос билан эҳтиётламасак, Яратганга хиёнат қилган бўламиз, ҳеч йўқ ўша занжир илиб қўйганчалик тадбир тузмоқ ҳам мусулмончилик-дандир.

\* \* \*

**Ўлим келмасидан аввал  
ўлимга тайёргарлик күр.  
Хадис**

Уч ойгинада ўтиб кетадиган баҳорга, қишига ва ёки уч кунгинада тинчийдиган түйга, уни ҳам қўйинг, ўн кунликини сафарга ҳам ойлаб, йиллаб тайёрланамиз! Ўлим бу – бизни чин дунёга олиб кетадиган элчи, холос. Гап банданинг бу дунёдаги охирги, яъни ўраб-чирмаб, воҳасрато билан кузатиладиган куни ҳақида эмас, Аллоҳ ҳузурига қандай дастурхон билан бориши хусусиадидир.

Бандаси фўр, бандаси ғофил! Шайтон бундан чандон фойдаланади. Инсонларни тинмай хатога, гуноҳга етаклайди. Минг армонлар бўлсинки, савоб ишларимиздан кўра гуноҳларимиз кўпроқдир! Буни ёшимиз улуғлашгандан кейингина тую бошлаймиз. Чунки бу даврда қайтар дунёнинг қайтимлари кела бошлаган фасла кирамиз. Кимга нима қилган бўлсак, зарби-ю қамрови ўн баравар кўпайиб, ўзимизга урила бошлайди. Аллоҳ ҳисоб-китобининг тиниқлигига тан берамиз, Унинг қудрати қошида юрагимизга зилзила тушади! Бир пайлар сен мунғайиб, ер чизиб юрган вақтингда пичоғи чўққини кесган айрим «баланд»ларнинг бугунга келиб, қумдай тўзиб бораётгани сабабларини уқиб қоласан. Гоҳо эса ўзингдаги мушкулларинг кутимлганда осонлашиб, қаддинг расоланиб бораётганидан ҳайратта тушасан, ўйлай-ўйлай илдизини топиб оласан, ана шундагина Аллоҳга таваллолар, шукроналар айтиб, йиғлай-йиғлай тавбага юзланасан! Бунинг отини ибодат дейдилар!

Аммо биз қиблага бош қўйиб хатоларимизни тан олишга ва кечирим сўрашга жуда кечикиб келмадикми, ярми кетиб бўлган умр билан тавбага улгуриб бўлармикси? Тоғдай уюлиб ётган гуноҳларни буғамом ювишининг иложи бормикан? Ҳамма ғап шунда.

Бу дунёning ўзида қайтим олаётганимиз, яъни болаларингдан дилинг оғриётгани ёки ёмон жуфтга учраб қолганинг, ёинки ишингдан омад кетиши, фалокат ва бошқалар учун шукронга айтмоқ керак! Чунки бу азиятлар дўзах азоблари қошида ҳеч гап эмас! Қолаверса, орқангда Аллоҳ турибди, баъзан сени синамоққа ҳам ғам бергувсиdir, жазо берса-да, кетидан Ўзи сийлаб, Ўзи овунтириб олгувчиidir!

Мантиқан ўйлаганда, дунёга келгач, эс танигандан бошлаб, киши ўлимга тайёрланиши керак экан. Ахлоқий тарбияга боланинг суюги қотмасдан туриб тутиниш шу тайёргарликнинг бошидир. Бунинг учун ота-онанинг ўзи ота-она бўлмасдан аввал гуноҳ-савобни ажратабилиши, Аллоҳдан қўрқиб туриши лозим. Воҳким, аслида бундай эмас-да, икки қадами-мизнинг биттаси гуноҳли-да! Боламизга пул топиш йўлларини ютоқиб ўргатамиз, аммо қулоғига дўзахийликдан асровчи танбеҳларни қўрғошиндай қўйиб қўйганман деб кимимиз айта оламиз?!

Кўп қаватли уйда яшаймиз. Бир қўшнимиз ҳиммат қилиб, гулзор четига яшил бута тупларини эктириди. (Бу унинг бу дунёлигу у дунёлиги учун гўзал дастурхон бўлгай, иншооллоҳ!) Бугун тонгда қарасак, кўчатларнинг ярмини кимдир қўпориб кетибди. Нақадар ғофиллик! У инсон шугина нарса учун, ўз пешонасига «ўғри» деган тамға бостириди, қазойи қадарга унинг дастурхони шу! Ўғирланган нарсани ўз ҳовлисига экиб олган бўлса, шоир юрагим билиб турибдики, эртами-кеч (унга энг кичик жазо шу!) албатта унга ё ўзи, ё боласи қоқилиб лат ейди. Ё бу ўғирланган нарса кўкармай хуноб қиласи. Кўкарса ҳам, уни ўғирлаган кишини қарғаб, ҳар ўтган-кетганида елкасига юк ташлайверади! Унинг топган бу дунёлик роҳати шу!

Бир таниш опа-сингиллар Аллоҳнинг андишасини, қолаверса, марҳум ота-онанинг ва атрофдаги тирикларнинг ҳурматини қилмадилар: ота ҳовлини талашдилар. Бу кўнгилсизликдан ҳамма воқиф бўлди. Бу

жигарлар шу туришларида асло ўлимни ўйламадилар! Қайтар дунёни қарангки, кўп ўтмай, ўзларининг болалари уй талашиб турибди! Хўш, бу дунёда-ку кўрадиганини кўрадилар, уларнинг у дунёлиги қандай бўлади энди? Асрлар давомида тиқ этган товуш чиқармай аҳил яшаб ўтилган, кўхна, болалари учун зиёраттоҳ бўлишга арзийдиган бу ҳовлини жанжалхона-ю, қозихонага айлантирганлари учун, қиёматда бобокалонлари, ота-оналари юзига қандай қарайдилар? Ортида бир-бирига бундай номеҳрибон, носолиҳ фарзанд қолдирган ота-онанинг аҳволи у ёқда не кечади?

Биродар, ҳамиша ўлим деган якун борлигини эслаб юрганимиз маъқул. Ўлим ҳақ! Бу дунё бир бандага юз йилга берилади, холос. Абадият инсон кўз юмгандан кейин бошланажак. Аллоҳни ёдлаб, унга юзма-юз бўлишга астойдил тайёрланганимизда эди, ўзимизни ўзимиз қаттиқ буровда тутган бўлардик, тиллар юракларни уриб йиқитмасди, ўтганлар фийбат қилинмасди, сафдошлар бир-бирини оёғидан илмасди, ҳаромдан ҳазар қилинарди, ёлғон гапирилмасди, қарздорликдан қўрқиларди ва ҳоказо...

Охиратга тайёрланишнинг тури кўп. Қулоқ тутсангиз, маълум бир ёшга етганда, инсон ота уйи, ота қишлоғи ва шаҳрини излаб қолади. Қолган-қутган қариндошларини дараклашга тушади. Ёни бақувватроғи она маконига кўприк қурдиради, мактаб ёки чойхона солади. Ота-онасининг умри ўтган кўчаларга ҳеч йўқ ўн туп чинор экиб кетади. Энг камида баҳолиқудрат эҳсонлар қиласди. Бу ҳаммаси унинг ўлимга тайёрланшидир. Бу қарздорликни умрининг бошидан ҳис қилган ва ҳаракатга тушган кишилар у дунёлиги бойвачча одамлардир! Нима учун қарздорлик деяпмиз? Биз доим бирорлар қуриб кетган тайёр йўлдан юрамиз, бегона кўприкларнинг бели эзилиб кетгунча авлоду аждодимизни етаклаб ўтаверамиз, бирорлар эккан боғлардан тановул қиласиз, бирорлар ёзиб кетган тайёр китобларни ўқиб олим бўламиз! Булар ҳаммаси

қарз-ку, биродар! Пиллақуртдай ўз қобиғимизга ўралиб умрни тугатиб юборамиз. Бировлар учун холисан-лиллоҳ нима иш қылдинг деб сўраладиган якун ҳам бор-ку, ахир! Ота-онангнинг орқасида қолиб, улар узолмаган қайси қарзларини узиб қўйдинг, деган сўроқларга жавоб керак ҳали! Биз тирикларнинг Аллоҳ берган яна бир имконимиз бор – агар ота-онамизни астойдил яхши кўрган бўлсак, уларнинг охиратлари обод бўлишини истасак, савоб ишларга бағир бериб тутиномоғимиз, «мана бу отам, онам учун, мана бу ўзимнинг еган-ичгандарим учун», дея бу ёруғ дунёнинг қарзларидан халос бўлишга киришмоғимиз керак.

\* \* \*

**Одамлар билан муроса  
қилиш ҳам садақа.**

*Ҳадис*

«Садақа балони қайтарур» деган нақлни болали-гимииздан бери биламиз. Садақа қўрғон бўларкан, садақа халоскор экан. Лекин нима садақа бўла олади? У фақат nochorга ёки девонага бериладиган ҳадями? Яна шундай ҳадис бор: «Одамларга нисбатан ёмонлигингни тўхтат, шу ўзингга садақа ҳисобланади». Эътибор қылдингизми, бехавотир яшаш учун шу шартни бажариш шарт, яъни одамларга тинмай мурувват қилиш керак экан! Гар бу қўлингиздан келмаса, ҳеч йўқ бироғ сиздан зарар кўрмасин, яъни бироғнинг айбини қидирманг, дилини оғритманг, кишининг обрўси, Аллоҳ берган имконларига ҳасад қилманг. «Ҳақ назар қилган кишини бандаси хор айламас» деган экан машойихлар, бироғларни обрўсизлантиришга асло уринманг, алқисса, ўзингиздан обрў кетади, демакки, унга тилаган ёмонлигингиз ўзингиз томон юриб қолади! Бу Аллоҳ сиздан юз ўғирди деган гап.

Нуқсондан қутуломмаган инсончиликнинг иши кўпинча «оларда киар жоним, берарда чиқар жоним»дир! Одамлардан эътибор қутаверамиз, аммо

ўзимиздан ҳам эътибор кутаётгандарини ҳадеганда унугиб қўямиз. Одамнинг марди кўнгилпарвар бўлади, биродар, бирор сизни бетама, холис хурсанд қилса, дарҳол ундан қарз бўлганингизни дилингизга тушиб қўйинг! Сизга шу ниятнинг ўзигаёқ савоб ёзила-жакдир. Агар ўзингиз бировга ҳиммат қилгудай бўлсангиз, яъни садақа қилсангиз, билингки, сизга келган балоларни Аллоҳ, қайтариб турибди! У бир-бирига меҳрибон бўлганларга меҳрибондир, иншооллоҳ!

Ҳадиси шарифда муросани садақа деб баҳоланмоқда. Хўш, муроса нима ўзи?

Инсонларга интилиб, уларга қалбан эҳтиёж сезиб яшайдиган одам яхши одамдир. Ва у ҳамиша ҳаммага мос тил қидирди, яъни муроса иштиёқида турди. Муроса муомалада рўпарапандаги одамга ўзингни кўнигириш, уни аяш ва тилдан ўт чиқармасликдир. Дейлик, ҳамроҳинг тажанг, тезда хафа бўладиган одам (Балки қисматида кўргилиги кўп бўлиб, сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолган, балки ёмон тарбиячидан улғайган ё ақлдан қисилган бандадир!). У ўзини ҳаммага малол келадиган даражада тажанг тутяптими, уни бу кўйга Худо солган! Аммо Худо урганини Худоберди ҳам қўшилиб уришига изн йўқ, Аллоҳнинг ишлари фақат Ўзига аён, бандаси аралашолмайди. Демак, қандай бўлса-да, бу одамни эритиш керак. Унга унинг яхши ишларидан хабардор эканлигинги ҳақида лутф қилиб кўринг, қўлингиздан келса, бир-икки ишларида кўмақдош бўлинг. Алоҳида эътибор билан ҳол сўрашиб қўйсангиз ҳам, онаси тирилиб келгандай яйрайди. Сизни кўрса, юзидан булат тарқайдиган бўлиб қолади, қарабсизки, орадан бетон девор олинди, бунинг оти – муроса!

Беморлик ночорлиқдир, инжиқ бўлиш даражасига келган bemor, руҳан тушкунликка тушган кишидир. Ҳамма гўзаллик, хандон отиб кулишлар, гурсиллаб юришлар ва кўтаринки кайфиятлардан ўзини бенасиб сезган кишининг кўнглига қил сиғмай қолади. Унинг

зардалари ва инжиқларининг сабаби шу. Агар беморнинг кўнгли тусаётган иш осон бўлса, дарҳол ижро қилсангиз, қанча яхши, имконингиз танглик қиласа, маълум фурсатдан кейин адо этишингизни самимий ваъда қилинг, шугина билан ҳам у андак соғаяди. Бемор билан муроса – бу ичингиз адои тамом бўлса ҳам, кулиб туриш ва унга кўтаринки рух берадиган сўз топа олишdir. Бугунги унга меҳрибонлигингиз, эртага бошқа ёқдан ортиғи билан ўзингизга қайтади. Касал ётганни малол олган ё дилини оғритган киши кун келиб, боши ёстиққа етганда хор бўлмоғи тайнидир!

Худо сизга тили тезни рўбарў қилади. Тили тезлик – қайсиdir азобдан туғилган ҳосила, заҳар одам – кимнингdir касофатидан мажруҳланган жон. Бу касаллиқdir, бундай одамга раҳм даркор. Тили тез киши бирорларни чақиб, ўзи маза қилади деб ўйламанг. У заҳарни аввал жонида етилтириб, сўнгра сизга сочади, демак, сиз билан баравар ўзи ҳам заҳарланади! Унинг бу тортган азобига сиз сабаб бўлдингиз, яъни унинг ўқ отадиган нуқтасига атойи тегиндингиз, бунинг эвазига Яратган Эгам унинг сўзи билан сизни ҳам ярадор қилди. Бундайларга кундай очик юз билан муомала қилинг-да, ёнида узоқ тўхталмасдан айланиб ўтаверинг! Муроса – шу.

Зоти нуқсонли шундай одамлар бор, ўзлари тинмай «бахиллик ёмон» деб туради, аммо сафдошининг андак ютуғидан лаби кўкараверади. Дунёда кўплаб ёмонликни эвлаб яшириш мумкинdir, аммо бахиллик эгасининг юрагидан кўпчиб чиқиб, юзига ураверади! Бахил ҳар доим ҳам очик ҳужумга ўтмайди, аммо сизни тан олсалар ёки мақтасалар нигоҳлари совуқ ялтилаб кетади, табассум қилмоқчи бўлади, аммо юзи фалати қийшяди-ю кулолмайди! Шунча яхши кўрган кишилари, машғулоти бу ёқда қолиб, рақиб санаган кишининг изидан тушиб олади, суриштириб ютуқларини билиб олаверади, яна касал бўлаверади! Буни атроф кўриб туради, буни кўриш жуда ёқимсиз! Мен умрим

давомидаги рўзгор азоби ёки бола катта қилиш заҳмати ёинки меҳнатнинг машаққатларини қийинчилик демайман, аммо баҳилга жабр бўлмасин деб, битган ишларим, ютуқларимни яшираверишдан, ўзимни паст олаверишдан, чиройли режаларимни пинҳона тутишдан, мени нишонга олиб турган ул баҳилнинг майда ишларини мақтаверишдан чарчаб кетдим, суякларимгача толиб кетди! Шу азиятларимнинг оти эса – муроса! Бўлмаса, жон сақлаб бўлмайди! Баҳил билан Аллоҳнинг ўзи ҳисоб-китоб қиласи, аммо у ҳам банда, уни куйдиришни кучайтириб, емирилиб боришини томоша қилиш ҳам мусулмончиликдан эмас!

Кексалар – эгардан тушган, сафари қарив бораётган, лочинлари қўлларидан учиб кетиб бўлган маъюс кишилар! Юраклари санчилган найзага тўла, хонишлари армон, ибодатдан бошқа имконлари қолмаган озурда жондирлар. Уларнинг бола-чақалари ва қариндошларидан бошқа харидори ва ҳадди сиғадигани йўқ! Бизнинг улар ўта олган довонлардан ўта билишимиз ҳали гумон! Кўражак кунларимизнинг юклари дастидан улар етган бекатларгача бора оламизми ё йўқ, Аллоҳ билади! Яхши-ю ёмон кексанинг шу туриши – илм! Бу дунёдаёқ уларнинг қайси иши нима билан сийланганини кўрайлик-да, таҳлил қилайлик. Ва раҳм қилайлик. Уларни авайлайлик ва сўнггина ният қилайликки бизга улардагидан гўзалроқ кексалик берсин! Кексалик тўлиб турган пиёладир, салга тўкилаверади, улар билан муомалада тилни ютиб, сабрни тишлаб турмоқ керак. Сизнинг бу туришингиз қон ютиб туришдир, лекин оти – гўзал муроса!

Ёшлилар билан муроса, энг оғир иш! Чунки ёшликнинг бутун жисми савол – илму тамизинг жойида бўлсагина улар билан мунозарага туш. Уларнинг кўзи тўла ҳайрат – бу дунёнинг пасту баланди, яхши ёмонини моҳирона тушунтира бил. Энг ёмони, ёшликнинг вужудида шайтон васвасаси авж пардада бўлади – унинг қайсарлиги-ю манманликларига сабр

ва босиқлик билан тур. Ёшликтининг кўзига ўзи зўр, сен эскириб қолгандай кўринаверасан, хом бўлса-да, ўз фикрини маъқуллайверади! Уларни етаклашнинг, ноқис йўлдан қайтаришнинг битта йўли бор – уларга ёқиб олиш! Бунинг учун ёшларга «бугунча мен сенга устоз бўлиб турибман, эртага эса мендан ўтиб кетишинг тайиндир», дея ёндашилади. Уларга буйруқ эмас, маслаҳат овози билан мурожаат қилинади, яхши ишлари рағбатлантириб борилади. Ёшлиқдаги ўзимизнинг хатоларимизни эслаб, ташимида бўлмаса-да, ичимида уларни кечириб туриш керак. Шуларнинг бари – муроса! Аммо бир ҳолатда бу муроса бузилади, қачонки биз каталар, уларнинг кўз ўнгида гуноҳлар содир этсак! Шундан Аллоҳ ўзи асрасин!

«Муроса-ю мадора» дейди ҳалқ. Бу билан у «муроса бу мадордир» демоқчи бўлади-ёв! Сен бирорга сабр билан муроса қилсанг, яъни уни аясанг, Яратган сенинг кучингга куч, қудратингга қудрат бераверади.

\* \* \*

**Аллоҳ таолонинг ўзи гўзалдир,  
гўзаликни яхши кўради.**

**Ҳадис**

Гўзалик – қарасанг, кўзни яйратувчи, тингласанг, дилни яйратувчи, вужудингга ва ақлингга ором бергувчи мўъжиза. Гўзаликка эҳтиёжмандлик илоҳий туйфудир. У инсон билан дунёга бирга келадиган туфма ингтиёқ. Йўқса, чақалоқ ҳали чилласи чиқмай туриб, ҳатто онасини танимай туриб, тутмаган бўйини қалтиратиб, қийшайтириб, гулларга ёки гулнинг рангии суратларига тикила бошлармиди? Бир эсланг-а, қизалоқ янги қўғирчоги, янги кўйлагини «чиройли» деб мақтанади. У шугина ёшида гўзалик билан яйрамоқда! Боланинг кўзи энг тоза рангларни тиниқ ажратади. Чунки унинг фикратларига ҳали микроб тушмаган, «мен-мен»ловчи нафси ҳали пайдо бўлмаган, моддисоннинг оловли тиллари ҳали уни ўз домига тортмаган.

Одам боласи улғаяр экан, гўзаллик тушунчасини ҳам ўзининг хоҳиш-истаклари қолипига солишига уринади. Ваҳоланки, сен гўзаллик деб билган нарсангдан аввало Аллоҳ рози бўлсин. Унинг розилиги эса бандаларининг розилигидир. Сенинг ишларингга қараб кишиларнинг чехраси очилса, гўзаллигинг шу! Эътибор берсангиз, ҳадис борки, ҳаммасининг замира «барча ҳаракатингда инсонлар учун яхшилик, қулайлик яратишга, унга тиргак ва далда бўлишга интил» деган даъват ётади. «Гўзаллик» тушунчасига шу нуқтаи назардан ёндашмоқ, керак.

Бир қишлоққа тўйга бордик. Катта йўлда роҳатланиб кетяпмиз, икки тараф ҳам ораста. Аммо тўйхона жойлашган маҳаллага кирап эканмиз, ихлосим суст кетди. Аҳоли яшамаса ҳам майли эди, кўчанинг иккала тарафи ҳам зич маҳалла. Бир томондан ариқ ўтиб турибди, ҳовлиларнинг ичидан қуюқ дараҳтлар кўришмоқда, аммо остоналарининг таги қақраб ётибди. Уйларнинг орқаси ахлатхона, кераксиз темир-терсаклар занг босиб, уюлиб турарди. Унинг устига, атрофни. сарфайган тикон босган, бу эса манзарани янада хомуш кўрсатарди. «Ўткан кунлар» романида уста Олимга қўшни бўлган Ҳомиднинг ҳовлиси худди шундай тасвирланган. Ҳар гал ўқисангиз, ҳовлисига қараб ҳам Ҳомидни ёмон кўргандан ёмон кўриб бораверасиз! Ўша куни яна шундай кайфиятга тушдим. Биз йўқлаётган тўй уч эҳсонни жамлаган эди, яъни бешик тўйи, суннат тўйи ҳам келин тушди бирга эди. Оиланинг ман-ман деган беш ўғли бор. Ўзига тинч оила... Тўйхонага келиб тўхтадик. Шундоққина дарвозанинг ёнида икки аравача гўнг уюлган, дарвоза тагидаги тупроқ билқиллайди. Қуда-аңдалари бўлса керак, келганиларни кутиб эшик тагида ўтиришибди, оёқ кийимларига қараб бўлмайди! Тўйхонанинг рўпарасидаги қўшни ҳам кўча юзига ғарам-ғарам ахлат чиқариб қўйибди. Қўшилари ҳам бўлганича бўлган экан, дейман ичимда! Оёғимиз остидан шилдираб ариқ ўтиб турибди, аммо миямизни

офтоб ўймоқда. Умри деҳқончилик билан ўтган бу биродарлар эшикларининг тагига иккита одамга соя бўладиган дараҳт кўкартиришни эвламабдилар! Ҳовлиниңг ичи эса обод, дастурхонлар тўкин, тўй эгалари атрофимизда парвона бўляпти, лекин ҳеч ёзиломадим. Та什қаридаги манзарани кўриб, хунукликка тўйиб кирган эдик. Кўзу юрак Аллоҳнинг неъмати, инсон – азиз! «Менинг тутумларим атрофга қандай кўриняпти?» деб безовта бўлиши керак бандаси. У ёқимсиз манзаралар ўша куни кўзларимизни оғритиб ўтди, юрагимизни бетоқат қилди, кавушларимиз супурилмаган кўчаларга ботиб йиғлади!

Сафарда кўп бўламан. Мактаб ва муассасаларни кузатаман. Гоҳида одамлар учун хизматни қўл учида, беҳафсалалик билан бажарилганини кўриб, юрагим куяди! Эшик ва ромлар, деворларнинг дераза рахигача бўлган қисми тўқ-яшил ёки тўқ-ҳаво рангта бўялган. Хонага кирган заҳотинг бўғила бошлайсан, кайфиятинг туғдлашади. Шунча ёғоч-тошга озмунча пул кетганми, ахир булас ҳаммаси Яратганинг неъмати, нега уларни ярақлатиб, чараклатиб кўрсатмаймиз? Озгина ихлос, озгина ҳафсала билан очроқ рангга бўялса бўлмасмиди! Бу ерда ўқийдиган ёки бу ердан ҳар куни ўтадиган болаларнинг диidi нима бўлади энди? Агар шу ишларга бош бўлган одамнинг уйида ҳам шундай диқсизлик бўлса, шўрликнинг кўнгил кўзи очилмай қолган экан деймиз кўямиз. Аммо ўз уйини астойдил, кўзга ботмайдиган, саришта қилиб тутган бўлса-ю, хизмат жойини ҳароб қилса, у маънан хунук одам! Чунки у зиммасига олган вазифасига хиёнат қилди – одамларнинг диidi ва кайфиятига зиён етказди. Ҳақнинг хақиқати шуки, куни келиб ўзи бундан зиёдроқ зиён кўргай!

Ҳақиқий гўзаллик кишининг қалбида бўлади. У – нур, эгасини ўстиради, гўзал инсонлардан ҳаётбахшлик уфуриб туради. Бундай одам кир жойда ўтиrolмайди, кир кўйлақда юролмайди, қозон-товоғи ювилмай қолса, ухломайди. Чунки «нур» аталмиш гўзаллик унга яқин-

лашган фафлат ва хунуқликни куйдириб туради. Тунов куни телевизорда Москванинг машхур бир журналисти чиройли гап айтди: «Мен байроқни йиглаб кўзига суртган одамни фидойи ҳисобламайман, йўлда тушиб ётган қофозни чиқиндиҳонага ташлаб ўтган киши ундан гўзалроқ ва ватанпарварроқдир». Кишининг амали чиройли бўлсин.

Гўзалликка интилиш кайфиятга, ёшга, бой-камба-фалликка боғлиқ эмас ва у жой танламайди. Бир дурадгор устанинг ниҳоятда завқланиб гапирган гапи эсимга келаверади. Ёзинг иссиғида бирорвнинг томини ёпаётган экан. Ён-вери янги қурилаётган чала уйлар, фақат бир оиласига кўчиб келган экан. «Иш бошлашим билан ўша хонадон деразасига қўйилган магнитофондан мумтоз қўшиқлар янграй бошлайди, бу саъй-ҳаракат мен учун эканлигини биламан ва чарчоқ билмай кунни ўтказаман. Тўққиз-үн ёш чамасидаги болача деразанинг раҳига совуқ чой солинган косаларни тизиб, устини ёпиб кетади. Қани энди коса ичида бир дона шама кўринса! Ўзини кўрсатмаётганидан билдимки, бу – аёл киши. Ва шундан бери ҳар бир хонадонга ўша аёл каби фаросати гўзал бека бергин деб, дуо қиласман», – деди.

Қўшниларга арафа оши тарқатишдай гўзал удумимиз бор. Ҳар бир косага ўз бекасининг дастхати қўйилган бўлади, ичингизда баҳосини бераверасиз! Айримларининг завқ-шавқидан ибрат оласиз. Болалигимни эслайман: арафа бўлса, «Тожи опоқимнинг бўғирсоғини ейман» деб кутиб ўтирадим... Насиба опагинам-чи (Аллоҳ, раҳматига олсин!), ҳовлисига бинафша эккан эди, тонг саҳарда бойлам-бойлам териб қўшниларга чиқарар, уйига киргудай бўлсангиз, нознеъматларнинг орасига бир даста бинафшани гуркиратиб қўйиб қўярди. Олдингизга солган дастурхони ҳам, тугун ўраб келган дастурхонлари ҳам қордай оппоқ бўларди. Насиба опанинг ортиб кетган чиройи йўқ эди, аммо тутуми дилбар эди, бармоқларидан нур тараларди...

Ўзини жуда ораста олиб юрадиган бир оима аёл бор. У болаларига «сизларга бир муҳим гапим бор-да, бир куни айтаман-да» деяверар эмиш, аммо айта қолмасмиш. Фарзандларининг қистови билан айтибди. «Болаларим, қазойим етиб, бир кун кетар бўлсан, одамлар келмасидан аввал қошимга албатта ўсма қўйиб қўйинглар, токи уларнинг кўзига ботмайин», – дермиш у...

Ёшлигидаги ғоят гўзал ўтган дугонамнинг ҳорғин юзига қарайман, юрагим уни бундай кўришни асло хоҳламайди. «Ҳеч йўқ қошингга ўсма қўйиб олгин», – дейман мен. «Ёшим олтмишга етганда кўчага бежаниб чиқсан, қандоғ бўларкин?» – дейди у. Ва нотўғри дейди у! Аллоҳнинг ўзи гўзал, азизам, шунинг учун гўзаликни яхши кўради, анови аёл бу дунёдан кетарда ҳам ороланиб кетишни ният қилмоқда, сен ахир соғлом яшаб турибсан, болаларингнинг, набираларингнинг азиз кўзлари сенга термулиб турибди, уларнинг юрагини увшитирма, қувонтир ахир, чамандай яшнаб юргин!

Шундай, биродар, гўзаликка ихлосмандлик мусулмончиликнинг жон томирларидан биридир.

\* \* \*

Жоним ҳалак бўлаверади, ки атрофдаги жами одам – неъмат, уларнинг кўзига ботмаслиги керак! Кишининг кийимиға қараб дастлабки баҳосини берасиз. Унга нисбатан исиши ёки совушингиз шу нуқтадан бошланади. Ранглар, шакллар гапиради, улардан яна нималардир сизга узатилиб туради. Бўлмаса, қай бир одамга қараб кўнглингиз яйраб, қай бирини кўрганда кайфиятингиз бузилармиди! «Истарангни иссиқ кўрсатсин» деган дуоларимиз бор. Истара – ёқимтой кўринишингиз, истара – ақл чироғингизнинг юзингизга тушиб турган ёлқини! Ўшандан бенасиб қўймасин!

Аёлнинг энг қизғин харидори – фарзанд! Болага гўзал кўриниш билан юзланмоқ керак. Хунук онани

ҳам бола қалби билан севаверади, аммо у ҳар дақиқада ўз онасини дунёда энг чиройли бўлиб қолишини юраклари оқиб тилайди! Шу тилаклар ҳаққи аёл кўримли юриши керак!

Аслида, аёлнинг хунуги йўқ, ёмон феълликлари бор, холос. Ойнакни сўймаган, ўзига оро бермаган, худо унга берган неъматларни юзага чиқара олмаган аёл гуноҳкор ва баҳтсиздир. Шунинг учун гуноҳкорки, атрофдагиларнинг кўзини зериктириди, уларнинг дидини чиройлимас нарсага кўниктириди, бу – сени кўриб турғанларнинг завқ-шавқи камаяди, яшашга муҳаббати сусаяди дегани! Бир куни бунинг жавобини бериш ҳам бор!

Бундай аёл шунинг учун баҳтсизки, у ойнакка қараганда ўзидан яйрамайди, ёнидагиларнинг ундан кўнгли тўлмаётганини сезиб туради, суюкларигача оғриқ туяди! Худо сенга уй, ризқли қозон, жуфт, фарзанд берган бўлса-ю, яшнаб кетмасанг, тўғрироғи, яшнай олмасанг?! Шундай тўкинлик ичида-я? Буни баҳт ичра баҳтсизлик дейдилар!

Ойимлар! Шуни билингким, сиз зоти шарифдурсиз! Баҳорлар рангни, гуллар ифорни, булбуллар сайрашни, наволар оҳангни сиздан олмишлар. Ҳужайраларингизда шу гўзал захиралар қўпчиб туради. Аёл агар жуфтини, боласини, ўзини ихлос билан ҳурмат қилса, Аллоҳга шукронаси бўлса, у берган жисму жонни қандай асрәётганини Яратганга кўрсатиб, унинг ризолигини сўрашни астойдил хоҳласа, бир зумда шифил гуллаб турган ўрик ва ё бодом ниҳолига айлана олади! Ахир хинолар барқ уриб этагингиздан тортқилаб ўсса, ўсмалар «мен бундаман» деб, товонларингизни ўпиб чорлаб турса, болангизнинг кўзлари оёқларингиз остидан жаннатлар қидирса, жумлаи жаҳон сизга ўзини илиниб, сизга юкуниб турса, бир силкиниб товусларга айланиб қолмайсизми?!

Уйида ҳам қўлларига хино қўйиб, қошларига ўсма тортиб юрганларни севаман. Анвойи гулларни экишни

суядиган, соchlари ораста, эски кўйлаги ҳам янгидай турадиган, ёз келса чаккасидан райҳон аримайдиган ҳаётбахш аёлларга ихлосларим бордир! Рўмолининг рангини кўйлагига, кўйлагининг рангини пойжамасига монанд тушириб, ёши-ю қаддига муносиб бичимда кийиниб, оила аъзоларини ҳам шу йўсинда олиб юрадиган аёлнинг уйи йил ўн икки ой баҳордир! Ўзига қараган аёлнинг уйи ҳам саришта бўлгай. Саришта аёл тайёрлаган емак-ичмак луқмаи ҳалолдир. Баракот мана шу уйдадир, саодатмандлик шу уйга киур!

\* \* \*

### **Ҳамма нарса ниятга боғлиқдир.**

*Ҳадис*

Дарвоқе, аёл нафақат уйда, кўчада ҳам ораста ва кўримли юрмоғи керак. Қуръони каримнинг ҳар бир сўзи муқаддасдир ва яхшиликка чорловчиидир, кўзлаган нияти эзгу ва умуминсонийдир. Аммо бу муборак сўзларнинг баъзан тор талқинларига дуч келамиз. «Аёл фақат эрига ёқиши учун ясаниши керак» деган писандалар аёлларда орият уйғотадир. Уларнинг елкасида жуфтларидан ташқари ҳам инсоний қарзу фарзлари бисёр. Аёл рўзғор деган тоғни бир умр тортиб бориши учун Аллоҳ қўшган елқадоши, ғамгузори, ҳамма йўқотганларининг ўрнини тўлдирадиган шу кишисининг тилини топиши, кўнглига йўл излаши керак, аммо унга асосан комил инсон бўлишга интилмоғи буюрилади. Шуни айтмасам бўлмаски, фозил эркакларимиз аёл бурчи ҳақида гапираётганларида Аллоҳнинг суюмли бандалари қаторида бўлган аёл зотига аввал қарз эҳтиромларини билдириб, «эркак ҳам аёлининг ҳурмат-иззатларига муносиб бўлиши кераклиги, аёлига ёқиб яшаш эркакнинг ҳам вазифаси эканлигини» яхшилаб уқдирганларидан сўнггина аёлларнинг вазифаларини санашга ўтсалар, яхши бўларди.

«Аёл кўчага ясаниб чиқмасин» деган даъватлар гоҳо газакли жаранглайди, ургуларида эркакча худбинлик,

қызғаниш сезиләди, ҳатто аёллар уйда ўтира қолса деган хоҳишилари бордай! Агар бу гапни беписандлик билан ё гумон билан айтаётган бўлса, ҳар қалай, мана шу эркақда майдалик намоёндир... Эркаккадир, аёлгадир гумон билан қарашиб ислом динида қаттиқ қораланади. Замон ва макон талабига кўра бугун аёллар ижтимоий ҳаётнинг ҳамма тармоқларида фаолият кўрсатиб турипти. Қанийди, тўрут тарафимиз бут бўлиб, эрлар топармон-тутармон бўлиб, биз фақат бола тарбияси билан шуғуллансан! Аммо бугун меҳнат жабҳаларидағи аёлларни уйга қайтарсан, жамият ҳаётининг жон томирлари узилади, мувозанат бузилади. Турмуш тарзимиз қайта шакллангунча, эркаклар билан ёнмаён ишлаш пешонада бор гап!

Бир пайт менга шундай савол берган киши манавиндай фикр билдирган эди: «Масалан, эркак кўчада кетяпти, ёнидан чиройли аёл ўтиб қолди, қарабисизки, мана шу аёл эркакнинг ҳушини ўғирлаб, ҳалолу пок одам фикрининг булғанишига сабаб бўлди. Демоқчиманки, аёллар очик, ясаниб юрмасинлар!» Ўшанда берган жавобимни шу ўринда келтиргим келди. Аввало, мусулмон одам келаётган йўловчининг аёл эканлигини билгач, дарҳол ўзини четга олади ва бегона аёлга ҳаргиз синчков назар солмайди! Учраган кўримли аёлга хуши учиб, суст кетадиган эркак Аллоҳ талабларини ботбот унутадиган, нафси ружуда бўлган бандадир. Унинг оғзида илми бўла туриб, ҳиссиётини тавба билан ҳам қайтара олмаса, унинг асли чатоқ, зоти чатоқ! Бундай одам нафақат юзи очиққа, паранжилик аёлга ҳам хуши кетаверади. Ҳатто девор орқасидан ёқимлироқ овоз эшишилса, мўралагиси, қўйиб берсангиз, ошиб тушгиси келиб туради. Биродар, Аллоҳ бандасига буюк неъмат – тафаккур берган, у ҳамиша шайтон васвасаларидан асрагувчи яроғдир, ҳар кимни ўшангага суюнтиурсин! Кўчага чиққанки зот айниб кетаверса, атрофдаги шунча савоб, қутлуғ ишларни ким яратибди! Ким билан гаплашсангиз, кимнидир дуо қиласи, дуо олаётганлар

худо ярлақаган одамлардир. Шулар бизни түрт тарафдан үраб туради. Демак, яхшилар қўп, яхшилик ҳамиша мавжуд. Фақат покиза рангларни кўра билиш керак. Покизаликни эса фақат ўзи поклар танийди.

Камина ҳам умр бўйи юзи очиқлар қаторида яшаб келдим ва умр бўйи мўъжаз ақдим етганча инсоний гўзалликлар хусусида қалам юритдим. Аммо ҳеч қачон кўчадаги эркакларнинг барини ёмонга йўймадим. Жим оқадиган дарё ҳам эмасман, катта-ю кичик эркак сафдошига баҳорий, очиқ кайфият билан муомала қилдим. Аммо бирор марта шу тоифанинг бирор вакили, ҳатто феъли енгилроқ ҳисоблангани ҳам менга бежо, малолли су қотмаган. Самимийлик, ниятнинг тўрилиги по-покликни йўлатмаслигини умр бўйи кўриб келдим. Ўқиш, иш жараёнида орттирган эркагу аёл – бебаҳо дўстларим билан ҳаётим бутундир. «Ҳамма нарса ниятга боғлиқдир!» Бу сўзларда буюк хосият бор. Гап очиқ юришда ҳам, ясаниб юришда ҳам эмас, уйда ўтириш, кўчада ишлашда ҳам эмас. Ҳамма гап эркагу аёлнинг зоти ва нияти қандайлигидан!

\* \* \*

**Мусо алайҳиссалом сўрадилар:**  
«Эй раббим, одамзод сенга қандай шукр қиласди?»

**Аллоҳ деди: «Неъматни мендан деб билса, ўша унинг қилган шукридир».**

**Ҳадис**

Адл қоматимиз, соғлом ҳаракатларимиз, истарали кўринишимиз билан кўчаларни тўлдириб, атрофда-гиларнинг ҳавасини келтириб ўтиб борамиз. Кўнгли-мизга фуур тўлади: «Нафси ламрини айтганда, анчамуича одамдан кўринишим текис менинг!» деб қўямиз ва атрофга тепадан пастга қарагандай назар соламиз! Мана шу турини Ҳақни унутишининг бир кўринишидир!

Хўш, сиз бу тўқис суратингизни ўзингиз чизиб олдингизми? Бу қоматларни ўзингиз бино этдингизми?

Бу мукофот сизнинг чекингизга Аллоҳнинг муруввати билан тушиб турибди-қу! Ба бу сазоворлик эвазига сиз нима қайтардингиз? Ҳеч йўқ астойдил раҳмат айтдингизми? Талай нотўғри жиҳатларингиз борлигини ўзингиз билиб турасиз, бу тухфаларга муносибманми ё йўқ дея, ўз мағзингизни бир баҳолаб кўрдингизми? Агар ўзингизни тафтиш эта билганингизда эди, Яратганга йиғлаб юриб, тинмай шукроналар айтган бўлардингиз, менга берган ҳадяларингга мени муносиб айлагин, деб илтижо қиласингиз. Сиз каби чиройчимматлари бўлмаса-да, не-не гўзал ишлар ирод этаётган қишиларнинг олдида хижолат чекардингиз, феълу атворингизни ростлашга тушардингиз. Шукронали кишининг қиёфаси шундай бўлур, биродар!

Сизнинг ихтирочи миянгизни, номингизни машҳур қилган қаламингизни, мансабдорлик курсингизни ёки ҳофизи асилигингизни берган Аллоҳдир. Ўзингизга айтилган ҳамма оғаринларни Унга йўлламоғингиз, бу истеъдод Яратганинг сизга имтиҳон учун берган омонати эканлигини ҳар дақиқада ҳис этмоғингиз ва Ўзи истаган вақтда сизни бу неъматдан маҳрум этиши мумкинлигига иқрор бўлиб турмоғингиз даркор! Ана ўшанда кибрдан нари юрасиз, ҳаромдан ҳазар қиласиз. Аллоҳ берган истеъдод, қўлу оёқ, кўзу тил, дилни бехудага исроф қилишдан тийиласиз!

Ҳикоя қилишларича, машҳур Эйнштейн худони тан олмас экан. Хасталанган олимнинг аҳволи оғирлашиб, жон таслим қиладиган вақти етибди. Аммо ҳадеганда жони узила қолмасмиш. Унинг қийналишидан атрофидагилар ҳам қайғута тушибдилар. Ва ниҳоят бир дўсти унга: «Бу вазият Аллоҳдан. Уни тан ол, нимага эришган бўлсам, Сен туфайлидир, мендаги ҳамма имконларни берувчи Ўзинг, жон аччиғидан ҳам Ўзинг халос қил деб сўра», – дебди. Бемор иқрор бўлиб, шу сўзларни айтиб бўлиши билан жони танидан узилган экан...

Ҳамма нарсани Аллоҳдан деб билувчи одам атрофга меҳр ва ихлос билан қарайди. «Яратганинг неъмати»

дэя ҳеч нарсаны исроф ва пайхон қилмайди. «Аллоҳ-нинг бандаси» дэя, кишига озор бермайди, уни камситмайди. Биронинг молини ўғирламайди, чунки ўша биронга бу молни бергувчи ҳам Яратганинг Ўзири, бандани тунаш Аллоҳни тунашдай гап! У билан Ўзи ҳисоблашади!

Дейлик яна, сен бир солиҳ кишини ўзингта рақиб сайлаб, дилини ноҳақ сўзлар билан устма-уст яраладинг. У бечора дил оғриғи билан овора бўлиб, сени қарғагани ҳам йўқ. Аммо ёқа ушлайдиган даражада тез муддатда Аллоҳ, хонумонингни мотамсарога айлантиради. Сен агар ҳасад ва қасд билан бирони бурчакка сурсанг, Худо сени қайтиб туролмайдиган қилиб ер билан битта қиласди! Ўзи яратган неъматларига Аллоҳ-нинг Ўзи ҳимоячиридир!

Ҳамма нарсаны Яратгандан деб билган ва унга доимий шукронада бўлган одам йўқотган нарсаларига ҳам пушаймон қилмайди. Чунки, Аллоҳнинг ҳамма иши яхшилиkkадир. Яъни, бир ноҳушлиқдан кейин, албатта қўшалоқ қувончга мусассар этади. Ёки сени катта бир қайғудан асраш учун, кичикроқ ташвишга рўбарў қиласди. Демак, боингга тушган ёмон кунни ҳам Ҳақнинг марҳамати деб билиш ва шукр қилиш адолатдандир.

Ривоят қилишларича, бир одам ўғиларидан бирини олиб саёҳатга чиқибди. Қисматни қарангки, саёҳат пайтида ўғлини от тепиб ўлдирибди. Ўзининг эса оёғидаги қорасон касаллиги кучайиб, уни кестириб ташлашга мажбур бўлибди. Сафардан қайтиб, уйига кираг экан, аҳли аёлинни тинчлантириб дебди: «Кўркманглар ва мамнун бўлинглар: Аллоҳ, менга тўрт фарзанд берган эди, битгасини олиб, учтасини қолдириди, шунисига шукр. Иккита оёқ берган эди, бирини қолдириди, бунга ҳам шукр. Бир марта дард тортдим, аммо танам узоқ вақт саломат юрадиган бўлди. Кўрдингизми, Аллоҳ, мендан озгина нарсани олиб, кўпини қолдириди», – дебди минг ризолик билан. Ҳол сўраб келган, ўша давр илм аҳлидан бўлган бир киши унга янада

аълороқ фикрни айтибди: «Эй Абу Абдуллоҳ, сиз хурсанд бўлинг. Чунки аъзоларингиздан ва болаларингиздан бири сиздан оддинроқ жаннатга кирди. Аллоҳ хоҳласа, бутун қисмга эргашгусидир. Аллоҳ таоло бизга сизнинг илмингизни қолдирди, биз шунга муҳтожмиз. Ҳисоб-китоб қилувчи Яратганинг ўзиридир».

Яна бир ҳадисдаги чиройли ҳикоят эсимга тушди: жангда асир олинганларнинг ичида бир ёш жувон атрофга безовта қарап, ҳадеганда ҳали у гўдакни, ҳали бу гўдакни бағрига олиб эмизар эди. Бунга разм солиб турган Расулуллоҳ с.а.в ёнларидағиларга дедилар: «Анови аёл ўз боласини ўтга ташлай оладими?» Биз: «Йўқ, асло ташлай олмас», – дедик. Шунда у киши: «Аллоҳ таоло ўз бандаларига боласига меҳрибончилик қилаётган манави аёлдан ҳам меҳрибонроқдир!» – дедилар. Шундай, биродар, Яратганинг борлигига кунда минг бора шукр келтирайлик. Шукронаси бор одам баҳтили одам, чунки Худо унга таҳдил қувватини берган ва у ўзининг ҳар қандай аҳволотидан ором, юпанч топа олади.

\* \* \*

**Жамоатдан ажралманглар,**  
чунки шайтон ёлғиз киши билан  
биргадир ва икки кишидан узоқ-  
роқдир. Кимки жаннат нэймат-  
ларини хоҳласа, жамоат билан  
бирга бўлсин.

*Ҳадис*

Яхшиликни сиз одамларга талпинган, одамларсиз туролмайдиган кишидан кутаверинг. Аллоҳ суйган бандасини одампараст қилиб қўяди... Ота-онамни йўқлаб борардим, қўпинча дарвоза ҳам, уйларнинг эшиги ҳам ланг очиқ, онамни эса албатта ён қўшниникидан топиб чиқардим, хандон уриб чақчақлашаётган бўларди. Бирорларни йўқлаб, бирорларга лутф қилиб, бирорларнинг ҳожатини чиқариб толмас эди онам, онажоним!.. Бир шеъримда айтибман:

*Онам битта калом айтса, ки юз жонда баҳор эрди,  
Онам лутфи жаранг берса, дутору тор хор эрди,  
Қўшилса у, ҳамма бедор, ўтиб тун, тонг отор эрди,  
Онамдай сұхбати дилкаш зотимда йўқми, бор энди?  
Боламнинг феълига Аллоҳ онамни уйғотиб бергин...*

Эллигинчи йиллар. Тошкент. Бир уй, бир айвонимиз бор, холос, рўзғоримиз ғоят қамтарин. Аммо қўшни аёллар кечалари нуқул бизникига тўпландардилар. Уларга кўнгил яйратар дастурхон ҳам ёзилмасди. Ташқарида гупиллаб қор ёғар, сандал (танча)нинг устига ўнинчи лампали керосин чироқни қўйиб олишар, тунги 11-12 гача қолиб кетишарди, онам чопон қавир, бир кекса хола чолларнинг ироқи дўпписини тепчир, Кимё опа ва Фароғат опоқилар эса уларга сұхбатдош бўлиб ўтирадилар... Мана шу ўтиришларида улар бир жамоа эди. Қандай ўйлайсиз, бу жамоадошлиқ уларга нима берарди? Онам «одамнинг тафтини одам олади» деган нақлни қўп айтарди. Одамлар билан сұхбатга эса вақт кетади. Аслида, вақт онам учун жуда керак эди, чунки тирикчилик шуни тақозо қиласди. Аммо қирғоқча чиқиб қолган балиқ сувга қандай талпинса, онам одамларга шундай интиларди. Ўша кез қатор сингилларим қазо қилган, дадамнинг ишлари орқага кетган, бир ёғи мусоғирчилик. Лекин бу йифинларда онам ҳеч кўз ёши қилмас, аксинча, ичакузди аскиялар айтар, фаройиб ҳикоятлар билан атрофидағиларни мамнун қилиб ўтиради. Хўш, бу ўтиришлар унга нима берарди? Жамоат – тарозу, дарду ғамингни бошқаларга солиштириб беради, бирини кўриб фикр қиласан, бирини кўриб шукр! Эҳтимол, бу аёлларнинг ичида онамдан ҳам абгорлари бўлгандир. «Йиғлама, биродар, менинг бағрим ҳам мана бундоқ ярадор», деган бўлса, онажоним шайтонга даф бериб, «бу аёл шунча ғами билан тикка яшаб юрибдику», дея ўзини синиб қолиш, ётиб қолишлардан асраб юргандир балки!

Катта ҳаёт йўлига тушганингдан сўнг, энг дилбар дўстинг хотира бўлиб қолади. Аммо эслайдиган нарсаларингнинг ғоят ярқироғи, оловланиб турадигани талабаликнинг пахта ҳашари – жамоат билан туну тонгда бирга бўлиш пайтларидир! Кўпчиликнинг назари остида юриш, улар билан муомалага сўз танлаш, ўз тизгинингни маҳкам ушлаб туриш катта тарбия мактабидир! Кўпчилик бамисоли қайчи, ортиқча шохларингни қийиб туради. Айтган ортиқча сўзингни дарҳол ўзингга қайтариб, игнадай санчиб, тилингни тийиб қўяди! Кўпчилик ҳамиша қўлини бигиз қилиб сени кузатади ва шу тарзда хатолардан омон сақлади. Илмингни китоб ва устозинг ўстиради, феълингнинг онаси эса ҳамиша жамоатdir!

Нима учун тўй кўпчилик билан ўтказилади? Жамоатнинг дуосини олиш, дастурхон солиб, сенга дуогўй ва тарбиячи бўлганларнинг кўнглини олиш учундир! Сезяпсизми, ғоят хурсанд пайтида ҳам киши одамлар орасида бўлишни хоҳлайди. Чунки бу илоҳий истақдир, «Бирга бўлингиз!» деган ҳукм Аллоҳдандир!

Ёруғ дунёни тарқ этар пайтинг ҳам жамоат қуршовида бўласан. Бу гавжумликтининг қатор ҳикматлари бордир. Биринчидан, жаноза пайти марҳумнинг яхши фазилатларига қанча кўп одам гувоҳлик берса, унинг учун шунча шарофатли бўлур, иншооллоҳ! Иккинчидан, яқин кишисидан айрилиб, устуни қулаб турган одамга ғамгузор бўлиш, ўзига келиб олгунча суюнч бўлиб туриш ҳам мусулмончиликдандир. Қолаверса, ҳар бора ўлим маросимига боргандা интиҳонинг борлиги, бу дунёда ҳамма меҳмон эканлиги, то тирик экансан, ҳар бир дақиқанг ғаниматлигига ишонч ҳосил қилиб, тавбага келиб қайтасан. Бу ҳам илм! Унга эга бўлишда эса жамоатга қўшилишинг сабаб бўлмоқда.

Гоҳо эрталаб жуда ланж турасан, ҳатто ўзингни бемор сезасан. Ишга боргач эса, бир соат ўтар-ўтмас тирилиб кетасан, бинойидай ишлаб, тетиклашиб қайтасан. Билгинки, атрофингдаги кулиб юрган одамлар,

уларнинг саломат ва хайриҳоҳ туришлари, сендан са-  
мимий аҳвол сўрашлари вужудингга қувват узатди, сен  
нурландинг ва дадиллашдинг. Жамоат тинмай турли  
токлар тарқатувчи ва жисмингда ҳисобсиз уйғонишлар  
ҳосил қилувчи жонли лабораториядир. Шунинг учун  
ҳам яхшиларга ёндашмоқ, уларнинг шарофатли нур-  
ларидан баҳраманд бўлмоқ, халқона айтганда, ёмон-  
ларнинг каттаси бўлгандан кўра, яхшиларнинг кичиги  
бўлиб юриш чандон яхшидир!

Шайтон ёлғизни енгади. Гуноҳлар ёлғизлиқда содир  
этлади, тушкунликка ва саросимага ёлғиз қолганда  
тушилади, bemor ёлғиз қолса, дарди оғирлашади. Ин-  
сондан узоқлашганнинг ҳоли шу! Онам тинмай «ёлғиз-  
лиқда жон чиққулик қилмасин, биринг доим ёнимда  
бўл» деяверардилар...

Одамшаванда бўлайлик, одамларга ёқиб юрайлик,  
уларнинг кўзлари бизга офтоб, юраклари атрофимиизда  
кўрғон бўлиб турсин.

\* \* \*

**Кимки одамларни рози қила-  
ман деб, Аллоҳнинг ғазаби кела-  
диган ишни қилса, Аллоҳ уни  
одамларга топширади. Кимки  
Аллоҳни рози қиласман деб, киши-  
лар ғазаби келадиган ишни қилса,  
унга кишилардан келадиган за-  
рарга Аллоҳ кифоя қилади.**

*Ҳадис*

Ҳайитлар Яратганинг борлигига имон келтириб,  
Унинг бандаларига берган моддий ва маънавий бой-  
ликларига шукроналар айтиб, яйраб, қувонгандарини  
янги либослар кийиб изҳор этиб, бир-бирларини  
йўқлаб, эҳсонлар қилиб, савобини ўтганларига бағиши-  
лайдиган қадр ва покланиш кунлариdir. Аммо қонида  
шайтон айланадиган одамзод шундай муборак сана-  
ларни ҳам беҳурмат қилишга улгуради. Бир сұҳбат  
қулогимга чалинади: «Пул кетса ҳам, обру кетмасин,

қудамга қараб ўтиrmай, келинимнинг ҳайитига қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам, тўрт юз дўлларга тўрт қилдиряпман». Мен уни инсофга чақирмоқчи бўламан. «Вой опажон, бу харажат ҳеч гап эмас, фалончи (таниқли амадорнинг отини айтади) қизига бир минг икки юз дўлларлик тўрт тайёrlатиби!» – дейди у нигоҳини найза, овозини қилич қилиб!

Тилаб олган, не кўйларга тушиб катта қилган боласининг бодомдай гуллаб турган янги рўзгорига дуо излаш ўrniga гуноҳларни чақираётган жоҳил она бу! У ҳайитни пеш қилиб туриб, шуҳрат топмоқчи, келганларни ҳайратга солмоқчи ва шунингдек, баланд дор қудаларини рози қилмоқчи. Шуҳратпастлик дегани атрофга қараб: «Бу менман, бу фақат менинг қўлимдан келади!» дея кўкракка урищдир. Бундай одам Худони унутади! Бу – катта гуноҳ. Шунча пуллик нарсани келганларга бўлиб берса бошқа гап эди, у уч кун тургач, айнийди, ё анҳорга оқизилади, ё молга берилади! Бу – яна бир гуноҳ! Қарз узиш ҳисобига оила иқтисоди маълум муддатга тангашади, бунга сабабчи бўлишнинг ўзи яна гуноҳкор бўлишдир! Ўринсиз ташвишлар билан Аллоҳ берган жисми жонини қийнагани учун эса вақти-соати келиб яна жавоб беради! Кўрдингизми, у Яратганинг розилиги билан ҳисоблашмагани учун шунча мушкулотга рўбарў бўлиб турибди.

Оилам яхши яшасин дейсиз, болаларим армон қилмасин дейсиз, ана ановилар ҳам шундай йўл тутяптию дейсиз-да, савдода ноҳалол йўл тутасиз, порахўрлик ёки судхўрлик қиласиз, давлат ё кимсани алдаб пул топиш йўлига ўтасиз. Ҳадисга эътибор беринг, «одамларни рози қиласман деб, Аллоҳни ғазаблантирадиган йўл тутсанг, Аллоҳ сени одамларга топширади» демоқда. Сиз юқоридағича йўл тутдингиз, қарабсизки, болангизнинг биттаси куйдирадиган чиқади, Аллоҳ сизни унинг қўлига топширади ё бадфеъл аёлга ёки эрга қисматингизни тўғрилайди, ёки келинингиз, эҳтимол,

куёвингиз баттол чиқади – шу ғавғолар ичра хомталаш бўласиз!

Идорангиздаги раҳбарни ёмон кўриб турсангиз ҳам, унга яқин бўлишга тиришасиз. Садоқатингизни исбот қилмоқчи бўласиз-да, жамоадошларингиз ҳақида ёмон гапларни унга етказа бошлайсиз, раҳбарнинг нотўғри ишларига рағбат берасиз ёки унинг гуноҳ ишларига шерик бўласиз. Қарабисизки, у учраган шармисорлик сизни ҳам уриб кетади! Ҳамма амалимизни Аллоҳ кўриб турганини унутмайлик!

Қўлида моддий имконияти ёки иш битирувчилик қобилияти бўлган, аммо ўзи бузук, муттаҳам кимсаларга боғланиб юрасиз, сиз аслида уларни ёмон кўрасиз, аммо бир куни керак бўлиб қолади дея, кўнгилларини овлаб турасиз, ёмон ишларига жирканмай томошабин бўласиз. Бундан Аллоҳ рози бўлмас, кун келиб, ўшаларнинг гуноҳига шериклиқда айбланасиз!

Одамларнинг хурсандчилигини ўйлайсиз, тўй қилсангиз, ўнлаб яшикларда ароқ келтирасиз. Бунинг нотўғрилигини билиб турасиз! Чунки ичкилик одамларнинг саломатлигидан бошлаб, ораларидағи муносабатгача дарз солувчи, кишини инсонлик қиёфасидан чиқарувчи душман! Яратганинг суйган бандаларини шу алфозга солиб кузатганингиз учун, тўйхонангиздан фаришталар кўтарилемоғи, дуоларингиз қабул бўлмаслиги мумкин, ахир!

«Кимки Аллоҳни рози қиласман деб кишилар ғазаби келадиган ишни қилса, унга кишилардан келадиган заарарга Аллоҳ кифоя қиласди», яъни Ўзи у одамга ҳимоя бўлади, заарлантирмайди, дейилмоқда. Кимдир хизматни (давлат иши бўладими, ҳунар бўладими) тирикчилик ўткизиш манбай деб билади. Кимдир эса пул топишдан ҳам кўра бир нарсани яратиб, йўқдан бор қилиб, завқлангани, маза қилгани меҳнат қиласди. Буни ихлос билан ишлаш дейилади. Бундай одамлар баҳтли кишилардир, чунки улар зерикмайдилар, чарчамайдилар, энг муҳими, касб-корлариға

хиёнат қилмайдилар. Аммо улар умр бўйи рақиблар қуршовида яшайдилар. Дунёда ким кўп, суст одам кўп, кўзи илонники каби ялтираб турадиган ҳасадгўйларни айтмайсизми! Улар ҳамиша ишchan, меҳнаткашларга ҳамлада бўладилар. Аммо яхшининг ёри Аллоҳдир. Ихлос билан ишлашда давом этавериш керак, ҳамма экканини олади, аллакимнинг дастидан сиқилиб юрсанг ҳам, камроқ топсанг ҳам, Эгамнинг Ўзи умрингнинг охиригача етадиган етарли ризқ ва ҳурмат ато этади, иншооллоҳ!

«Мен» деб кўксингга уравермасанг, мақтов рўй-хатларига тиркалишга, мукофотларга эга бўлишга уринавермасанг, аксинча, «ишларимдан Аллоҳ, розими, йўқми» деб, ўзингдан кўнглинг тўлмай яшасанг, Яратган сени ҳеч ким ўчира олмайдиган сара рўй-хатларга қўшгусидир. Ҳеч ким тушира олмайдиган ҳурмат тахтига, ҳеч қачон тугамайдиган баракот баҳтига эга қилгусидир.

\* \* \*

**Бир нарсани яхши кўришингиз  
сизни кўр ва кар қилиб қўяди.**

**Ҳадис**

Гапнинг индаллосини айтганда, бир нарсага туну кун берилиш, иситма чиққунча, кўзинг тингунча, токи жонингга, молинигта зиён етгунча ўша нарсага мукка тушиб, мубтало бўлиш атрофдаги сенга берилган бошқа неъматларни унутиш, яъники, Аллоҳни унутиш демакдир. Ўзинг ўз зиёningга юра бошлабсанми, кўр бўлганинг шу, кар бўлганинг шу!

Бир тутатиб қўйсанг, бир минутгина кайф (сенингча «роҳат») берадиган папиросга ёпишиб олиш, думини думига улаб чекиш (онангни йўқлаш, уйингта нон олиш эсингдан чиқса чиқадики, папирос олишни унумайсан!), у билан шу қадар дўст тутиниш, яна «йигирма йилдирки, ўттиз йилдирки ташлай олмаяпман» деб

суурланиб гапириш ичингга кириб олган шайтоннинг тўла ғалабасидир! У сени эгаллаб бўлди, бу дегани унинг сендаги иши битди: биринчи навбатда у виждонингни, тафаккурингни ухлатиб қўйди, кейин йўталадиган қилди, ошқозонинг яра бўлди, асабинг таранг, гапирсанг, бамисоли қора ўчоқдан тутун чиқаётгандай, юзларингга ис ўрнаб-ўрнаб кетган! Қолаверса, боланг соғлиғи ҳам заиф туғилди! Кечир мени, юқоридагидан мулоимроқ баён тарзини топа билмадим. Наҳотки, чинордай гуркираган қоматинг барги хазоидай ғижимлангунча, зурриётинг яроқсиз бўлгунча кўр ва кар бўласан?! Агар кўру кар бўлмасанг, шунча бойликни берган Яратганинни унудиб, бу дунёда сени баҳтсиз, у дунёда дўзахий қилиш ягона мақсади бўлган шайтоннинг айтганини сўзма-сўз ижро қиласмидинг?! Папирос нима деган гап, аммо шайтон алайҳиллаъна шугинадан ҳам тақдиримизни қаро қила билади. Пулга, ароққа ружу қўйиш, шуҳратга ружу қўйиш ҳам худди шундай фалокатли йўллардандир!

Ҳар бир инсон – неъмат, унга интилиш керак. Аммо ҳар бир инсонда шайтон борлигини ҳам ҳеч унутмайлик! Эҳтиёт даркор. У ҳаммамизга тинмай қутқу солиб туради. Ва ҳар қадамда адаштириши, гуноҳлар содир этишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам, «кўп берма, кўнгил қўйма» дейди ҳалқ. Сендаги имкониятлар Аллоҳнинг неъматлари, унинг жиiddий ҳисоб-китоблари бор, биринчидан, ўзингдан, бола-чақангдан ошганини бер. Иккинчидан, бераётган нарсага эҳтиёжи бўлса бер, қолаверса, у илтифотингниң қадрига етса бер! Яна: узлуксиз мурувват қилишни ҳам тўхтат. Бир куни у шайтоннинг гапига кириб, дилингни оғритиб қўйса, шунча мурувват эвазига топган «қадрингга» куйиб-куйиб кетасан! Онангга, болангга, уруғ-аймоғингга бунчалик югуриб, бунчалик илинмаяпсан-ку! Аллоҳнинг олдида сен аввал ўз оиланг учун бурчдорлигингни унутма!

Онам раҳматли: «Фалончининг ўйи калта, бирорни топиб олса, итнинг жунидай киришиб кетади», –

дердилар! Инсонларга интил, дүст топ, дүстлик қил, ҳамфирк топсанг, йўқотиб қўйма, аммо нозик саргузаштларинг, сирларинг ва қўлингдан нималар келишини сир тутганинг маъқул. Аксари ҳолатда рақиблар ўта яқин бўлиб кетган одамларингдан чиқади!

Яна «бировни ортиқча яхши кўрма, кун келиб уни ёмон кўриб қолишинг мумкин» ва «бировни ортиқча ёмон кўрма, вақти келиб, уни яхши кўриб қолишинг мумкин» деган ҳадислар бор. Сен бу ҳадисларни дилингда ҳар куни ёдлаб юр ва жараённи кузат – бойиб кетишинг ё аксинча, камбағаллашиб қолишинг бор, пул қарз олиб ва пул қарз бериб кўришинг бор, бошингга иш тушганда бир синайсан, сафарларда бирга бўлиб кўр, моддиюнга назарининг пастлиги-ю баландлигини сина ва сўнггина кўнгил ипларини боғла...

Биродар, дунёда ўз аёлига муккасидан кетиб, мубтало бўлган эркақдан хунуги йўқ! Ҳали мактабдалик пайтимда уйимизга бир меҳмон келганди. Ва у гўдак хотирамга ёқимсиз суратдай ўрнашиб қолган. Нега десангиз, у неча кун турган бўлса, оғзидағи гапи фақат хотинини мақташ бўлганди. Аёлининг ҳиндларники каби холи борлигини кетгунича ўн мартача такрорлаган эди-ёв! Ҳозир унинг ёши етмишга борди. Аммо қисмати чатоқ бўлди: у ҳануз оддий аскар, аёли эса генерал бўлиб ўтиб бормоқда. Хотиннинг истагига биноан, у жигар-бағир, виждон-орият деган нарсалардан юз ўтирган. Аллоҳнинг раҳми келсинки, унинг у дунёлиги ҳам хунук кўринадир!

Бир оиласи мажаро қулоғимга чалинади. Қайнота куёвга дермиш: «Битта ўғил бўлсанг нима бўлиби! Мана мен ҳам якка ўғилман. Аёлим «бахтли бўлишимиизни хоҳласангиз, ота-онангиздан алоҳида яшаймиз» деди, мен аёлимни жуда севар эдим, оиласи баҳт биринчи ўринда бўлиши кераклигини англадим ва уй олиб чиқиб кетдим. Худога шукр, чиройли яшаб келяпмиз. Мана сизларга ҳам уй олиб қўйдик, қизим билан кўчиб келинглар, ота-онангни кўриб-келиб

тураверасизлар!» Бу одамни шайтон шу қадар күр ва кар қилганки, у шунча йилдан бери ўз ота-онасининг норизолигини кўрмай, эшитмай келди! Атрофни ҳам кузатолмай қолган, битта эмас, қаторлаб ўғиллар бўлишса ҳам, ота-она кўнглини олиш учун ҳамма нарсага тайёр, ҳатто уларни қўлларида кўтариб юришга ҳам рози фарзандлар борлигини билмайди у! Бу хотинпараст эркак ўзининг дўзахийликка олиб борадиган бу фалсафасини энди куёвига ҳам сингдирмоқчи!

Болапарастлик ҳам шундай ёмон балодир. «Боламга, боламга» деб бўғзингдагини ҳам узиб бераверсанг, «у келажақда бекаму кўст яшаши керак» деб, ўзингни, бошқаларни унутиб, эл-юрт олдидаги бурчу уятни йиғишириб, ҳалол-ҳаромни арашлатириб, мол-дунё йиғишига тушсанг, буларга сазовор бўлган боланг эллининг, ўзингнинг ҳамда Аллоҳнинг норизолигига йўлиқувчи бадкирдор кимсага айланади! Бир нарсага ортиқча меҳр қўйиб, ақлни кўр, виждонни кар қилганинг учун етган жойинг шу бўлади!

Киши Яратганни унутган сари шайтонга яқинлашаверади. Шу даражага етадики, сурат уники, аммо ҳамма ҳаракатлари шайтонники! Ва шундайлардан бири бир куни ўзини «муҳаббатга йўлиққан» деб эълон қиласди. Йигирма йиллик турмуши бор бу эркак инсоний тутум тутганда, ичида севиб, ичида куйиб юраверар эди, аммо унинг номидан иш туваётган шайтон! Ва у «болаларинг нима деса дер, аёлинг нима бўлса бўлар, ота-онанг эрта-кеч ўтиб кетадиган вақтинча одамлар, уйланиб ол шунга» деди, «усиз ўлиб қоласан» деди, «у ҳақдаги ёмон гапларни эшитма, ҳаммаси тухмат» деди. Бу аёлга учрагунча эркак пок, тартибли инсон эди. Унинг самимийлиги, мардлиги ва пулдорлигини фаҳмлаган шайтон аёл эркакнинг атрофида елвизакдай айлана бошлади. У ўзини дастлаб тузалмайдиган bemор ва баҳтсиз муштипардек таништирди. Қарасаки, эркак унга силаи раҳм кўзи билан

қарамоқда. Дарҳол икки фарзанди бўлса-да, бирини ҳеч икки қиломаган камбағал эри билан ажрашди. Энди эса bemорлигининг устига бошида эркаги йўқ мунгли аёл сифатида ҳасратларини тўка бошлади. Ўрисларда «крокодильные слёзы» деб, бизда эса «фар йифиси» аталадиган шайтоний усусларни қўллади, эркакка «сиздан иш ўргансам, сизни устоз десам бўладими» каби юкинишлар билан юзланди. Ҳом эркаккина лақقا балиқдай бу тўрга илинди! Боши очиқ аёлга ёрдам берсам, гап-сўз бўлади, уни никоҳимга олиб қўя қолай, деди ўзича. Бир бурчакда хуфёна (исломга мутлақо зид) никоҳ ҳам ўқилди. Унинг қалбан ва фикран кару кўрлиги шу қадарки, эр камбағал бўлса, уни бойроғига алмаштириб юбориш иймонданми, деб ўйлаб кўрмади. Мана бу икки боланинг отаси бор-ку, ўлган бўлса бошқа эди, уни суриб ташлаб, оталикни қотирадиган мана менман, деб чиранган бўлмайманми, дея ўйламади. Уларга ўз болаларига қилмаган мардона меҳрибончиликларни қила бошлади. Кун келиб, менинг ҳам омадим кетиб, бу аёлнинг оиласини таъмин этолмасам, керагим бўлмай қолмасмикин, демади! Бу «муҳаббат» деди! Муҳаббатнинг дунёда энг тоза, энг холис, яхшиликларга элтувчи шарофатли нур эканлигини эсламади, таҳлил қилмади, тафаккури ухлаб қолди унинг! Муҳаббатга лойиқ аёл бирорнинг рўзгори бузилишига рози бўладими, дея ўйлаб кўрмади! Бир маҳаллада туриб бирорнинг эри билан етаклашиб юришга аёлим, қизим, синглим жазм қила олармиди?! Агар улар шундай қилсалар, мен қай аҳволга тушар эдим, демади! Дея олмасди ҳам! Чунки унинг вужудини шайтон ишғол қилиб олди!

Аллоҳни унугланга Аллоҳнинг қаҳри тайёрdir: қарабсизки, қизи вояга етиб, ўғли ўйланадиган бўлганда эл орасида хунук гап-сўз бўлди, оға-инилари мулзамлиқда қолдилар, ўзи полвон йигит эди – юрак хасталигига учради, аёли оғир bemорликни ўтказди, ич оғриғидан онаси тўшакка михланиб қолди, ишида

ҳам кескин орқага кетишлиар бошланди! Мұхаббат бундай асорат қолдирмайды! Бу аёл қиёфасидаги шайтон етаклаб келаётган касофатлардир! Лақма әркакни Аллоҳ шундай жазолади!

Аллоҳни бир дақиқа ҳам унутмаслик ҳаммамизга насиб этсін. Аллоҳ билан ҳар сонияда сүзлашиб турмоқ керак! Ахир пулга қўлу оёқ сотиб олиб бўладими? Боланг қўзингга нур бера оладими? Сен яхши кўрган аёл ёки эркак бодомни гуллата оладими, булбулни ясай биладими? Йўқ! Йўқ! Йўқ! Бу нозу неъмат, фароғатроҳат ва мўъжизаларни фақат Яратганинг Ўзигина бера олади, холос! Ҳамма муҳаббатларимиз фақат Унга бўлсин! У дуоларимизни тинглайди, сўраганларимизни бериб турувчи ҳам Ўзи! Мажпунона севишларимиз, ёниб-ёниб интилишларимиз фақат Унинг Ўзига, фақат Ўзига бўлсин!

\* \* \*

**Бойлик молнинг кўплигига  
эмас, балки кўнгилнинг тўкли-  
гидадир.**

**Ҳадис**

Бойлик нима ўзи? Сувми у, ҳавоми ё тириклигингни таъминлаб турган Қуёшми ё кишини тўғри яшашга ўргатадиган илмми? Мана шу нарсалар бўлмаса, одам ўлиши аниқ! Хўш, бойлик нима, у кишиларни ўзига шу қадар жалб этганига яраша ором, роҳат берадими, мазаси вужудингни яйратадими? Сенинг жисмонан, маънан ўсишингга, хулласи, гўзал натижаларга етишингга ягона имкон уми? Ҳамма бойлар ниятларига етиб юрадиларми? Йўқ, дейсанми, бойлар ҳам йифлайди, дейсанми! Киши ахир баҳтсизлиқда йифлайдику, демак, бойлик баҳтнинг ўрнини босолмас эканда?! Одам боласи шу саволларни ўзига бераверади, ўзидан ўзини қидираверади, аммо барибир битта кўзи ва битта оёғи бойлик сари тортиб кетаверади! Пулу мол ўлик нарса, атрофингдаги қолган ҳамма нарсалар тирик ва ҳаётбахш. Ҳамда улар ҳамиша ҳаракатда —

бири келиб, бири кетиб тураты, яъни сен доимо дийдори ғанимат неъматлар ичида яшайсан, лекин уларни кўрмайсан, чалғиеверасан! Чунки сени ҳамма нарсадан воз кечтириб, қўнглингни ўша ўлик бойликка боғлаб туратиган шайтонинг бор!

Шайтоннинг дастлабки иши сени бойликка меҳр қўйдирив олиш, у ёғини ўзи билади! Бир кузатгин-а, камбағал одам мол-дунёга бойларчалик интилмайди, қўлига кирганига минг шукр айтиб яшайди, шунинг учун шайтон унга яқинлаша олмайди. Пулдор эса пули кўпайган сари яна кўпайишни хоҳлайверади. Дунёни кўрадиган кўзи хиралашиб, нафси қатталашиб бора-веради.

Мен бир пулдор аёлни билардим. Бўш-баёвгина эри, биттагина ўғилчаси бор эди. Ахлоқи пок, бир фаннинг ўтқир мутхассиси, олий мактаблардан бирининг ўқитувчиси эди. Бирорга ҳаргиз ёмонлиги йўқ, аммо элга қўшилмасди. «Тўйма-тўй, азама-аза юргандан кўра, бола-чақанинг ғамини ейиш керак. Замонага ишониб бўладими, йиғиб-тўплаб қўйиш керак, йўқса, болалар қийналади», деяверар эди. Уй солмоққа қуруқ ер олди, пулни тежаш учун, икки қаватли уйнинг пойдеворига ўзи бетон қўйди. Машинасини ўзи ҳайдар эди. Кундузи дарс берар, кечқурунлари аллақайси ташкилотларнинг молларини у ёқдан-бу ёққа таширди. Ҳамиша қорайиб, терлаб-пишиб юрар, «ишимаган тишлиламайди, мапа бунча пул йиғдим, ўртоқжон», дея севи-ниб қўярди. Кейинчалик муаллимликни, олимликни бутунлай ташлаб, шаҳарма-шаҳар савдогарчиликка ўтган деб эшилдим. Биродар, уни мол балосига шайтон етаклади ва ниятига етди, у фожиага юз тутди: олис Қозоғистон чўлларининг йўлида юрмай қолган машинасини кавлаштираётган пайтда ёнидан ўтиб бораётган юқ машинаси уни кўйлагидан илаштириб судраб кетади. Қайсиdir шаҳар касалхонасида унинг бир оғини кесадилар ва яна аллақайси шаҳарга даволанишга юборадилар. Талай муддатдан сўнг уни уйига

келтирадилар, аммо минг афсус, у қазо қилди... У жонини асрамади, Аллоҳнинг омонати – жонига хиёнат қилди, боласини оналик меҳри билан тўйдирмади, Аллоҳнинг неъмати – боласига хиёнат қилди, боламнинг ризқини ўзим яратаман деб, Аллоҳнинг борлигига ширк келтирди! Ва... етган ери шу бўлди...

Шайтон қурғур бандасини яна бир касалга йўлиқтиради, бу – бойликлардан хавотир ташвишидир! «Олтин девор» комедиясидаги эски девор ичидан бир кафт «тилла танга» топиб олган қаҳрамоннинг аҳволи эсимга тушади (Фани Аъзамов раҳматли қойиллатиб ижро этган эди). Чиройли бир оиланинг куни заҳарга, соппа-соғ одамнинг даражоти жинниликка бориб етади! Йигирма тўрт соатнинг ичida у лъянати тангани йигирма тўрт жойга беркитиб чиқади. Кўзига ҳамма жой омонат, ҳамма ўғри бўлиб кўринаверади! Ухломайди, ўғрини пойлаверади! Кунда шу! ...

Ота-буваларимиз узоқ сафарга кетсаларгина эшиклирига қулф согланлар. Бугунгиларнинг эса дарвозасини тақиллатсангиз, тўртта-бешта қулфни очаётганини санаб турасиз. Қават-қават темир эшикларни айтмайсизми! Бу шайтоннинг бизга мукофоти – васвасадир.

Бойликка интилиш – сурункали касаллик. У яна бир ёмон асорат беради: бу манманлиқдир. (Баъзан: «Мен унча-мунча одамнинг уйига боравермайман, ҳар ким билан ҳам сўзлашавермайман» деган писандаларни эшитиб қоламиз!) У шу тарзда ўз қавмидан узила боради, бу ҳам мусулмончиликдан эмас! Яна бир зарари: кишининг бойваччалиги ўзи хоҳлаган чўққига етавермаса, бетоқатликка учрайди, ҳатто ўзидан илгарилаб кетганларни кўролмаслиқдай дардга чалиниши мумкин. Бунинг отини «ҳасад» дейдилар! Ҳасад эса эгасини адо қиласиган эговдир.

«Кўнгил тўқлиги – бойлик» демоқда ҳадис. Хўш, кўнгил тўқлиги нима ўзи? Жонингга тикондай санчилавермайдиган, сени «уф» тортиirmайдиган, тушларингни безовта қилмайдиган, руҳингга ором беради.

диган кўнгил — тўқ кўнгил. Унинг бошқача оти қалбан хотиржамлиқдир ва кишининг умрини узун ё калта қиласидиган ҳам худди шу тўқ ё ғаш кўнгилдир! Шайтон сени ортиқча бойликка эришишингга сабаб бўлади, аммо кўнгил тўқлиқдан маҳрум қиласиди! Яъни тинч яшаш деган ҳақиқий бойлиқдан жудо қиласиди.

Киши яна қачон кўнгил тўқлигини йўқотади? Ўз ҳунарини чала ўрганган одам, яхши ўрганган бўлса-да ишини ихлос билан адo этмайдиган одам ё касбига хиёнати бор одам «анови хатоим очилиб қолади, мана бу хатоимни сезиб қолишса-я», деган хавотир билан михнинг устида яшагандай яшайди. Бундай одам топганининг таъмини билмай ўтади!

Кишилар билан муносабатда ёлғон аралаштирган одам ҳам молу дунёсини яйраб-яшнаб бағрига босолмайди, доим кўзи олазарак, дабдурустдан келиб ёқасидан олиб қолишларидан чўчиб туради. Унда кўнгил тўқлиқ на қилсин?!

Инсон шайтоннинг гапига кирди — зино қилди. Кейин тавба қилди, аслига қайтди ҳам, аммо фаросатли бўлса, юрагининг тагини бир нарса кемириб турaverади. Чунки бу дунё қасосли эканлигини, у қилган ишни ё боласи, ё набираси такрорлаб қўйишини билиб туради. У фарзандларидан ҳеч қачон кўнгли тўқ яшай олмайди.

Кимники бойлиги тоғча бўлиб, аммо ота-онаси, оға-инисига меҳру вафоси бўлмаса, садақа-эҳсонсиз яшаса, йиққанларимга хотиржам суюниб давр сураман деб хаёл қилмасин! Биринчидан, бундай одамнинг болалари кунлардан бир кун бир-бири билан ит-мушук бўлади ва йиққан дунёси ҳавога совурилади. Иккинчидан, у яқинларига меҳрибон бўлмагани билан, барабири: «Улар пул топиш йўлларини билмаса мен айборми, мен тиккаландим-ку, улар ҳам ҳаракат қилса бўлмайдими? Нега мен қийналиб йиғиб, оға-инимга улашар эканман?» — деган гап кўнглида тинмай айланаверади, ичини хуфтон қилаверади. Ҳар гал уларга

рӯбарӯ келганда, аҳволларини кўриб кайфияти бузилаверади. Бу – унинг қўли ҳимматга узатилмаса ҳам, вижданони барибир қийналяпти дегани! Бу хотиржам бўлолмаётган кўнгил садолариdir!

Хулласи, гап моддиюнга мукка кетмасликка, феълу атворни тозалаш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигига тақалади. «Бой бой эмас, назари тўқ бойдир» деган ҳадис бор. Яна: «Майитнинг кетидан қабргача уч нарса эргашиб боради: унинг бола-чақаси, молу дунёси ва қилган амаллари. Шулардан иккитаси: болалари ва молдунёси орқага қайтади, у билан бирга қилган амаллари кетади», деган ҳадис ҳам бор. Гўзал амаллар, яъни тўғрилик, сахийлик, мулоимлик, камтарлик, назари тўқлик, илму ҳунарга эътиқоддилик ва ахлоқи поклик билан топилган бойликнинг умри узундир. Ва бундай одамларнинг кўнгиллари ҳамиша тўқдир. Уларнинг топганига Аллоҳнинг Ўзи баракот беради ва сақлади ҳамда авлоду аждодига буюртиради! Тарихда ҳам, замондошларимизнинг орасида ҳам мана шундай Худо ярлақаган инсонлар кўп. Улар ҳамиша жигарпарвар, камбағалпарвар ва маърифатпарвардирлар. Улар элга Аллоҳ розилиги учун ҳимматлар кўрсатадилар ва уларни дуолар қўллаб туради! Бизни ўқиган ҳар бир китобхонга ҳам ана шундай тўқислик насиб этсин!

\* \* \*

**Аллоҳ таоло бандасининг бирор гуноҳга пушаймон бўлаётганини билиши билан у кечирим сўрамасдан турибоқ кечириб юборади.**

*Ҳадис*

Биродар, сен ким бўлсанг ҳам: яхшимисан, ёмонмисан, бундан қатъи назар, Аллоҳнинг бандасисан. Эгам эгангдир, гуноҳингдан норизо бўлиб, савоб ишларингни эса суюб туради. Мен ҳам сени ёмон кўриб турсам-да, тақдирингга алоқадорман. Чунки бирбиirimизга биродарликка, ҳамкорликка буюрилганмиз,

бир кун бунинг ҳисоб-китоби бор. Мусулмон эканманми, «менлигим»ни қайириб бўлса-да, сенга яхши ниятда бўлишим шарт.

Бундан ташқари, сенинг ҳам оиланг, бола-чақанг бор. Улар устидан тузган баланд режаларинг, ниятларинг бор. Дуолар қиласан, эртанги кунингни гўзал кўришни туну тонг орзу қиласан. Илоҳим, ҳар бир банда инсон сифатида инсонлик баҳтини кўрсин!

Сен ҳали уни, ҳали буни ўзингга душман сайлаб оласан, уларни кўрганда хўмрайиб ўтасан, рангинг ўзгаради. Аммо билиб қўй, сенинг катта рақибинг одамлар эмас. У сенинг қонингда айланаётган шайтондир! У дилингга суфлёр (сўз ўргатувчи), кўзингга кўзойнак бўлиб олган, нимани ўргатса, шуни ижро қилиб, нимани кўрсатса, шуни кўрасан! Неча йил ўрганган илминг қўлингда, алломаларнинг китоби ёнингда турибди. Аммо сен, шоир таъбирича, ҳаммомга кириб нопок чиқсан киши кабидурсан! Ориф инсон бўламан деб орзу қилгандинг, Аллоҳ сенга сўз айтиш имконларини берди. Аммо сен шайтонга шогирдликни маъқул кўрдинг. Ҳар бир қилган ишинг ва ҳар бир айтган гапингда унинг хунук дастхати кўриниб туради. Бир мисол: устозинг оламдан ўтди, биринчидан, у элга таниқли одам эди, иккинчидан, ҳали тупроғи совугани ҳам йўқ эди. Аммо кишиларнинг олдида беҳижолат туриб, беписандлик билан: «Устозимиз аввал яхши бўлсалар ҳам, кейинги пайтларда олимликлари хира тортиб қолган эди, мана қўлимдаги қўлёзмаларининг устидан кўриб чиқишига мажбур бўлдим», – деб ўтирибсан! У сен ҳали йўл тополмай жавдираб турган пайтингда қўлингдан ушлаб, изга солиб қўйганлардан бири эди! Унинг ўлимидан хомуш торгиш, орқасидан дую қилиб, Аллоҳдан раҳмат сўраш ўрнига руҳини безовта қилдинг. Шайтон ниятига етди: номаъқул гапни айттириди ва атрофга сени номард шогирд, мақтанчоқ ва саёз кимса қилиб кўрсатди. Биродар, тавба қил, ўша гапингга пушаймон қил! Токи жавоби

қайтиб қолмасин! Токи сенинг гуноҳинг эвазига болангнинг йўли бекилмасин!

Одамлар – мўъжиза. Бу дунёни обод ва кўримли қилиб турадиганлар шулар. Улар сенинг ҳам атрофингда бир-бирининг кўнглини олиб, кечириб, бир-бирларини суюб, ўзаро илиниб, мулозаматлар қилиб, талай хайрли ишларни ирод этиб, яшаб борадилар. Сенинг эса кўзларинг олазарак, учраганки одамдан ёмонлик излайсан ва ёмонлик кутасан! Кир қалам билан кир дафтарингга кишиларнинг фақат хатосини териб борасан, гўзал гулдастани титкилаб юриб, ичидан қилдай сомон топмасанг, еяётган ошингдан ҳеч йўқ битта курмак чиқмаса, сиқилиб қоласан. «Ҳар тўкиснинг албатта битта айби бўлади, ўшани топгувчи мендан ўткир каллалик йўқ» деб, одамларнинг юзига қўлинг учини эмас, оёғинг учини қўйиб сўгал қидирасан! Айб тополмасанг, унинг исми устига «балки ундоғдир, балки мундоғдир...» деган қатор гумон аломатларини қўйиб ташлайсан! Тахминларингни ростдай қилиб, кўзингни илоннинг кўзидаи чақчайтириб рақибинингнинг юзига айтаверасан ҳам! Сенга ёқмаган кишини кимдир мақтаб қолса, шарт ўрнингдан туриб унинг айбларини санай кетасан. Тўхта, ғофил биродар, бир ҳадисда «Кишининг илмли саналмоғига Аллоҳдан қўрқмоғи кифоядир» дейилади. Яратгандан қўрққин, Уяратган бандаларини камситиб, Унинг қаҳрини келтирмагин! Яна ўша ҳадисда айтилади: «Кишининг нодонлигига эса ўзига бино қўймоғи кифоядир». Бирорвларни кўрсатаётган оёқ учингни ўзингга ҳам тўғрилаб, «Ўзим-чи, ўзим кимман?» деб қўйгин ора-чора! Ўзингни тезроқ тўхтатмасанг, элга кимлигингни Аллоҳнинг ўзи кўрсатиб қўяди!

Қуръони каримда «ҳар бир банда Аллоҳнинг иморати, уни бузишга ҳеч кимга изн берилмайди» дейилган, «Энг оғир гуноҳ, гумондир!» дейилган. Сен эса одамлардан гумон қиляпсан, уларни ранжитяпсан, кўнгилларини вайрон қиляпсан. Тўхтагин, ўзига тавба

қилгин, эртами-кеч жавоби хунук келади. Балки, ўзингга ҳеч нарса қилмас, аммо ота-онанг, жигар-бафинг, аҳли аёлингга бало чақирасан, шум оёқ бўлма, биродар!

«Мана энди мендан кўрсин» деган шиоринг бор, бировни жойидан жилдириб юборишгача кучи етадиган «номалар» ёзиш «салоҳиятинг, журъатинг» бор. Балки сен «боплаб қўяётган» ўша одам ҳақиқатан ҳам нодондир, жойига номуносибdir, аммо энг одил жазо берувчи сен, мен, бандалар эмас, Аллоҳнинг ўзиdir! Ундан илгарилаb «мен»ини кўрсатмоқчи бўлиш Ярат-ганга қарши ишdir. Энг қаттиқ жазо ўзингга қайтиб қолмасин тағин! Тавба қил, ўша ишларингга нушмон келтир!

Биродар, шу туришингга бефарқ, қараб, нима бўлсанг бўлавер деб кетолмайман. Бу мусулмончиликдан эмас. Менинг ҳам болаларим бор, уларинг хавотирини олиб, ҳамиша симобдай қалқиб тураман. Агар менинг гуноҳларим эвазига уларга кулфат келганини англаб қолсам, шу дунёning ўзидаёқ дўзах ўтида куйганим шу. Буни ҳеч кимга раво кўрмайман! Болаларингга раҳминг келсин, биродар! Тавба қил, Аллоҳ, кечиради.

Яна бир ҳадисда: «... Ҳасадлашманглар, ёмон кўришманглар, алоқани узишманглар, юз ўгиришманглар; Аллоҳ, буорганидек – унинг дўст-биродар бандалари бўлинглар» дейилади. Бу хоҳласа бажариб, хоҳдамаса қўйиб қўяверадиган таклиф эмас! Бу – ҳукм, биродар! Бунга итоат этмоқ имондандир.

\* \* \*

**Яхши суҳбатдош атирфурушга  
ўхшайди, гарчи у атридан бермаса  
ҳам, күшбўй ҳиди сенгача етиб  
туради.**

*Ҳадис*

Биз бирони соғинганда унинг қошу кўзи ва ё кийимларини эмас, балки овозини ҳамда шу овоз

билинг қулоқларга, юракларга ёқадиган қилиб айтган сўзларини соғинамиз. Кимни суйган бўлсак, сўзи учун шайдо бўлганмиз. Ким деб куйган бўлсак, сўзларининг хуморида адо бўлганмиз! Сўз — мўъжизалар шоҳидир! У эгилмаганни эгдириб, эримаганни эритади. Сўз билан ёмон яхшига, номард мардга айланади. Ҳатто у билан инсонни ўлимдан олиб қолиш мумкин! Дунёда суҳбатдошига сўзни танлаб, териб айта билган одам энг баҳтли одам! Ва у бошқаларни ҳам баҳтиёр этувчиdir! Қалам аҳли учун эса қалам излари жон ипиdir, у сўз суратини чизолмай қолса, шоирнинг жони узилади!

Яхши суҳбат — малҳами тан, яхши суҳбат — ороми жондир. Бир сўзлашув, фикрлашув дардида кишилар олис шаҳарлардан бир-бирларини излаб келадилар. Бир дилкаш одам дуч келса, уни тинглаб тонг оттирадилар, барибир тўймай қоладилар! Кишиларнинг кўзига муҳаббат билан боқиб, ихлос билан айтилган сўз тингловчининг дилида инқилоб ясай олади. Сўзни чиройли айтинг, биродар! Гоҳида «мен сўзга уста эмасман, зеру забар қўйиб айтолмайман» деган гапларни эшитамиз. Асло ундей деманг! Гапира оладиганки одамнинг ичидаги минг бир қават сўзи бор. Ҳар бир инсон — сўз сандифи. Фақат рўпарангиздаги одамга қайси сўз мос келишини ҳушёрлик билан танласангиз бўлди! Аслида, сўзни дилингиз танлайди, шунинг учун аввал дилингизни тўғриланг. Рўпарангиздаги одамни асло ёмон кўрманг. Гарчи у ёмон одам бўлса-да, яхши сўз билан юмшатишни ният қилиб туринг. Бу билан аввал ўзингиз ютасиз, биринчидан, юмшаган одам сизни «отиб» қўймайди. Иккинчидан, дил оғритишдай оғир гуноҳдан фориф бўласиз.

Сўз айтишни билинг, биродар. «Ўткан қунлар» китобидаги Кумуш билан Отабекнинг бир суҳбати ҳали-ҳануз юмшофу қаттиқ юракларни бирдай зилзилага солиб келади: Отабекнинг Тошкентдан уйланиши кераклиги қудаларга очди-очди бўлди. Шу сонияларда нариги хонада бу тўхтам Кумушбибига уқдирилмоқда.

Бериги хонада эса Отабек бу гапни Кумуш қандай қабул қилишини тасаввур қилолмай, тиззаларига чўк-канича, қўлидаги Фузулий девонини ҳам унугиб, муз қотиб ўтирибди. Унинг назарида дунё ҳозир чарх-палақдай айланиб кетади, мана ҳозир унинг ичидаги нарса портлайди, бир нарса чил-чил синади! ... Шундай алфозда ўтирганида эшик ҳорғин очилди, мусаввиirlар меҳр қўйиб чизган суратдай Кумуш кўринди. У аста келиб, этакларини майин шилдиратганча Отабекнинг қаршиисига ҳаводай қўнди. Отабек уни охирги марта кўраётгандай, юзларига кўзи билан эмас, жони билан термулди. Маҳбубасининг юзи-ю қабоқлари йигидан кўпчиб кетган эди.

- **Ким йиглатди сизни?**
- **Йирлабманми?**
- **Кўзингиз, кипракингиз...**
- **Ўзи шунаقا...**

Жавобни қаранг! «Ўзи шунаقا» эмиш! Юракни сидириб соладиган жавоб бу! Отабекнинг дунёсини остин-устун қиласидиган жавоб бу! Шу иккитагина сўзга осмонга етгулик доду фарёдлар чўкиб турибди! «Бундан кейин шундоқ қиёфада яшаш менга қисмат энди» дегани бу. «Сиз туфайли дийдаси гирёнлар сафига қўшилдим» дегани бу. «Юзимнинг офтоби сўнди, бундан буён мени кўз ёшларим денгизидан топаверасиз энди» дегани бу!

— **Мен рози, мен кўндим, — деди дафъатан Кумуш, бу сўзни нимадандир қўрқандек шошилиб айтди...**

Ахир Отабекдай ёрдан айру тушишга чидаб бўладими?! Ахир киши ўз ризолиги билан ўз юрагини ирфитиб ота биладими? Жон риштаси билан боғланган кишисини ўзга чимилдиққа ўз қўли билан кузата биладими?! ... Шу икки оғиз сўзни айтди-ю, Кумуш

Отабек учун янада улуғлашди, бебаҳо малакка айланди! Айрилиқни-ю, кўз ёшлирини ва шайтон васвасаларини сояда қолдирив, Кумуш қиёфасида юксалиб бораётган бу мавжудлик Кумуш эмас, *МУҲАББАТ* эди!

Бахт бу ҳақиқий муҳаббатdir, қолгани ўтаверсин, деган холоса чиқади бу суҳбатдан! Муҳаббат илмини уқасан, ақл оласан бу суҳбатдан. Ўзингнинг жуда майда эканлигингдан хижолат чекасан, шайтоннинг ноғорасига рақсга тушиб, умринг ўтаётганини тан оласан!..

Яхши суҳбат – тарбиячи, яхши суҳбатдош – Аллоҳнинг юборган неъмати. Уни бой берма, биродар, изидан туш, моддий машмашаларингни бир зум унут, унга қулоқ ос!

Олтмишинчи йилларни эслайман, ўйласам, улуғларни кўрган табарруклар бўлибмиз биз ҳам. Университетда таҳсил берган устозларимиз Озод Шарафуддинов, Умарали Норматовлардан умр бўйи миннатдор ўтаямиз. Айнан шулар биз учун кўплаб учрашувлар ташкил этардилар. РаҳматлиFaфур Fуломнинг келишлари ҳар сафар байрам эди. У кишини ҳеч бош яланг кўрмаганмиз. Дўппиларининг бурчагини кенг пешоналарига тўғрилаб, қошларини ажиб чимириб турар эдилар. Тик қоматлари алпдай, қўллари-ю юз суюклари йирик, овозлари ҳам наърали эди. У киши ҳақиқий Шарқ алломаси эди. Одамлар билан суҳбатлашиб туриб шеър тўқиб ташар, ҳар бир жиддий гапни ҳам юморга ўраб айтар, суҳбатининг ҳар дақиқасида гурр этган кулги кўтарилиб туради. Даврадаги ҳамма одам у кишини маҳлиёю мубтало бўлиб тинглар, суҳбатига кирганлар қушдай енгил бўлиб чиқардилар. Ҳар бир айтган сўзи ҳикмат эди, илм эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг (Аллоҳ раҳмат қилсин!) иқлимлари яна бир бошқача эди. Faфур aka қанчалик гулдурос билан кириб келса, Абдулла aka шунчалик сокин, жимлик билан келардилар. Минбарга чиққанларида гапларини эшигтмай қолмайлик деб, нафас ютиб турадик. Паст оҳангда гапирав, ҳеч ҳаяжонланмас, ҳеч

адашмас ва кўп сўзламас эдилар. Жумлалари минг бир ўйланган, обдан рандаланган, мўлжалга бехато урадиган бўларди. У киши бор жойда ҳамма ҳам юрак ютиб сўзга чиқолмасди. Бу ёғини сўрасангиз, анчайин қаламкашлар матбуотга шеър, ҳикоя беришга ҳамиша бирдай журъат этмасдилар. «Абдулла ака кўриб қолса нима дер экан?» деган хижолатчилик турарди. Абдулла Қаҳҳор асил маънода ёшларнинг мураббийси, қаттиқ-қўл устоз эдилар. Ҳар бир ижодкорни кузатиб борар, матбуот орқали қаддини кўтарар ва жуда ўринли қилиб қулоғидан аста чўзиб ҳам қўярдилар. Биз ҳамиша у кишининг суҳбатидан ўзимизни рентгенда қўргандай хатоларимизни топиб, ёзганларимиздан изза бўлиб чиқардик.

Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Мирзакалон Исмоилий сингари азиз сиймолар билан суҳбатларни айтмайсизми! Улардаги самимилик, рангин санъат, фалсафа ва доноликдан юракларимизнинг тубигача ёришиб кетарди. Ҳанузгача улардан нур олиб яшаётганимни ҳис қилиб турман.

Аллоҳ умрларини зиёда қилсин деб тилаганимиз – Сайд Аҳмад ака билан ҳар учрашув суҳбатдошларнинг бор ғуборини оларди, дилинг яшнарди! Одамлар қай шаҳарлардан бу кишининг икки оғиз суҳбатига зор бўлиб келганлари келган эди. Бу одамда Faфур Fuломларнинг иқлимини қўравераман, худо тафаккурини ҳар бобда бикир қилган улуғлар булар!

Одамлар билан дардлашайлик, биродар. Ёнингдаги одамни астойдил юпатмоқчи бўлсанг, унинг дардини астойдил енгиллатаман десанг, Аллоҳ, албатта тилингга керакли сўзни тўғрилаб туради! Одамлар билан яхшилар ҳақида суҳбатлашишга, уларга ибратли, ҳикматли гапларни етказишга чоғлан, биродар! Бориб-бориб шунаقا ширин гапирадиган бўлиб оласанки, сен билан ким суҳбат қурса, тузалиб кетаверади!

Онангни соғиндингми, онангни қўрганлар, билганлар билан гаплаш. Худди онангнинг ўзи келгандай

ўтинг пасаяди. Юрагинг «отам»лаб қолдими, отанг юрган жойларга бор, тенгқурларининг сұхбатида бўл, фафлатдан уйғонасан, қарзларинг эсингга тушади... Яхши сўз айтадиганларни қадрла, уларни эшит, ки инсоннинг кўнгли фақат сўз билан ободдир.

\* \* \*

**Намоз, рўза ва садақа даражасидан ҳам афзалроқ нарса – бузилган орани ислоҳ қилиш, чунки оранинг бузилиши қиравчи**

**Ҳадис**

Ўзингизга матъумки, намоз ўқиш, рўза тутиш ва садақа мусулмончилик фарзлариdir. Бу Яратганинн эътироф этиш, унинг борлигидан ором, хотиржамлик сезиш, Ўзига йиглаб, Ўзидан сўраниш имконидир. Дилингда Аллоҳ бўлса, шайтонга жой йўқ. Ҳар бир қадамингга ўзинг назоратчи, ўзинг одил судсан.

Бандаларнинг ҳолига айланувчиларни, муруватли кишиларни Аллоҳ суйгувчиdir, ибодат ва садақа, аввало, Яратганиннинг розилиги учун қилинади, бунинг эвазига У сени балолардан асрайди. Қуръони карим сўзларига амал қилган кишига икки дунё саодати ваъда қилинади.

Мазкур ҳадисда эса бузилган орани ислоҳ қилишни ибодатдан ҳам афзалроқ дейилмоқда. Нима учун? «Оранинг бузилиши қиравчи» дейилишининг маъниси нима?

Бирор хафа қилган одамнинг юраги хуфтон, у кулса ҳам, ичи йиглади. Хурсандчилиги ҳамиша яримта. Бу дегани – бир келиб кетадиган дунёда унинг яйраб яшашига халақит берилди, у болдай ширин болаларига хомуш юзланди, ота-онасининг кўнглини кўнгилдагидай ололмади, яшнаб ижод қилмади, чаман гулларга димогини босмади, қалдирғочнинг баётларидан чигиллари ёзилмади! Бирор билан уришган кишининг уйидан фаришталар қочади, бу хонадондагиларнинг безовталигини кўриб, рухлар гирён уради! Бу қиравчи бўл-

май нима?! Бирордан койинган кишининг сочи бемаҳал оқаради, қанти ошади, қон босими кўтарилади, баджадл, бадфеъл бўлиб қолади, бу яксон қилувчи бўлмай нима?!

Бир дўстимни бир куни жуда забун кўрдим. «Мана онам ўтди, йил ўтган сайин қулоғимда унинг айтган ҳикоялари тиниклашади. Бир холасининг қизини жуда суюр, эслайверар, «мендан кейин шуни ташлаб қўймагин», деб тайинлайверарди. Яқинда атайнин тараддуд кўриб, шу қариндошимизни кўргани бордим. Бу билан аввало онамнинг руҳини шод қилмоқчи бўлдим. Қариндошим мени боши осмонга етиб қарши олди. Яйраб, яна яхши-яхши ниятларни юрагимга тутиб қайтдим. Аммо бир малъун даракчи қўнглимни синдириди. У менинг бекор борганимни, у аёлнинг янгаси «йўқолиб кетган қариндошингиз энди нега пайдо бўлиб қолди, камбағаллигингизда ҳазар қилиб, энди сал шира бойлаб қолганингиз учун назари илиб қолибди-да», дебди. Йўқлангувчи ҳам хомуш тортибди. Мен эса чинни косадай парчаланиб кетдим», деди. Ахир ёшлар улфайиб, ақл йифиб, узилган қариндошлари билан боғланаётган эди, яримлар бирлашиб бутунлашаётган эди, руҳлар шод бўлишга тушган эди! Бундан завқданиш, бундай йўқловни муборакбод этиш ўрнига совуқ маъно қидирган ўша янга бориб етган фитнакашдир! Худобехабардир! Бу хабарни етказиб келгувчи эса болни заҳарга айлантирувчи қотилдир! У ҳадисда айтилганидай – қиравчиидир!

Ҳар қандай аёл қайнона бўлгач, келинининг ҳамма ҳаракатларини зимдан ўлчайдиган, қўнгли ҳам сал нарсага оғрийдиган бўлиб, нозик тортиб қолади. Бу табиий ҳол. Фақатгина янги тушган келинга эмас, қайнонага ҳам дастлаб жуда қийин. Бундай пайтда атрофдагиларга инсоф берсин! Бир рўзфорнинг йўлга тушиб кетишига ўн йил керак. Барibir улар қунлардан бир кун бир-бировларига кўниб кетадилар. Аммо унгача қайнисингил, қайнэгачи, келиннинг хом онаси

ва дунёси тор қўшнилар дастидан неча бор ит-мушук муносабатларига тушилади! Эндиғина қовушиб ўтирганда хонадоннинг қизи келади-да, онасига меҳрибонлик қилгай бўлиб, келиннинг камчиликларини топа бошлайди, онасини бу ҳолга «қараб турмасликка» чақиради. «Галтайиб кетмаслиги, уйдагиларнинг бошига чиқиб олмаслиги учун» келиннинг ҳар бир хатосини муҳокама қилишни, уни ҳатто туғилган куни билан табрикламасликни, яхши ишларини рағбатлантирмасликни, кўриб кўрмасликка олишни тайинлайди... Бу онасининг оромини, келин аясининг баҳтини, акасининг тинчини қиравчи қиздир! У бадбаҳтлик келтирувчиидир! Онаси билан келиннинг орасини текислаш, бирини бирига мақташ, иситиш ўрнига уришжанжал ясадиган қизнинг уйига эртами кеч дўзах кўчиб келади! Унинг танобини Аллоҳ тортуб қўяди! Аммо, афсуски, унгача қайнона-келиннинг юрак-бағри абгор бўлиб, бир-биридан совуб улгурган бўлади.

Аёлнинг бола деган юкни тўққиз ой кўксидагу тариб юриши, умри қил устида туриб кўз ёриши, бир парча гўштни одам шаклига киритгунча ўзининг одам қиёфасидан чиқиб кетишига сал-сал қолиши, боласига келган балоларга балогардон бўлиши уни Аллоҳни-ю бандасининг олдида чексиз савоб ва олқишлигарга сазовор этади. Аммо биргина бадфеълиги билан у ҳамма сазоворлигини кунпаяқун қиласи: яъни, оға-иниларни бир-биридан узоқлаштираётган, ҳатто уларни ўзаро рақибга айлантираётган, мол талаштираётган, ҳовли талаштираётган, судлаштираётган бузғунчи уларнинг аёллариидир! Неча ака-ука бир-биридан айри тушган бўлса, унга хотинлар сабабчиидир. «Йўқ, бу ишга аёлим аралашмаган, укамга биринчи ўзим қўл кўтарганман, акамга яккама-якка суҳбатда фалон гапни ўзим айтиб юборганман» деб хомтама бўлманг! Унгача кунда-кунда чўғ ташлаб, сизни портлаш даражасига олиб келиб қўйган фақат аёлингиздир, фақат аёлингиз!!

Хурматли ойимлар, «мен ҳеч қачон жуфтимга фалончиларингни боплаб қўй демаганман», деб даъво қилманг! Сиз ҳар сафар улардан норизолигингизни нафақат сўз билан, ҳатто қовоқ-тумшуғингиз билан ифода қилсангиз ҳам, эрингиз уларга қарши ўқланаверади. Ёмонлашингиз шарт эмас, зийракликни унугиб, жуфтингизга ота-онаси, жигарбандлари ҳақида эслатиб, уларнинг яхши ишларини мақтаб турмасангиз ҳам, эркак зоти шунаقا мўртки, ўз яқинларидан узоқлашаверади. Бу борада инсоф ва адолатни биз аёлларга берсинг!

Бирорнинг бир оғиз гапи билан ташкилот раҳбарининг яхши ходимидан кўнгли қолади. Бир бузунчи бир шўрликнинг ўн йил бурун қилган хатогинасини керакли одамга секин шипшитиб қўйиб, мукофотдан қолдириб юборади! Бир феъли доғлининг «шарофати» билан ноёб истеъдод қум тагида қолиб кетади!

Беайб парвардигор, ҳар тўқиснинг бир айби бор, албатта. Биз, турфа одамлар, турфа мева, турфа қушлардай ҳар хилмиз, бу – Аллоҳнинг ижоди! Бир-биримизга кўниб, қандай бўлсақ, бир-биримизни шундай қабул қилиб, ўзаро кечириб, бирлашиб яшамасак, кунда жанг чиқиши, кунда чанг чиқиши аниқ! Такрор айтаманки, ғир этиб келиб, шув этиб чиқиб кетадиган бу дунёда кунда талафот беришнинг нима кераги бор?!

Биродар, орасидан гап қочганларни яраштирайлик, аразлаб юрган кишимизнинг ҳузурига табассум билан кириб борайлик, бирорни бирорга иссиқ, кўрсатайлик. Бирорни яраштириш учун, керак бўлса, ёлғонни ҳам ишлатайлик! Ҳар бора одамлар орасидаги гинани йўқотганимизда, иншооллоҳ, ҳозирги-ю ва ҳали туғилмаган болаларимизнинг орасига Аллоҳ мустаҳкам кўпrikлар қуражакдир. Феълларини ҳалим этиб, бир-бирига меҳрибон яратажақдир. Ўзимизга ҳам қалбан роҳат ва фароғат беражақдир!

\* \* \*

Эй инсонлар, сизларга не бир мусибат етса, бас, қўлларингиз қилган нарса – гуноҳ сабабли етур.

*Қуръони карим*

«Ризолик» ва «норизолик» деган сўзларимиз бор. Бунинг замирида кишини ҳам кўкларга кўтарадиган, ҳам дунёсини тўнтарадиган маънолар ётибди. Ҳаммамизга сингишиб кетган бозор иқдимини олайлик. Бирор нарса харид қилсангиз, сотувчи ҳар гал пулингизни олар экан, кандо қилмай, «рози бўлинг» деб қўяди. Атрофда сўз ёғилиб ётибди, аммо у фақат шу сўзни танлаб айтади. Мағзини уқса ҳам, уқмаса ҳам, албатта, айтади. Унинг кўнглига бу сўзни, назаримда, Тангрининг ўзи солади. Энг нозик пайтларда, масалан, «ёр-ёр» билан олиб чиқиб кетилаётган келинни тўхтатиб, нафақат келинни, бутун тўйхонани бир дақиқа сукунатга чўмдириб, отанинг ризолик дуоси олинади, кишининг боши ёстиққа тегдими, дилида шу сўз, дунё билан видолашиб пайтида ҳам тилидаги охирги каломи шу. Майитни ўртага қўйиб туриб ҳам элдан сўраладигани ризолик бўлади. Нега? Нега ахир?... Ў, биродар, юки оғир бу сўзнинг! Ҳисоб-китоби оғир! Бу сўз ҳар биримизнинг қисматимизга дахлдордир.

Бизда бир қилчалик ривож бўлса, атрофда нимадир ё кимдир биз туфайли ўшанчалик озаяди, нурайди. Бизнинг бутун жисми жонимиз борлиқдан тинмай озуқа сўровчи истеъмолчиидир. Ҳар бир битган ишимиз, чиройимизу камолимизда, баҳту саодатимизда атрофнинг **ҲАҚИ** бордир!

Тақдирингиз тўлишган сари ҚАРЗИНГИЗ ҳам тўлишиб боради. Топган баҳтим ўзимники бўлсин десак, тинмай ўша қарзларни узиб яшамофимиз, яъни бизга дахлорларнинг РОЗИЛИГИНИ ОЛИБ БОРМОҒИМИЗ заруп экан!

Келинг, бир ойдин мисолни бутун миллатга қадрдон бўлган «Ўткан кунлар» романидан олайлик. Биз бу

китобга фақатгина адабий асар эмас, ҳаётнинг бир парчаси деб ёндашамиз.

Юсуфбекхожи Тошкентнинг энг улуг одами тўртта бўлса, биттаси эди. Тошканти азимдай жойнинг биронта нуфузли давраси Юсуфбекхожисиз ўтмасди. Аммо зотнинг «лекини» фарзандда ошкор бўлиши бор гап: бу оилада кимнингдир қаергадир қўмиб қўйган бир гуноҳи борки, худо уларга Отабекдай бевафо бола берди. Ҳа, унинг оти бевафо! У ёлғиз фарзанд бўла туриб, ақлли санала туриб, ота-онасидан кўргани фақат иззат-ҳурмат бўлгани ҳолда, кимсан, фалончининг зурриёди деган шаънга орқа ўтириди-да, бебошлиқ билан Марғилон «савдо»сини ясади! Ота-она донг қотди. Тошкентликларнинг бошидан совуқ сув қуйилгандай бўлди, бу хонадонни ҳавас қилганлар қанча, Отабекдай фарзанд сўраганлар қанча эди! Юсуфбекхожидай эр кишининг ўғли туфайли тортган бу мустарлиги ўлимдан-да қаттиқ бўлгандир балки! Шундай қилиб, энг катта норизолик содир бўлди. Унга онанинг, қавму қариндош, маҳалла-кўйнинг норизолиги ҳам қўшилди...

У Марғилонга борди, Кумушбибини кўрди. Севиб қолиш айб эмас. Бизга қолса, бошқа қитъадаги қизни севсин, дунёвий ишқ бор нарса, у кишини поклай-поклай Ҳақнинг муҳаббатига сазовор этди. Қани эди, ҳамма бу бахтга етса! Аммо ҳақиқий ишқ бошқа, нафс бошқа, «Кумушбибига етишишим шарт» дейилган жойда тама бордир. Ошиқлик иқлимиға эса тама бегона. Отабек биринчи хиёнатни муҳаббат қошида содир этди!

Тиконни севган киши бутун тиконзорни, гулни севгучи жами чаманзорни сўймоли, ардоқламоли керак. Отабек учун Кумушдан ҳам аввал Кумушни берганлар ализу мукаррам бўлиши, уларнинг кўнглини поймол қиласлиги даркор эди. Ундоқ бўлмади. Кумушнинг ёлғиз фарзандлигини билди, кун келиб, қайлигини олиб кетса, келиннинг ота-онаси мусичадай мунғайиб қолишини ёки Марғилон билан Тошкентнинг орасида йўл

овораси-ю гўр овораси бўлиб қолишларини ўйлаб кўрмади. Ахир у Отабек эди-ю, ўлжасини қўлга тушира солиб, қочиб қоладиган қароқчи эмас эди-ку?! Қарабасизки, тўпланган гуноҳдарига энди Кумушнинг отонаси норизолиги ҳам қўшилди!

Сўнг орадан Зайнаб можароси чиқди. Отабек бир сидра виждан билан иш тутди: «Келинингиз қошида мени ҳайкал деб билурсиз» деди ва кейинчалик ўзини шундай тутди ҳам. Қаранг, бироннинг тақдирига фожия тушмоқда, у эса нақадар сусткаш!!! Аёнки, Зайнаб кибор оиласа ўсган, демак, саводи бўлиши керак. Айтинг-чи, Отабекдай фаросатли йигит бир парча қофозга: «Зайнабхон, сиз шаҳримизнинг энг сара қизисиз, сизга энг аъло инсонлар муносиб. Мен эсам, сизга катта баҳт бера олмайман, рўзғорлиман. Отоналарнинг раъий деб, тақдирларни увол қилмайлик: бизникидан борган совчиларга шу йигитга кўнглим йўқ, деб айтинг, мусулмончилиқда мажбурулаш йўқ», – дея хат битиб аста бирордан киритиб юборса бўлармиди? Ундай қилмади. Ахир Зайнаб Тошкентнинг сара қизи эди. Эҳтимол, унинг харидорлари сон мингта бўлгандир. Агар Отабек унга уйланмаганда, балки энг баҳти келин бўлар ва кимdir у билан саодатманд бўлиб ўтарди... Энг катта норизолик Зайнабники бўлди. Зайнабнинг қавму қариндошларининг оҳи-чи? Урмай қўяди дейсизми?

Аммо, биродар, Яратганинг ҳукми ҳукм – нимаики қилган бўлсак, жавоби энг асрраган кишимизга тегади. Касрим ўзимга урсин деб чандон ёлборинг, Аллоҳнинг айтгани айтган! Асар ёзаётган киши бамисли котиб, унга нима буюрилса, шуни қофозга туширади. «Ўткан кунлар»ни ўқир экансиз, муаллиф Кумушни шу қадар таърифлаб борадики, таърифлаган сари унга мубтало бўлиб бораётгани шундоққина кўриниб туради. У ошиқона ёзади. Ёзувчи ўзи ошиқ бўлиб қолмаса, Кумушни миллионлаб китобхонга бунчалик сўйдира олмасди! Ва менинг назаримда /Илоҳим, Абдулла

Қодирийнинг руҳлари безовта бўлмасин!/, муаллифнинг режасида дунё баҳосидан орттириб таърифланган Кумуш ўлмаслиги керак эди, эҳтимол. Шунинг учун ҳам «Кумушни заҳарладилар!» дея дод солади. Демак, бу фожиа ёзувчидан ташқари содир бўлди! Ёзувчи ёзиб бўлиб қараса, Кумуш жонсиз. Энди уни қайтариб бўлмайди, чунки ёзилиб қолган нарса ҳукми Ҳақ! Аллоҳ шуни хоҳлади. «Талай одамни норизо қилдинг, энди сенинг ҳам асраганингни оламан», — деди Отабекка. Қилмиш-қидирмиш деди, экканингни оласан деди!

Истеъдод билан ёзилган ҳар бир асарда илоҳийлик бор. Бу сабоқ минг бора ҳаётыйдир ва бизни огоҳликка чорлайдир.

Биродар, тақдирга тан бериб, кўриб турибмизки, Кумушбиини Зайнаб эмас, Отабек ўлдирди. Бу гўзал малак, бегуноҳ малак Отабекнинг хатолари, атрофдан олган норизоликлари эвазига кетди... кетди...

\* \* \*

**Кимда-ким хайрли ишларни шуҳрат топмоқ ниятида овоза қилғайдир, Аллоҳ таоло ҳам қиёматда уни шарманда қилиб, овоза қилғайдир, кимда-ким хайрли ишларни одамлар мени кўриб қўйсинлар деб кўз-кўз қилғайдир, Аллоҳ таоло ҳам қиёматда уни барча бандалари ўртасида изза қилғайдир.**

**Ҳадис**

Яна: «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин», дейилади мусулмончиликда. Бундай қаттиқ огоҳлантиришлар нечун? Кўз-кўз этилган ёки миннат қилинган эҳсон эгасининг у дунёлигини қаро қилиши аниқ! Аммо бу дунё учун эса зиёни ундан-да қўпроқдир! Сизу мен одамларни яхши-ёмон, ёқимли-ёқимсизга ажратамиз, аммо Аллоҳ учун жами инсон бирдай азиз ва мукаррамдир. Энди, худонинг ўзи

эъзозлаб турган бандасини бошқа бир бандаси синдириб қўйса-чи?!

Келинг, мисолларга ўтайлик: миллий қадриятларга суянилик деган яхши гап ўртага ташланди. Ҳокимиятлар, ташкилотларда эҳсон, хайрия ишлари бошланиб кетди. Бамисоли улоқ дейсиз! Гўё чанглаб олган мақсади ўлик улоқ – тупроққа беланяптими, оёғи синдими, кўзи ўйилдими – унга қаралмайди, шу олатасир ичида от суриш шарт! Яна бу чавандозлар жўн оломон эмас, катта-кичик жамоа сардорлари, маслаҳатгўй, етакчи инсонлар! Мен бу ерда сиз уюштираётган эҳсон тўйларини назарда тутяпман, ҳурматли раҳбарлар! Савоб деб қилаётганингиз савоб эмас, фақат миннат ва азиз инсонларни сазойи қилишдир! Сиз айюҳаннос солиб тўй қилиб бермасангиз ҳам, бу йигитлар жуфтсиз қолмас эди. Суннат тўйларига аралашмасангиз ҳам, энг камбағал оила бўлсада, ўғлининг қўлини албатта ҳалоллаб оларди. Саксон саккизта муҳбир чақириб, телевизорга ёйиб, ўнта мажлисда оғиз кўпиртириб ҳисобот бериб нимага эришдингиз?

Сизга қолгани гуноҳ, етказганингиз фақат озор бўлди. Бир эсланг, телекамеранинг рўпарасида турган куёвларнинг бирортасини кишиларга тик қараганини ёки табассум билан турганини қўрганмисиз? Ҳаммамиз учун тўйимиз бўлган қун хотирамизнинг энг порлоқ нуқтасидир, аммо сиз сазойи қилаётган йигитлар учун бу қун энг забун кундир! Сиз уни суратга оляпсиз, унинг эса юраги йифлайди: «Эй, Аллоҳ, нега қўлимни калта қилдинг, – дейди у, – ўз жуфти ҳалолимни бирорларнинг миннатли пулига оляпманми? Нега мени ўртага солдинг, йигит деган номим қайда қолди?» – дея бўзлади унинг орияти! Кейинчалик ҳам жуфтидан кўнгли кўтарилган пайтлар яна юрагини армон титади: «Шундай бебаҳо экансан, жарақ-жарақ пуллар сарфлаб тўй қилсан бўлмасми?» – дея зимдан нурайди. Мана сиздан қолган доғ!..

Сиз томошабинларга кино қилиб кўрсатган «тўй болалар» эртага бир думаласа, ўн беш-ўн олтига киради. Бола бола-да! Гурунглашиб ўтириб: «Ошна, ота-онангнинг кучи етмагани учун суннат тўйингни пул тўплаб қилишган экан-а» деса, миллатнинг бир норгул боласи ҳаётга синиб кириб келади. Бу ҳам сиз берган зиён!

Фарзанд кўрганки кишининг ичида офтоб чарақ-лайди. Аммо ҳалиги «тўй бола» улгайиб ўғил кўрса, боласининг юзига юзини босиб йиғлаб шивирлади: «Сени ҳеч қачон ўзимга ўхшатмайман, — дейди у. — Сени ҳеч кимга муҳтож қилмайман», — дея юрагини оғритади. Мана сизнинг узоққа борадиган «шарофатингиз».

Биродар, сизни яратган миллатингизнинг феълини билмайсиз-у, унинг қадриятларини «тикламоқчи» бўласиз! Маълумки, бизнинг ҳалқ ўғил кўрди — гувала қуяди, мана бу ерга чиройли уйлар соламан, тўйлар қиласман, деб ният қилади. Бир-бирини ҳам уйингизда қўша-қўша тўйлар бўлсин деб дуо қилади. Сиз тўй қилиб бераётган куёвлару тўй болаларнинг барчасини уйи-жойи бор-ку! Нега уларнинг муборак никоҳларини кўчада ўқиттириб, меҳмонларига кўчада ош едирасиз? Нега тўйлар тилаб ётган остоналарини йиғлатасиз?

Асли нияtingиз эҳсон эди, илинганингизни бир вакил билан кириб, «тўёна» дея, кўрпачасининг тагига аста қўйиб чиқсангиз бўлмасмиди? Ўз номидан ош бериб, ўз номидан меҳмон кутса унга кўпроқ татимасмиди?

Эҳсон агар миннатга, писандага айланар экан, давоми кулфатдир. Қиёматдаги сазоий бўлишингизни қўя турайлик. Бу дунёдаги яна бир зиёningиздан куйиб турибмиз. Сизнинг дастингиздан миллий орията пурур етмоқда, баъзи жойларда ўзи соғ туриб, эри тирик туриб, қўл-оёғи, ақли бутун туриб: «Фалончидан мен камбағалроқман, нима учун унинг боласига тўй қилиб берасан-у менга йўқ», дейдиганлар пайдо бўла бошлади.

«Ҳамма нарса ниятга боғлиқдир», – дейилади Куръони каримда. Сизнинг ниятингиз ёмон эди, шуҳрат орттиromoқчи эдингиз. Шунинг учун Аллоҳ шунча югуриб-елишингизни бекор қилди, шуҳрат ҳам орттирмадингиз, дилларни ҳам вайрон қилдингиз.

\* \* \*

**Ким меҳрибонлик қилмас  
эркан, меҳрибонлик кўрмагайдир.  
Ҳадис**

Бизнидан чиққан қўшни қизча ҳиқиллаб йифлаяпти эмиш. Онаси ҳол сўраса: «Аяжон, сиз ҳам бирор марта бизни Турсуной опага ўхшаб эркалатинг!» – дермиш. Менга буни хандон отиб айтиб бераётган ҳам ўша она бўлгич аёл эди. «Синглим, рости билан ҳам болаларингни эркалатмайсанми, отаси-чи?» – сўрайман мен. «Вой опажон-эй, ҳамма сизга ўхшаб гапга уста бўлибдими! Менга бундай норози қараманг, ухлаб ётганларида ўпаман, эркалатаман уларни. Отаси эса қизларим билан умуман гаплашмайди. Назаримда, қизлар билан ота муносабати шундай бўлгани маъқул», – дейди сулув, зиёли, туппа-тузук жувон!.. Бу ҳол юрагимга тош бўлиб ботди. Кечқурун уйларига чиқиб, эру аёлни ўтқазиб, дейдиганимни деб чиқдим...

«Нон» деб танитдилар бизга, очиққанда уни қидириб топамиз, тановул қилиб тиккаланамиз. Кўқдаги нур манбанини «Қуёш» деб кўрсатдилар, унга талпинамиз, нурланамиз. «Сув» деб атаганимиз ва ҳовучимизга олганимиз бутун жисмимизга ҳаёт бағишлади ва ҳоказо. Аллоҳ, нимани яратибдики, унга от қўйиши билан бирга, унинг бурч ва вазифаларини ҳам аниқтиниқ белгилаб қўйган. «Ота-она» деган номимиз бор. Бола боқишини, уни бало-хатардан ҳимоя қилишни, унга ўлмай қолиш илмини ўргатишни ит ҳам, мушук ҳам билади. Ҳатто ялаб-юлқаб эркалтишни-да билади. Улардан фарқли ўлароқ, Аллоҳ, бизга йўқдан бор қиласиган тафаккурни ва ўлаётганни ҳам қайта

тирилтирадиган *ТИЛни* бериб қўйибди. Уни биринчи навбатда жонимиздан бино бўлган боламизга ишлатмасак, кимга ишлатамиз? Ундан азизроқ ким бор! Бизни ўз атрофида гир айлантираётган ўқ шу боламиздир. Фарзандларига меҳр изҳорини билмайдиганларнинг муҳаббатини оз деб бўлмайди, шу болалар деб чиройларидан айри тушадилар, шулар деб соchlари оқаради. Ҳатто ҳаётдаги жойингни ҳам унга бўшатиб кетяпсан экан, тилингдаги тиллоларни жаранглатиб сочмайсанми унга, ардоқларинг билан жонидаги тиконларини териб ташламайсанми?! Ота-онанинг боладан бошқа харидори йўқ! Шу жойда бир зум тўхтайлик. Хўш, улар бизнинг нимамизга харидор? Харидорга ёқиши деган гап ҳам бор-ку! Жисминг тобора чарчаб борса, кундан-кунга болаларга юкинг ортиб бораётганини ўзинг сезиб турсанг, сенинг харидор-гирилгинг қайга борди? ... Йўргакдаги бола ота-онани қандай азиятларга рўбарў қилса, бир кун келиб ота-она ҳам фарзандига чақалоқдай мўлтиллаб қолар экан. Шунинг учун ҳилм мусулмончиликнинг фарзларидан ҳисобланиб келган ва ҳамиша кишиларни ёмон кунлардан асрагувчи бўлган. Тил билан изҳор қилинган меҳр атир гулдан тарқаётган ифордир – ўзинг ҳам яйрайсан, атроф ҳам! Сўздан ҳаво тозаланади, тошлар меҳрга айланади, асаблар қиличини ташлайди ва энг муҳими, дастёргиз юкингизни ризолик билан кўтаради.

Илоҳо, фарзандлар орқамизда қолсинлар ва ҳар қадамда бизга минг интизорлик сезсишлар! Энг ширин тиллигим кетди, десинлар. Мени энг тушунгучидан айрилдим, дея бўзлаб қолсинлар...

Юрагимнинг яна бир қадоғини айтай. Истиҳола билан шу кунгача бу мавзуда ҳеч гапиргим келмасди. Биродар, ўзингизга маълум, сочи оқарган билан ҳамма ақлли эмас, ота-она бўлган билан ҳамма билгич бўлиб қолмайди. Буларнинг гуноҳларини санаб изза қилишдан осон иш йўқ дунёда. Аммо «отангнинг ёки шу

онангнинг феъли ҳурматга яроқсизлиги түғри, лекин фарзанд бўлганинг учун чидашга, боқишига мажбурсан» дейишдай оғир ва даҳшатли гап йўқ! Аллоҳ ҳамманинг умрини зиёда қилсин, аммо улфайишнинг, ёшига қўшилаётган ёшнинг юкини ҳар ким ҳам кўтаришга қодир эмас экан. Айниқса, ёши улуғланиб бораётган эркак зотида бу қусурни бисёр кўрдим. Кўрганда ҳам, мени маъзур тутсиналару, олдин доно бўлган, илмли, ҳамма ҳавас қиласиган оғир-вазмин кишиларда кузатдим. Юрагим увишди, чунки улар ушоқланиб бораётган феълларини сезмасдилар, «мен ҳақ» дердилар. Менга эса уларнинг соchlари оқаргунча аъло одам саналиб, умрларининг кун ботарида, туп қўйиб, палак ёзганларида атрофни зада қиласиган ҳолга тушаётгани алам қиласиди. Уларнинг гўзал ўтмишларини кўрмаган, билмаган невара-чевараларнинг «бобомиз дуруст одам эмас» деган хulosага келишлари чандон алам қиласиди! Сўзингизни мисол билан исботланг дерсиз. Мен ҳўп дейин: аёлингизнинг ошхона ишидан тортиб, келинингизнинг ҳовли супуришигача аралашаётганингизни, набирангизнинг қошиқ ушлашидан бошлаб, эшикни ким қандай ёпаётгани, ким қайси кийимни кияётганигача ғашлик қилаётганингизни сезяпсизми? Сиз кириб келганда болаларнинг аста уйдан чиқиб кетишлари, қувноқ овозларининг тиниб қолиши, ҳузурингизга талпинмай қолганлари сизни хавотирга солмайдими? Набирангиз аёлингизнинг этагидан тушмайди, аммо сизга ҳеч эътибор бермайди, бу нима дегани, биродар? Бу керак бўлмайроқ қолаётганингиз, халақит бераётганингиз эмасми? Бу сиз билан ёнма-ён турганлар учун дилозорлик эмасми? Бандасини-ку қўйинг, дилозордан худонинг ўзи ҳам безор эмасми?!

Фарзандингизга боқиб қўйганингизни, уйлабжойлаганингизни писанда қиласерасиз, бу — миннат!

Ҳамма хатоларини рўйхат қилиб санайверасиз, бу — кибр! Улардан шикоят қилаверасиз, бу — фийбат, пошукрлик! Ҳадисларда эса «...Ҳар бир қўпол, қуруқ, гердайган, беқаноат ва димоғдор одам аҳли дўзахдир» дейилган. Ҳеч бир ота-онани бу қисматга дучор қилмасин! Тил ва тафаккур бандасига берилган буюк неъматдир. Унинг захираларини гўримизга олиб кетишдан не мурод?! Одамларга ёқимли сўз қилиш ҳам ЭҲСОНдир. Эҳсонни эса ўзингга, болангга ва яқинларингга қил, дейилади Қуръони каримда. Мақтов Аллоҳга ярашади дейилади. Аммо инсон ҳам Аллоҳнинг ердаги бир зарраси, қонида ҳамиша мақтовга, рағбатга муҳтожлик яшириндир. Фарзандларнинг заррача яхши ишларини ҳам сезганингизни сездирмоқ, қийин ҳолатда қолса, сабр билан тушунмоқ, уни юпатмоқ керак. Дунёда энг ёмон нарса гумон! Фарзандингиздан гумон қилаётганингизни ҳаргиз ўзига билдираманг — гумон кишиларни бир-биридан жудо қиласи!

Қариялар уйлари ҳақида кўп гапирилади, уларнинг фарзандларига аччиқ-аччиқ гаплар қилинади. Шу ўринда сукут жоиз. Аллоҳ мени кечирсин-у, уларга Яратганинг ўзидан раҳм сўрашдан бошқаси ўринсиздир. Бу кун уларга худо томонидан берилган қисмат. Уларнинг елкасини ё ота, ё она, ё фарзанд, ё элнинг *НОРИЗОЛИГИ* эзиб турибди, Аллоҳ кечирсин!

Қайсики ота, она боласига арзанда бўлаётган бўлса, фарзандлари қўлма-қўл қилиб, бағирларига босиб яшаётган бўлса, билингки, ўшаларнинг *ТИЛИ ШИРИН, ИЗҲОРЛАРИ МЕҲР*дир.

Кўрсатганингиз ҳам, кўрганингиз ҳам меҳр бўлсин!

\* \* \*

**«Оналар болаларини тұла икки йил эмизадилар. (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қымлоқчи бұлған кишилар учундир. Уларни (яъни оналарни) едириб-күйдиріш отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ташқари нарса таклиф қилинмайди. Болалар сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин...»**

**Қуръони карим**

Бу илохий ҳукмни синчиклаб ўқыр эканман, инсон боласи шунақаям ғофил бўладими дейман. Яратганинг ўзи осонлаштириб, билимнинг лўндасини ўн тўрт аср аввал қўлимизга тутқазиб қўйибди-ку! Бало-қазодан сақланишнинг йўлларини кўрсатиб турибди-ку! Бу мурожаатга қулоқ тутмай нима ютдигу нима ютқаздик?... Беихтиёр бир эшитганим воқеа ёдимга тушади: фарзандига юклик аёл кўзи ёришига бир-икки ой қолганда турмушидан ажрайди. Собиқ жуфти мусиқачи экан ва унинг ҳадеганда қайсиdir бир куй бандини гоҳ роялда, гоҳ оғзида хиргойи қиласерадиган одати бор экан. Бола туғилибди, юрадиган, унча-мунча сўзни гапириб, овозларга тақлид қиласерадиган даври бошланибди. Отаси у туғилмасидан аввалоқ кетиб бўлган. Кунлардан бир кун она не қулоқ билан эшитсинки, боласи отаси айтиб юрган ўша куйни узуқ-юлуқ хиргойи қиляпти эмиш! Аввалига тасодиф деб ўйлабди, аммо кун ўтган сайин бола уни тиникроқ тақрорлай борибди! Бу эртак эмас, бу ёлғон эмас, бу ёқа ушлаттирадиган ҳақиқатдир! Демак, бола она қобирғаларида куртакдай унаёттандаёқ ташқи дунёни тинглаб туради, эҳтимол, кўриб ҳам туради!

Бола биз учун ким ахир? Дунё учун ким? Бахтсизлик келтирувчи ёмон одам ҳам, баҳтиёрлик улашувчи яхши ҳам кимнингдир боласи. Демак, туғиладиган бола атроф учун ё баҳт, ё баҳтсизлик! Мам-

лакатнинг қай бурчида туғилишидан ва кимга фарзанд бўлишидан қатъи назар, ҳар бир бола жамиятнинг қисматига дахлдордир. Юқоридаги оятда шу ҳақда огоҳлантирилмоқда.

«Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар» – бу жумлани шифокорлар жуда чиройли ва тушунарли шарҳлаб чиқмоқдалар. Дунёда оналарнинг саноғи қанча бўлса, уларнинг жисми жони бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган ўшанча лабораториядир. Ари боғлар оралаб нектар йифиб, асал ҳосил қилгани каби, она сутида ёруғ дунёнинг ҳамма таъми-ю мазаси мужассамдир. Икки ёшга кирган бола мустақил юра олади, қорни очса, емакка қўл чўзиб оғзига сола олади, чиройли нарсани таниб, хатардан қочадиган бўлиб қолади. Инсонликнинг бу дастлабки сабоқлари боланинг вужудига она сути орқали ўтгани энг сингишимлидир. Аллоҳнинг мўъжизаси билан, она сути боланинг баданида ҳамиша пичирлаб, уни бошқариб турди. Шу тарзда бола озор емай, осонлик билан қаторга кириб олади. Олимлар она сутини оқ рангдаги қон деб ҳам атамоқда. Ўз қони билан боқяптими, демак, бола вужудида тинмай онанинг жони ҳам гапириб турди, бундай бола бало-қазодан ҳамиша ҳимоялиқдир! Кези келганда шуни ҳам айтайки, сут билан бирга болага онанинг хоҳишу истаклари, диidi, руҳий суратлари ҳам ўтиб боради. Қанча узоқ эмизса, онанинг ўзлиги болага шунча яхлит жойлашиб, унинг шахси билан омихталашиб боради. Бу дегани она-болада руҳан яқинлик пайдо бўлади, улар ҳаётда бир-бирини осон тушунади, бир-бирини тўлдириш учун ўзаро интилиб яшайди демақдир. Оналик тажрибамдан ва кузатишларимдан хулоса қилиб айтаманки, бола она сутидан қанча узоқ озуқаланган бўлса, бошқаларига қараганда, шу бола онасига меҳрибонроқ бўлади! Бу ҳам Яратганинг амри билан берилаётган қайтим бўлса керак.

Энди «/Бу ҳукм/ эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир» жумласига эътибор қилинг.

Бу кишилар кимлар? Улар келинга ота-она, қайнона-қайнота, жуфт, әгачи-сингил, қайнсингил, қўни-қўшни бўлган кишилардир, шунингдек, отинойилар, ижтимоий таъминот идорасининг мутасаддилари, ҳудудий болалар шифокорлари ҳамдир. Ёшлик – бебошлик! Йигирмага кирган келинчак инсонлар қаторига инсон қўшиш илмини қайдан билсин?! Шу фургинанинг бола эмизишини бенуқсон қилишни худойим барчамизга баробар ҲУКМ қилмоқда! Бу Яратганинг ҳукми! Унга итоат этмасак, жазо олишимиз бор гап! Қани холис айтайлик-чи, шу кунгача атрофдаги болаликларнинг боласини ёлчитиб эмизишлари учун қанчалик эътибор қилдик? Ҳеч йўқ ӯзимизнинг қизимиз, келинимизни шу хусусда рисоладагидай бошқара олдики? Ишни, ӯқишини баҳона қилиб, боласини чала боққан онага гўдагидан қил ясаш ҳам, фил ясаш ҳам унинг қўлида эканлигини қайси меҳрибони неча марта уқдирди? Қайси ҳудудий шифокор «Ёш оналарнинг ҳаммаси боласини икки ёшгача эмизяптими ё йўқ?» деган савонни ўз дастурига киритди? 7-8 ойдаёқ сути тугаб қолган келинни қайси куюмлиги дўхтирма-дўхтир етаклаб кўрсатди? Келинни хуш кўрмай турсак-да, ҳеч йўқ худодан қўрқиб, «мана буни еб олинг, сут бўлади, нега овқатни кам еяпсиз, болага жабр бўлади» дейишни ҳар доим ҳам қотиряпмизми? Кўзи ёриган аёл уч йил деганда аслига қайтади, суяклари жойига тушади, егани ўзига юқади. Шу давр давомида у ишлаб пул тополмайди, боласи ёқасига тирмашгани-тирмашган. Демак, унинг беҳол жони атрофдагиларга эҳтиёжмандлик билан термулиб туради. Онасига тирмashiб турган бу бола шу ҳовлидагиларнинг сулоласи, наслининг давоми, куни келса, чироғини ёқиб қоладиган ворисицир. Сизга ворис келтиргани ҳаққи, унга оғзингиздагини узуб едирсангиз ярашмабдими? Меҳр билан тутсангиз, кал патирингиз ҳам қўй ёғидай сингийди. Буни ийдириш дейилади. Эмизикли аёлга меҳрибонлик қилиш бутун дунёнинг бошини силаш билан тенгдир!

Этагига тўлин ойдай болани солиб, унга кўкси билан озуқа бериб ўтирган аёл бегуноҳларнинг бегуноҳи! Покларнинг покидир! Чунки у шу туришда ўз вужудини гўдагига табассум билан қурбон қилаётган фидойи жондир!... Қуръони каримдан келтирилган, биз далил қилиб олаётган юқоридаги сурा инсонпарварлик ила тўлиқдир. Минг афсус, айрим оиласаримиздаги бугунги маънавий инқизорлар, оила аъзолари ўртасида меҳру эътиборнинг етишмаслиги, «аёл», «она» аталган мұъжизага тавозе ва иззатнинг анчайин сусайгани шўро пайтидаги худобехабарликнинг қасридир...

Муқаддас китобларимизда инсон Аллоҳнинг энг улуғ неъмати дея улуғланади ва инсонларнинг ўзларига ҳам бир-бирларини аяб-авайлашни фарз ва қарз тарзида буюрилади. Бисёр шукрлар бўлсинки, бунга амал қиладиганлар ҳам орамизда кўплаб яшайдилар... Агар таом пиширилаётганда эмизикли қўшни кириб чиқиб кетса, албатта, ортидан насиба илинадилар. Чунки овқатта қўнгли суст кетган бўлса, аёлнинг сути камайиб кетиши мумкин. Халқимизнинг ўлмай келаётган ҳар бир одати – илм!

«Уларни /яъни оналарни/ яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир» деган жумлага тўхтайлик. Болани аёл ўз эти ва устухонидан узиб ясади – қўзи ёрийдиган аёлни бекорга «икки йўлнинг ўртасида» демайдилар, бу бир. Шунча азоб билан туғилган бола ҳаргиз онасининг эмас, отасининг исми билан «фалончизода» деб аталади, бу икки. Бола ул-ғайгач, ота уйининг чироғини ёқиб қолгувчи бўлиб сайланади, бу уч ва ҳоказо... Қолаверса, аёл умр бўйи эрнинг пойига поёндоз бўлиб ўтиб боради. Шунча баҳтга сазовор этса-ю, жуфти уни яхши едириб, яхши кийдирмасинми? Йигитларжон, сиз иштаҳангиз кўтарганча овқатланиб, роҳатланиб ўтирасиз, чунки еганингиз сингийди. Аёлингиз эса оғзига солганини сутта айлантириб, болангизни тўйдириш билан банд, ҳушёр тортингизким, ётиб еганга тоғ чидамас – бола

эмизаётган аёл ўпираилаётган жондир. Шу жонини тиккалайдиган парвариш қилмас экансиз, у синади! Жами уволи сизни тутади — Аллоҳнинг ҳукми шу!...

Ўйлаб қарасам, дадажоним ҳақиқий мусулмон эканлар. Рўзғоримиз анча одми эди, аммо дадам бирор кун ҳам уйга қуруқ келмасдилар. Ҳар қалай, бир ҳовуч-бир ҳовучдан бўлса-да, танчанинг усти тўладиган нарса бўларди. Онам юклик бўлгандан бошлаб, укам туғилиб йўлга киргунча ҳар куни қоронғи аzonда Кўкча бозоридан уч литрик идишда сут олиб келар, ичига бир пиёла қаймоқ ҳам қўйилган бўларди. «Сут тановул қилса, боланинг ҳам, онанинг ҳам мижози тозаланади», деб қўярдилар дадам. Онам гўштни суйиб ердилар. Гўшт қурғур ҳам ҳар сафар бир килодангина келар эди. Дарвоқе, жўнгина яшасак ҳам, фақат қўй гўшти-қўй ёғи ер эдик. «Муаллим ойим /дадам онамни шундай алқар эдилар/ пахта ёғи билан чиқишимайдилар», — дея юмшоқ ҳазил қилиб қўярдилар. Гоҳида ўша бир килогина гўштни тузлар экан онам: «Жуда яхшисидан олибсиз-да, барини солиб қайнатайликми?» — деса, «Майли, майли, бир маза қилинг, зартага ё Рассоқ!» — дея жавоб берардилар дадам. Яна онам эслайдилар: келинликларида оғзилари bemaza бўлди ёки бола туғилди дегунча, дадам турли-туман нарса ташишга тушар, оиласари катта бўлгани сабабли, тансиқроқ ва камроқ нарса бўлса, меҳробдаги кўрпаларнинг қатига беркитиб қўярканлар. Онам гоҳда ёшлиқ қилиб, у нарсаларни олишни эсларидан чиқариб, не бир томошалар ҳам бўлган экан... «Ўша пайтларда дадангнинг ҳар кириб келиши менга қуёшнинг кириб келишидай туйилар эди», — дердилар онам... Энди билсан, бу дадамнинг чақаси бисёрлиги ёки онамга бўлган муҳаббати зўрлигидан эмас экан. У киши илмли бўлгани, Аллоҳнинг каломини таниғанлари учун шундай қиласканлар.

Мазкур суранинг «Ҳеч кимга тоқатидан ташқари нарса таклиф қилинмайди», деган жумласини дунёнинг

томига чиқиб, ҳайқириқ билан айттинг келади. Тоқат нима ўзи? У ташқаридан келаётган озорлар азоби тўлиб турадиган пиёладир. Тоқатдан ташқари нарса эса бу пиёлани тошириш демақдир! Энди уни ичмакка жонда имкон йўқ, агар мажбурласалар, у заҳарга айланади. Э воҳ, уни кўксида боласи бор аёл ичаётган бўлсанчи? Қайнонанинг зуфмидан, эрнинг ичувчилиги ёки ношудлиги, ёинки тили заҳар, қўли югуриклигидан, қайнбўйин-қайнингилларнинг озоридан юраги зардобга айланган аёлнинг боласига бераётгани сут эмас зардобдир! Кўзи ёшли онанинг кўксидаги озуқа эмас, аччиқ оғу! Уни ичган болага энди нима бўлади?! Ҳалиги оятдан кейин келаётган жумлани қаранг: «Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин». Юклик пайти ва эмизикли даврида рўшнолик кўрмаган, сурункали ранжитилган онанинг боқсан боласи ё хуркак мусича бўлур, ё феъли тор-инжиқ бўлур, ё ота-онага бемеҳр /чунки унга меҳр кўрсатмадиларда!/ ёинки тўрт мучаси заиф бўлур! Бундай бола кимга манзур бўлади-ю, ундан қандай вафо кутасиз? Аёлининг кайфиятини хушнуд сақлаб, аммо уни ҳаром даромад билан боқсан одамнинг боласи ҳам кун келиб қўйнидан чиқсан чаён бўлур! «Уларни яхшилик билан едириб-кийдиринг» дегани шудир.

Аёл бир нарсадан қўрқса, қаттиқ хафа бўлса, сути қочади. Боланинг ризқи камаяди, онаси тирик туриб, бебаҳра қолади. Бу оятларнинг нозил бўлиши ҳам шу сабаблидир, эҳтимол. Оналардан сут қочиш ҳолатида мен яна бир ҳикмат кўраман: эмизикли аёлнинг атрофдан норизолиги жисмидан ажralаётган неъматни заҳарлаши рост. Шунинг учун ҳам, меҳрибон Аллоҳ норасида гўдак камроқ зарар топсин дея, азобдаги онанинг сутини қочирса керак.

Биродар, дунёда тирик жонзот борки, «болам» деб яшайди. Умрининг охиригача шугина деб ўзини ўтдан чўқقا уради. Мустақилликни асраш учун соғлом ворислар керак деб, улуф тилаклар билан кунларимизга

«Соғлом авлод йили» дея ном қўйдик. Боласини полвон бўлишини истаган эркаклар аёлларини обдан асрасинлар. Болам қатордаги нор бўлсин деган оналар гўдакларини албатта икки йил эмизсинлар, бу қарзи қиёмат! Жонларининг томири фарзандларига уланиб турган муддатларда оналар бола учун, бола ҳаққи, атрофдан қатъи назар, ўзлари ҳам ўзларини аяшни, парваришлашни билсинлар. Ҳалқимизда «кенг феъл – кетмас давлат» деган нақл бор, кетмас давлат бунёд қиласидиган болалар кенг феъллардан дунёга келади. «Болам»лаб ўтиб бораётганимизга яраша, илоҳим бизни қаторга қўшсак бўйи адл кўринадиган фарзандларга эга қилсин...

\* \* \*

Агар эр билан хотин бирбирига муҳаббат – дўстлик назари билан қарасалар, Аллоҳ таоло уларга раҳмат назари билан қарар. Агар эр хотиннинг қўлидан тутса, гуноҳлари бармоқ ораларидан тўкилиб кетар.

Ҳадис

Тележурналист икки оппоқ кабутардай чолу кампирни кўрсатиб: «Мана булар эллик йилдирки, бирбирлари билан баҳтли ҳаёт кечириб келмоқдалар», – дейди. Мен эса ичимда афсусли куламан ва афсус-ла дейман: «Эҳ, гўдаккина, қанақа баҳт? Суратига қараб тўқийверасанми! Улар сен айтгандай баҳтли яшамадилар, эллик йил бир-бирларига фақат чидаб ўтяптилар! Ҳа, ҳа, чидаб! Улар қанд касалига чалингунларича, қон босимлари ошгунча, ҳатто мияларига қон қуйилгунча, зўриқиб чидаяптилар! Беркитмоқ нечун, иситмаси барибир ошкор этиб туради». Қанчадан-қанча оилалар шу тарзда қўша қарийдилар. Инсонни бир инсон билан эллик-олтмиш йиллаб ҳамроҳ бўлиб яшashi пешонага битилган экан, нега ўзимизнинг эҳтиётимизни ўзимиз қилмаймиз? Нега бу олис сафарга обдан тайёрлан-

маймиз? Нега уни илм деб атамаймиз? Нега рўзғор илми номли дарслік, қўлланмалар яратмаймиз?!

Халқда «бўладиганини гапир» деган ибора бор: умр йўлдошлиқ Тоҳир-Зуҳролик, Лайли-Мажнунлик эмас. Уйчиликда байтлар билан чой узатиб, бир-бирига эргашиб, ҳадеганда изҳори ишқ этавермайдилар. Оила деган хилқатнинг остонасидан ҳатлаган заҳотинг дунёнинг жами мушқулоти сени қидириб кела бошлайди... Биринчи бўлиб, жонингда муаммо чиқади – устухонларингни ёриб фарзанд бино бўлади ва у энг оғриқли нуқтага айланади-ю, юрагингнинг ўртасига жойлашади. Куёвга ҳам рўзғор деган ола хуржун ўз оғирлигини сола боради. Шу кунгача ота-онасидан емак еб келаётган ўғил оиласи бўлгач, «энди аҳли аёлимни ҳам қўшиб боқинг» дея олмайди, ақли таранглашиб, юрагига изтироб тушади.

Дунё дунё бўлибдики, келин олган аёл «сен – фўр бола, мен кечирувчи онангман» демайди, қизига бағир бергандай келинига бағир бермайди. Яхши-ю ёмон қайнонанинг ҳаммаси имтиҳон оловчига айланади! Худонинг берган куни келин – имтиҳон топширувчи, «баҳойим паст бўлиб қолса, нима қиламан ёки яхши ишимга ҳам ёмон баҳо қўйди», дея ич-этини еб юради. Бу ҳам унинг феълини айнитади... Уйланмай туриб эркин қуш эди, энди уйига шахсий терговчи келиб, эрнинг ҳам асабий савол-жавоблари кўпая боради. Аёли билан онасини келиштирсанми, рўзғорнинг оч кўзини тўйдирсанми, тобора кўпайиб бораётган бурчларини адо этсанми? Болаларинг гўдаклигига бир уй ғаминг бўлади. Улғайиб қўчага чиқса, ғаминг энди бир кўча бўлади... Бу юкларнинг бари эру аёлнинг елкасига тушади. Фил бўлсанг ҳам, ҳоритадиган – рўзғор! Аллома бўлсанг ҳам, оиласиликнинг айрим асноларида мот қоласан. Бундай «жангу жадал» ичра аксари одамларда серзардалик, гап кўтаролмайдиган бадқовоқлик юзага келади. Дунёси торроқнинг (айниқса, эркакларнинг) ҳатто уйдан нари бўлгиси, бу таранг-

лиқдан қутулиб қочгиси келиб қолади. Мазкур кўри-нишдаги одамни ёмон деб бўлмайди, бу унинг қийналиб қолган – оғир шароитда иродаси заифлик кўрсатаётган пайтидир. Фақат энг тарбияли, Аллоҳ иймонини саломат қилган инсонларгина рўзгорнинг бошидан ўзларини чиройли тутадилар.

Юқоридаги ҳадис бекорга яратилмаган. Мана шу пайтда эрга ҳам, аёлга ҳам тиргак керақдир ва у ҳар соатда, кунда керақдир. Назар солсанг, тадбиркорнинг ҳаммаси кўчада. Аслида энг олий тадбиркор рўзгорда бўлиши лозим! Инсон ўзига ҳамроҳ қилиш учун қушни ҳам, ҳайвонни ҳам не-не машаққатлар билан қўлга ўргатади, йиллаб ўргатади. Ўргатиш жараёнида ҳеч қачон силтамайди, кўчага ҳайдаб солмайди, хулласи, ундан зерикмайди. Кафтида дон, тилининг учидаги сув берига юриб ўзиники қилиб олади. Гарчи ҳеч бир бедана, ҳеч бир ит эгаси билан эллик йил бирга яшамаса ҳам! Инсонга умрбод ҳамроҳлик қиласиган фақат инсон!

Эркақдирсиз, аёлдирсиз, ҳурматли биродар, шу ҳайвонга қўйганчалик эътиқод, ихлосингизни то қабргача бирга борадиган жуфтингизга кўрсатсангиз бўлмасми? Киши дунёнинг ғавғоларидан, олчоқ савдоларидан қочиб келиб кулбай маҳрамига беркинади. Ҳар гал уйингга етиб келганингда бамисли она қучоғини топгандай бўласан. Мана шу маконда одамнинг тинчи бўлсин! Мана шу ерда бўлсин эркин нафас! Улар бу томнинг тагига театр кўришгагина, боғдан гул терган каби фарзанд топиб олгани ёхуд зерикиб қолса, яна зув этиб қайтиб чиқиб кетгани кирган эмас! Умрининг навбаҳорида қўниб, кумуш қишига айлангунча шу ерда макон тутади энди. Улар бир-бирига руҳий паноҳ, бўлиши шарт! Эру аёл учун бошқа йўл йўқ. Бу уларнинг елкасига худо қўйган шаръий вазифа!

«Агар эр билан хотин бир-бирларига муҳаббат-дўстлик назари билан қарасалар, Аллоҳ таоло уларга раҳмат назари билан қарар». Сиз эътибор беринг,

муҳаббат билан қаранг демаяпти, «муҳаббат назари» билан, гүё муҳаббатингиз тушган каби дейди! Чунки рўзгорчилиқда рўпарангдаги одам жайрага ўхшаб, ҳадеганда юзу кўзинг аралаш иғнасини отаверса, сенга кераксиз нарсага қарагандай муносабатда бўлаверса ва бу кунора такрорланаверса, муҳаббат қоладими, биродар?! (Шунинг учун ҳам, севишиб турмуш қурганлар «муҳаббатимни топдим» деган гапларини рўзгор давомида минг марта қайтиб оладилар.) Ишқда эса сени жами каму кўстинг билан севадилар. Йўлларингда гулдай очиладилар, йўлларингга гул бўлиб сочиладилар. Тош бўлсанг ҳам, бундай эътибордан кейин сен ҳам гуллаб юборасан-да! Кўнглингизга ёқмай турган жуфтингизга ҳам ошиқ каби кўрининг, дейди шариф китоблар. Майли, бу дунёда ҳаммадан камчилик қидиринг, аммо жуфтингизнинг айбини титкиламанг, «дўстлик назари билан қаранг» дейди. Чунки дўст хатоларингни санамайди, кўриб кўрмасликка олади ва юкинг оғирлашган заҳоти ёрдамга келади. Ҳамма сендан воз кечиб кетса ҳам, дўст ёнингда малҳам бўлиб қолади.

Бир одам аёлининг феълидан обдан тўйибди-да, ундан ажралиш учун пайғамбаримиз Жаноби Расууллоҳдан маслаҳат сўрагани борибди. Ҳовлиларига яқинлашганда донг қотибди: ичкарида бир аёл чунон хунук овозда ва чунон хунук гаплар билан бировга жаҳл қиласарди. Ҳолатдан маълум бўладики, бу гапларни пайғамбаримизга аёллари айтяпти экан. Забунлиги янада ортган ҳалиги одам энди қайтиб кетаман деб турса, эшик очилиб, хомуш ҳолда пайғамбаримиз с.а.в. кўринибдилар ва ундан нега келганини сўрабдилар. У киши: «Аҳволотим мана бундай, аммо сизнинг кунингиз менинг кунимдан ҳам ёмон экан», – дебди минг афсус билан. Шунда Жаноби Расууллоҳ кулимсираб, уни ёнларига ўтқизиб: «Ҳамиша юслаб юрки, аёл азият билан фарзаңд кўради, тарбиялайди. Таом тайёрлаб, яхши жойини бизга илинади, усти-бонимизни ювиб,

хизматимизни қиласы — энди биз ҳам унинг шунчалик феълига сабр қиласы да!» — деган эканлар. Аммо бу деган сүз эрнинг диалини синдираверадиган аёл кечирилади дегани эмас. Унинг жазосини Аллоҳ ўзи беради. Бу ерда ибрат пайғамбаримиз с.а.в.нинг уларни хафа қилаётган аёлларидан ҳам фазилат қидиришлари ва яхшиликларини эслаб туриб, аёлларини кечиришга ўзларини кўндиришларидир. Дўстлик назари шу.

Оғриб турган дил билан аёлининг қўлидан тута билишнинг ўзи нақадар оғриқли! Устига-устак, жуфтингизга кўнглингиз йўқроқ бўлса, илтифот қилиш янада оғир кечади. Аммо болалар бор. Бу дегани сиздан бошланадиган сулола дунёга келган. Агар шулардан яхши одам ясай олсангиз, шажарангизни ўстирасиз, акси бўлса, бутун бир авлоднинг обрусини ўлдирасиз! Эру аёлнинг ўзаро муносабати болалар учун асосий андоза. Мардикордан тортиб амалдоргача уясида кўрганини қиласы. Нари борса 35 ёшгacha кўчадан, китобдан уққанига тақлид этади. Ундан кейин нақ отонасини такрорлашга тушади.

Жинс бошқа бўлганидан кейин икки тоифанинг ўртасида, албатта, қарама-қарши нелардир ҳамиша бўлади. Аммо болалар дунёга келгач, улар бизнинг бирламчи муаммоимизга айланиб, ўзимизнинг хоҳишистакларимиз охирги ўринга тушади. Аллоҳнинг инсонга берган энг катта унвони унинг *ИНСОНИЙЛИГИ*дир! Мана шу фазлни болаларнинг қошида доимий намойиш қилиш, агар юрагингда бўлмаса, уни роль ўйнаган каби ижро қилиш керак. Хатоли феълимиз билан бола катта қилиб, унга ўнта диплом олиб берайлик, одам бўлиши учун беш қитъага юбориб ўқитайлик, барибир, шаклан ўқимишли, мазмунан каззоб бўлаверади. Бугунги сафимиздагилар феълу атворида қандай қусур учраса, бу уларнинг ота-оналари эплолмаган жуфтликнинг фарзандларда балқиб турган хатоларидир!

Суҳбатимиз «агар эр хотиннинг қўлидан тутса, гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетар» жумласи

хусусида бормоқда. Яратган эгам фуж-фуж камчилиги бўлган аёлининг қўлидан тутган эркакни гуноҳларидан фориғ этмоқда! Аллоҳ энг адолатлидир. Бир феълимиз балки дўзахий бўлишимиз учун етарлидир, аммо худо дўзахийлик йўлида турган бандасининг ҳам яримта яхши ишини кўздан қочирмас экан. Чунки кўнгли қўтарилган одам албатта яхши ишлар қилишга чорланажакдир, балки унинг яхши ишлари шу тарзда қўпайиб борса, зора дўзахга тушмаса дея умид қиласар экан Аллоҳим!

Аллоҳ аёлга имтиёз бермоқда, боиси, аёл ҳар гал боласига юклик бўлганда ўлимни бўйнига олади. То тўққиз ой ўтгунча, ҳар куни еру кўк билан видолашади. Ою куни яқинлашган сари яқинларига тинмай кўзлари билан васият қиласди, тонглари Қуёшга, тунлари Ойга термулиб, улардан айри тушмасликни тилаб йиғлайди... Кўзи ёрир экан, унинг ёнида доя эмас, ўлим туради. У фарзандини доянинг қўлидан эмас, ўлимнинг қўлидан олади! Ҳурматли эркак, жонни гаровга қўйиб топилган бу жон сизнинг болангиздир, сизнинг умрингизнинг давомидир. Сиз учун ўлиб кетишга ҳам рози турса-ю, бу аёлнинг бармоқларини кўзингизга суртмайсизми?! Э, воҳ, у шунга арзимабдими?!

«Мен дунёга бир марта келаман, нега кўнглим тусаган одам билан яшашга ҳаққим йўқ? Болаларим баҳтли яшashi керагу менга баҳт керак эмасми? Қолаверса, менга маъқул бўлмаган аёлимни қандайин бошини силай?!» – дейдиганлар бор. Биродар, худодан беизн ҳатто бир олма узилиб тушмагай! Кимнинг пешонасиға қандай жуфт битилиби – бу Аллоҳдан! Бу унинг ниятига яраша қисмат ёинки яхши-ёмон ишлари эвазига олаётган ҳақидир! Кибрни бир томонга қўйиб, босиб келган йўлингизни, холисанлилоҳ таҳдил қилиб курсангиз, норизо саволларингизнинг жавобини албатта ўзингиздан топасиз.

\* \* \*

**Бир одам Расулуллоҳ с.а.в. ҳузурларига келиб «Ё Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?» – деб сұради.**

**Жаноб Расулуллоҳ:** «Онанг! – деб айтдилар.

У: «Яна ким?» – деб сұради. **Жаноб Расулуллоҳ:** «Онанг! – дедилар.

У: «Яна ким?» – деди.

**Жаноб Расулуллоҳ:** «Онанг! – дедилар.

**Ҳадис**

«Мени билмасанг, күр бўласан! Ҳадисларда ҳам яхшиликни аввал онангга қил дейилган», – дея шанғиллайди аёл... Мана шу гапи билан ҳамма савобини ювди у. Унинг шу лаҳжасида шайтоннинг овози эшитиладир. Шайтоннинг қўйига кирган банда ўнта болага она бўлса-да, қисмати ўт ичрадир, ўт ичра!

Аёл тортган бир тўлғоқ азоби учун, Эгам унинг бошидан минг раҳмат ёғдиради. Бемор боласи деб ўтказган бир бедор туни учун, пойига чексиз мукофот тўшайди! Бир томчи оқ сути эвазига жаннат булоқларини ваъда қиласи. «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деб, изингни зиёратгоҳ сайлайди! Бундоқ ўйлаб қарасанг, Аллоҳ сенга тинмай ҳақ тўляяпти. Ўз болангга кетган меҳнатингга-я?! Бу не ҳол?

Биродар, ҳақиқат шуки, болаларинг сеники эмас, Аллоҳникидир! Бинога келишларига сен сабабчи бўлдинг, холос. Бола деб қандай азият тортган бўлсак, Яратгандан тинмай кирасини олиб турибмизми, ҳатто ортиғи билан оляпмизми, дарҳол жим бўлайлик, жим! Оғзимиздан миннат чиқиб кетмасин!

Бир тафаккур қилинг, қийналиб бола туғиб, қийналиб бола боққаннинг ҳаммаси жаннатга тушади деб қайда айтилган? Яна ўзингиз ҳам кўриб юрган аччиқ бир ҳақиқатни эслатай: душманидан қўра онасидан кўпроқ ранжиб яшайдиганлар озми? Улар юзлабдир,

балки ундан-да кўп! Феъли енгил фарзанд буни ошкор қилиб қўяди. Андишаси қаттиқлар эса яраланган оҳудай азобларини ичга ютиб ўтиб кетадилар. Бир муқояса қулоқларимизда зирак каби қолсинки, ҳеч бир парранда, ҳеч бир дарранда ўз боласига ёмонлик қилмайди! Зурриёдини қақшатмайди! Аммо инсоннинг қўлидан шундай иш келади! Афсус, минг афсус!

Қуръони каримда фарзандларга ота-онасини мұтабар тутиш буюрилади. Агар болаларимиз бизни (яхшимизни ҳам, ёмонимизни ҳам) ҳурматлаётган бўлсалар, аввало, буни шунга муносиблигимиз учун эмас, Аллоҳнинг ризолиги учун қиляптилар. Бола тангрининг биздаги омонати эканлиги, у билан ҳисоблашиб муомала қилиш кераклиги ҳамиша ёдимида туриши керак. Боладан келаётган муруват-роҳат ҳам Яратганинг бизга ҳадясидир ва унга тинмай шукrona айтишимиз шарт.

Оналикка мұяссар бўлиш дунёдаги энг улуғ мартабадир. Бошингнинг осмонга етиши, кўксингнинг тоғ бўлиши шудир. Аслида Аллоҳдан фарзанд сўраётган аёл «ҳамма қусурларимни йўқотаман, нима эзгў бўлса, ўшанга эргашаман, шуларнинг эвазига мени зурриёдлик қилгин», дея илтижо қилиши керак. Боламиз йўқ пайтда қилган мингта гуноҳимиздан болалик бўлганимиздан кейинги битта гуноҳимизнинг тоши оғирроқ. Чунки, бола етаклаб бораётган онанинг хатоси сурувни хатарли йўлга бошлаган сарбоннинг хатоси кабидир.

«Ҳар бир инсон Аллоҳ, соглан бир иморат, уни бузиш учун ҳеч кимга изн берилмагай», дейилади муқаддас китобларда. Бола ҳам Аллоҳнинг иморати. Миссолларни ўзингиздан олай: динимизда етимга озор бериш энг оғир гуноҳ дейилади. Нима учун? Чунки унинг ҳимоячиси, юпатадигани ўлиб кетган. Лекин ўзининг онасидан озор еб, кайфияти зими斯顿 бўлиб юрадиганларнинг оти ким? Уларни ким юпатади? Етимларга ҳамма ҳимояга югурди. Аммо ҳеч ким онаси борга бориб, мен сенга малҳам бўлай демайди-

да! Дунёдаги энг шум етимлик – тирик етимлиқdir! Ёнингиздаги пирпираб юрган икки-уч ёшли бола мисли ҳарир капалак – бақирган овозингиздан қанотлари йиртилади! Эндиғина тенгига қўшилиб, тўпида яйраб ўйнаётган қизчангизга дашном бердингиз, у фунчалаб турган гулингиздир, бу тийиқсиз тилингиз боис, у фунчалигича музлаб қолди-ку!

Ўзи эндиғина ўнга кирган бўлса-да, ҳали полвон бўлиб укаларини елкасига миндиргиси, ҳали Алпо-мишдай чавандоз бўлгиси, ҳали сиз билан отасини машиналарга солиб ўйнатгиси келиб, кунда кечагидан ўзини баландроқ сезиб бораётган ўғлингизни кўпнинг олдида, айниқса укаларининг олдида: «Ҳа, лапашанг, латталик қилиб шуни ҳам эплай олмадингми?!» – дея ғазаблашингиз унинг қовурғалари орасидаги мурғак юрагини топиб синдиради! Руҳини ногирон қилади! Онам мунча хунук, дейди шу аснода, атроф мунча ёқимсиз, дейди у! Ерга урилганига гувоҳ бўлган укалари, айниқса, кўзига совуқ кўриниб кетади!..

Тили, феъли ёмон аёл йил-ўн икки ой боласининг бошидан бундай надоматларни ёғдириб яшайди. Ёмон нарса боланинг хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди! Ҳеч қачон! Аксинча, вақт ўтган сари тиниклашиб, кўксининг тубига илдиз отиб боради! Руҳи лат еган боланинг феълида мувозанат бузилади. Унда ўзимнинг онам шундай жароҳатлайди-ю, бегонадан эҳтиёт бўлиш керак, деган шубҳа пайдо бўлади. Одамларга ҳуркиб, ишончсизлик билан қарайдиган, салга чарсиллаб жавоб берадиган ёки одамови бўлиб қолади. Сиз эса бу даврда яна тинмай типирчилаб, шу болангиз учун меҳнат қилиб, унинг учун кийим олиб, унинг учун уй созлаб, жонингизни жабборга бериб юрасиз. Лекин, афсуски, бу меҳнатларингиз зое кетади – тилингиздан озорла-наётган бола, бағрингизда туриб вайрон бўлаётган иморатдир. Сиз энди бу болангиздан катта меҳр-мурувват кутманг, ойим!

Эркак билан аёл ўртасидаги меҳру ихлос бизга Одам Ато ва Момо Ҳаводан меросдир. Бу мубталоликдан ўзингиз ҳам четда қолмагансиз. Қолаверса, ўғлингиз туғилганидан бошлаб, ошкору пинҳон ширин орзулар билан келин мўлжаллаб юрасиз. Сеп тахлаб, тўйларига пул жамғарасиз. Бу – гўзаллик, бу – фарзанднинг шарофати. Юраги муҳаббат қўшиғига тўлган ўғлингиз учун эса келинчак бамисли осмондан узилиб тушган Ой, тикилгиси келаверади! Уйингиз уй эмас, шифил гуллаб юборган бодомзор, ёшларнинг қумри каби фуғулари эштилаверади! Бу – сизнинг боғингиздир, ҳаёт қўнфироқлари жаранглаган айёмларингиз муборак бўлсин!

Аммо, аммо шундай баҳтиёрлик ичра сизни, э воҳ, бадфеъл кўриб турибман!.. «Вой, менинг ўғлим жуда хотинпараст чиқди-я, у деб ўзини томдан ташлашга тайёр-а!» – дейишдан бошладингиз. Ва шу кундан иборат ҳамма ишингизни ташлаб, қораловчилик курсисига ўтириб олдингиз! Ахир қандай ишга қўл ураётганингизни биляпсизми? Икки ёшнинг қовушиши, келин-күёвликнинг дастлабки икки йили бетакрор эртак-ку! Рўзгор деган зил умрнинг олтин даври-ку! Қаноти бут бўлган бу баҳтиёр қуш сизнинг жон болангиз-ку! Нега унинг қувончи сизга малол келмоқда? Бир болангиз иккита бўлиб турибди-я! Дуоларингиз ушалгани шу, ойим! Туп қўйиб, палак ёзишга тушдингиз. Хурсандчилик қани? Шукр қани? Қани ахир?!

Мана шу туришингизда сизга инсоф тилайман. Бу нафсдир, ўғилни келиндан қизғаниш нафсиdir! Нафсга берилиш эса, ё алҳазар, иймондан чекинишдир! Шу болангиз агар беоқибат чиқса, Аллоҳдан кўринг, феълингизга яраша олган насибангиз шу!

Пули кўп ёки чаққон болангизни тинмай мақтайсиз, у нима келтирса, бошқа болаларингизнинг бурнига ниқтаб: «Кўриб қўй, ўласанми, шу укангга ё акангга ўхшасанг!» – дея мулзам қиласиз. Ва устига-устак ака-

укаларни шу тарзда бир-бирига душман қилиб борасиз! Шуни билингки, фарзандларнинг шудлик ёки шудсиз бўлиши, бир ҳунарнинг устаси бўлиши ёки чала ташлаб кетиши, ростгўй ёки фирром бўлиши фақат шу боланинг айби эмас. Нима эксангиз шуни оласиз, бу биринчидан. Тарбияни тўғри берган тақдирингизда ҳам, зотингиздаги аллакимларга тортиб ҳам, у яхши ёки ёмон бўлиб улғайиши мумкин. Қолаверса, болага ҳалол луқма едирилмаса ҳам, ундан вафо кугиб бўлмас!

Ҳақиқатан, бола нечта бўлса, феъли ўшанча хил бўлади. Бу — наслий ҳосила. Она бўлишнинг оғирлиги ҳам шу — битта бошингиз билан бир неча рангда тарбия олиб боришингиз керак. Бошқа йўл йўқ. Агар «менинг бўлганим шу, қорнини тўйдириб, устини қил-япман-ку», дейдиган бўлсангиз, сиздан ўзига муносиб маъни қўрини ололмаган, сизнинг тилингиздан безиб, дил очолмаган, кўксингизга бош қўйиб яйролмаган бола бир куни ўзи туз ичган тузлуққа тупуриб кетади! Ит ҳам, мушук ҳам она бўлаверади, аммо одам боласига ОНА бўлиш учун *ИЛМ КЕРАК*, оналик илми керак! Бу илмни ўрганиш — бир заҳмат. Уни қўллаш — яна заҳмат! «Бори яхшиликни онангга, онангга ва яна онангга қил...» дейилган Ҳадиси шариф ана шундай илмдор, мукаммал оналарнинг фарзандларига қаратилгандир.

\* \* \*

**Ўзини таниган парвардигорни танийди.**

*Ҳадис*

Оҳу ўз тўпида, шер ўз тўпида, турналар ўз тизими, қумрилар ўз галаси билан бирга бўлажақдир. Уларнинг нафақат ташқи кўринишлари, балки яшаш тарзи-ю, овозларигача турфадир. Ўсимлик дунёсини кўринг, миллион йиллик шаклини, наслини асрраб келади. Бу оламда неки бўлса, ўз ранги, ўз таровати билан барҳаётдир. Ҳатто камалакнинг-да иқлими лол қолдиради

кишини, нега унинг ранглари ҳеч аралашиб кетмайди? Бу – худонинг буйруфи. Бу – илохий қисмат! Дунёдегани минг бир пардалардан яралган тордир. Ҳар бир парданинг ўз оҳанрабоси бордир. Шунинг учун бу ҳаёт гўзал, шунинг учун кишининг ўлгиси келмайди! Оламнинг мувозанатини бузмаслик учун, унинг дилбар оҳангларини синдиримаслик учун, ҳар бир мавжудот ўз зотининг тақори бўлиши шарт! Тарақкий этсин, лекин туб томири асосида! Кўзимиз зерикмасин, кўнглимизга тегмасин дея буюк мусаввир – Аллоҳ, оламни рангин ва бетакрор яратған ҳамда бизга тортиқ айлаган. Бунинг учун тинмай шукронга айтишимиз ва унинг омонатига хиёнат қиласлигимиз сўралади!

Яхшилик тарқатувчи, нияти яхши бўлганки амалларга Яратганинг ўзи умр беради. Ота-бувамииздан бизга ўлмай ўтиб келаётган яшаш, фикрлаш (дунёга муносабат билдириш), сўзлаш, кийиниш тарзларимиз ҳам ўзимизга хосдир ва бу дунёнинг рангдор бўлишига қўшган ҳиссамиздир. Авлоддан авлодга ўтиб, наслу наسابни пок асрарга хизмат қилиб келганки нарсалар худога хуш, қадрли нарсалардир. Биз уларни миллий қадриятлар деймиз. Бир миллатнинг бошқа миллатга ўхшамай туриши, фарқлари – унинг ўз овозига, алоҳида андаза ва дастхатга, тайинли наслу наسابга эга эканлигидан далолат. Ўша **ЎЗИГА ХОСЛИКНИ АСРАЙ ОЛИШ МИЛЛИЙ ФУРУРдир!**

Инсоннинг ҳар бир ишида унинг нияти акс этади. Амалиётимизга қараб ўзимизга баҳо берадилар. Менинг эса замондошларимнинг баъзи кўринишларидан кўнглим йиғлади... Айниқса, пойтахт ва вилоят марказларидағи ёшларнинг, ҳатто ёши ўтгиз-қирққа кирганларнинг орасида ҳам она тилимизни билса-да, атайнин ўрисча аралаштириб ганирадиган, ўрисча гаплашишни киборлик белгиси деб биладиганлар оз эмас. Эстрада хонандаларининг ичидаги ўзи ўзбек бўла гуриб, ўзбекча ҳарфларни ўрисча талаффуз қилиб куйлаётганлар миллатнинг шаъни олдида уятли иш

қилмаяптиларми? Бобо-момоларидан қолган уй бе-  
зашни, тутум тутишни, шарқона иморат солиши ва  
кайинишни «Эскилик сарқити» деб санайдиганлар  
«миллат» сўзини нима деб тушунадилар?

Бухоро, Самарқандимизни бутун жаҳон кўргани  
интилади, ундан ҳайратланади. Чунки у шарқона!  
Чунки у ўзига хос!

Аждодлардан қолган ҳар бир ишда ҳикмат бор,  
хосиятли сир бор! Шип-шийдам шипу, дўмпайиб  
йўлингни тўсиб, уй саҳнини бўғиб ётадиган овру́поча  
мебеллардан нима ютди? Бадавлат бўлганки бугунги  
ўзбекнинг аксарияти гоҳ туркча, гоҳ эстонча, гоҳ  
французыча «қалъя»лар қурмоқда. Қани ота-бувамииздан  
қолган томи баланд, шипи гўзал вассса жуфтли, ҳавоси  
ҳамиша тоза турадиган ўзбекона уйлар? Миллий  
нақшлар ўйилган меҳроблар, кунгурали токчалар қани?  
Ўзбекнинг уйи хоҳласа, хоҳламаса ҳамиша гавжум  
бўлади, маросими маросимга уланаверади, феълимиизга  
монанд кенг уйлар, нақшинкор устунли муҳташам  
айвонлар қани?

Биз Шарқмиз! Риояли, иффатли халқмиз! Нима учун  
оталаримиз ички-ташқи ҳовлилар қуришган? Бунда  
ҳам донолик бордир – тўй-таъзияларда аёлларга қу-  
лайлик яратиш учун келди-кетди меҳмонлар (дарвоқе,  
ўзбекчиликда бир зумга келган киши билан ҳам кўчада  
гаплашилмайди), эркакча пасту баланд гурунглардан  
аҳди оиласини асраш учун, ётарга келган қўноқларнинг  
тортинмай дам олишлари учун шундай қилинган. Бу  
файз эмасми, юксак маданият шу эмасми?

Меҳроблар йўқолгани боис, хонадонларга чаман-  
ларни олиб кирувчи гўзал палак, зардевор, кирпеч каби  
миллий чойшабларимиз йўқолди. Уларнинг харидор-  
лари, тикувчилари юз баравар, балки ундан ортиқ  
камайди. Қарабсизки, миллий ҳунарманчилигимиз ва  
момоларимизнинг изларидан айри туша бошлидик.  
Энди улар факат кўргазма залларида намойиш этилмоқ-  
да. Миллийлик миллатнинг дил-дилида бўлиши керак-ку!

Меҳроблар йўқолди, уйлар оврупча безатила бошланди, қарабисизки, попопчилик, минг бир усул билан тикиладиган каштачилигимиз ўлди! Оилада қиз туғилганидан бошлаб, қўлга игна олинар, буюртмалар берилар, дуо билан игна урилиб, дуо билан ипак тортилар эди! Келинчакнинг сепидаги чойшабу сочиқда, дастурхон, ёстиғу рўмолнчада, қийиқча-ю дўппида дуолар битилган бўларди. Ўзбек қизларининг бармоқлари гул эди, қўли гул қизлар борган уйлар жаннат эди. Бугун эса, келинчакларнинг уйидан фаришта кетди, ўттиз йил рўзгор қилган оила ҳам бир, янги келиннинг уйи ҳам бир. Умрда бир бўладиган тўй чиллахонаси, икки юракнинг боғлари туташган жой шундай бўладими? Шундай жўн, шундай сўппайган бўладими?

Меҳробларни йўқотиб, биз нима топдик? Атласу кимхоблардан қопланган чиройли кўрпа-тўшакларимиз, гўзал ёстиқларимиз — хор, ҳали у ер, ҳали бу ерда ҳозир туяга ортиладиган кўчманчининг юқидай, тутунтугун бўлиб, бино бўлганига пушмон келтириб, мук тушиб ётади. Биз бунга қарши ҳар қанча гурунг қиласайлик, ўзбекка барибир кўрпа-тўшак керак! Меъёрни сақлаш лозим. Аммо бизнинг меҳмонимиз кўп, ўзбек меҳмонсиз яшолмайдиган халқ. Аёлнинг яххиси эса қўшнидан тўшак сўрамайди, уйида тўйлар бўлишини тилаб ётадиган оҳорли кўрпа-тўшаклари бўлиши керак. Демак, меҳроби ҳам бўлиши шарт!

Ҳаммамиз унутаётган яна бир нарса ҳақида гапирай: бу сандал, Тошкент шевасида «танча»дир... Сандал теварагида ўтирамиз. Онам чопон қавийдилар. Сандал устидаги катта патнисда туршак, шафтолиқоқи ва майиз. Қўл-оёқларим кўрпанинг ичидаги маза қиласиди. Димогимда муздай тоза ҳаво. Деразада паға-паға ёғаётган қор. Дадажоним эса берилиб «Юсуф-Зулайҳо»ни ўқиб берадилар... Айрилганим — қўш қалдирғочларимнинг тумшуқларидан дон еб турган баҳтиёр полапонлигим экан у дамлар!.. Сандални болалигимни эслатгани учунгина тилга олмаяпман. Шунинг учунки,

унинг қадри хўп ўтаётир. Не-не иншоотларни қуришни уддалаган ўзбек нима учун қишини сандалда чиқарар эди? Чунки у мутафаккир Шарқнинг боласи – танни чиниқтиришни, касалнинг олдини олишни, даволанишнинг энг одми, осон йўлларини биларди. Астойдил эслаб кўрсам, болалигимизда атрофдаги келин-кертакларнинг, катта-кичикнинг ҳадеганда касалхонага ётавергани ёки муолажага қатнаганини билмайман. Инсон оёғининг тагида тандаги аъзоларга боғланган йигирмата нуқта борлигини ҳисобга олинг-да, сандалга баҳо бераверинг! Бугунги қунда оёқ оғриқ билан аёллар касалликлари болалаб кетган. Қишилди дегунча, ўпка ва ҳаво йўллари шамоллаши авжига чиқади. Сандалда эса кишининг бош ва кўкрак қисми терламай, мўътадил туради. Аждодларнинг ҳамма иши – илм! Ҳар ҳолда, ҳовлида истиқомат қиласидан бола-чақалари билан кунда овқатланадиган биттагина уйларига сандал қурсалар, ота ўғли бўлган бўладилар ва аҳли аёлларининг ҳам саломатлигини сақлаб қоладилар...

Гапнинг дангалини айтганда, миллатнинг боласиман деган одам нафақат Ўзбекистонда, ер куррасининг қай нуқтасида яшашидан қатъи назар, илми-ю давлати зиёд бўлиб кетган чоғда ҳам, ўзи ўзлигига ўхшаб турсин! Меҳмон кутадиган энг сара уйини аждодининг удуми илиа безаб, тузаб қўймоғи зарур! Рўзғор тутуми, ўтирибтуриш, мулозаматда ҳам шарқоналиктни ушлаши шарт! Бу унинг аслим бор дегани, ўз миллатимга садоқат ва эътиқодимни кўриб қўй дегани! Авлодининг руҳларини шод қилгани, фарзандларига миллийлик андозасини узаттани шудир!

\* \* \*

Миллий қадриятлар хусусида безовта бўляпмиз. Аждодларимизга ўхшаб яшаш, уларга хос афзалликларни йўқотмаслик фарзандликнинг ҳам қарз, ҳам фарзидир. Ота-онамизга кўрсатган ҳурмат-эҳтиромларимизнинг астойдил ёки шунчакилиги улардан кейин

маълум бўлади. Солиҳ фарзанд ота-онасидан айрилгач, қарздорлик туйғусини аввалгида зиёдроқ сезади. Уларнинг руҳини шод айламак учун, қолаверса, ота-онасини кўргандай, уларнинг тафтини ёнида туйгандай бўлиш учун, ўшаларга ўхшаб яшаш, уларга ёққан, улар авайлаган удумларни асрашга бажонидил уринади. Омон бўлсин шу уйғоқ туйгулар! Яшасин ота-онаси-нинг руҳини шод қилмоққа интилган фарзанди содик-лар! Чунки миллийлик, ўзига хослик шуларнинг шарофати билан омон қолади.

Одам боласи ерга тушган заҳоти унинг биринчи эшитгани «илоҳим, боши тўйдан чиқмасин» деган дуодир. Бу дуонинг ижобат бўлишини ота-она йигирма йил кутади, жони минг чифриқдан ўтади, боласи минг балолардан омон қолади. Демак, у авлодларининг дуо-сини Аллоҳ ижобат қилиб, бугунги муборак кунга етиб келди. Бу – сиз, бу – мен, булар – ёнимиздагилар. Миллатнинг ўзига хос қирралари унинг маросимларида кўринади, тўғрироғи, кўриниши шарт!

Хўп, бошқаларни қўя турайлик, миллатнинг энг оддида борадиган зиёлилардан сўрай: сиз қўзингизни никоҳ, тўйида қандай кийинтиряпсиз?! Аниқроғи, қайси миллатнинг кийимини кийдиряпсиз? Бошидаги бир парча тўри французча, қўйлаги инглизча, юзининг очиқ туриши ўрисча! Болангизни шу кепатада кийинтириб кимнинг руҳини шод қиляпсиз? Шу туришида улар чиройли деб ўйлайсизми? Бу кийимларни бугунги кунда ўша миллатнинг ўзи ҳам киймай қўйган, биродар! Сиз бу ишингиз билан суюгидан тонган сultonсиз! Сиз аслини унугтан бевафо фарзандсиз!

Гўзал тиллақошлар, зебигардонлар, юзнинг ҳарир оқ ёпинчиқлари, гўзал пойжамалар, сиқма бел кўйлак, камзуллар, миллий кавушлар ҳеч йўқ тўйда кийилмаса, аждодлар бизнинг мисолимизда кимни қолдириб кетган бўлади ахир?! Ота ёди қани, қани момолар ёди?! Аллоҳ раҳмат қилгур Абдулла Қаҳҳорда «грузинларда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам

гиламнинг устига илиб қўядилар» деган гап бор эди. Либослари билан нафақат Оврупони, бутун дунёнинг ҳам кўзини куйдирган буюк Шарқмиз-ку ахир! Нега ҳеч йўқ тўйларимизда кимлигимиз билан фахрланиб қолмаймиз?! Буни аввал сиз, мен ва сафдош зиёлилар ўзида намоён қилмаса, қадриятларимиздан жон кетади ахир!

Сўз – неъмат. Рост сўз, яъни ҳақиқат Аллоҳга энг хуш келадиганидир! Аммо мен «сўзимни силлиқдай олмайман, ҳақиқатини айтаман қўяман» дегувчиларни умр бўйи ҳазм қилолмай келдим. Аллоҳнинг яна бир неъмати – тафаккур айтадики: «Ҳақиқат мисли яроғ, уни қинда асрармоқ жоиздир!» Аччик дорини ширали қобиқ билан берилгани каби, рост сўзга ҳам кўзга ва юракка ботмайдиган либос даркор. Дунёдаги дилозорлик ва қурбонликларнинг етмиш-саксон фоизини сўзга либос кийдиришни билмаган «ҳақиқатгўйлар»-нинг қиличи содир этмишdir.

Кўзга кўринмайдиган Сўз ҳақида шунча ташвиш чекяпмиз. Аллоҳ яратган буюк мавжудлик – ИНСОНнинг шу жисми жони ҳам ҳақиқат! Шундоқ юравериши ҳам мумкин эди. Аммо уни ёмон кўз ва ёмон сўздан фориғ қилиш учун либос жорий қилинган. Аждодлар бир-бирларига бўлган ҳурмат-эҳтиромларини ҳам улар қошига кийиб чиқадиган либослари орқали изҳор қилганлар, аввалдан рисоладаги оиласларда қизлар оталари, акалари ишдан келишига саришта, тизза-ю иликларини ўраб турадиган кийимлар кийиб олганлар. Ҳатто тунги кўйлакларининг енглари узун, тўқис бўлса ҳам, аёллар катта фарзандларига шу алфозда кўринмаганлар. Бу диний нуқтаи назар эмас, бизнинг азалий одоб ўлчовларимиз, миллий дидимиз, кўникмаларимиз шундай!

Она бўлган ойимлар, тарбиячилик насиб этиб, бола улғайтириб, кўчага чиқарган муҳтарам зотлар! Уйни қўйинг, сиз қизингизни кўчага қай аҳволда чиқаряпсиз? (Мен бу мурожаатни ҳаммага айтмаяпман, гап

эгасини топади!) Қиз бола – Аллоҳнинг беназир мұғжизаси, поклик тимсоли, минг бир парда ичра яшириң туриши керак бўлган гавҳар! Сиз эса, муҳтарам отаоналар, хазина бонсиз. Бу гавҳарни сиз асраласангиз, у ўзини қандай асрасин?! Болангиз ҳали бола, қадриятни сиз эслатмасангиз, у қайдан билсин?! Айтингчи, улар кияётган «мини» юбкалар, ёни белигача қийилган кўйлаклар сизга маъқулми? Енги йўқ, ёқаси йўқ, елкасига боғич билангина боғланган, узунлиги белини ҳам ёпмайдиган майкада чиқиб кетаётган қизини кўрганда наҳот оталарининг юзи қизармайди? Наҳотки хавотир олмайди? Кўчадаги яхши-ёмон кўз «бу қиз шу очиқ-сочиқ туришида нима демоқчи» демайдими? Курмак феълликлар йўқми дейсиз?! Шарқ қизи бўла туриб, ўзбеклар қуршовида яшаб, ўзбеклар тунда ҳам киймайдиган узуқ-юлуқ кийимлар билан кўзлар, назарлар бозорига ўзини солиш – уят иш-ку ахир! Ўзингиз ёшлигинизда бундай юрмагансиз-ку! Агар ота-онангиз сизга қаттиқ турган бўлса, қолоқлиги учунмас, зотингизнинг обрўсини сақлаб шундай қилган-ку! Сизга келганда одоб пардаси кўтарилган бўлса, бу миллый қадриятнинг топталиши! Бу ўзликдан тонищдир! «Бу гаплар ўзимнинг ҳам кўнглимда бор, аммо боламни йўлга сололмаяпман», деган ота-онаки – юзи шувут! Ё боласининг олдида тили қисиқ ва ё отаоналикка тайёр эмас, ҳамонки фарзандлари улардан оладиганини ололмабдими, буларни боланинг уволи уражакдир! Чунки **ўзлигини танимаган бола миллатнинг увол бўлган бўлагидир!**

Миллат фарзандининг илми, мартабаси ошган сари миллый рух, ва миллый феъл унда яхлитланиб бориши лозим, шундайлардан умид, шундайлар миллатни асрайдилар, юксалтирадилар.

\* \* \*

## Осонлаштирингиз, қийинлаштирманиз.

Ҳадис

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Маънавият сабоқларининг бугуни ва келажаги» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Йиғинда маънавият фани бўйича дарслик ва қўлланмалар яратган ва яратиш тараддуудида юрган олимлар ҳамда қўзга қўриниган маънавият тарбиботчилари қатнашидилар. Анжуман қизғин мунозара тарзида ўтди. Йиғиннинг қизғин ўтганидан, бир маънавиятчи сифатида, қўнглим таскин топиши керак эди, аммо мажлисдан кейин юрагим хомуш тортди...

Маънавият сабоғи бугунги кунда нега зарур бўлиб қолди?! Шўро зуғумидан қутулгач, зудлик билан ўзимиздаги тоза томирларни уйғотиш, маънавий меросимиз бўлмиш миллий қадриятларимизни ёшларнинг қалбига жо этиш, ўз юртига ўзи эгаликка ярайдиган, ватанин асраш, яхши инсон бўлиш учун виждонини ўртага қўйиб иш тутадиган авлодни тайёрлаш зарурати туғилди. Одамларнинг қўнгил қўзини очиш, уларда маънавий дидни уйғотиш кераклиги аён бўлиб қолди. Бунга шошилиш даркор эди! Биз шошила олмадик! Боқибеғамликнинг бир касрини мана кўрдик – «оқим»чилар биздан илгарилаб, айрим ёшларнинг бошини айлантирди! Тадбирбозлик билан, мажлис-мажлис ўйнаш билан, телеҳисоботлар ёки адашганларни тинмай қарғаш билан аҳвол яхшиланмайди. Энг қизғин тарбияни суяги қотмаганлардан, яъни мактабнинг энг қуи партасидан бошлаш керак. Маънавият дарслари бунинг учун тайёр майдон-ку ахир! Аммо бу дарсларнинг бугунги қўриниши қониқарли эмас, мутахассислар йўқ, мутахассис тайёрлайдиган ўқув даргоҳи йўқ. Мазкур фан бўйича ёзилган қўлланма, дарсликларнинг саксон фоизини варақлашпа юрагингиз беziллайди!

Мажлисдан күнглим қоронғу чиқди дейишимнинг боиси, сұзға чиққан олимларнинг «маънавият асосларини қайси синфдан бошлаб үргатиш керак», «маънавият назарияси мана бу ...изм, ...измларни ўз ичига олиши керак» деган гаплари эди. Муаллифлар мени кечирсінлару, шу анжуманни ташкиллаштириш жарайёнида йиғилган құлланмаларни етук мутахассисларга беріб таҳлил қилиб беришларини сұрадим. Улар күпини қайтариб бердилар ва бундай нарсаларни ўқиши ҳамда таҳлил қилишга асаблари дош бермаслигини айтдилар.

Катта одам чидамайдыган китоб заҳмини кичкина жони билан бола қандай күттарсın? Илм болага роҳат беріши керак, жабр әмас! Боланинг руҳини синдириш, зериктириш – бу зулм! «Илмий коммунизм деб ундоқ нарсага айтамиз», «социалистик реализм деб бундоқ нарсага айтамиз» дея-дея нимага эрищдик? Камига маънавият дарсларида ҳам яна ўша «изм»чиликми?! Шундоқ долзарб пайтда-я? Ўзининг йигит эканлиги, оёғи остидаги она-Ернинг үлік-тиригини елкасига олган ўғил фарзанд эканлиги ёдиdan чиққан, доллар учун душманнинг дастёрига айланған айрим болалар ўзимиздан эканлиги бизни хижолатлик азобига солмайдими?! Синф хоналарида сўйлаётган, ўқитаётган нарсаларимиз, телевизорда кўрсатаётган томошалаrimiz таъсирчан, дилтортар, одми бўлганда бундай шогирдлар бўлмасди! Қуръони каримдаги «осонлаштилинг, қийинлаштирманг» деган жумлада ҳикмат бордир. Яна бу муқаддас китобнинг «... ҳеч кимга тоқатидан ташқари нарса таклиф қилинмайди» деган жойлари ҳам бор. Очигини айтганда, педагогика, психология, фалсафа бўйича ёзилган китобларни бағир беріб ўқиган ўқувчини ким кўрган? Улардаги атамаларни, Овруподан Россияга, Россиядан бизга келгунча таржимадан таржима бўлавериб, мазмунларичувлашиб кетган жумлаларни эслаб қолиш тутул, баён қилай десанг, тилинг қинғир бўлиб кетади. Буни олим-

лар «илем, академик тил» деб атайдилар. Халқчил усулда ёзилган, ҳаётий мисоллар асосида ёритилган ишларни «академик тилда ёзилмаган, бу ерда илем йўқ» деб четта сурадилар. Ахир, болам олим бўлсин-у, дардимга дармон топай деб сизни Худодан сўраб олган шу халқ-ку! Илем халқ учун-ку! «Ҳамма тушунадиган нарса илем эмас» дейсиз-а! Бирор ўқимай, тўғрироғи, ўқий олмай жовонларда ётган китоблар ўлиқ мол-ку!

Илми кўп одам эмас, илмини халқقا еткиза олган, сингдириш усулларини топа олган одамгина ҳақиқий олимдир. Ҳунарманд тайёрлаган буюмини қандай асбоб билан, нимани нимага қўшиб ва кимнинг ёрдамида тайёрлаганини ўзига ўхшаган ҳунарманд сўрасагина сўзлаб бериши мумкин. Харидорга бунинг қизиғи йўқ, у буюни сотиб олишни билади холос ва дарҳол керагига ишлатади. Бизнингча, «Маънавият деб нимага айтамиз? Қайси даврнинг маънавияти қандай бўлган? Қайси аллома маънавият ҳақида нима деган? Маънавият назариясининг асосларини нима ташкил этади?» — деган ниқтовни барчага бирдай қаратиб бўлмас! Назарий билимлар шу соҳа бўйича мутахассис бўлаётганлар учун керакдир. Аммо бошқа толиблар, мактаб ўқувчилари учун, кенг омма учун маънавият назариясини эмас, маънавий дурдоналарнинг ўзини кўрсатмоқ, мана бу — «МЕХР», мана бу — «САБР», мана бу — «ШУКРОНА», мана бу — «БУРЧ» ... деб танитмоқ жоиздир! Мумтоз тарбияшунослик манбаларимизда инсонга буюрилган 500 дан зиёд хуш хулқ келтирилади. Ўшаларнинг ҳар бирига шарҳ берилганда ҳам беш юз соатлик дарс бино бўлади-ку! Мисолларни нақ бола яшаб турган ҳаётнинг бағридан, адабиётдан, санъатнинг ҳамма турларидан, тарихдан... келтириб, болаларда ўзини ўзи тафтиш қиласидиган кайфият уйфота олмасак, илмини амалга ошиrolмаган, ниятига етмай кетиб бораётган армонлилар қаторида бўламиз.

Комиллик тарбиясини санъат билан, устакорлик билан, айтиш жоиз бўлса, болани маҳлиё қиласидиган

сехрли ифодалар билан олиб бориш зарур! Маънавият тарбияси бугунги кунда муолажа ўрнидадир. Турмушимиизнинг бемор жиҳати шу. Не кўйга тушсак ҳам, маънавий тарбиянинг энг қисқа, энг унумли йўлларини топишимиз шарт!

\* \* \*

**Жаннат оналар оёғи  
остидаидир.**

**Ҳадис**

Билиб юрибман, кейинги пайтда «она» деган сўз тилимга бот-бот келаверадиган бўлиб қолди. Мазкур ҳадисни қўлимга оляпману, бу мавзудаги аввалги айтганларимни такрорлаб қўйсам-а, дея хавотир одим. Кейин ўй келди: менгинанинг баҳоим билан она таърифини адок қилиб бўларканми?! Агар минг йил умр қўрсам, онаижадонимнинг яна минг жиҳати айтилмай, минг иқдими ёритилмай қолар, эҳтимол!

Она борки, чараклаб турмайди, ярақлаб юролмайди – алвон рангларини боласига бериб, нурсизгина қўри нишларини унинг панасига олиб туради. Аёл она бўлгач, баланд пардаларда жаранглаши тўхтайди – жами қўнғироқларини боласига илиб қўяди-да, бутун вужуди қулоқقا айланиб, уни тинглагани тинглаган! Фикрати битта дуода михланиб қолган: «Илоҳим, боламни асра, боламни асрраб берсанг бўлди!» Жисмижони шу жумлани туну кун шивирлаб яшайди!

Бағрини ёриб ям-яшил майсага айланәётган бошоқ мағзини боласига бериб пўчоққа айланәётган ОНАДир. Булоқ булоқ бўлибдики, қўксидан сизиб чиққан, турли томонга тарқалиб, орқасига қарамай, чопқиллаб узоқлашиб бораётган ирмоқлар кетидан термилганча кўз ёшларини тўкиб ётади. У шу туришда фарзандларини ҳали келинга, ҳали куёвга, ҳали набираларга, яна минг бир яхши-ёмон харидорларга бой бериб, нима бўлаётганини ўзигина билиб турган ОНАИЗОРдир!

...Ўшанда онамнинг кунботарига бир ҳафтагина қолган экан. Эсимни танибманки, у кишини жисмонан

инжиқ кўрмаганман, бақувват, ҳаётбахш феълли эди. Охирги икки йилда иситмали дард илашди-ю онам орқага кета борди. Тўртта боламнинг олди энди дастёр бўлган, этаги ҳали майда. Уларнинг кунда юз хил юмуши чиқади, унинг устига ишлайман, ишки, иш эмас, қон қиласиган қофозбозлик! Онам эса ётиб қолди, кунда бир термилиб кетмасам, чақалогини ташлаб қўйган одамдай бетоқат бўламан! Сездирмай келган ўлим ҳам бир ҳисобда дуруст экан. Онадай азизингнинг кўз ўнгингда шамдай лишиллаб ўчаётганини кўриб туришдай залворли оғриқ йўқ дунёда! Ҳар куни қуёшнинг ботиши сен учун даҳшат! Эртага яна офтобинг чиқадими ё йўқ?! Тақиллагани учун эшикни, жиринглагани учун телефонни кўргани кўзинг йўқ! Ота маҳалламга кирап эканман, кўчамиздан чиқиб келаётганки одам мен учун юрак ўйнофи! Тишининг оқини кўрмагунимча, тиззамдан жон чиқиб бўлади. Биринчи берадиган саволим «яхшимисиз, омонмисиз?» эмас, «бизниkilар тинчми?!»

Ишим, уйим ва она ҳовлим шаҳарнинг уч тарафида. Ҳар куни шу учлик орасида танда қўяман. Миям машинадай ишлайди – нима олиб келсан онамнинг оғзига ёқади-ю, қайси дўхтирни чақирсан, мени юпагадиган гап айтади! Ва кечки овқатим бугун нечада пишади-ю, болаларнинг оғзини ёпаман?! Ўзимнинг мисолимда ўшанда билиб қўйганман – инсон дегани шу қадар яшовчан бўлишини! Узилай-узилай дейману яна чопиб юравераман, илжаяман ҳам, сўниб бораётган онамга ҳар куни ҳар хил ҳазиллар ҳам топаман, бунинг устига юрагингта ўқ отиб турадиган «дўст»у душман ҳамиша бор!

Бир куни чарчоқ жонимга косага тўлган каби тўлди-ю, ишдан кейин уйга бориб икки соатгина чўзилиб келай деган фафлат босди мени! Кўзимни очсан, қозон осар пайт бўлибди. Онамнинг теграсида укаларим бор-ку, саҳарлаб етаман дедим-да, бормадим. Ўша кунни умрбод лаънатлайман! Шайтоннинг гапига

кирган куним ўша! Демак, шу куни бу югуришлар менга малол келган! Демак, онамдан жоним ширинроқ туюлган! Балки, қайсиdir дақиқада «онам соғ юрганда, мен шунчалик уриниб кетмасдим», деган надомат ҳам ўтгандир дилимдан!..

Эртасига учиб келдим. Онам, онажоним эса... «пастлаб» қолибди. Бошини буришга ҳоли йўқ. Мен томонга кўзининг ёни билан, узоққина тўхталиб қарди, аммо индамади. Онам ҳеч қачон бундай қарамаган эди. Онамнинг кўзи ҳеч қачон бунчалик тагдор ганирмаган эди! Йўқ, у гина эмас эди! Унинг бу туришига араз сифмасди! «Охирги табассумларимни кўролмай қолдинг», дер эди у кўз! Икки кун аввал тузалишга умиди бор, савол-жавоблар қўнглига сифиб турувди. «Ўша туйфу ҳам баҳт экан, кетарим аниқ бўлиб қолди, жоним менга сифмай боряпти-ку, энди қандоқ қиламиз», дерди у қараш! Бир кечалик фафлат уйқусини деб, онамнинг ҳаётбахш руҳини охирги марта тия олмай қолдим, кўзларининг чараклаган олови билан видолашолмай қолдим! Унинг нигоҳидан ҳаёт кетиб бўлибди!.. Уч-тўрт кун ўтгач, онамни жойига қўйдик. Мана ўн йилдан ошдики, ўша нигоҳ мени тинмай таъқиб қиласди. Ва тинмай у кўзлардан узр сўраб йиғлаганим-йиғлаган!..

Ўйлар эдим, қўл-оёғимни боғлаб турган – онам, у кишидан кейин ҳамма ишларга чандон улгурсам керак, юрагимни фижимлаб турган хавотир чангаги қўйиб юборади-ку деб. Тамоман акси бўлди! Дунёмни тўлдириб турган ҳаёт қўнфироқлари таққа тинди! Чеки йўқ ва оғир сукунатнинг дастидан қулоқларим оғрийди. Икки қўлим шалвираб қолган, тўрт томоним елвизак! Ҳамма калавамнинг учи йўқолган, бамисли эмизикли боламдан айрилгандай! Гўё ҳамма зарурим онам билан кетди-ю, қўл уришга арзимайдиган нозарур ишлар ўраб қолган каби эдим! Ана энди сал нарсага чарчашлар, арзимаган ташвишга оғриб қолишлар бошлианди. Онамнинг, онажонимнинг bemор ётишлари ҳам менга қув-

ват экан! Ахир югуриб юриб ҳамма нарсага улгуарар эдим! Ҳар куни минг иш бодроқдай пайдо бўлар, шунга лойик мингта жонни ясаб олаверардим!.. Энди-чи? Оламимнинг ярми бўш, ярмида бола-чақа ва бошқаларим дегандай, ғимирлаб юрадилар. Мен онамдан қолган дунёминг ўша бўш қисмида хатоларимга бош уриб, армон қўйлакларини кийиб яшаб боряпман. Онамдан сўрайдиган саволларим роса-роса кўплигини энди биляпман! Онамга айтадиганларим юрагимда қолиб кеттанини энди англаяпман! Онам керак бўладиган даврлар энди бошланганини суякларим билан мана энди туйиб турибман! Э воҳ, э воҳ..

Жаннатга зор бўлиш ҳам шунчалик бўлар-да! Онам – таъмлари оғзимда, ифорлари димоғимда қолган жаннатимдир! Худо берган бу жаннат бағрига тўйиб-тўйиб қолмаган гумроҳ мендирман! Этагидан ушлаб қололмаган жаннатимнинг иси келади деб, ҳали оstonани, ҳали укаларимнинг юzlари, ҳали қўшинининг қўли, ҳали девор, ҳали устунларни ўпиб юрган девона ўзимдирман!

\* \* \*

**Бадгумон бўлманглар, бадгумонлик энг ёлғон сўздир. Гап пойламанглар, тирноқ остидан кир қидирманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бiringиздан аразламанглар ва нафратланманглар...**

**Ҳадис**

Сўз – қурол, сўз – муолажа, ҳамма бало борни йўқ, йўқни бор қиладиган ўша битта сўзда!

Бизнинг «инсон» деган номимиз борки, бебаҳо мавжудликмиз: чунки бировга ота, бировга онамиз, бировнинг ягона фарзанди ёки жуфти ва ёки акаопасимиз. Биргина жонимизга талай мухаббатли кўз термулиб, талай дил бизни авайлаб, абгор бўлиб яшайди! Ўшаларнинг бошига қулфат келтирмаслигимиз,

бахтига түғаноқ бўлмаслигимиз ва Ҳақнинг кирига қолмаслигимиз учун, муқаддас китоблар бизни огоҳлантироқда. Сабабки, **яхши-ёмон кунларимизнинг муаллифи фақат ўзимиздир**. Сиз «йўқ, ҳамма нарса Ҳудодан» дерсиз. Тўғри, Ҳудодан. Аммо унинг ҳисобкитоби фоят фалати: у ҳеч қачон яхши одамга ёмон кун бермайди, бу бир! Ёмон одамнинг ўзига ҳам ёмон кун бермайди – унинг севган, энг азиз кишилари жабрланади. Унинг хатолари учун болалари, яқинлари жавоб беради. У бундай ҳолатда Аллоҳга чандон ялиниади, балони ўзига сўраб, йиғлаб-ёлборади, аммо ўзи боягидаюраверади, боласи, аяганлари кўз олдида қийналаверади! Биродар, бу кулфат-ку! Бу тўфон-ку! Бу офтобинг куйиб, тун ичра қолдинг деган гап-ку!

Одам худди дарахт қаби мевалайди. Олманинг меваси – олма, беҳиники – беҳи! Аммо одамнинг меваси икки тур: бири сўзицидир, бири боласи. Дарахтнинг томираида не бўлса, мевасида шу бўлгани қаби, кишининг жисмоний ва маънавий жиҳати қандай бўлса, сўзи билан фарзанди шу сифатда бўлади.

**«Бадгумон бўлманглар»** дейилмоқда. Ҳўш, бадгумонлар ким? Ўзи пок феълли, катта бир ташкилотнинг раҳбари бўлиб ишлаётган дўстим менга дил ёриб қолди: «Дугонажон, ахир қаламингиз бор, шу нарсани ёзинг. Ёмон одамлар битта сўз билан байрамни аза, дўстни душман қила оларкан. Улар сизни мажлисларда танқид қилмайдилар, устингиздан юмaloқ хат ёзмайдилар, ҳеч қаерда бирорни баланд овоз билан ёмонламайдилар. Аммо лифтда кўтарилаётib, ё ёнма-ён қўл юваётib, ёки кишилардан ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, ёинки маош олаётib, минғирлабгина бир сўз отиб қўядилар. У сўз энди оддий сўз бўлмайди, яхши одамларнинг юрагида ғашлик, дунёси торларнинг дилида эса гумон кўпчи тадиган хамиртируш бўлади! «Раҳбарнинг хонасига фалончи кўп кириб қолдими?», «Бу пулга нима ҳам келарди?», «Фалончиой билан Фалончибойни икки марта автобусда бирга кўрдим, тинчликмикан?», «Маж-

лисда Фалоний сизга ташланса, нега жим ўтирдингиз, ахир сиз ҳақсиз-ку, боплаб қўймайсизми?» каби луқ-малар шулардир. Гоҳида сўзлаб ҳам ўтирмай, кўзлари, лаблари билан бир ишора қиласиларки, отилган ўқ ҳам бунчалик мўлжалга тегмас!

**Бадгумон одам** – ё ақли тўқис бўлмаган шўрлик ва ёки ақли расо бўлса-да, уни кўпроқ ёмонлик йўлида ишлатадиган нобакордир! Ўзи ўғри ёки ўғриликка мойиллиги бор-у, аммо қулай шароит бўлмагани учун тийилиб турган одамга ҳамма ўғрига ўхшаб туйила-веради. Ўзи ҳасадгўй ёки пинҳона гуноҳ қилишдан тийила олмайдиган одам атрофдагилар ҳам худди мен каби деб ўйлади ва ҳар бир ҳаракатингни микроскоп билан кузата бошлайди, зарра хатоингни топса, кўзлари қувончдан порлайди, айюҳаннос солади! Дарвоҷе, у нега хурсанд? Рақибини, ҳаттоки рақиб бўлмаганни ҳам гуноҳ устида ушлаганиданми? Йўқ! Хато қилишда у ёлғиз эмаслигидан, ҳар қандай кишидан чатоқлик топиш мумкинлигидан, «бу дунёда ҳамма ўғри, мен ҳам ўғри бўлсан нима бўпти» дейишга имкон топилганидан шод!

Юқорида баъзан минфиirlab айтилган биргина жумла билан катта бир жамоанинг иқлимини бузаётган кимса ҳақида сўйладик. Аммо, биродар, ўшандай сўз кимdir мукофотга тавсия этилаётганда ёки бирор мартабали ўринга кўрсатилаётганда, ёинки қуда-андалик ришталари боғланаётганда айтилса-чи?! Кимнингдир ўнлаб йиллар давомида йиққан илми, салоҳияти биргина гумонли сўз билан шубҳа остида қолади! Бу ҳам майли, олтин бир кун юзага чиқади, аммо жамият чандон ютқазади – унинг чанқофини қондирадиган бир тоза булоғи топталади. «Сенга инсоф берсин, учинчи одам!» дея шоир бекорга наъра урмаган.

Нуфузли одамга эшиittiриб туриб, тақдирланиши ёки танланиши лозим бўлган киши ҳақида «Фалончи ёмон эмас-у, у ҳақда ғалатироқ гаплар юради-да», деб қўйса бўлди! Бу луқма «қандай гаплар?» деб сўрал-

майдиган жойда айтилади. Аслида, сўралса ҳам, у баттодда жавоб йўқ! Чунки у уйдирма, ёлғон! Аммо ўша сўз билан Яхшиликнинг шашти қайтади, Омад чекинади, «орада шайтон бор-да, ростдан ҳам биз билмаган гуноҳдари бордир» дейди Яхшилик ва ҳоказо ...

Шу бир сўз билан бир тоза томирни узаётган каснинг оти – ҲАСАД ва унга хизмат қилаётган ГУМОНдир! Бадгумон одам бамисоли ўргимчақдир! Фақат фарқи – у тўрини ўз яқинлари устига солади, ўз шўрини ўзи кўпайтиради. Ҳар бандани шу хатодан арасин!

\* \* \*

**Бирорнинг қилаётган ишига  
қараб баҳо берманглар. Унинг  
нима билан якунланишини ку-  
тинглар.**

*Хадис*

Ният – муҳим, ният – етакчи, ният – старт нуқтаси, лекин у шу туришида ўлик мол. Уни бор нарсага, мавжудликка айлантириш учун қўлу оёқ, ақлу ирода фаолиятда бўлиши керак! Ният – бу орзу, истак, аниқ мўлжалдир. Аввало, ниятинг яхши бўлсин, аммо ўзинг заминда туриб, осмонни ерга қўндираман деб ҳам ният қилма! Ўз ирода, қувватингни чандон тарозуга сол, аввали охирини чамала, сўнг Аллоҳга таваккал қилиб иш бошла. Бошлидингми, охирига етказ. Чарчаш, яхшиёмонга йўлиқиши, очин-тўқин қолишу озиб-тўзиш шу йўлда, лекин ақлни пешлаш, ўзини тоблаш, иродани мустаҳкамлаб олиш ҳам шу йўлдадир. Инсонга бир ишни поёнига етказиш-етказмаслигига қараб баҳо берилади. Мақсадга сидқидилдан интилиб бораётган одам яхшиланиб, комиллик сари кўтарилиб бораётган кишидир. Ишни чала бажардингми, билки, чала инсонсан! Демак, сени шайтон бошқаради. Гулдан гулга кўчиб юрадиган ниначи кабидурсан! Шароитни рўйач қилма, бир ишни мукаммал қилишга одатланган киши, хаста ётса ҳам, ёмон шароитда бўлса ҳам, тугалланмаган

ишини ўйлаб безовта бўлаверади. Одамлар бор, гоҳ бир қўли билан, гоҳ, кўзлари ожиз, ногирон ҳолатда-да, не-не юмушларни бажарадилар, санъат асарларини бунёд этадилар. Бу дунёning ҳамма битган ишлари қўл урганки юмушини ихлос билан якунлаган инсонларнинг кўтарган хирмонлариридир.

Яқинда бир йигит билан суҳбатлашиб қолдим. Хуқуқшунослик институтини имтиёзли тугаллабди. Шу соҳада илмий иш олиб боряпти экан. «Олим бўлишни хоҳлабсиз-да», дейман. «Соҳам бўйича яхши ишларга таклифлар бўлди (бир-иккита нуфузли ташкилотларнинг номини санади). Аммо онам кўнмадилар, «бу соҳа жуда нозик, умр бўйи жиноят ва жазо тарозуси ёнида турасан, тўқсон тўққизта ҳукмни тўғри белгилаб, инсончилиқда адашиш бор, биттасида хато кетсанг ҳам, бирорнинг кўз ёшига қоласан», дедилар», – деди. Яқиндаги мўмай омаддан ўзини тийиб, узогини ўйлаган онадан таъсирандим.

Қўлимиз билан бошлиётган ҳар бир ишимиз ҳисобга олиб борилиши, ҳар бир қўйган қадамилизга мукофот ёки жазо тайинлиги ҳар доим ҳам ёдимиизда турадими? «Фалончининг нега омади келмайди, энди оғзи ошга етганда бурни тошга тегаверади» деган гапларни эшитиб қоламиз. «Нега менинг бирим сира икки бўлмайди?» қабилидаги нолишларга дуч келамиз. Ишингиз орқага кетдими, билингки, шайтон кўрсатган йўлга от солдингиз, оғиридан қочиб, енгилига югордингиз! Ҳалол-ҳаромни аралаштираб юбордингиз! Омадингиз шундан кетди ёки бир текис хотиржам бўлолмаяпсиз.

Ишни чала ташлаб кетишни-ку ёмон деяпмиз. Аммо кечаси-ю кундузи ишлаб, охирига етказилган ҳамма иш ҳам яхшилик келтирмайди. Сиз охирги нуқтага етиб келгунча Аллоҳга ҳисоб бериб, яъни ҳар бир қадамингизда ундан қўрқиб турдингизми? Йўл-йўлакай бирорни тутиб, бирорга малол келмадингизми? Зўри-қиб меҳнат қилиб, Яратганинг неъмати бўлмиш ўзингизни касаллантириб қўймадингизми? Ишингиздан атрофингиздаги одамлар ҳам розими? Шу хаво-

тир туну кун дилимизда бўлмаса, бу хавотирни бир касби корни энди ўрганишга тушган, бир юмушни энди бошлаган фарзанду шогирдимизнинг дилига ҳам солмасак, пишган ошимизни зўрға сузганда товоғимиз синаверади!

«Бироннинг қилаётган ишига қараб баҳо берманглар, унинг охири нима билан якунланишини кутинглар», демоқда ҳадис. Ободончиликни авж олдирамиз деган яхши ниятлар ўртага ташланди, талай қўчатлар экилди, гузарларда халқ учун талай қулайликлар яратишга киришилди. Аммо бу ишларни бошлаганлар ҳали мард эмас. Лабз – элу юрт ва Аллоҳнинг олдида ичилган қасамдир! Уни бузган киши азият ичра қолади. Ўша экилган қўчатларнинг ҳаммаси қўкардими, қуриганлари бўлса, ўрнига яна экилдими? Суғорувчиси тайними? Гузарлардаги яхши ишлар ҳам изчил давом этяптими? Уларнинг яхши-ёмон ишларига тез-тез баҳо бериб туриладими?

Ташкилотларда турли-туман мавзуда мажлислар, семинарлар ўтказамиз, қўрсатмалар берамиз. Фоя берганга, уни ўртага ташлаганга раҳмат. Бу – иш бошланди деган гап. Аммо маълум муддатларда «Ўша ғояларнинг мана буниси мана бундай амалга ошди, аммо мана буниси қолиб кетди. Меҳнат қилганга раҳмат, аммо бу масъулиятни унуганлар бир ўриндан туриб қўйсин-чи», демаймиз. Ё бўлмаса, «Сизлар берган қўрсатманинг мана бу қисмини амалда қўллаб бўлмас экан, исботлари мана бу», деб таҳлил қилмаймиз! Гўё старт берилиб, ҳамма югуриб кетган, финалга ким етди, ким етмадиси билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Ғоянинг ҳурмати, лабзнинг, умрнинг ҳурмати қани? Идора раҳбарингиздан қўрқмасангиз майли, балки у масъулиятсизроқ ёки фаромушроқдир, аммо Яратгандан чўчимайсизми?

«Ишни пухта ва яхшилаб қилган кишини Аллоҳ, яхши қўради» дейилади бир ҳадисда. Яна биттасида эса «Мунофиқлик»нинг аломати учтадир:

1. Гапирса ёлғон гапиради.
2. Ваъдасига бевафо бўлади.
3. Омонатга хиёнат қилади,

дейилади. Аллоҳ баңдаларини севади ва уларга нисбатан ёлғончи, бевафо ва хиёнатчи бўлганларни кечирмайди. Бир-биirimizning фойдамизга, бир-биirimizning ризочилигимиз учун иш қилмагунимизча, ишимиз юришмай тураверади. Ҳаммамизга элнинг ризолиги насиб этсин!

## НАВОИЙ ГУЛШАНИ

**Баъзи бир сўзда сеҳр, баъзи  
бир шеърда ҳикмат бордир.**

*Xadis*

Ҳеч ким айтмаган фикрни айтиш, қадам етмаган чўққини эгаллаш, фанда янгилик яратиш, бу ҳали буюклик эмас, бу – ҳайратли жараён, бу – ноёб воқе-лик, холос! Буюклик – ўша ихтиронинг яшаб қолиши! Фақатгина яшаб қолиши эмас, балки ўзининг ҳаёт-бахшлигини даврлар оша сақлаб қолишидир. Инсоният тарихида не-не «боши олтин»лар келиб кетди. Не-не теша тегмаган гаплар айтилди! Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам буюк бўлиб қололмади! Нега?

Ҳазрати Навоийдан бери неча хоқону неча сultonлар ўтди. Уларнинг бири кенг бўлса, бири тор эди. Эҳтимол, бири Навоийни сўйса, бирори куярди. Уларнинг қўлида ҳукм эди, уларнинг қўлида муҳр эди! Лекин ҳайрон қоладигани шуки, Навоий ҳамма асрда ва ҳамма шоҳлик фасларида бирдай буюк саналиб келаверади! ... 1941 йил. Ўрис учун икки дунё бир тутам бўлиб турибди. Ленинград устига ёмғирнинг ўрига бомба ёғилади. Аммо шу тумонат, шу аросат ичиди Алишер Навоийнинг 500 йиллиги нишонланяпти! Бу балки самимиятдан холидир, мазкур тадбир шўргага сиёсат учун керак бўлгандир. Аммо шунча миллат,

шунча элат туриб, уларнинг хазинасида неча улуғлар туриб, нега уларнинг эсига айнан шу зот тушди? Беихтиёр онам такрорлаб юрадиган бир нақдни эслайман: «Ҳақ азиз қилган кишини бандаси хор айламас!» Навоийни Ҳақ азиз қилди! Аллоҳ қатор бандаларига истеъдод беради ва шу неъмат ичида уларни имтиҳон қилиб ҳам боради. Имтиҳондан эса бири ўтиб, минги тўқилиб қолаверади. Азизликка эришмоқ учун истеъдоднинг ўзи кифоя эмас экан, **КАТТА ИСТЕДОДНИ КЎТАРИБ ЮРИШ УЧУН КАТТА ШАХСИЯТ КЕРАК ЭКАН**. Истеъдод – илоҳий нур, шоир шахси эса шу муборак нурни қабул қилиб оловчи макондир. Нур бирдай тушаверади, аммо гул ёки тикон униши маконга боғлиқдир. Макон шикаста бўлса, макон қусурли бўлса, истеъдод улғаймас! Улғайса-да, Аллоҳ уни эл назарига туширмас! Боиси, шахс истеъдодини ғуборли феъли билан нопок қилди. Яъни унда ҳасад ёки кибр бор, ёки у хасис, дилозор, ёлғончи, ёки ношукр ва бесабр. Бундай ҳолатда истеъдод ўз эгасидан албатта хун сўрайди. Ки шоир ғоят жарангдор сўзлар айтаверади, аммо Тангри тўсган дёворга тегиб қайтаверади, қайтаверади, орага минг даллол тушса ҳам, элга етмайди, етолмайди!

**ТОЗА ШАХСИЯТ**, яъни тил, дил, феъл поклиги билан **ИЛОҲИЙ НУР**, яъни истеъдод қовушган жойда **БУЮКЛИК** бунёд бўлади. Бу – илоҳий инъом. Бу – комиллик билан илоҳий нурнинг пайвасталиги. Мана шу сазоворликнинг номи Ҳаққа етишмақдир! Алишер Навоий, иншооллоҳ, шу неъматга эришган зотdir.

Буюклик нур манбаига ўхшайди: Навоийнинг номини зикр этганингиздаёқ сизга ҳарорат келгани каби бўлур! Буюклик – замон ва маконга дахлсиз, қуёш нури каби беминнат! «Мен қуёшни севмайман» деганларга ҳам нур сочаверади, эҳтиёжманд ҳужайраларни ўзи топиб тирилтираверади...

«Баъзи бир сўзда сехр, баъзи бир шеърда ҳикмат бордир» деган ҳадиси шарифдан келиб чиқиб, ҳазрати

Навоийнинг бир неча байтлари билан дардлашишни кўнглим тусади, наинки, бу зотнинг ёзмишлари сеҳр ва ҳикмат билан лиммо-лим тўлгандир.

## *Биринчи сұхбат* **БУТУНЛИККА ЭЛТУВЧИ АЙРИЛИК**

Чўнг армоним ҳазрати Навоийни луғат билан ўқи-ётганимдир. Хазинанинг ёнида туриб, қалитини топмаган нотавон менман-да, дейман! Дафтарчамга қўчириб олганим байтларни қачон ўқисам, завқу шавқим аввалгисига ўхшамас – янги бир ифор, янги бир ранг топавераман. Ҳар гал биринчи марта кўраётганим каби ҳайрат келаверади. Санъатнинг синоатли гулшани шу дейман, суурү топаман...

*Қўйма малҳам тиғи заҳмига кўнгилда, эй рафиқ,  
Чиқса жон ҳам чиқмасун кўнглимдин озори анинг,*

дейди шоир. Ошиқнинг бағри яра, маъшуқа бевафолик қилди ёки беписанд, ёки шундай мубталоси борлигидан бехабардир ҳам! Ошиқ эса чўғ тушган кўксини маҳкам қучганча, ёнига табибни йўлатмайди, ҳабидан қочади. «Ярамга тегма, – дейди у, – маҳбубамни унуттиргани қўймайдиган, ёр исмини тинмай ёдлатиб турадиган ягона ёдгорим шу жароҳатимдир. Ёрга ета билмадим, ҳеч йўқ уни эслатувчи шу заҳмни мендан айрма! Жон чиқса чиқсин, аммо бу оғриқни суюкларимнинг орасида тупроққа олиб кетай».

Муҳаббат бор жойда қарғиш йўқ! Муҳаббат бор жойда тама, нафс йўқ! Яна бир жойда ўқигандим: яраланган одам унга ўқ узган кишини умр бўйи қарғаб ўтади, аммо ишқ ўқига дучор бўлган юрак ўз жабрловчисини суйгандан суюб бораверади. Боиси, ишқ илоҳий неъматдир. Унинг дилга тушгани ўзи мукофот! Шунинг учун мукофотки, жисмингизга покловчи нур келди – ишқингиз тушган инсонни неъмат билдингиз

ва азиз күра бошладингиз. Шу нур ўзингиши ўзингизга разм солдирди ва... «вох!» деб юбордингиз. Шу қадар ғариб, шу қадар нотавон эканману ишқ даъвосини қиляпманми, дедингиз! Мен шу туришимда ўша маъшуқ ёки маъшуқага қандай тенг бўлай, дедингиз! Хокисорлик сездингиз, хокисорлик эса покланаётган одамнинг белгисидир! Кишининг ўз қамчиликларидан уяла бошлиши атрофни тан олишидир. Қаранг, ишқнинг хосиятини – сиз ўзингизни аяшга, яъни сизга худо берган неъматларнинг софлигини тиклашга, шунинг баробарида, сизни чор тарафдан ўраб турганларни авайлашга тушдингиз. Атрофимиздаги ҳамма «бировлар» эса Аллоҳнинг сўйган бандалариdir. Уларни аяганга Тангрининг мукофоти зиёддир... Аллоҳ шунинг учун ҳижронни ошиқларга қадрли қилиб қўйди, уларни ишқ азобига сабрли қилиб қўйди.

Демак, ёр азобини ёрдан-да ортиқ кўриб бораётган инсон тобора покланиб, комиллик йўлига тушиб, Ҳаққа интилаётган шахсдир.

Ҳақиқий ишқнинг иқлими шу! Кимда кибр бордир, ёлғон ва ҳасад бордир, озор ҳамда қасад бордир – унга муҳаббат келган эмас! Кимки, «ишқи тушиб» етган умр йўлдошига панду озор берадир – билингки, у ҳеч қачон севган эмас! Кимки, фафлатий, фаолиятсиз ва бефарқдир, билингки, у ишқсиздир, худо унинг кўнглини сўқир қилмишдир!!! «Севдим!», «Муҳаббат!» деб оҳ, уришдан тийилингиз! Унга мусассар бўлишни яратгандан илтижо қилингиз. Сиз ишқни шайтоннинг нафс бозоридан эмас, покланган вужудингиздан топажаксиз! Инсон томир қўяй деб яшайди, барг чиқарай, мева тугай деб яшайди – бўлсин, бўлсин, меванг магизли бўлсин! Покланган инсондангина губорсиз фарзандлар туғилгай, файзли умрлар яралгай!

Яшасин Ишқ!

Яшасин устози беминнат – Ҳижрон!

Яшасин Бутунликка элтувчи буюк Айрилиқ!

Яшасин менга ўзлигимни узатиб турганим, шунинг учун ҳам суюкларимнинг остида авайлаб асраганим, муҳаббатимга ватанлик қилган мўъжаз мўъжизам — муборак *ЮРАК*!

## **Иккинчи сұхбат ҲУКМИ ОЛИЙ**

«Эл нетиб топғай мениким...» дея оҳ ураётган инсоннинг ўзи ўзини аллақачон топиб олган кишидир. Топиб олгангина эмас, ўзининг ҳар бир ҳужайрасини титкилаб, айбини кўриб, соат сайин ўзини тозармоққа, мукаммал бўлмоққа буюраётган шахсадир.

Инсон ўзини уққан сари ўз вужуд — оламининг чексиз зироатгоҳ, эканлиги, унга нима экса, ўшани олиши муқаррарлигини кўриб, қойил қолиб, лол қолиб боради! Чеккан азиятларингнинг сабаби аён бўлади — тавбага ўтасан. Қайси хатоингнинг ўгида куяёттанинг бирдан маълум бўлиб қолади — даминг ичингга тушади! Аллоҳни йўқлаб қоласан, ундан гуноҳларингни ювгани имкон сўраб, ёлворишга тушасан. «Ўзини таниган парвардигорини танийди» дейилади Ҳадиси шарифда. Қандай гўзал танишув бу! Нақадар шарофатли уйғониш бу! Ўзингнинг ўзингга саёҳатингдай мароқли иш йўқ дунёда. Феълингдаги каналарни топиб олиш, яшиллигингни яна тиклашга уриниш нақадар хуш иш! Ҳақиқий яшаш ана ўшанда бошланади, ниятларинг болалаб кетади, ниятки — ҳаммаси яхшилик! Файратларинг жўш уради, ҳар бир кунингга самарасиз ўтган минглаб кунларнинг юкини ортмоқ истайсан. Ҳар бир шомдан мунфайиб, ҳар тонгдан фарах туясан!

Инсоннинг нега ўлгиси келмайди? Ёшига ёш қўшилган сари бу туйғу янада кучаяди. Бу асло ҳаётнинг шириналигидан воз кечолмаслик ёки янада кўпроқ роҳат кўриш илинжи эмас, бу парвардигорни таниганингдан кейинги англаб қолган қарзларинг, фарзларингни адо этиш масъулиятидир. Бу ботининг билан зоҳирингнинг

уйғунашуви – илму амалнинг бирлашувидир. Ана шу ҳолат саодатмандлик сари юришдир!

Ҳазрати Навоийнинг ҳар қаломи сени ўзинг сари етаклайди. Бир байт ҳадеганда тилимга келаверади, руҳим унга урилаверади ва урилган руҳимнинг симсиз оғриқларини сезиб тураман.

*Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сұхбатин күнглім писанд этмас.*

Сўз Аллоҳнинг неъмати, шеърий сўз эса нурланган неъматдир. Нур таралади, аммо ундан турфа жон турфа таъсир олади, унинг тафтидан турфа шакл, турфа рангдаги чечаклар унади. Шоир бир айтмишида у ёки бу маънонигина кўзда тутиб ёзади, аммо ундан минг кўнгил минг маъни топади. Санъат шуниси билан харидоргир!

Сен бир дийдор дардида bemorsan. Bir нарсаны истамак бутун вужуднинг эҳтиёжидир. Худо сенга нимаики берган бўлса – хаёл, юрак, кўз, қулоқ, кайфиятинг, орзуларинг, сўзларинг ҳаммаси унга зордир, у деб чандон хордир, унга ёқиши учун тушмаган кўйинг қолмади! Тунинг иштиёқ, кунинг иштиёқ, аммо у сени ҳаргиз сұхбатига аржуманд этмайди! Нега?!

Яна ўзингни тафтиш қилишга тушасан. Мана бирор деб куйиб кўрдинг, шундайми? Бир мақсад йўлида оловсиз ёниш нималигини туйиб кўрдинг. Хўш, бу оғриқларнинг таъми қандай экан?! Изтироби қандай экан?! Билиб қўйки, бу – қисмат! Шоир байтининг иккинчи сатрини эсла:

*Мени истар кишининг сұхбатин күнглім писанд этмас.*

Биродар, бир ўйлаб кўр-а, сен шу кунгача неча одамни йўлингга термилтирдинг. Онанг ҳидингга интиқ, опа-синглинг мурувватингга, дўстинг суянчингга, шогирдинг ҳимоянгга, почор қадрдонинг бир йўқловингга зор! Бир сўзинг, бир нигоҳинг билан қай

бир кўнгил боғ бўлар эди, аммо қиё боқмай кетиб боряпсан! Бу зорликларни писанд этмай, шафқатсизларча ўтиб боряпсан! Талай бандасини кўзга илмайсан-у, Аллоҳнинг қаҳри келмасинми? Йиққан ҳосилинг шу – сени сен истаганлар ўз сухбатига аржуманд этмас! Бу ҳукми Ҳақ! Бу Даққи Юнусдан қолган бу дунёning «нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан» деган фалсафасидир...

Ушбу садолар юрагингнинг қоқ ўртасидан эшитилади. Бу шоирнинг, шеъриятнинг шарофати билан топиб олганинг – **ЎЗЛИГИНГ** овозидир.

### **Учинчи сухбат КЎНГИЛ КАЪБАСИ**

Ислом дини энг инсонпарвар диндир. Унинг нияти фақат яхшилик! Мана ўн тўрт асрки, олиму уламолар Қуръони карим ва Ҳадиси шариф нурини инсонларга етказиш йўлида умргузаронлик қиласидар. Одамзод турфадир – бировга гап тез сингади, бировга секин. Яратгандан тинмай тиланмоқ керакки, Қуръоннинг мағзу моҳиятини инсонларга ихлос билан, моҳирона етказа оладиган зотлардан кўпроқ берсин. Тушунтирувчи қанча истеъодди бўлса, нурафшон кўнгиллар шунча кўпаяди, дунё ўшанча тозаради. Ҳазрати Навоий ҳам, иншооллоҳ, мана шу йўлда Тангрининг ризолигига сазовор бўлган муборак инсондир. Унинг бутун адабий меросини Қуръони каримнинг гўзал бадиий шарҳлари дейиш мумкин. Юқоридаги Ҳадисда айтилганидай, Аллоҳ шоирни динга садоқатли яратди. Ва ваъда қилганидай, унга буюк мавқе – мутафаккирлик бериб, машҳури олам этди! Ислом илмини унингдай севиб ва санъят билан талқин қилган ижодкор бафоят кам. «Уламолар пайғамбарларнинг ворисларидир», дейилади Ҳадисда. Илоҳим Навоийнинг жойлари ҳам ўшалар қаторида бўлсиз!

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.*

Бу – ҳазратнинг байтлари. Инсоннинг вужуди Аллоҳнинг иморатидир, дейилади яна муқаддас китобларда. Бу иморатнинг пойдевори эса кўнгилдир. Қўл-оёқ синса, тузатса бўлар. Эт тилинса, битиб кетар. Аммо синган кўнгил қайта бутунланмас! Шу боис ҳам Эгам уни эҳтиётлаб қобирғаларнинг орасига жойлашишдир. Кўнгил синса, бутун вужуд нурай бошлиди. Бу нурай бошлаган вужуд ким? У – бировнинг термулиб-тиклиб улғайтирган боласи, йиқилса, отонаси ҳам қулайди! У – ота, нураса, бир этак бола эгасиз қолади! Бу вужуд – бировнинг онаси, синса, оналигини бутун адо этолмайди! У – келин, туққан боласи қалбан ногирон бўлади! Кўнгли бузилган бу – шогирд, яйраб илм ўрганолмайди! Агар у шоир бўлсанчи? Дейлик, олим бўлсанчи? Не-не асарлар ёзилмай, ихтиrolар битилмай қолади! Қаранг, қандай даҳшатли вайронагарчилик! Кўнгил бузилди, қанча одамнинг баҳту қувончига қирғин келди. Бир тил туфайли, бир кас туфайли! Бузғунчилик шайтоннинг ишидир. Кимки, бировнинг кўнглини оғритьса, шайтон қавмидадир! Энди Аллоҳнинг норизолиги уни тинч қўймас. Кўнгли синган одамни ёинки ғамгузор одамни кимки дардини олса, хушнуд қилса, бузилган Каъбани тиккалаган каби бўлур ва олган савоби ҳам ўшанчадир! Дарвоқе, мана бу байтга ҳам назар солинг:

*Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри ўйқ андоғки кўнгил Каъбаси.*

Каъбани Аллоҳнинг уйи, дейдилар. Одамни ҳам Аллоҳнинг иморати, кўнгилни эса Каъба деб аталмоқда. Каъбатуллоҳ жами мусулмонлар учун қиблағоҳдир. Аллоҳнинг уйи бўлгани учун у зиёратгоҳдир. Яна бу байтни ўқинг:

*То хаёлинг кўзгадир, кўз уйи гўё Каъбадир,  
Ким туриб атрофиидин киприкларим айлар намоз.*

Хаёлим кўзгусидаги Аллоҳга термуламан, кўзимнинг қорачиғи эса Байтуллоҳдаги Ҳажарул асвад – Қора тошга ўхшайди. Қора тош гир айланган ҳалойиққа сажда нуқтаси саналгани каби, кўз қорачиғим Аллоҳ, ёди билан тўлгани учун, киприкларим уни табаррук билиб, атрофида намоз ўқийдилар, – дейди шоир. Ана сизга олимақом шарҳ!

Хўш, энди туну кун Аллоҳни дилига жо этиб, туну кун ҳисоб бериб, унга шукр келтириб, унга истиғфор айтиб юрган қўнгиллар-чи?! Каъба эмасми? «Аллоҳ менинг қалбимда» деганки кишининг қўнглида Каъбаси бордир! Худо деган ҳир бир дил табаррук, уни ўзида асраган ҳар бир вужуд ҲАЗРАТИ ИНСОНидир! Қарабисизки, ғофиллик билан ёки ғараз, кин билан ёинки жоҳиллик билан ҳар қадамда бир Каъбани вайрон қилиб борамиз. Жавобига кўргиликлар қайтса, «нега мени омадсиз яратдинг?» дея Яратганга таъна қиласиз.

«Қадри йўқ андоғки кўнгил Каъбаси» мисраси билан шоир «сен ҳўв олис ҳаж сафарини орзулагунча, ёнингдаги каъбаларинг – ота-онанг, қавму қариндошинг, дўсту ёронинг ва атрофингдаги яхши инсонларни аввал зиёрат қил, Аллоҳни юракларига жойлагани учун ҳам, этакларини кўзингга сурт», – деб турибди.

Олтин қасрда яшагани билан, зару зумрадга ўралгани билан киши баҳтиёрлик туймайди. Унинг руҳини авайлаш, қўнглига хуш келадиган биргина сўзни топиш, кайфияти билан ҳисоблашиш керак. Руҳпарварлик шу. Кўнгил Каъбасини обод айлаш шу. Сиз ёнингиздаги кишиларни ихлос билан шод айлаб кўринг, инсонларнинг сиз авайлаган кўнгил Каъбалида яшаётган Аллоҳ, сизнинг бутун умрингизни обод айлагай!

## *Тўртинчи сұҳбат*

### **ИШҚ РАНГИ**

Ёшлик – сенинг баҳоринг. Бу фаслда чиройинг етуқ, ақлинг фўр бўлади. Аммо кузингнинг тўкин ёки ғариб келиши баҳорингга боғлиқ эканлигини унутма! «Ёшликда киши хато қиласди-да», деб қутуламан дема! Чунки қилаётган ишингнинг номаъқуллигини билиб турдингми, тамом, шайтонга қулоқ согланинг шу! Ва умрингнинг қайсиdir фаслида бунга албатта жавоб беришингни ёдингда тут. Ҳаётимиздаги жами каттакичик жараёнлар мутаносиблиқ ичра яшайди: офтоб урмаслиги учун дўппи киямиз, тикон кирмаслиги, совуқ тегмаслиги учун пойабзалда юрамиз. Меъдамиз ишдан чиқмаслиги учун тишни яратиб қўйибди, яхши-ёмонни ажратиш учун ҳушни, ... ва ҳоказо! Киши юрагига эҳтирос тушиб мувозанатдан чиқса, мутаносиблиқдан чекинса, дарҳол муҳаббатга тўнкайди. «Ахир бу севги-қу, менда гуноҳ йўқ», дея ёқасини чок этади. Хўш, ишқ ўзи қай тусда бўлади? Ошиқликнинг қандай белгилари бор?

Навоий ҳазратлари ёзадилар:

*Ошиқ они билки, эрур дарднок,  
Ҳам тилу ҳам кўнглию ҳам қўзи пок.*

Келинг, шу мисраларнинг қатига кириб кўрайлик. Кишига ҳақиқий ишқ келса, худди bemор каби ҳазин, ўйчан бўлиб қолади. Овози шикаста тортиб, феъли ҳалимлашади. Ўзи билан ўзи гаплашиб, куни-ю туни дилида ёрига ёлбориш билан кечади. Ошиқнинг суврати шу.

«Тили пок» дегани надир? Ишққа йўлиққан одам ёлғон гапиролмай қолади, мақтанмайди. Қаттиқ гапи билан бирорга озор бермайди, яхши-ёмонни ғийбат қилмай қўяди. Кимсанинг сирини кимсага етказмайди. Тили поклик шу. Агар шу ишларнинг тескарисини

қилаётган бўлса, билингки, ҳали унга муҳаббат келмабди!

«Кўнгли поклик» надир? Ҳақиқий ошиқ бировга ҳасад қилмайди, гина сақламайди, қасд олмайди. Суйган кишиси деб ранги сарғайиб, дили пора бўлса ҳам, тилга чиқариб ноўрин рашк қилмайди. Бу ёқдан севги изҳор қилиб, бу ёқдан тинмай гумон қиляптими, бировдан ўч олиб, биронинг ютуғидан кўкариб юрибдими, билингки, ҳали унга муҳаббат келмабди!

Кўнгли покликнинг яна бир қўриниши – таъма қилмаслиқdir. Суйганимга етишим шарт дейилган жойда муҳаббат йўқ! Ошиқлик туфайли инсонга қоладиган энг катта манфаат *ИШҚ*dir, ишқнинг ўзиdir! Шу ишқ боис тилинг тозаланди, дилинг тозаланди, бундан ортиқ мукофот бўладими? Бу дегани, сўз – бу феъл билан умр бўйи барака топасан, ҳеч борада камлик кўрмайсан дегани! Бу дегани, қалбингга қуёш кирди, энди умр бўйи жисмингда бодом гуллайди, томирларинг аро «Чўли ироқ» янграйверади, энди ҳеч зерикмайсан – юрагингнинг булбули сайрайверади дегани!

Шоир айтган «кўзи поклик» надир? Тилу дилнинг бузилишига сабаб бўладиган асосий нарса кўзнинг нопоклигидир! Агар кўз шайтонга бой берилмаса, дунёнинг энг гўзал ранглари билан таништирувчи устози аввал удир. Кўз тафаккурга озуқа узатади, тафаккур кўнгилни уйғотади, қарабсизки, фаолият бошланади. Пок фаолият яратувчи кўз пок кўздир. Расулулоҳ с.а.в. га келган биринчи илоҳий ваҳийнинг биринчи сўзи ҳам «Ўқи!» каломи бўлганини яхши биласиз. Илм ўқиган кўз – пок кўз. Ҳунар ўрганишга нур тўккан кўз – пок кўз. Атрофга, одамларга яхши ният билан қараган, уларнинг чеҳрасидан яхшилик қидирадиган, биронинг ғамига ўзи ҳам йиғлаб, кўнгилни ҳам бўзлатадиган кўз – пок кўз. Рўбарўсидаги одамни Офтоб билиб, унинг юзига тик қаролмай турган кўз – пок кўз.

Зинонинг аввали кўздан бошланади. Қайсики кўзда ҳаёй йўқдир, зинокашдир! Қайсики кўз учраган чеҳрага нафс билан боқса, зинокашдир! Зинокаш эса ҳеч қачон ошиқ бўлмас, унга муҳаббат келмас, **ИШҚ ҮНДАН ҲАЗАР ҚИЛГАЙ!**

### *Бешинчи сұҳбат*

#### *ИХЛОС*

«Ихлос — халос!» — дейди халқ. Халқнинг тилида ўлмай келяптими, демак, бу сўзнинг тоши оғир. Бир қунига ярайдики, халқ, бу зил юкни кўтариб юради. Биродар, сиз ҳам эгилинг-да, пойингизда сочилиб ётган халқнинг сўзларига меҳр билан қулоқ тутинг, мағзини туйинг ва амалиётингизда қўллаб кўринг — муаммоларингиз камайиб бораверади!

Ҳазрати Навоийда шундай мисралар бор:

*Ранж кўрмай киши топарму фароғ,  
Кўнгли ўртанимайин ёнарму чароғ.  
Тухум ерга кириб чечак бўлди,  
Курт жондин кечиб ипак бўлди.  
Лола тухмича ғайратинг йўқму,  
Пимла қуртича ҳимматинг йўқму?*

Жонинг қийналмагунча фарофат йўқдир, демоқда шоир. Жонингни қийновда ушлаб турган эса бу ўша ихлосдир! Ҳамма ҳунарманд, ҳамма истеъдодли ва ҳамма лаёқатли кишида ихлос бор, деб бўлмас экан. Халқона айтганда, ўзига берилган неъматлардан барака топганлар ихлосманд кишилардир. Бундай инсонлар қўл урганки нарсалари ва юмушларига катта муҳаббат билан қарайдилар, атрофда не бўлса, барини мукофот деб биладилар, озгина қийналсан, шу нарса янада чиройли бўлиши мумкин дея, куймаланиб яшайдилар. Яшасин улар!

Гул бўлса-ю, ифори бўлмаса, бекор! Асал бўлса-ю, тахир бўлса, бекор! Нон бўлса-ю, қуюқ бўлса, тил

бўлса-ю, дилни эрита билмаса, бекор! Шакл билан мазмунни монанд этиш учун эса *ИХЛОС* керак. Ихлос аралашган жойдагина афзалик муқимлашади. Чироқнинг ёнаётган юраги – кўнгли унинг пилигиdir. Юрагингга ўт тушса, яъни оловдай гуриллаб бир ишга киришсанггина муродингга етасан. Мана, чироқнинг ихлоси жонини ўртади, аммо атрофни нурафшон қилди. Бу нурафшонлик ичра аввало ўзининг гўзал туришини қаранг, парвона унга жисмини қурбон қилаётir, инсонлар теграсига интилаётir, ошиқлар суйғанларини «чирофим» деб унга менгзаётirлар! Асл фароғат – шу!

Ихлос – бу астайдиллик, диққатни, сабрни, кучни бир нуқтага тўплаш, шайтонни нари итариш, кўтаринкилик, меҳнатингнинг натижасига ишонишдир. Кўрганларимдан бир мисол айтай: умр йўлдошим осмондаги ой эмас, чигилингизни ёзадиган ширин лаҳжаси ҳам йўқ. Аммо зимдан бу кишига тан бераман. Ўйлайманки, бу одамнинг Аллоҳ олдида юзи ёруғ – у ўзидағи имконларни ҳеч қачон чанг бостириб қўймаган ва унга берилган умрдан тинмай самар олгани олган. У асли меъмор, иши лойиҳа, қофоз билан ишлаш. Аммо қачон қарамант, appa-ранда, темир-терсак ичида. Дастрлаб ертўланинг дарчасига ром созлади, ўхшади! Кейин ўша ерга эшикка уринди, бинойидек чиқди. Сўнгра айвонга ром ясади, аста уйларга эшик ясашга ўтди... Қарабиззки, янги уйнинг жами ёғоч ишларини ўзи уddaлади. Унга чой ташиб, нон ташиб юриб укаларимнинг кўзи пишди. Ўзларига уй солиш навбати келганда, деярли ўзлари тиккаладилар. Оёғининг тагида уймалашиб юриб, ўфилларим ҳам ҳунарманд бўлиб кетдилар. Кулганлар ҳам бўлди, «жонингиз қийналиб кетди-ю, шугинага қўл қўйиб юборсангиз, иморатингизнинг камини тиккалашиб юбораман» дейдиган «уддабуронлар» ҳам бўлди. (Ўша кезлар у бир идоранинг бошлиғи эди.) У эса ихлосдан чекинмади. Янгидан янги ишларни топаверди, тиришиб-тирмашаверди.

Қарангки, киши эринмай, ихлос билан яхши ишга чорланаверса, Худо уни йўл-йўлакай ярлақаб, яъни ақлини чархлаб, ишнинг кўзини биладиган қилиб, бирорга зориқмайдиган даражага етказар экан. Бир сўз билан айтганда, бундай бандасини керакли бўлишга сайлар экан. Илоҳим, ҳар бир инсонни атрофга керакли этсин! Энг катта мартаба шу!

Ихлос билан иш бошлиётган одам, Яратганга таваккал қилиб турган кишидир. Яратганинг унга берган жисмоний ва маънавий имконларига суюниб турган кишидир. Бундайларга мукофотим кўпdir, дейилади Қуръони каримда. Дунёнинг етти мўъжизаси саналган энг буюк ихтиrolар ҳам, Регистон, Улуғбек расадхонаси, Оқсарой,... ватанимизнинг айrim жойларида учрайдиган, бир неча аср муқаддам бино бўлган, ҳали-ҳануз зилол сувларини сақлаб келаётган қудуқларгача *ИХЛОС* билан қилинган меҳнат ҳосиласидир. Ўлмай келаётган китоб, куй, суврат, ҳунармандлик буюмларининг узун умрига сабаб бўлаётган фақат *ИХЛОС*дир!

Демак, ихлос – аввало инсонга муҳаббат, меҳнатга муҳаббат ва Аллоҳ сенга инъом этган ўзлигингга муҳаббатдир! Ва унинг қайтими ғоятда роҳатлидир – эшитяпсизми, «тухум ерга кириб чечак бўлди, қурт жондин кечиб ипак бўлди»! Яхши она бўламан деб, навқиронлигингиз ўтиб кетса, маъқул фарзанд бўламан деб, бирингиз икки бўлмаган бўлса, чекингизга тушган тирикчилик ю mushinи ихлос-ла, яъни мукаммал ва ҳалоллик билан адо этаман деб, карвондан орттароқ қолаётган бўлсангиз, асло хомуш тортмангиз. Эртага ҳамманинг боласи райҳон бўлса, сизнинг болаларингиз анвойи гуллар бўлгай! Ота-онангизнинг ризолиги туфайли болаларингиз сизни бошларига қўйгайлар! Ишингиздаги ҳалоллигингиз фарзандларингизни жиноятдан, бало-қазолардан асрагай! Берсин, берсии роҳатни, қарсилаб турганингда эмас, илигингдан қувват кетганда берсин!

*Лола тухмича ғайратинг йўқму,  
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?*

Юрагингнинг ўртасига тегади бу хитоб! Болалигимдаги маҳалламиизда Ҳалима опоқи исмли қўшнимиз бор эдилар. Кексайиб қолган бўлсалар ҳам, ҳамиша чаккалари тараалган, кўйлаклари дазмолланган, қошлирига ўсма тортиғлиқ бўларди. Шу опоқининг бир гапини бот-бот эслайман: «Фалончи барака топадиган қиз бўлибди-да! Қараб турсам, наматларни қайириб, тагларигача супуряпти, ошхонадаги чеълакларида аксингиз кўринади-я!».

Опоқининг ўзлари ҳам ихлос билан рўзғор юритардилар. Ихлос бор жойда шаклланган шахсият мавжуд экан. Бу бутунлик демакдир. Бундай одамлар ишни катта-кичикка ажратмайдилар, оддий пиёла ювишдан тортиб, кўйлакка тутма қадашгача улар учун муҳим иш. Энг қора ишларни ҳам сесканмай, берилиб бажариш ўзини хокисор, яъни тупроқ ичра тутмақдир. Ва бу қаҳрамонлик эмас, инсоннинг ҳар доимги феъли шундай бўлиши керак. Лола тухмики қора тупроқقا юкиниб, гулга айланяптими, инсон бундан катта орият туймоғи, толеи сари ғайрат билан интилмоғи шарт, дейди шоир! Куртки ипакка дўниб турса, яъни астойдил меҳнати билан ўлмасликка сайланиб турса, эй Ҳазрати инсон, тезроқ ҳимматларингни атрофга сочишга туш ва сени қутаётган улкан мукофотларга етиш йўлинни қисқартир дея дилингизни уйғотади шоир.

### *Олтинчи сұҳбат* **ҲАР БИР ИНСОН – БИР НЕЪМАТ**

Ҳазратнинг бир байтлари диққатимни тортди:

*Сарву гулу лола ҳаридори бор,  
Ўтиннинг доги бозори бор.*

Доноларнинг гапи дори, оғриб турган жойингни тузатади... Бир кибрли қаламқаш ўзининг янги чиқсан

китобини танишига бераётиб: «Ўқиб кўринг-чи, Фалончининг китоби зўрми, бу зўрми?» – дермиш. Эҳ, эсиз! Шу гапни айтган заҳоти унинг бозори касод бўлди деяверинг. Сабаби, ҳасад туғилди. Ҳасад туғилганки жой нурашга тушади. Ҳасадни пайдо қиласиган кибрдир. Ҳаволаниб юрадиган киши ўзида йўқ имконни бирорда учратса, ғаши келдими, кибрлангани шу! Кибр кишидаги бор истеъодни ҳам сўнишга олиб келади. Нафсламрини айтганда, ижодкор юрагида пишган истеъод мевасини қофозга тушираётганда ўтни ушлаб турган каби ўзи билан ўзи банд бўлади. Бирорга ўзини солиштириш, фалончидан ўтказиб ёзаман дейиш қаёқда! Чўғимни ўчирмай қофозга кўчирсан бўлди, деб жони ҳалқумида туради. Бундай мўъжизали дақиқалар худо буюрганга насиб этади! Бу муяссарликка етган кишиларда эса ҳеч қачон ҳасад бўлмайди.

«Хамса»ни ёзиб тугатган Навоий ҳазратларини сulton Ҳусайн Бойқаро ўз отига миндириб, отнинг жиловини тутган ҳолда ҳалойиқ қошида айлантириб, шоирни кўз-кўз этгани ёдингиздами? Келинг, шу воқеани таҳлил қилайлик: бу билан Ҳусайн Бойқаро, биринчидан, шоҳ сифатида миллатпарварлик, ватанпарварлик кўрсатмоқда – у туркий тилнинг шу асар, шу замондоши туфайли жаҳон саҳнасига чиққанидан беҳад шод! Иккинчидан, шу аснода у миллатнинг обрўсини кўтарган шоирни ўзидан юқори ўтқазиб, ғоят гўзал шарқона лутфни намойиш этмоқда ва бу билан у адабиётга, жами ижод аҳлига рафбат бермоқда. Учинчидан, худонинг яна бир мўъжиза-мукофотини Навоийда кўриб, Яратганга ҳамду сано изҳор қилмоқда ва унинг ризолиги учун, у азиз қилган кишини эъзозламоқда. Тўртинчидан, у ўзи ҳам катта шоир ва руҳиятшунос эди, олтин ерда қолмаслигини, эртага «Хамса»дай гўзал яралма албатта баҳосини олажагини билиб турди ва бошқалардан аввалроқ Навоийни ғолиблик эгарига ўз қўли билан ўтқазди. Навоий миниб турган от султоннинг оти эди, рамзий тарзда айтиш

мумкинки, Навоийни ғазал мулкининг султони этиб сайлаган дастлаб Ҳусайн Бойқаро бўлди. Шоҳ уни отига ўтқазмаса ҳам, шоирнинг манглайига шу баҳт ёзиғлиқ экан, аммо Ҳусайн Бойқаронинг замондошлари олқишига сазовор бўлгани, дуо олгани қолди!

Аммо дунёда ҳамма Ой билан Кун эмас, ким баланд, ким қуий! Ким эпли, ким мундофроқ! Лекин ҳамманинг ўз ўрни бор – чумолининг ишини фил эплолмайди! Сизнинг ишингизни эса мен! Инсон қай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, яхшими, ёмонми, барибир Яратганинг бетакрор ижодидир. У ўзидағи борига шукр қилишни, ўзидан яйрашни билмаяптими, унинг устига бирорвга ҳавас эмас, ҳасад қиляптими, билингки, ношукр ва у ҳали-вери ўсиб-унмагай! Фалончининг ютуғи менда бўлиши керак деб туришнинг ўзи *НАФС!* Инсонга жами фалокатни етаклаб келадиган шу бадкирдор нафс!

Бу ёруғ оламни мўътабар этган унинг рангдорлигиdir! Бизнинг атрофимиизда неки бўлса, у неъмат. Ҳар неъмат бир воқелиқdir – ўзининг моҳияти, яаш фалсафаси ва ўзига хосликларига эга. «Сарви гулу лола харидори бор» – гул кўзни яшнатади, унинг мубталоси кўп, одамзод бутун умрини гулга буркагиси келади, нени севса гулга қиёс этади ва ҳ.к... Аммо «ўтиннинг доғи бозори бор»! Бу турфа дунёdir! Қанча инсон бўлса, диidi, эҳтиёжи ўшанча хилdir. Мавжудликки бор – албатта унинг харидори бор. Бу дунёда кераксиз нарса йўқ, атрофингиздаги, оёғингиз остидаги жами нарсанинг талабгори, қидириб келгувчиси борdir! Гул нега фўдайиши керак, қачонки у ўтиннинг ўрнини боса олмаса! Гул димоғингизни яйратиб, кайфиятингизни кўтаради, холос. Ўтин эса уйингизни иситади, қозонингизни қайнатади, демак, ўрни келса, у жон сақлагиҷдир. Гулни ҳавасманд одамгина излайди, ўтиннинг қошига эса ҳамма ёппа боради. «Ўтинман» деб ўксиманг, биродар ёки «Ўтиссан!» деб бирорвни ҳам камситманг, ки шоир айтганидай, ўтиннинг-да ўз бозори

ва харидори бордир. Кимdir Алломишдай ўғиллари билан фахрланади. Кимdir биргина, у ҳам бўлса ногирон боласининг баҳосини бу дунёдан ортиқ қўяди, ҳар «болам» деганда кўзидан шукронаси ўтдай чақнайди!

Инсоннинг ёшига ёш қўшилган сари тафаккури тобланиб, дунё ҳақидаги тўхтамлари, ҳатто диdi ҳам ўзгариб боради. Кеча ялпизни хуш кўрган кишига эртага жамбил маъқул кўриниши мумкин. Бу билан ялпизнинг баҳоси камайиб қолмайди, унинг яна ихлосмандлари топилаверади, излаб келаверади, бу – Ҳақнинг чеварлиги!

Инсонни томир-томиригача эритиб, яйратадиган **БАХТИЁРЛИК** нима? У қачон содир бўлади? Пулинг кўпайгандами ё молинг кўпайгандами? Ёинки шону шуҳратга эришгандами? Йўқ! Яқинда бир кекса ўзбекойим гапининг ичida «инсончилик – нуқсончилик» деган иборани ишлатганди: одамнинг иқлими бетизгин! Бўлган сари бўлгиси келаверади. Талпиниб етишган гулу лолангиз қай муддатда сўлиса, эришган ютуфингиз туфайли туйган баҳтиёрлигингиз ҳам ўшанча давом этади, атрофингиз чандон тиллолансин, кўзингиз аста зерика бошлайди. Унинг устига, ақлга ақл қўшилган сари жисми жонингизда янгидан-янги руҳий ва маънавий эҳтиёжлар бино бўлаверади. Ҳар истагингиз ушалганда бир баҳтиёрлик туйверасиз. Демак, баҳтнинг, баҳтиёрликнинг сон-саноғи, эрта-кечи йўқ! Неча ёшда бўлишингиздан қатъи назар, иншооллоҳ, ҳали қўрасиз, ҳаётингизда баҳтнинг минг бир чечаклари очилгай!...

Олма дарахти қай даврда бино бўлган бўлса, шундан бери аслига ўҳшаб яшайди: олмачасига барг чиқариб, олмачасига гуллайди ва тарам-тарам рангли олма бўлиб пишади. Бир жумла билан айтганда, у олма бўлиб, олмаликка кўниб яшайди! Унинг ютуғи шунда, шунинг учун харидори тирбанд! Ўригу голос ва бошқа-бошқалар... ҳам шундай. Сиз ҳам шундай, биродар, бир боғдирсиз – фақат сиздагина унадиган неъматлар сонсиз, келаётган харидорларингиз ундан-да сонсиздир!

# ҲАЗРАТИ АЁЛ



## АЁЛ – КИМ?

\* \* \*

Ўзим шу тоифадан бўлсам-да, аёл иқдимини ҳайрат билан кузатаман. Аллоҳнинг бетакрор мўъжизаси у! Бир жойда айтибман: аёл сирли бир китоб – варақ-лаган саринг қизиги чиқаверади. Йил фасллари фақат тўртта, аёлнинг эса минг битта фасли бор. Уни буткул тушуниб етган одам йўқ бу дунёда! Уни томоша қилиб зериккан инсон йўқ ер юзида! Унга иши тушмаган киши йўқ! Уни суймаган, у деб куймаган ва... бўлганича бўлмаган эркак зоти йўқ. Уни ёзмай кимни ёзай, кимни таърифлай? Аёлни тушунуш ўзи бир илм. Бу илмга етишганлар қанча кўпайса, баҳтли аёллар сони шунча кўпаяжакдир.

\* \* \*

«Аёл» деб аталган мўъжизанинг ҳали том маънодаги таърифи, ўлчови ва ярашиқли баҳоси топилгани йўқ. Аёллик оламида юрган аёлнинг ўзи ҳам ўзини тутал танимайди. Олис сайёralар ўрганилди, етти қават ернинг сири ошкор бўлди, аммо аёл қалбида очилмаган неча-неча қитъалар шундайлигича қолиб бормоқда. Рухиятда, имконларида кўзи очилмаган минг бир булоқларнинг, қалбида сонсиз хазиналарнинг, бағрида даҳшатли вулқонларнинг мавжудлигини билмаган аёл синиққина қадам босади. Сокингина бешик тебратади. Ним таъзим билан хушбуй сабодай оҳиста ва шарпасиз ёнингиздан ўтиб кетади. Шикаста овоз билан сиздан ҳол сўрайди, унинг этакларининг ним овози,

майин шилдирашидан атрофингизда жаннатий ҳаволар яралади. Бир сўзи билан бор бўласиз, бир сўзи билан йўқ ... Аёл – ким ўзи?

\* \* \*

Гоҳида шундай гапларни эшитасиз:

- Аёл кишига ўхшама!
- Аёллигига бориб хато қилибди, хафа бўлманг!
- Хотин кишидай майдалашма!

Мана шу гапни айтган одамнинг ўзи ушоқ. Аёл хусусида бундай демоқдан тийилмоқ жоиз. Ва огоҳ бўлайликки, дунёдаги жами яхлитлик ва бутунлик Аёл биландир! Ўрмалаган жоннинг бари аёлга юзланажак, онам деб, жуфтим деб, опам, синглим, момом, қизим деб ундан жон олажак, нур, мадад олажақдир! Аёл Аллоҳ яратган неъматларнинг синоатлиси, мўъжизасидир. Аёлсиз ҳаёт дарвозаси берк бўлса, ҳамма ишимиз унга тушиб турса, ҳаловатга ҳам, ҳалокатга ҳам аёл сабабчи бўлса, нега аёл аталган илмни ўрганмаймиз?! «Ўзини таниган киши Аллоҳни танийди», дейилган муқаддас китобда. Ўзлигимизнинг ярим дунёси Аёл бўлса, уни танимаслик, тилини ўрганмаслик, унинг руҳият қатламларини ўқий билмаслик гуноҳи азим бўлибина қолмай, йўлларимизни боғлайдиган ғофиллик ҳам экан.

Аёл – ким ўзи? Ўзим аёл бўла туриб, бу синоатнинг поёнига ета билмасман.

\* \* \*

Аёлсиз уй – тун. Ранглар йўқолади. Атрофингиз бешакл. Гулларнинг ҳидини туясизу ўзини кўрмайсиз. Феруза осмон йўқ. Кўксингизни яйратган қушчалар беркинган, кўзингизни яшнатган чечаклар юмилган. Бу камлиқдан, бу яримлиқдан, бу ҳувиллашдан жунжиккан юрагингиз ҳам қобирғаларингиз остига чўкиб, мунфайиб олади...

– Онанг қаёққа кетди?! – зарда билан сўрайди эркак.

— Мен эртага борадиганман, онам уйда бўлиб тур-  
синлар! — тайинлайди узатилган қиз.

— Аяж-о-о-н, сиз қани? — остонада онасининг  
орқасидан чириллайди қизалоқ.

— Куним оқшомга ўхшайди, етимлар зор қақшайди,  
Етимни ҳолини сўрсанг, оноси йўққа ўхшайди, —

дэя бағри сим-сим оқиб йифлайди мен каби онасизлар...

\* \* \*

Аёл — сеҳр. Бармоқларини шундай югуртиурса,  
кераксиз қийқимлар чаман шакли тушган ёстиқса,  
қўрпачага айланади. Уйга бир кириб чиқса, пардаларгаю  
деворларга, жавонларгаю меҳробларга баҳор юққандай,  
изларида ифор уфургандай бўлади. Аёли бор уйнинг  
дастурхони камбағал бўлса ҳам, мазаси тотли.

Димоғингни онангнинг кўксига босган заҳотинг  
бутун жисми-жонинг тўяди. У бир жилмайса, уканг  
юпанади, отанг шаштидан тушади. Унинг ҳилм бир  
имоси, шикастагина далласи билан уйдаги ҳамма ишлар  
юришиб кетади.

— Аяжоним, келяпсизми? — Ҳали ўзимни кўрмай  
юқори қаватдан қийқиради йигит бўлиб қолган кап-  
катта ўғлим. Ҳар куни шу. Эшикни очиб, илжайиб  
туради. Худди жуда узоқ қидирган нарсасини ҳозир  
топиб олгандай!

\* \* \*

Аёлни майда деганилар сўзларини қайтиб олсинлар.  
Кўп йиллар бурун бир шеър ўқигандим: она бемор,  
ҳолати тобора орқага кетмоқда, сұнаёттан шам каби жони  
липиллаб турибди. Биттагина фарзанди бошида мўлтираб  
ўтирибди, мизғигани қўрқади, кўзини юмса, онаси  
узиладигандай! Аммо ғафлат устун келди, ўғил онанинг  
кўксига бошини қўйганича бир зум пинакка кетди.  
«Шунда, — дейди шоир, — боласининг уйқусини бузиб  
юбормаслик учун она ўз юрак уришини тўхтатди!»

Юрагингнинг ўртасига бир нарса санчилади! Нафасинг ичингга ютилиб қолади! Шоир бу гапни тўқиб айтди, аммо шундай айтдики! Бир жойда ўқигандим: «Адабиёт ёлғон гапиради, лекин у ҳақиқатнинг ўзидан кўра ростроқдир», деб. У ёлғонмас, у фарзанд учун аёлнинг жисмида кўпчиб турадиган минг имконининг биттаси, холос. Бундай имконининг борлигини аёлнинг ўзи ҳам билмайди. Бу қудрат керагида пайдо бўлади, уни Худо беради! Юрий Андреевнинг «Бахтли бўл, ўғлим» китобида боласини ҳалокатдан қутқариш учун жон-жаҳди билан урилиб, елиб келаётган юк машинасини ағдариб юборган аёл ҳақида гап боради...

Аёл ўзи ким, дея ёқангни ушлайсан. Бамисоли у тўғонга қамалган сув — очилиб кетгудай бўлса, ҳўлу қуруқни баравар ювиб кетади!

\* \* \*

Олой маликаси дея эъзоз этилган, «генерал» унвонига сазовор бўлган Қурбонжон додхонинг ўғлини осиб ўлдиришга ҳукм отдилар. Дор қурилган, ҳеч йигилмаган оломон йигилган, ҳамманинг ҳолатида мувозанат ўйқ, додхонинг ҳоли энди не кечади деган ўй!

Шу пайт узоқдан чанг кўтарилиб, бир отлиқ учиб кела бошлайди — Қурбонжон момо! У нафаси ичига тушган оломонни ёрганча тўғри дор остига келди ва боласига юзланиб: «Ўғлим, шаҳид кетиш бизга меросдир!» — деди ва шарт жиловни тортиб, отнинг бошини орқага бурди-да, қандай келган бўлса, шундай майдондан елиб чиқиб кетди.

Ё раб, уни недан яратдинг?! Бу кичкина жон бу қадар қодирликни қандай кўтарди? Бу зотни кўряпсизми? Дор остидаги боласининг кўзига қараб туриб, ризолик беролган аёл бу! Жавдираб турган фарзандига орқа ўгириб кетолган, юрагида фарёд портласа ҳам кўзига чиқармасликни эплаган аёл бу! Қўли жиловни қўйиб юбормаган, дўст-душманнинг олдида отдан ииқилиб тушмасликни уddaлаган аёл бу!

Бу ирода, бу орият, бундай шижаотни унга Аллоҳ берган! Бу Аллоҳ яратган неъмати азиз – ҳазрати аёлдир!

\* \* \*

Кулибина турибди, хотиржамгина турибди деб бўлмайди аёлни. Кулибина турибди, розигина турибди деб бўлмайди аёлни, унинг ичига ўт тушса ҳам, бағри кулга айланса ҳам, зоҳири сокин кўринаверади, эгилмайдиган қояларни ичига ютиб тураверади...

Бир ҳикоя ўқигандим. Аёл ўз жуфтини еру кўкка ишонмайди. Уни қизғаниб тунида уйқу, кунида ҳаловат йўқ. Жазиллаган раشك ўти уни сакратиб ўйнайди. Гўё Эркин Воҳидовнинг «Сени ётлар тугул ҳатто қилурман раشك ўзимдан ҳам, узоқроқ термулиб қолсам, бўлурман ғаш кўзимдан ҳам» байти шу аёлнинг феълидан олингандай!

Водарифки, аёлнинг олов устида юриб асраган жуфти кун келиб қазо қиласи. Бамисоли аёлнинг қуёши учади. Қабри узра бағри тамом тўкилгунча, кўзининг ёши тутагунча фарёд қиласи. Сўнг қаддини кўтариб, енгил тин олади-да, бир нима деб пичирлайди. Ҳай-ҳай, у бир гапни дейди. Деганда ҳам юрагинг увшадиган гапни деб қўяди: «Худога шукр, энди сени мендан ҳеч ким ололмайди!» – дейди-я! Мени даҳшат босади – аёл ким ўзи? Унинг ботинидаги ғалати куч нима? У жуфтининг ёнида туриб ҳам унга тўймай яшарди. Сочининг оқи шу эр туфайли эди, қоврилишларига у боис эди. Тиригига қанча интилган, ўлгандан кейин куймайдими дейсиз! Аммо айни дақиқада эрининг ўлганига у хурсанд! Бахтини бегонадан қизғаниб юргандан қўра ҳатто кўмиб бўлса-да, беркитишни маъқул кўрмоқда! Бахтсиз қолса ҳам майли, суйганига бирор қўл чўзмаса бўлди! Сиз уни худбин деяпсизми? Йўқ, бу айрилиқ ҳали унга қимматтга тушади. Балки куя-куя дард оширас, ким билади дейсиз, орқасидан эргашиб кетиб қолиши ҳам мумкин...

Бот-бот ўша қабр қучиб ўтирган аёл хаёлимга келаверади. Қулоғимда унинг пичирлаши жаранглайверади: «Энди сени ҳеч ким ололмайди!»

\* \* \*

Юқоридаги воқеага бошқа бир мисолни солиштираман-да, аёлда бир аснода тўрт фасл жам туриши рост дейман!

Онам дадамнинг кетидан мусоғир бўлди, азият тортди. Кетма-кет фарзанд доғини кўрди. Тошкенту Андижоннинг мозорларида онам шўрликнинг болалари сочилиб ётибди. Сизга айтсан, онамнинг бир иқлими, бир дунёсини сингдиролмай ҳануз ҳайратланаман.

Жуфтига жону жаҳонини бағишлигарон онажоним қўшни бева аёлга бир неча бор совчи бўлиб чиқибди. Кимга денг! Дадам учун! Чиқиб нима дермиш! «Синглим, шу амакингга теккин, биттагина туғиб берсанг бўлди, итинг бўлиб хизматингни қиласай, токи мендан кейин Турсунойим ёлғиз бўлиб қолмасин», дебди. У аёл дод солиб бергачгина онам шаштидан қайтган экан...

Аёл ким ўзи? Онамнинг бу иши унинг қаҳратоними ёки баҳорими? Буюклигими ё хокисорлигими, ёки аёлликнинг юрагини босиб, янчидан турган Оналик устуворлигими?

\* \* \*

Ким ўзи аёл? Кенглиқда осмонми, чексизликда денгизми?.. Онамнинг исми Эргашхон эди, лекин ҳужжатларда Хосиятхон ёзиларди. Шу тарзда етмиш тўрт йил яшадилар. Дадам ўтганларидан кейин бир ҳақиқатни билиб қолдим ва юрагим ҳайратдан увишиб кетди. «Хосиятхон» онамни кундошининг исми экан. У киши фарзанд кўришда қазо қилган, иккинчи турмуш бўлган онам ўша аёлнинг паспорти билан юраверибди.

«Ойижон, нега ундан қилдингиз? Бир умр бирорнинг исми билан ўтибсиз-а?» десам, «Ҳай-ҳай, ундан

дема! Ўзи ўлиб кетибди, номи ҳам ўчиб кетсинми?» — деб узоқ тин олди-да, секин қўшиб қўйди: «Дадангнинг кўнгли учун шундай қилдим, болам, нима бўлганда ҳам, кўз очиб кўргани-да!» — деди...

Ана сизга аёл, ана унинг дунёси...

\* \* \*

Аёлни аёллик юки қадамида ер тишлатиб қўйиши мумкин эди, аммо уни Худонинг ўзи асраб турари... Бу ёруғ дунёда ҳеч бир ғазот аёлнинг она бўлиш дақиқаларидаи оғир кечмагай. Фарзанд дунёга келар экан, аёл ўз этининг нимта-нимта бўлаётганини, сўнгакларининг қирсиллаётганини эшлиб турари, жисмига ўт тушади. Жон таслим қилаётган кишида нафас қандай бўғзига тиқилиб келса, кўз чаноғидан жилса, бу дунё билан у дунёнинг ораси қилчалик қолса, янги инсонни шу тарзда топадилар. Назаримда, бола билан бирга ҳар гал онанинг жисмидан жон ҳам ажрайди, ажрайди-ю, бу ғазот азобини Худо компьютердан ўчирган каби аёл хотирасидан ювиб юборади. Бу ҳам синоат! Агар Худо унуттирганида, ҳеч бир аёл боласини кўлига олмаган, бетига қарамаган, орқасига бурилмай кетворган бўларди.

Аллоҳ, ичингдан фарзанд деган тиконни олади-ю, ўрнига тирноғингнинг учигача тўлдириб Оналик меҳри уммонини солади. Шу бир парча эт дунёнгга айланади. Ҳамма ипингнинг учи шугинага боғланиб қолади. Мен ҳали бола билан жон ҳам кўчади-ю, яна изига қайтади деб бекор айтибман! Бола билан бирга жон ҳам чиқади. Сенинг ҳаракатдаги лошинг қолади, холос! Энди жонинг — шу бола! Шу бола оғриса оғриб, йиғласа йиғлайсан. Аввал жонингни қовурғаларингнинг орасида беркитиб сақлардинг, энди у тўрт томонидан шамол уриб турган ерга тушди. Оҳ, уни асраш нақадар оғир!

...Эсламайди эмас, бола топишдаги оғриқни аёл эслайди, фақат бир ҳолатда — қачонки, фарзанди уни

куйдирса! Ўшанда ҳам: «Сен туғилмай қўя қолсанг бўлмасми-ди?!» демайди, «Сенинг ўлганинг яхши эди», демайди. «Сени турмай мен ўлай!» дейди. «Ўша тўлғоқ-нинг ичида ўлиб кетаверсам бўлмасмиди!» – дея фарёд солади.

Суякларимиздан синдириб ўғил ясадинг, Аллоҳ, ўғлонларимизга инсоф бер!

Этларимиздан узиб бино қилдинг – қизларимизга тўзим бер!

\* \* \*

Аёл – мисли гўдак! Ёлғондан юпатсангиз ишонади. Бир ширин гап билан баҳтиёр бўлади. Бола онасиз жавдираб қолгани каби, аёл ўз боласига, жуфтига, уйига шундай мубтало бўлиб яшайди. Унинг учун дунёни титратган муаммолар кейинги ўриндадир: жуфти эсон-омон ишдан қайтса бас, фаровонлик шу. Жой-жойида ухлаб ётган болалари жисми-жонини яйратган сурурдир! Гўдак учун ота-онанинг хунук-чирайлиги, бой-камбағали бўлмагани каби, аёл учун ҳам шундай, агар уни сўйсалар, эътибор берсалар, авайлаб муомала қилсалар, қора жуфтини оппоғим деб, содда рўзғорини салтанатим деб, бағрига босиб ўтаверади.

Биз одмигина яшардик. Дадам мулло одам эдилар, аммо ўзларини ўтдан-чўққа урадиган уддабурон эмасдилар. Онам чопон тикардилар. Оиласизда ғамлаш, тўплаш имкони бўлган эмас. Аммо дадам қоплаб нарса келтирмасалар ҳам, ҳеч қачон рўзғорга пахта ёғи аралаштирганлар, «онангга ёқмайди, қўй ёғи қувват бўлади», дердилар. Онам юқлик бўлса, тинмай сут-қаймоқ ташир, «сут онанинг ҳам, боланинг ҳам мижозини тозалайди», деб таъкидлаб қўярдилар.

Эсимни танибманки, қиши келса, чўян печка ишлатардик. Саҳарлаб олов ёқиш, кўмир келтириш, тутантириқ тайёрлаш каби ишларни дадам ҳеч қачон онамга бермаганлар... Рўзғорнинг жами ўпирилган жойларини

дадамнинг меҳр-садоқати тўлдириб тургани учунми, онамдан бирон оғиз ўқсиш, армон сўзларини эшиитман. Аксинча, ҳадеганда: «Бугунги кун яхши ўтди, эртага ё раззоқ!» – деб қўярдилар.

Болага онанинг тафти жон озиғи бўлгани каби, аёлга жуфтининг меҳри бамисоли соғ ҳаво экан...

Қўли юпқагина дадам билан онам гўё давлатманд эди. Дадам ҳаётдан кетди, гўё онамнинг салтанати ҳам кетди. Тўрт тарафни тўлдирган, бир ганириб, ўн куладиган онам тиниб-тиниб қолди, гўё унинг бари шодмонлиги ҳам дадамга эргашиб кетди. Онам кўз ёш тўкиб йиғламади, «оҳ, чолим ундоғ эди, бундоғ эди», деб сапнамади ҳам. Жимиб қолди, холос. Биз онамнинг мозорларга чироф ёқиб, тиланиб топган, жонча суйган болалари бўлсак-да, дадамнинг ўрнини босолмадик. Кўп ўтмай, ҳеч кимга маслаҳат солмай, дадамнинг орқасидан онамнинг ўзи ҳам кетди. Гўдак каби эргашиб кетди...

\* \* \*

«Ипак бирлан пўлатданми қўймиш бизни табиат», деб ёзгандим бир шеъримда. Эллик йилдан зиёдки, ўзимни кузатаман. Аёл бўла туриб, ҳануз аёллик оламининг тилини тушунолмайман. Баъзан ўз гапим, ўз ишимдан ўзим ҳайратланаман. Бошқа аёлларни ҳам завқ билан кузатаман. Эртага яна нималарни содир этаркинман, деб ишқибоз томошабиндай янги куними кутиб яшайман. Аёлки ўзини тушунолмай тангми, яна ҳам эркаклар бизни уқолмай гангиб қолмас эканда, дейман ўзимча! Нафсиларни айтганда, аёлнинг камалақдай феъл-атворини маза қилиб томоша қилишни билган эркак баҳтиёр эркақдир! Аёлнинг ҳар бир бармоғи гуллайди. Гул бўлганда ҳам, бугун бир турда гулласа, эртасига бошқача! Аёл бугун ипак бўлса, эртага олов, унинг вужуди иштиёқ, у изланувчан жон – ҳар куни ҳар хил нарса ўрганаётган бўлади!

Бу зот ким ўзи?! Онам фарзандлар доғини, умр саргардонлигини филдай күттарди. Аммо дадам ҳаётдан кетиши билан чирт узилди. У барги хазон каби мұрт экан аслида. Онамга қувват беріб турган отамнинг меҳри экан, биродар!

\* \* \*

Аёл ҳақиқатан мұрт! Түрт-беш етимни битта қанот билан боқса-да, лочиндей боқади, болаларига келган балони арслондай даф қиласы, бу заҳматларни тортар экан, битта жонида ўнта эркакнинг иродасини ясайды. Аммо... кунлардан бир кун битта фаҳми калта: «Эрингиз ўттис үйлі бурун ўлиб кетган фалончини ёқтирган экан», деб қўйса, бўш қопдай ер бағирлаб қолади. Қадди дол бўлади. Ўлиб кетган эрининг ўлиб кетган муҳаббати учун-а?!

\* \* \*

Гоҳида эркаклар аёлларни кийимпараст, тиллопараст дейдилар. Ундей эмас! Сиз аёлингизни олтин тахтга ўтқизиб, тиллодан либос кийдиринг. Ана, сен учун юз йилга етадиган мол ғамлаб қўйдим денг! Аммо бирор шунчакигина: «Эрингиз жуда келишимли экан, эҳтиёт бўлинг-да», деб қўйса бас (эътибор беринг, ҳали гуноҳ йўқ, ҳали гувоҳ йўқ), аёлга ҳадя этган аркони давлатингиз култепа бўлади-қўяди. Товоенинг тагига чўғ тушиб, ёнишга тушади! Бу зот ким ўзи?!

\* \* \*

Бир ҳужжатли фильм кўргандим. Ўнта ўғли урушга кетиб қайтмаган аёл ҳақида эди. Ўғлонлари ўлди, уруш тугаганига ўттис үйдан ошди. У эса тирик, у ҳамон тирик. Бир фарзанднинг доғи адo бўлишга етади, ўнтанинг ўти нечун ёндириб юбормади, нега куйдириб юбормади дерсиз! «Шошмай тур, – деди ажалга у, – сенга ўнта боласини берган мардман мен, менинг жоним жон эканми, фақат ҳозир ўлдирмай тур», деди.

«Үлиб кетсам, болаларимнинг чироғини ким ёқади», — деб ўлолмай юрди. «Уларнинг дуосини ким қилади», — деб ўлмай юрди! Ўзини ўлгани қўймади... Аёл ким ўзи? У недан яралган?!

\* \* \*

Ҳадеганда боласи ўлавериб, ҳисобдан ўчиритириб келавериб, адойи тамом бўлган отам-онам менга туғилганлик гувоҳномасини олмаган эканлар. Ўн тўрт ёшга кирганимда маҳсус вакиллар эшикма-эшик юриб, уруш пайти ва урушдан кейин туғилган болаларнинг ҳужжатларини тиклашга киришдилар. Шу баҳонаи сабаб билан онам билан дадам гувоҳномага борибдилар. «Қизингиз неча ёшда?» — деган саволга дадам: «Ўн тўрт», — деса, онам: «Ўн олти ёш», — деб жавоб қиласмиш. Дадам: «Нега икки ёш қўшиб айтяпсиз, ундоғ де-манг», — деб танбеҳ берса, «Ҳеч йўқ ўн беш денг бўлмаса, ҳарна бир ёш қўшилгани!» — дермиш онам нуқул.

Мана энди таҳлил қиляпман: онам шўрлик катта бўлаётганимни ишониб-ишонмай кузатар, мени йилдан-йилга ўтказиб олгунча зор қақшаб турар экан. Яхши ният қиласи, ҳеч йўқ қофозда икки ёш улфайиб турсин, деб турган жойи экан онажонимнинг!

\* \* \*

Эру аёл бирга яшайверса, бир-бирига қовурғадай пайваста бўлиб кетар экан. Отамдан кейин жимиб-гина қолган онам баъзан-баъзан тиззасига бир шапати уради-да: «Вой, ўлмай ўлсин отанг-а!» — деб қўярди.

У шундоқ деркан, кўзига ёш келмас, аммо ичи қовжираб, тутаб турганини шундоққина кўрса бўларди. Во дариғ, дейман бугун, бу: «Сенсиз қандай яшайман энди», дегани экан. «Мана, изингдан кетар бўлдим, нега мени эргаштириб кетяпсан», дегани экан! «Сен ўлмассанг, мен ҳам ўлмасдим», деб бўзлаб бораётган онам экан у.

Ўғли эргашмади отамнинг кетидан, бир дона, суюмли қизи — менинг қўлимдан келмади эргашиб кетиш! Онамгина кета олди, онамгина...

Эҳ, йигитларжон-а, қизингиздан ҳам, ўғлингиздан ҳам аввал аёлингизни денг! Ундан бошқа вафодорингиз йўқ, йўқ, йўқ...

\* \* \*

Рўзғор деганинг сеҳри бор. Жонингни ҳамма ипини ўзига боғлаб турди, сени сочилгани қўймайди. Ерда бўлсанг ҳам, кўқда бўлсанг ҳам, боғи Эрам қўйнида ҳам, э булар ўтаверсин, ҳатто ота-онангнинг бағридан ҳам имлаб, қора қозонинг жойлашган остоңага тинмай чақириб турди. Бироннинг кошонасида михнинг устида ўтиргандай ўтириб, ўзингнинг кулбангда ҳамма чигилинг ёзилиб яйрайсан...

Бир ҳикоя эшитиб эдим: тоғли қишлоқда бир кечаси олатасир бўлибди, тўполон тингач, қарашса, қишлоқнинг гўзал бир қизи йўқ эмиш. Уни кимдир олиб қочган деган гап тарқалибди. У қизнинг отаси, олтovлон акалари обдан излаб, тополмабдилар. Фамдан букилган ота ўлими олдидан ўғилларига васият қилиб, сингилларини албатта топишни тайинлабди.

Иллар ўтибди. Акалари қидиришни давом эттирибдилар. Кунлардан бир кун қиз топилибди! Каттағор оғзида ўтирибди эмиш, ёнида баҳайбат бир айик, атрофида эса ярми айик, ярми одам иккита болача ўйнаб юрибди эмиш. Акаларини кўрган сингил талпиниб югурса, айик йўлини тўсармиш, акалар яқинлашай деса, уларга ҳамла қилар эмиш. Айиқчалар ҳам қизнинг оёғига ёпишиб олганмиш. Оғалари мажбур бўлиб айик ҳамда айиқчаларни отиб ўлдирибдилар ва сингилларини уйга олиб келибдилар. Улар мамнун, ота васияти бажарилди, аммо ишнинг энг ёмони энди бошланибди... Қиз кунда тонг қоронғусида томга чиқиб олиб, тоғ томонга термулганча нола бошлармиш:

Хунук бўлса ҳам, болам эди-ё...  
Айиқ бўлса ҳам, эрим эди-ё...  
Унгур бўлса ҳам, уйим эди-ё...

Аёлнинг фақат худогагина аён дунёси бу...

\* \* \*

Бирга ишлайдиган ходимимизнинг катта онаси, саксондан ошган Ҳамрохон аянинг менга ихлосманд эканлигини эшитиб юрадим. Бир куни телефонда тўғри келиб қолдим-да, ҳол-аҳвол сўрашувдан кейин: «Сизни зиёрат қилгани ўтмоқчиман», дедим. Аянинг қувонганини ва негадир тараффудланганини ҳам сездим.

— Қанийди, онам келгандай бўларди. Аммо сизга баҳорлар ярашади-да! Келсангиз, олчамиз гуллаганда келинг, айланай, — деди.

Аёл юзга кирса ҳам аёл! Биламан, улар турадиган жойлар Тошкентнинг бузиладиган эски маҳаллалари эди. Қишида айниқса қарамай қўйилган девор-дармиёнлар ғариб кўринар, кампир шунинг учун хижолат чекмоқда эди. Умр бўйи рўзгоринию ўзини атрофга текислаб кўрсатишга уриниб ўтган аёлнинг безовталиги эди бу. Саксонга кирганда ҳам ўзига қўйилган баҳонинг пасайишини хоҳламаган аёл *ОРИЯТИ* эди бу. Мен бу гапдан ҳатто завқландим ва бостириб бормадим. Баҳор келди, бу фасл бою камбағални бир хиљда сийлайди: аянинг ҳовлиси ҳам келин тушган уйдай бўлибди, қуюқ гуллаган олчалар ўровида кўримсиз жойлар ҳам билинмай кетган. Аммо минг додки, олча гулга киргунча Ҳамрохон ая оламдан ўтди. Ўшанда аёллик қилмай, нима бўлса бўлар, келаверинг деганда, кўришиб қолардим...

Ҳовлига келиб турибману: «Мана, аяжон, олчангиз гуллаганда келдим, ваъдамни бажардим. Ўзингизни тополмасам ҳам, айтганингиз бўлди — мени чамандай гуллаган олчаларингиз кутиб олди, — дейди юрагим пи chirlab. — Гуллаган ҳовлингиз мунча чиройли!» —

дайман яна атайин овозимни чиқариб. Ҳудди руҳи эшитиб тургандаи ва шод бўлаётгандаи ўзимни юпатаман.

\* \* \*

У аёлнинг эркаги кўтариб-кўтариб келарди. Ўғли ҳам топармон-тутармон. Лекин бу оиласа 8-март, ҳайит деган нарса йўқ эди. Аёл ҳам бунга кўнишиб кетган. Аммо ёшига ёш қўшилдими, ё болаларидан қўли бўшаб, хотин-халажга аралашгач, ўзини уларга солиштириб кўрдими, ҳайтовур, юрагининг четида менинг эркакларим нега беэътибор, деган оғриққа ўхшаш нарса уйғонди.

«Байрамга неча кун қолганини санай бошладим, — дейди аёл, — 7-март бўлди, ҳеч ким индамайди, 8-март бўлди, жимлик. Туш бўлди — садо йўқ, кеч кирди, вужудим билан тиланиб турибман: на эр, на ўғил байрамдан оғиз очдилар. Кечки овқатга ўтиридик, кутяпман. Қайдандир таомлар орасига бир коса толқон ҳам хонтахтага қўйилган экан. Косага энгашиб гўё толқон еяпман, аммо унсиз ийғлаляпман. Овозим чиқиб кетмасин деб, зўр бериб, бир коса толқонни қандай тутгатганимни билмайман». Аёлнинг кўз ёши юзини ювар экан, илжайишга ҳаракат қилиб қўшиб қўяди: «Пасткашлигимни қаранг, табрикламади, учта гул илинмади, деб шунча куйибман-а! Феълим ёмон шекилли-да ўзимнинг!»

Айланай сиздан, ўксук ойим, нега андиша қиласиз?! Сиз бу безавқ, беҳафсала жуфтингизни оиласи тўралар қаторига ўтказдингиз, ўғил-қизлик бойвачча қилдингиз. Юрса йўлини супурдингиз, ҳимарилиб қўлига сочиқ туттингиз, доимо таомнинг иссиғини, қаломнинг ширинини илиндингиз. Камини тўлдирдингиз. Бу фидолик эвазига ўзингизни кун-бакун сўлдирдингиз. Унинг қўлига гулдай бўлиб келган эдингиз, камондай эгилиб бормоқдасиз! Анови ўғлондан койинманг — отасига қараб иш тутади-да! Сиз улардан от билан тую

сўраяпсизми?! Тилло баҳт сўраяпсизми?! Атиги бир дастагина гулнинг илинжида мўлтираб турибсиз! Учтагина гул билан баҳтиёр бўлардим, деб бағрингиз сизиб турибди. Армонли ойим, ўйламангки, бу сўппайтган эркагингиз иокас эмас аслида, сиздан пул, мол қизғанмайди. Фақат худо бехабар, холос, ношукр, холос. Сизни уларга Аллоҳ берган неъмат эканлигингизни, одатда ўзига берилган неъматни асраш, унинг учун шукронга айтиш фарз эканлигини билса, бундоқ қилмасди балки.

Худодан уларга иймон ва зийраклик тилайлик. Аёл учун фарзанддан буюрган баҳт ярим давлат эканлиги, эрдан кўрилган меҳр эса бутун, ҳақиқий баҳт эканлигини эркаклар қайдан билсинлар!

\* \* \*

Эркак учун ҳам, аёл учун ҳам энг оғир гуноҳ зинодир. Никоҳ осмонийдир, умр йўлдошлик Аллоҳ тузган уюшмадир. Зино покиза никоҳ, пок фарзанд, оҳорли остонангиз, ҳалол ризқингизу тоза вужудингизга босилган нопок тамфадир! Энди сиз барака топмайсиз. Энди бу ёғига тишингизни тишингизга қўйишингиз шарт! Бойси, йиллар фириллаб ўтадикетади ва огоҳ бўлингки, қисматингизда ўғлингиз ёки қизингизнинг сиз қилган хатони ҳеч йўқ бир марта қилиши бордир. Бир изтироб чекишингиз бор. Сиз Аллоҳнинг олий неъмати эдингиз, ўзингизни асролмадингиз. Жавобини берасиз энди. Ачинарлиси шуки, ўша инсонлар Аллоҳ, уларни роса ёрлақаганда: кўрки тўлиб, имконлари кўпайиб, атрофга бўйи кўринганда шу гуноҳга қўл уриб қўядилар. У неъматларнинг уволи тутмасинми?

Хўш, сўзимиз аёл хусусида эди: аслида, зино қилган эркагу аёлнинг баҳоси бир хил. Аммо шу хунук хато ичра ҳам аёл эркақдан кўра дурустроқдир – айниган эркак топганини кўчага сочади, совуриб келади. Аёл бадномлик қилса-да, топганини уйига ташийди. Гуноҳ

денгизи ичида ҳам юрагининг бир чети: «Мен болам учун жавобгарман», деб чинқириб туради!

\* \* \*

Рўзғор – тиљдагиу феълдаги пардозни силкиб, аслингизни юзага чиқариб қўядиган синов. Рўзғордан асли тозаларгина роҳат ола биладилар, иймони бутунларгина унинг чиройли томонларини кашф эта биладилар.

Рўзғоридан кетибди, умр йўлдошига кўнгилсиз бўлиб, болаларини ташлаб, бошқа турмуш қурибди, деган гаплар асосан эркаклар ҳақида. Уларнинг барини рўкач қиласиган армонлари бор: аёли кўримсиз ёки тили ёмон, ё ивирсик, ё касал! Энди армон билан ўтиб кетмаслик учун ўз монандини қидириб қолибди эмиш! Ёки жуда инсофли бўлса, икки рўзғорни баравар олиб борар эмиш! Бу гапларни энсамиз қотибгина эшитамизу, лекин сапчиб тушмаймиз, этимиз увишмайди. Ҳатто менинг ўзим ҳам бир куни радиодан гапиряпман: «Жувонмарг эркак ҳам яхши хотиндан кетиб қолмайди-да», деб!

Аслида-чи? Эркакнинг таъбидан кўра нафислигу назокат, хиною мушк-анбар ичра бўлган аёлнинг таъби юз бора нозикроқ эмасми? Аёлда кўнгил йўқми, унда суйиб яшашга эҳтиёж, яирашга иштиёқ йўқми? Сиз ўйлайсизки, аёлни танлаб севилади-ю, эркакнинг яхшисию ёмони – ёппасига севилишга муносибми? Овози дарвозадан чиқмай, бирорга шикоят қилмай яшаётган аёл борки, ҳаммаси баҳтлими? «Дадаси, дадаси», деб мулозамат қилаётган, жуфтининг кўнглига бисёр қараётган аёлки эрини яхши кўрадими?

Йигитларжон, атрофингизда майда ишларни қилиб, сизга ёқсан-ёқмаган майда гапларни гапириб юрган аёл рўзғорга муносабат масаласида сиздан кўра юз бора яхлитроқ, йирикроқдир. Не-не аёллар эрларини кўргани кўзи бўлмаса ҳам, туғилиб қолган болалар ҳаққи, уларнинг отасиз ўксимаслиги учун тош тишлаб,

чидаң яшайдилар. Ҳар гал эрларидан күнгли совиб, армон юракларини юмдалаганда, жавдираган болаларига күзи түшган заҳоти, ток ургандай, хижолат терига ботадилар: «Үғиллик, қизлик бўлганимда эрим менга ёқадими, йўқми дейиш енгилтаклик, бачканалик эмасми, ор эмасми», дея ўзларини суд қиласидилар. Ундај аёл дили музлаб турса ҳам, атайи овоз чиқариб: «Мен жуфтимни яхши қўраман, шунинг учун унга ихлос билан таом пиширяпман, ишдан келишини зориқиб кутяпман, уни ёқтирганим учун ясанибтусаниб қўриняпман, мен энг баҳтли аёлман, шунинг учун уйим-жойим деб ўтирибман», — дея тинмай ўзини ишонтириб яшайди. Атрофдагиларни ҳам бунга ишонтиради.

Сиз ўйламангки, аёл эркакка зор, эркак бўлмаса боласини боқолмайди, тириклиги ўтмайди деб! Болаларига қўшиб эрини ҳам боқаётган, рўзғорини тишида тишлаб ўтаётган аёлларни ўзингиз ҳам ҳар қадамда кўриб турибсиз.

Дуо қилайликки, илоҳим, аёлларингиз сизни севиб яшасинлар. Бир мартаина бериладиган умрда сиз тирик туриб, сизнинг ёнингизда юракларида армон тошини кўтариб ўтмасинлар. Қиз куёвники бўлиб кетар экан, ўғил келинники. Набиралар, минг суймайлик, фаниматдир — аёлингизнинг ёнида сиздан бошқа ҳеч ким қолмаётир. Остонангизни ялаб, фақат сизнинг болангизни боқиб, азиятини тортиб, сизнинг, яқинларингизнинг хизматини қилиб, умрини сизга қурбонлик қилиб ўтса ҳам, шу жафокашга жилла ёқай деб уринмайсизми?

Йўқотишлиарнинг ўрнини босай демайсизми? Ундан олаётган муруватлар ҳаққи ўзингизни қарздор ҳис қилмайсизми? Кўнглимдагидай бўлмаса ҳам, болаларимнинг отаси-да, деб ўтиб бораяпти аёл.

Ёмон бўлса ҳам, болаларимнинг онаси-да, дейиш ҳар доим ҳам қўлингиздан келяптими, йигитларжон?

\* \* \*

Аёллик дунёси ажойиботхона – ёқангни ушлаб томоша қиласан.

Турмай-турмай турган бола бўлсам ҳам, эслаб кўрсам, онам мени ҳеч қачон эркалаб суймаган, қучоқлаб ўпмаган экан. Гоҳи-гоҳи ўксиган пайтларим ҳам бўлган... Оилада катта фарзанд бўлганим боис, катта боламиз ўғил бўлмади, дея ота-онам ўксимасин учун, ёшлигимдан ўғилнинг уддасини кўрсатмоққа, дадамнинг юкини ўғлонларча қўлидан олмоққа уриниб, ўғил фарзанд мағзини берай деб тиришиб-тирмашиб ўтдим. Бу атрофга ҳам сезилса керак, бир куни қўшни ая: «Болани сиз туғибсиз-да, Эргашхон ая, қанийди меникиларнинг ҳеч йўқ биттаси шу қизингизга ўхшаса», – деди. Онамга бу гап ёқмади. «У бизга нима қилиб қўйибдики, шундай дейсиз?» – деди қовоқларини уйиб. Юрагим музлаб қолди. Изза тортдим. Онам бўла туриб шунча яхшилигимни билмади-я, деб бир қанча муддат оғриниб юрдим... У ҳолатларнинг мағзини энди чақяпман. Онам табиатан болажон эди. Қўни-қўшниларнинг болаларини юраклари яйраб суюр, байтлар тўқиб эркалатар эди. Олти боласи кетиб, ўлмай қолгани бўлсаму мени яхши кўрмасмиди дейсиз! Ўпиб-қучоқдагиси, фарзандининг ҳиди билан яйрагиси келмасмиди дейсиз?! Энди-энди билсан, жуда-жуда хоҳлар экан, фақат ўзини тийиб яшаб ўтибди. Кўзини кўзимдан, ўзини ўзимдан олиб қочган онажоним, мени тил келиб эркалатса, Аллоҳнинг қаҳри келадигандай, Иброҳим Адҳам қиссаси бошига тушадигандай, биттагина боласидан ҳам айрилиб қолаёттандай бўларкан. Бирор мени мақтаса ҳам шунинг учун безиллар, кўз тегиб қолмасайди, деб қоврилиб турар экан.

Ўлганларига-ку, хўп қўйди, тирик қолганига ҳам суюнишга қўрқиб ўтган онам-а.

\* \* \*

СЎЗ аёл дунёсининг жавоҳири, ўрни келганда, кескир қиличиdir. Сўз аёлнинг тилида гуҳарга айланади – уни доналаб териб, юракларида йиллар асраб, эслаб юрадилар. Аёлнинг шикаста овози билан айтилган сўз куйдир – вужудингиз мумдай эрийди. Яхшилаб эсланг, сиз қачон жаҳдан тушасиз – фақат аёлнинг сўзи билан! Яқинларингизни қачон йўқлаб қоласиз – онангизнинг, аёлингизнинг, опа-синглингизнинг сўзий ишораси билан!

Аммо йигитларжон, бирорнинг фаолиятини, ўйларини, феълларини ўзгартирадиган сўзни топиш осон бўлибдими?! Бундай кучли сўзни топиш учун аёлнинг бошида ақл кони, қалбида меҳр денгизи бўлиши керак. Томирида қон эмас, зийраклик, ҳушёрлик айланиши керак. Ҳар бир ҳужайрасининг қулоғи бўлиши керак ва аёл мисли ғоввос бўлиб, ҳар дақиқада ўз ички имконидан керакли маънавий озуқани топиб, сизга узата олиши керак. Худди саҳнадаги артист қаби бир умр ўзининг ҳамма ҳаракатига сизни ишонтириши керак. Ёнингиздаги сизга ёқсан ва ёқмаган аёлингиз шу тарзда яшаб ўтяпти. Унинг ана шундай, сиз билмаган ички қудрати бордир.

Топиб гапирган одам, ёқиб гапирганки одам ақдан ўткирдир, маънан бақувватдир. Сўз – кишининг кимлигини билдирадиган ҳужжат. Аёл зоти бу неъматдан шу қадар усталик билан фойдаланадики, унинг сўзи билан арслонлар енгилганини, майдалар йириклишганини, ёмонлар яхши бўлганин сезмай қолади.

Аёл лутфи, аёл муомаласи шоҳларни-да мот қилган, оламшумул ҳайратларга сабаб бўлган. Шоира Нодирабегимни эсланг. Умархон билан ораларида гап қочади-ю, сархуш ҳолатда бўлган хон: «Керакли нарсаларингизни олиб Андижонга кетинг», деб юборганини билмай қолади. Зийрак малика ақл билан иш тутади ва ширакайф ҳолда ухлаб қолган Умархонни кўрпага ўраб аравага ётқиздиради-ю, Андижонга йўл олади.

Манзилга етай деганда, хон ўзига келади ва маликага: «Бу не ҳол», — дейди. «Керакли нарсангни олиб, отанг-никига кет, — дедингиз. — Сизнинг амрингиз вожиб, ҳазратим! Менинг ёлғиз керагим ўзингизсиз, мана олиб кетяпман», дея лутф қилади. Масрур ва мот бўлган Умархон отнинг жиловини Қўқонга бурдирган экан...

Турон тарихида бундай мисоллар анчагина: Рай ҳукмрони Фахридин Давло вафот этади. Султон Маҳмуд Фазнавий (998-1030) бу юртни ўз ихтиёрига олмоқчи бўлади. Рай салтанатини кичик ўғли номидан марҳумнинг аёли Саида Хотун бошқараётган эди. Бир умр бу мамлакатга иштиёқманд бўлган Султон Маҳмуд Фазнавий Саида Хотунга нома юборди. Унда: «Юртингни яхшилик билан менга топшир, жума намози хутбасига номимни қўшиб ўқиттир ва менинг исмим битилган танга зарб қилдир, йўқса, ерингни босиб олиб халқингни хонавайрон қиласман», — деб ёзилган экан. Энди Саида Хотуннинг жавобини эшитинг: «Мен сизни султонлар ичидан энг доноси ва марди деб биламан. Менинг эrim Фахридин Давло сизнинг ҳужум қилишингиздан доим хавотирда тураган эди. Эrim вафотидан кейин мен бу масалада хотиржам тортдим. Чунки сиздай ақдли ҳукмрон хотин киши билан жангта киришишни ўзига эп қўрмаса керак. Аммо мен жангдан қочмайман, лекин шуни айтайки, шернинг эркагигина эмас, урочиси ҳам хавфлидур. Иккидан бири бўлади. Ё сиз енгасиз, ё мен. Агар ғолиб келсангиз-да, бу сизга саодат келтирмагай, сабаби хотин киши билан жанг қилиб, музaffer бўлган эркакни тарих мардлар қаторига ёзмагай. Мабодо мен енгсам, сиздай довруқли султоннинг хотин кишига енгилиб ўтириши, сиз учун яна уятли бўлур». Хатни олиб қўшини хоқон лол бўлибди-ю, шаштидан қайтибди ва Саида Хотун оламдан ўтгунча, ўттиз тўққиз йил давомида Райга ҳужум қилмабди. Қарабсизки, аёлнинг топиб айтган сўзи билан халқаро урушлар олди олинибди.

\* \* \*

Дадамнинг онаси – Ҳадича онам қазо қилганларида саксон тўрт ёшда эканлар ва харидорга тикиб тайёrlаб қўйган учта чопонлари тугуғлик қолган экан. Ҳануз доғ қолиб, ўйлайман: олти боласи аравасини ўзи тортиб кетган бўлса, ёши тўқсонни қоралаб қолган бўлса, иgnанинг тешигига термилиб зарилми эди?

Тасаннолар айтасан аёл зотига! Аллоҳ яратган неъматлар ичида дурдонаси аёл! Унинг саксон ёшидаги ҳаракатларида ҳам хислат ва ибрат бордир: тўрт танга бўлса ҳам пул топай, келин-кеrtакка малолим келмасин деганими у? Мана, меҳнат қилиш, яратиш қўлимдан келяпти, ҳали яроқсиз бўлганим йўқ, демак, ўлмайман деб ўзини овутганими? Ўлимлигимнинг бир қисмини ўз қўлим билан тайёrlаб қўяй. Кетишимнинг юки енгилоқ бўлсин, деган ҳаракатими? Ёки бирикки сўм ғамласам, болаларимнинг қўли калтароғи келса, тутқазаман деган безовталигими? Онаизор-а...

...Она то ўлгунча болам, деб бўзлаб ўтаркан, бевафо бола эса онасидан айрилгачгина «онам»лашни бошларкан...

\* \* \*

Укаларимга муруват қилганим сари, онам росмана койинар ва қаттиқ оғриниб: «Унақа бошвоқсиз бўлмагин, болам! Эртага ҳам қунинг бор, бир этак боланг бўлса! Эсингда бўлсин, жигар жигардир. Асли вафо боладан онага, онадан болага!» дер эди нуқул.

Одил онам, адолатли онам! Ахир берсам, унинг боласига беряпман-ку! Ўзига керак ва ёқиб турган нарсадан мени деб воз кеча олган, ўзи оч қолиб, мени тўқ бўлишимни истаган онам!

Жонини сенлаб, боласини сизлаган Ҳазрати аёл бу!

\* \* \*

«Турмай-турмай турган бола бўлганим учун ўлгудай эрка, шўх қизалоқ эдим, – деб айтиб берарди онам, –

тўполончилигимдан қизлар мени тўпига қўшмас, ўғил болалар билан жуда иқим чиқишар эди. Энг яқин ўртогим Омонжон эди. У мени ҳеч хафа қилмас, уришсак ҳам биринчи бўлиб ярашар эди. Улғайганда ҳам ҳаммага маъқул йигит бўлди. Ва жуда чиройли қизга уйланди. Улар эртақдагидек келин-куёв бўлишган эди. Бир ойлик қуёв Омонжонни урушга чақирдилар. Унинг кетар пайтида бутун маҳалла гузаргача эргашиб борганди.

...Келинчаги ёмон куйди. Олти ойгача ўрнини йифмади. Гоҳида деразасидан аста мўралардим. У қалин солинган шоҳи кўрпалар устида тиззасини қучоқлаганча ўтирас ва юм-юм йиғларди. Деразанинг ортида эса унинг ҳолига мен йиғлар эдим. «Эй худо, ҳеч йўқ, унинг Омонжони қайтсин», — дея тилардим... Кетганларнинг кўпи қайтди, Омонжон қайтмади. Ўртоқжоним Омонжон-а», — деб худди уни кеча кузатгандай дийдалари эриб йиғларди онам...

Тоифамдан минг айланиб, минг ўргилиб айтаманки, дунёда энг гўзал, энг маъсум ва энг Буюк мавжудот — йўл қараган аёллардир!

\* \* \*

Онамнинг онаси — Туҳфахон энам қўли гул аёл эди. Чарх йигириб ўтирганлари, кашта тикканларини эслайман. У кишим мен ўн ёшлигимда қазо қилганлар. Ўша пайтдан то тўйимгача онам ҳар сандиқ очгандарида қизил сатинга қайтарма чок билан нақшлар тикилган жойнамозни авайлаб олар ва силаб-силаб: «Энанг сенга атаб тиккан, болам», деб қўярдилар.

Энам нега менга чойшаб ёки қўйлак эмас, жойнамоз тикиб қолдирди, дея ўйлайман. Илмли аёл эди энам, оғиркарвон, майиздек аёл эди... Энам қолдирган фалсафани уқишига ҳаракат қиласман: қўлларимнинг изи боламнинг боласи пойида турсин дегани эканми! Набирамнинг бош қўядиган жойига гуллар тикиб қўяй деганими ё! Сўрасанг, Аллоҳдан сўрагин, бош урсанг,

фақат Аллоҳга юкингин дея жойнамоз қолдириб кетганимикан?! Ё «Худони таниган ўзини танийди» ишорасини бериб кетдими, дея хаёл қиласман...

\* \* \*

Бир ўртоғимнинг онаси эрта оламдан ўтди. Ўн боланинг учтаси жойланиб, етгитаси хом қолди. Оталарини фарзанд кўрмаган ёшгина аёлга уйлаб қўйдилар. Болалар ичлари тўкилиб турса ҳам, чехра очиб кутиб одилар. Аёл ҳам уларнинг ўтидан кириб, кулидан чиқиб, бу хонадонга қовушди-қолди.

...Ҳар борганимда, барибир, бу аёлни зимдан кузатман ва баъзан танг қоламан. Эски қадрдонлар келди дегунча, ўртоғимнинг отаси (менга устоз бўлар эдилар) қазо қилган аёлини эслаб кўзёши қиласарди. Янги аёли эса ёнида ўтирганча жимгина тинглар ва эридан кўра кўпроқ ёш тўкар эди. Гўё ўлган аёл унинг эгачиси ё онасидай!

Уйининг тўрига эри билан кундошининг катта суратини илиб қўйган. Баъзан холис сұхбатлашиб қолсак, суратга имлаб: «Ўрнини менга бўшатиб кетган мард ойим-да, бу! Болам йўқ, деб йиғлайверма, этағингни болага тўлдириб юбораман, деб камимни тўлдириб, роҳатини менга ташлаб кетган ойим-да, бу!» — дейди-ю, кўзининг ёши юзини ювади.

Қолган етти болани жойлашда ҳам туққан онасидай куймаланди. Ҳар тўй, ҳар маъракада фарзандлар оналарини эслаб, хомуш тортсалар, мумдай оқиб: «Ўлмай юрса бўлмасмиди», деб кўрмаган кундошига йифи солиб ўтиради.

Аллоҳ шу болалар билан овунтирсин уни! Ҳазрати аёл бу.

\* \* \*

Улғайиб қолган бир киши қўз ёшларини арта-арта ҳол сўраган одамга ҳасрат қиляпти эмиш: «Эй, биродар, турмушим бекаму кўст, фарзандлар солих, емак-ичмак

етиб-ортади, фақат, фақат, — дермиш у ва бош чайқа-  
ганча шипга ишора қиласмиш, — чироқ йўқ фақат,  
чироқ!»

У кишининг аёли қазо қилган экан. Йигитларжон,  
ҳеч бир эркакнинг чироғи ўчмасин!..

\* \* \*

«Отаси яхши — биттаси яхши, онаси яхши — ҳам-  
маси яхши», деган гап бор. Жами фазлу афзаллик  
аввало аёлдан бошланмоғи шарт.

Мардлик, тантилик, лафзда туриш каби хислатлар  
аёл тоифасида қучлироқдир: севгисини яширин ас-  
раш — мардлик; шайтонниң йўлига юрмай, шарму ҳаё  
билан туриш — мардлик; ҳамиша ўзини камтар ва  
синик тутиш — мардлик: биринчи бўлиб кечириш,  
оиладаги пасту баланд ишларга ўзини жавобгар ҳис  
қилиш, ҳаммага парвона бўлиш — ўн марта мардлик  
ва тантилик; боласини кўрмай кетган, боласини ҳатто  
соғинмайдиган эркак сон мингта, аммо бир боладан  
тортиб, ўнта болагача бўлган юкни аёл жони билан  
якка ўзи қўтариб яшаш — олий даражадаги мардлик  
ва тантилиқдир! Лафзи ҳалоллик ва мардликни эркаклар  
аёллардан ўргансин!

\* \* \*

Аёлнинг баҳти нимада? Бола эмизиб ўтирган аёл  
дунёда энг баҳтли аёлдир. Дарвозадан кириб келаётган  
эркак аёлнинг жуфти эмас, мисли йўқ толеидир! Бери-  
либ кўйлакча тикаётган, куймаланиб кулча ёпаётган  
аёлнинг наздида ўзидан саодатмандроқ киши йўқ. Аёл  
атрофидалардан кагта харажат, улкан фидойиликни  
сўрамайди: унга меҳр билан тикилиб қўйсангиз ва  
«борлигинг қандай яхши-я», деган лутфни астойдил деб  
қўйсангиз бўлди. Аёл чор тарафга меҳрини, меҳнатини,  
хуснини, жонини аямай сочиб боради, аммо ҳаргиз таъна  
қилмайди, қайтим сўрамайди. У бутун дунё унга мукофот  
тутиб турса қарамаслиги, унинг шаънига олтин ҳайкаллар

ўрнатсалар севинмаслиги мумкин, аммо у юракларининг ўртаси билан фақат жуфтидангина совға кутади, битта тароқчалик бўлса-да эътибор кутади. Эркагининг қўлидан совға олаётган аёл, ҳайитлик олаётган боладан-да баҳтиёрдир! Аёлига бир дурра ёйники арzon кавуш бўлса-да совға қилган эркак унга жаҳон банкини берган каби ризолик олади. Шундай, азизим, АЁЛ ўзининг асил баҳосини билмай ўтаётган БУЮКЛИКдир...

\* \* \*

Унинг исми ва мижози аёл, унинг баҳти ўша иқлимни асрай билишида. Дунёга аёл бўлиб келиб, аёлдай яшаб ўтишида! Тани-жони соғ бўлса, олов ёқадиган ўз ўчофи, бошидан чакка ўтмагудай ўз бошпанаси, бир кафт бўлса-да унга ненидир илиниб, унга интилиб эшиқдан кириб келадиган эркаги, қиздир, ўфилдир, ёқасига чирмашиб турадиган бир жон парчаси бор бўлса, бўлди, аёлнинг вужудини тўлдириб, тиндириб турадиган баҳти шу! Аллоҳ ҳар бир аёлга шундай яшаб ўтиш имконини берсин!

Аёл аёл эмас, рўзгор деган фор ичида, оила аталган довулли, чақинли фасл ичида ҳамиша титраб тургувчи, шунда ҳам муаттар бўйларини сочавергувчи, тўрт томонга эгилиб, букилавергувчи, аммо негадир ҳеч синмагувчи бир гулдир! Ҳаргиз «керак эмассан» дея қўрманг унга! «Ким бўлиб қолибсан?» деб юборманг! Бир қадди ниҳоли билан пойингизга чаман файзини тўшаб турибди, ногаҳонда товонингиз билан эзиб қўйманг уни! Сизнинг хатоларга тўла шу туришингиздан баҳт қуйини яратаман деб қошингизга келди, унинг янгроқ торларини узиб қўйманг яна! «Мен чиройлимасман, бегим», — деса, ёлғондан бўлса-да, «Ундоғ дема, ойимсан», — денг! «Сизни рози қилолмаяпман», — деб уқаланса, «Йўқ, аввал мен сен рози бўладиган ишлар қиласай», — дея фидойи қўрсатинг ўзингизни! Унинг дунёга сиғмас баҳти шу! Унинг сиздан сўраб тургани шугина, холос!

\* \* \*

Бугунги аёлнинг аҳволи яхши эмас. У эркақдан бир қадам илгарила б кетди. Ҳали кетмонга, ҳали игнага, ҳали бозор халтасига осилиб, рўзгор юритиш дардида қолди. Эркагидан илгарила б кетиш ўзбек аёлига ҳеч қачон роҳат бағишилаган эмас. Биз болаларимизга отасини устувор кўрсатиб, унга эргаштириб тарбия бериш билан рўзгорни бутун ушлаб келганмиз. Бугунги эркак аёлию боласига муносабат борасида ҳам, тирикчилик қилиш борасида ҳам суст кетди. Натижада аёлда зўриқиши пайдо бўлди. Ўқитувчи аёлми, шифокор аёлми, уй бекасими, эътибор билан қарасангиз, ҳаммаси жисмонан толиққан. Емак-киймаклари етарли бўлганлари ҳам руҳан чарчаган. Ўзбекнинг эркаги ориятли, бир сўзли, ғайратли, қўли гул, рўзгорпарвар бўлгучи эди, аслига қайтиши шарт! Ахир, оила тутиш маънавияти деярли йўқ бўлди! Эри суямаган, ўғли асрамаган аёлнинг кими бор? Аёлни асраш ҳам сиёсатдир. Ҳар галги гапимни яна айтгим келади: миллатнинг сифат белгисини аёл таъминлайди. Унинг жисмини ҳам, кайфиятини ҳам бутун асраш лозим.

\* \* \*

Менга бот-бот «Сиз қандай аёлни замонавий деб биласиз?» – деган савол билан юзланадилар. Ўзи яшаб турган замон ва маконнинг афзалликлари ва камчиликларини илғай олган, ўзига ва фарзандларига унинг хайрли ўзгаришларини тездан юқтириб, қусурларидан сақлай билган аёл замонавий аёлдир.

Инсонда ген (ирсият) деган нарса бор. У ҳар бир миллатга Аллоҳдан берилган яшаш тарзидир. У бизнинг ички қўрғонимиздир, ташки таъсир бостириб кела-веради, тинмай сизга урилаверади. Аммо у фақат бир-икки қават этингизни забт эта олади холос, ундан ичкари киролмайди. Ҳалиги ген деганимиз вужудингизда доимий ҳимоячи бўлиб яшайди. Яратганинг ўзи

инсонга жуда керак бўлган, юриш-туришини мувозанатта солиб турадиган бундай неъматларнинг йўқолиб кетишига асло йўл қўймайди, бандаси унга қарши минг уринсин, «султон суягидан тонмас»лиги исбот бўлаверади. Масалан, шўролар давридаги ҳолатимизни эсланг. Руслар билан бирга юртимизга оврупча тутум, оврупча юриш-туришлар кириб келди. Ўзлигидан тонмаган ҳолда янги тил ўрганиб, маърифатини янада оширмоқчи бўлганлар яшасин! Аммо янгиликларга бошқачасига асир бўладиганлар ҳам бўлади ва улар ҳамма замонларда учрагандай, бизда ҳам топилди – бундайларга ўзбекча гапириш, ўзбекча кийинишлар ҳам қолоқлик белгисидай туйила бошлади. Озчилик бўлса ҳам, ҳатто ота-оналарини ўрисча чақириб, она тилларини унтиши даражасига борганлар бўлди! Аммо генинг яшовчанилигини қарангки, обдан ҳаракат қилинган ҳолатда ҳам ўзбекдан ҳақиқий рус ясаб бўлмади! Ўз қавмига ўхшашдан воз кечган бундай инсонлар ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга учраши аниқ.

Кишининг ёшига ёш қўшилган сари, чиқиб олган ҳамма чўққингдан тушиб, аслингга қайтгинг, яъни отабобонгнинг тутумини тутгинг, кенг уйларда, миллий кўйлакларда юргинг, қадимий куй-қўшиқларни эриб-эриб эшитгинг келиб қолар экан. Бу ўша – қонингдаги уйғоқ ген чақириқлариdir!

Хуроса шуки, фарзандларининг ўзига ўзлигини таниттира олган, уларни асрлардан бери ўлмай келаётган, демак, йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлмаган миллий қўникум, урфу одат ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаган аёл ҳам энг замонавий аёлдир!

\* \* \*

Гоҳо ўз аёллигимнинг ёқасидан тутаман-да, ўзимни ўзим суд қиласман. ... Яқинда Самарқандни қайта зиёрат қилдим. Ҳазрат Имом Бухорий, Амир Темур бобомиз, Улуғбек Султон, Хожа Аҳрори Валий, Маҳдум Аъзам-

ларнинг пойида сел бўлиб ўтирдим. Улуғбек расадхонасига кириб ўтиргач... бўғзимга бир фарёд келдики! Ўзимни тутолмай қолдим. Бу фахр йифиси, ҳайрат йифиси эди! Бу қарздорлик, бу бурч йифиси эди! Бир томирдан шунча улуғ унса, қандай томир, қандайин насл экан менинг аслим-а, дейман! Шундай зотларни берган изларни босиб турибман, ўша шажаранинг давомиман, деб турибман. Аммо қаерим уларга ўхшади ю қай ишим уларга ярашиқлик деган андиша ёқамдан олади. Бу улуғлар изига арzon қадамларни солиб қўйдим. Туққан болаларим қай баҳоли бўлди... каби изтироблар ичра қолдим. Миллат озод бўлди, миллатнинг қўлидан, дилидан киshan тушди. Энди ухлоқ томиримизни уйғотгин, Аллоҳ, дейман! Тафаккуrimизни қўзғатгин, вужудларда ўзлик ҳужайраларини бодроқдай очилтириб юбор! Миллат боласининг бармоғини авж пардага сур, деган илтижолар тўкилади дилимдан. Ва худодан тилайманки, йигирма биринчи аср миллат аёлларини аслига қайтарувчи, аслидан-да ўздирувчи аср бўлсин!

Ўзбек ойим, мен уддаламаган ишни сиз қилинг, менинг бўйимдан сизники баланд бўлсин, овозингиз адл бўлсин, ўтинаман сиздан, XXI асрда ҳеч йўқ битта Улуғбек туғиб беринг! Ҳеч йўқ битта Беруний, битта Навоий, яна битта Тўмарис туғиб беринг! Бу тупроқлар уриб қўймасин бизни! Бу улуғларнинг руҳи суд қилмасин бизни. Ўзингизга айланинг энди, ўзбек ойимлар!

## ҲАЗРАТИ ЭРКАК



Ўғил фарзанд ота-она учун ушалган орзу, юрак бутунлигидир. Қолаверса, жон күшандаси ҳам, мол күшандаси ҳам ўғли бор уйдан ҳайиқади.

Ўғил кўрмадим деб, ширин рўзғоридан ажралиб кетганлар бор. Бу армонларни ичларига ютиб, умр бўйи юраклари йиғлаб юрганлар қанча! Аммо ноқобил ўғилларнинг дастидан пушаймон билан ўгаётганлар, улар туфайли хонавайрон бўлган тақдирлар қанча! Нафсилаамрини айтганда, бугунги йигитлардан кўнглимиз андак тўлмайди.

Ўғли борларнинг кўнглида бир таскин бор – энди мени beminnat кўмадиганим бор, дейдилар. Дарвоқе, киши кексайганда гўдаксифат бўлиб, кимгадир суюниб қоларкан. Ўғли йўқлар эса ўзларини гўё етим қаригандай ҳис этарканлар. Бир қиз ўнта ўғилнинг муруватини кўрсатса ҳам, ўғлим йўқ деб, ота-онанинг кўнгли суст кетаверади...

Ота-онамнинг менгача ва мендан кейин туғилган олти фарзанди оламдан ўтган. Отамнинг эллик саккиз ва олтмиш ёшида, онамнинг қирқ уч ва қирқ беш ёшида Аллоҳ икки ўғил берган ва минг шукрки, улар тирик қолдилар. Укаларим вояга етиб уйланадиган бўлганда отам саксон, онам етмишга етиб қолди. Бош фарзанд бўлганим учун ҳам уларни уйлаб-жойлаш менинг бурчим эди. Бу мен учун ҳаргиз малолли эмас, аксинча чексиз фараҳли ва ширин бир ташвиш эди. Ота-онамни хурсанд қилиш-

нинг, фарзанди сифатида бўй кўрсатишнинг ягона йўли шу бўлиб туюларди.

Биринчи укамда-ку, тўйига атаб нима топсам, доналаб ташиб ойимнинг сандигига йиғавердим. Иккинчисига келганда кўнглимга худбинлик тушди – қилган ишларимни яхлит кўрсатгим келиб қолди, йиққан нарсаларимни тўйга яқин қолгандагина, учта катта тугунга жойлаб олиб бордим. Отам билан онамни ўтқазиб олиб, ички бир фахр билан, сеп-сидирғаларни номма-ном айтиб олдиларига ёйиб ташладим. Мен ўйладимки, ҳозир улар чексиз қувонадилар ва онам хурсандчиликдан йиғлай бошлайди, отам мамнун дуо қиласди... Йўқ, ундан бўлмади. Шу қадар серзавқ, шундай сўзамол онам... тиниб, тиниб қолди. Дадам деворга суянган кўйи, тиззасини қучоқлаганча, ўйчан қотди. Шу кундан бошлаб онамни гоҳ айвон қирғоғида, гоҳ жойнамоз устида бир нуқтага термулганча ўтириб қолганини кўриб қолардим. Авваллари биттагина рўмол совға қилсан ҳам, кўринганки қўшнига болам олиб келди деб мақтанадиган онам шунча нарса ҳақида ҳеч кимга лом-мим демади... Мен эса ўксиниб юрдим (гумроҳлик-да!), бир марта «раҳмат, болам» дейишмади-я, деб, ичим йиғлади... Водариф! Мана энди улфайган ёшим билан, юрак тўла армон тоши билан ҳув ўша тўйни изтироб билан эслайман. Ўз ҳовлисида тўй бўляпти-ю, дадам қовушмайгина юрибди. Келган-кетгандарни четдангина кутиб-кузатиб турар, кўзларида эса ёзилиб кетмаган мунг...

Бу ҳолатни беихтиёр укаларимнинг ёшлигидағи суннат тўйига қиёслайман. Дадамнинг ишлаб, пул топиб юрган маҳали эди. Ўшанда дадам ҳовлимизда ўқтам юрар, амри фармон билан дастёларни турли юмушларга ундан, бош-қошлиқ қиласди.

Манов туриш-чи? Э-воҳ, дадажоним-а! Мозорларга чироқ ёқиб, гирён бўлиб ўғил топсаму, аммо жарақлатиб пул санаб тўйни ўзим қилолмасам-а, деб сингингизми ўшанда?! Ё нега бош фарзандим ўғил бўл-

мади, тиланиб етган тўйимни куёвнинг қўлига қа-  
ратдимми, деб тиниб қолдингизми, дадажоним-а!

Кейинчалик ҳам қанчалик муруват қилмайин, дадам  
мамнун бўлишга бўларди-ю, барибир, чараклаб очилиб  
кетмасди. Ота-онамни укаларим улфайиб, уни-буни  
кўтариб келадиган бўлганда кўринг энди! Ҳар гал  
«Э, баракалла, ўғлим» деганда, дадамнинг юзидаги ҳамма  
ажинлари ёзилиб кетгандай бўларди...

Шундай гаплар, йигитларжон, сизнинг ўрнингизни  
ҳеч ким босолмайди. Ота-она учун ўғилдан кўрилган  
роҳат ҳақиқий роҳат, қолгани миннатлидай туйи-  
лаверади... Ўнта бўлса ўрни бошқа, дейди халқ. Акаларим  
ё укаларим қарайпти, деб ғофил бўлманг. Улар ўша  
келмаган боласига умидвор бўлаверадилар. Ўн ўғлон  
бир нонвойдан биттадан нон олиб келтирса, билингки,  
ота-онангиз бу нонлардан ўн хил маза туйиб ейдилар.

Ўғлоним, ўғилни ўтиб кетсам уйимни чироғи  
ўчмайди, деб ҳам тилайдилар. Падарингиз уйи авло-  
дингизнинг руҳлари-ю, тириклари тўпланадиган жой.  
Имконингиз етганича у ерни обод қилишга интилинг.  
Жами дунёнгизни сотсангиз ҳам, уни сотманг, йўқот-  
манг. Ёки мерос илинжида у ерни жанжалхонага ай-  
лантирганг. Ота-онамизни тириклигида баъзиларимиз  
куйдирганимиз етади, уларнинг руҳини ҳам чирқи-  
ратиб қўймайлик.

Улар руҳини шод этишни жуда истасангиз, мол-  
қўй сўйишнинг ўрнига улардан қолган амаки-тоға,  
амма-холаларни йўқланг, дўсту қадрдонларини, улар  
ёқтирган кишиларни зиёрат қилинг. Ота-онангиз  
ўтгандан кейин, ўзингизни синамоқ учун ҳам, уларни  
танийдиганлар билан бир суҳбатлашиб кўринг –  
тамоман янгиланасиз, юрагингиз сув ичгандай бўлади...

Авлодингиз номи «фалончизода» дея аталиб, эр-  
какнинг исми-шарифи билан барқарор бўлиб қолади.  
Шу боис, авлодингизнинг яхши ном олиши сиз, эр-  
какларнинг фазилатларингиз ва ориятингизга боғ-  
лиқдир.

Борди-ю, бобонгиз ёки отангиз эл назаридан қоладиган бирор иш қилган бўлса, агар улар содир этган хатоларни сиз тақрорламасангиз, муборак бўлсинким, сиздан бошлаб, авлодингиз покланади.

## СИЗ КУЁВ БЎЛДИНГИЗ

Тўйингиз бўлди. Елкангизга қўйилган бу юк рўзгордир. Бу юз ор ва юз кор демакдир. Бир томонга қарасангиз – севикли жуфт. Бир томонда сизни умрларидан узиб ясаган ота-онангиз. Бир ёқда жигарбандалар. Сиз учун уйлар қурилди, пуллар сарфланди. Ота-онангиз сиз туфайли келинли бўлдилар. Улар учун сиз шу бугундан бошлаб «катта» бўлиб қолдингиз. Бу «катта» бўлишингизни туғилган кунингиздан то тўйингизгача кутдилар. Уларнинг сизга аталган дуоларини китоб қилса бўлади. Ул дуолар ота-онангиз наздида тўйингиздан бошлабоқ ижобат бўладиганга ўхшайверади. Атрофдагилар сизни жиддий кузата бошлайдилар, ҳар бир ҳаракатингизни тарозуга соладилар. Бироқ, сиз ҳамиша ҳам зийрак эмассиз: «Ота-онамнинг кечаги боласиман-да, улар менинг ҳамма феълимни қўтараверишади», дейсиз. Тўйгача қандай бўлсангиз, тўйдан сўнг ҳам ана шундай тута берасиз ўзингизни – дарз кетиш шундан бошланади.

Ота-она уйланиб, «улғайиб» қолган боласидан катталардан кутадиган вафони кутади. Салгина гапингиз оғир ботиб, салгина ишингиздан ранжийдиган бўлиб қолади. Бунинг устига, сиздаги жами салбий жиҳатларни (аввалдан шундай бўлсангиз ҳам) келиндан кўра бошлайдилар. Қарабсизки, бегуноҳ келин ҳам хунук кўринади. Бу сатрларни ўқиб, сиз ёмон ота-оналар ҳақида ёзибсиз, дейишингиз мумкин. Йўқ, асло. Ўғилқизи турмуш қурган ота-оналарнинг ҳаммаси шу тарзда нозик тортиб қолади. Бу табиий ҳолдир! Яна қизифи шуки, келинни ўз қизидай авайлаган энг яхши қайнона ҳам кўнглининг бир чеккасида уни имтиҳон қилиб

туради. Агар ота-онангиз орзу қилғандай, бирданига яхши томонга ўзгара бошласангиз, ҳаргиз, бу ҳолатта келиннинг ҳам таъсири бўлгандир, демайдилар. Фақат ўзингиздан мамнун бўлишаверади. Буни ҳам уларнинг фарзандга бўлган муҳаббати, деб уқмоқ жоиздир.

Ўғлоним, кўксимида уриб турган юрак учун, бу ёруғ дунёни қўриб турган қўзимиз, тутиб турган қўлимиз ва босиб бораётган оёқларимиз учун ота-онамиз қошида қарздормиз. Тақдиримиз учун уларнинг қўшган ҳиссалари эса бебаҳодир. Ўзимизни-ю жуфтимизни қўйинг, бола-чақамиздан ҳам аввал ўшалар олдида бурчлидирмиз. Улар энг омонат, қўлдан кетиши яқин бўлган неъматларимиздир. Агар уларни рози қилишга улгурмас эканмиз, умримиз қўргуликлардан холи бўлмагай.

Тўғрисини айтганда, одам кексайган сари ё асаби бўшашибади, ё тили аччиғлашибади, ё соғлиғи чўқади. Бундай одамлардан ҳар доим ҳам рисоладагидай муюмала кутиб бўлмайди. Шундай ҳолда дўст-ёрон, қўни-қўшни ундан узоқлашиши мумкин. Фақат фарзандгина безмаслиги шарт! Мана шундай пайтда бизга сабр, уларга эса меҳр, эътибор фоят даркордир. Оилали бўлгач, айниқса, бу ҳақда кўпроқ ўйланг, ўғлоним ва ишонингким, сиз билан ота-онангиз орасида қандай иқлим бўлган бўлса, эртага сиз билан болангиз ўртасида ҳам шу такрор бўлғусидир.

Сиз шуни уddaлашга уринингки, ота-она сизга мослаб муюмала қилмасин, сиз уларга мослашинг. Мослашиш ёшларга осондир. Кексаларнинг шу туриши ҳаётнинг минг бир чифириғидан ўтган ҳолатидир.

Сиз ўзингизни шундай тутингки, болам бари эътиборини менга қаратаяпти, деб ишонсинлар. Сиз шундай кўринингки, боламиз болизнинг дилини оғритиб қўймайлик дея ўзларини қоидага солишга уриниб қолсинлар...

Сиз уларга шундай меҳрибон бўлинг, токи шундай қобил боламизнинг дилини оғритиб қўймайлик дея ўзларини қоидага солишга уриниб қолсинлар...

Инжиқ, бемор ота-онани күз устида ардоқлай билгап фарзанд ҳақиқий фарзандыр. Аллох, унинг ўзига ҳам шундай фарзанди солиҳлар ато қилгусидир.

## ЖИГАРЛИК ҚАРЗЛАРИ

Маълумки, ўғил бола кўчада катта бўлади. Учтатўртта ёки ундан ортиқ ўғилни кўчага чиқариш учун ота қодир феълли бўлиши керак. Отанинг оталик салобати бўлмас экан, бу ёфи чатоқ...

Отангиз бўштабиат бўлди дейлик, онангиз ундан ройиш. Хўш, энди беш ўғил беш томонга йўргалайверсинми? Ота-онадан кейин-чи? Ҳамма ўзига хўжайними?

Бундай ҳолатда хоҳладими, хоҳламайдими, бошқарувчилик катта ўғилда бўлади. Агар у ҳам аросат феълли бўлса, фарзандлар ичидан эслик, шудлик ва ориятлик биттаси ўртага чиқиши ва умрбод шу оиласинг маънавий бутунлиги учун жавобгарликни бўйнига олиши лозим. Фарзанди солиҳлик – шу.

Бошқарувчи фарзандга умр бўйи қийин бўлади. У бошқалардан хато қилмаслиги, назари тўқлиги, холислиги, жигарларига меҳрибонлиги билан ажralиб туриши керак. Унинг фидойилиги эса ҳеч қачон қайтимсиз қолмайди. Аллох унга у кутмаган томонлардан мурувват етказади. Энг буюги шуки, ўзининг фарзандлари бир-бирига куюмли бўлади.

Тамизли жигар холис туриб ака-укалар ўртасидаги оқибатни асрайди, орадаги гина-кудуратнинг олдини олади.

Ота-онадан кейин тўзиб кетиш ўзингиздан кейинги авлод занжирини узиш демақдир. Укамнинг болалари билан менинг болаларимнинг иноқ бўлишини истасам, ўзим укамга узлуксиз меҳрибончиликлар қилишим ва буни унинг ҳам, менинг ҳам болаларим кўриб туриши керак. Ўзимиздан кейингиларни ҳам кўзимиз тириклигида боғлаб қўймас эканмиз, зотсиз кимсага айланиб қолиш ҳеч гап эмас.

Йигитларжон, эсингизда бўлсин, эр йигит бўла туриб, ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўз жигарингиздан шикоят қилманг, гина қилманг. Акангиз ё укангизда гина қиласидиган ишнинг содир бўлганини ўзи сизнинг гуноҳингиздир.

Шуни ёдда тутинг, ота-она ўз жону жаҳонини ҳамма боласига баробар бўлиб беради. Қай биримизга тикан кирмасин, барчамизнинг жонимиз бир хилда оғрийди. Ота-онамизга чиндан меҳрибон бўлсан, аввало улардан тарқалган жигарларимизни авайламоқ керақдир. Ўз манфаати атрофида овора бўлмоқ жониворлар ишидир. Фақат қодир инсонгина бошқаларга ортинади. Дейлик, жигарим, яъни сиз туриб сиздан эмас, етти ёт бегоналардан меҳр-саҳоват кўрсам, бу – сиз учун уятли гуноҳ, мен учун бир умр армон эмасми?

Сингилга берилган озор онага берилган озор билан, ака-уқага ўтказилган ранж отага қилинган бевафолик билан тенгдир. Биз ҳеч қачон ака-укаларимизнинг қошимизга мустар бўлиб келишини кутмайлик. Улардан аввалроқ огоҳ бўлиб, зийраклик кўрсатайлик.

Яна айтай, сизнинг уйланишингиз оға-инилар орасига ҳам нозиклик солади. Ҳар бир ҳаракат ўлчамли бўлгани яхши. Асло аёлингиз олдида опа-ука, ака-сингилларга қаттиқ тегманг, мулзам бўлмасинлар. Келиннинг олдида уларнинг беобрў бўлиши кейинчалик кўнгил совишига олиб келади.

Нима яхшилик кўрсатган ё кўрсатаётган бўлсан, бир жондан бунёд бўлган жигаримиз учундир. Бу ҳимматларни уларга писандә қилмоқ, юзига солмоқ гуноҳи азимдир. Жигаримиз ҳатто ноқобил чиққан тақдирда ҳам, унинг ноқобиллигидан койинайлик, хафа бўлайлик, лекин «фалон вақтдаги фалон яхшилигимни билмадинг» демайлик, ҳаргиз демайлик. Алқисса, қилган ҳамма савобимизни ўзимиз ювиб юборамиз.

Ўғлоним, сиз оилали, катта одам бўлиб қолдингиз. Энди укаларнинг ҳамма муаммолари сизга ҳам масъулият юклайди. Уларга асқотишдан ташқари, оға-инилар

орасидаги муносабатни назорат қилиб турасиз. Керак бўлса, улар ўртасида кўприк бўлишга ҳам яраш керак.

Бу заҳматлар ҳеч қачон ҳавога учмагай. Сиз оғанингизга нима қилган бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам бир-бирларини худди шундай қадрлайдилар.

Бу – қайтимли дунёдир!

## ЖУФТИК МАСЬУЛИЯТИ

Эркак мағлубиятининг яна бир сабаби мавжуд. Бу «кучли» тоифанинг етмиш-саксон фоизи шу кўргиликка учрайди. Йигитларжон, келинг, ошкора гаплашайлик, яхшилаб бир эсланг ва таҳдил қилинг, акаукаларингиз, қўшнингиз ёинки дўстингизни, ҳаттоқи ота-онангизни ёмон кўришингиз қачондан бошланган? Тўқсон фоиз ўринда қулоғингизга илинган яхши-ёмон гаплар туфайли эмасми? Сизни совитадиган бу гапларни эрталабда, кечқурунда қулоғингизга қуйиб турган аёлингиз эмасми? Ҳа, худди шундай! Ахир сиз аёлингизнинг бир оз ёлғон гапириши ёки саёз ўйлаб қўйиши мумкинлигини, гоҳида тўғрини тескари тушунишини ҳам билиб турасиз. Аммо эшитганимни кузатиб, таҳдил қилиб кўрай демайсиз, кечирасиз-у, лақقا тушасиз. Бу сиз учун даҳшатли ютқазищир!

\* \* \*

Аёлнинг эркакдан устуворлиги шуки, эшитган нарсасига таҳдил билан ёндашади. Уни бир эътиқод қўйган нарсасидан айириш, совитиш қийин.

Аёллар воқеа-ҳодисаларга нисбатан келган тўхтамларида эркакларга қараганда событирлар. Сизга малол келмасин учун, далил билан гапирай: аёлингизнинг онасини йил-ўн икки ой ёмонланг, қариндош-урүфини минг айбини айтиб исботланг, сизни ёмон кўриб борса борадики, онасидан тонмайди, яширинча бўлса-да уларни йўқлашни қўймайди. Бирорта аёлнинг эри туфайли яқинларидан кечиб кетганини ҳеч кимса

эшитган эмас. Аммо хотинининг гапи билан онасидан меҳри совиган, ака-укасидан воз кечган эркаклар сон мингта!

Бу – эркак зотининг минг бир фазилатини ювиб кетадиган заифлигиdir. Оиладаги мувозанатни сақдаш учун сиздан от билан түя кетмасди, аёлингизга-ю, яқинларингизга икки хил муомала топа олсангиз бўлди эди. Сиздан яна бир ранжийдиган жой шуки, оиласвий муносабатларда мавжуд бўлган фарзандлик ва жигарликнинг нозик чегара чизиқларини топталишига йўл қўяяпсиз.

\* \* \*

Онангиз ёки ака-синглингизни қаттиқ ҳақоратлаб, сизни ранжитган аёлингиз қорнингиз оч пайтида оғзингизга ёқдан таомни тайёрлаб олдингизга қўйса, илжайиб тушираверасиз, гинангизни унутасиз. Аёлингиз яхши билади – бундан кейин ҳам яқинларингизни хоҳлаганча атаб чақиравериши мумкин, чунки битта ширин овқат билан сизнинг ғазабингизни даф қилса бўлади. Биродар, бу ҳолат фарзандлик ва қардошлиқ бурчингизга хиёнатдир. Шу ўринда яна сизга аёлни таққослайман: ўша ёмон кўрган қайнонангизни, дейлик, ўн йил деганда тушундингиз, унга мурувват қилдингиз, катта оқибатлар қилиб аёлингизни ҳам зарга ўрадингиз. Аммо танг қоладиган ҳолатни кўрасиз – аёлингиз кўзи тўла ёш билан миннатдорчилик билдиради. Аммо шу миннатдорчиликнинг ичидаги қулоғингизга аламли пицирлайди: «Ўн йил бурун онамни нималар дегансиз-а!» – деб. Қойилмисиз, бу билан у «онамнинг дилини оғритадиган бўлсанг, бошимдан тўккан зарларинг бекор», деган ишорани бермоқда. Сиз бу ёғига муомалани эҳтиёткорлик билан қиладиган бўласиз. Аммо ўзингиз аёлингизга: «Нима учун яқинларимни ундаи ҳақоратладинг, бор овқатингни ўзинг е», – дея олмадингиз. Агар бир марта важоҳат билан шундай норозилик билдирганингизда аёлингиз ўрмалаб чиқиб елкангизга ўтирмас эди...

\* \* \*

Ўғлоним, умрингизнинг охиригача сиздан асло нари кетмай, фақат сизнинг парвонангиз бўлиб яшайдиган – аёлингиздир. Аёлсиз ҳаёт – дўзах, уй – уй эмасдир. Сиз минг бой бўлинг, минг олиму машҳур бўлинг, аёлингиз бўлмаса, ғарибдирсиз. Яна қайтариб айтаманки, эркак зотини Аллоҳ мард яратган, аммо мўрт яратган. Шу мўртлигингиз боис сизга бизнинг тоифани қўшиб яратган. Аёл сизни синишдан асрайди. Аёл ўз файзи билан рўзғорнинг ҳамма жабҳасини нурлантириб турсагина, эрлар мард бўладилар, чўнг бўладилар. Аввало, жуфт танлагандага ақлу закоси, наслу насабига эътибор бермоқ зарур. Қуш уясида кўрганини қиласди. Қолаверса, келиннинг ёшлик ва тажрибасизлик қилиб йўл қўядиган хатоларини тузашибининг бир чеккаси ҳам эркакнинг зиммасига тушади. Рўзғорнинг биринчи кунидан бошлаб, сабру тоқат билан, гоҳ ҳазил, гоҳ ҳазинлик билан аёлингизда сезилган қусурларни йўқотмоққа тутиниш керак. Дунёда қанча одам бўлса, феъли ҳам турфа хилдир. Ҳар қандай жуфт бир-бирига мащаққат билан мослашади. Айримлари буни вазминлик билан ўтказадилар. Ўзини бошқара билмаганлар уйлари уй бўлгунча бир неча бор ўт чиқариб, атрофни ўзига қаратадилар. Бир рўзғорнинг йўлга тушиши учун у ёқ-бу ёғи ўн йил керак. Шу муддатни тамизли ўтказган эру аёлнинг эртаси порлоқдир.

\* \* \*

Ўз аёлининг соғлигини асраган эркак тадбиркор кишидир. Чунки, аёл қанчалик асралса, ўшанчалик ихлос билан жуфтига хизмат қиласди. Аёлнинг асаби, кайфияти тинч бўлса, болалар чараклаб, эр ярақлаб юради. Оиланинг ҳақиқий баҳти шудир, ўғлоним! Оила тарбиясини уddyалаган, ўз умрини азиз биладиган одам аёли билан тил топишади. Рўзғорнинг бу муш-

кулотига чидолмай ичкиликка берилсангиз, жигару ошқозондан ажрайсиз, чекишга берилсангиз, ўпкангиз ишдан чиқади – энг ёмони, фарзандларингиз яроқсиз туғиладилар. Қиморга аралашсангиз, болаларингизнинг ризқини күчада мусодара қилган бўласиз. Эри ичадиган, чекадиган, қимор ўйнайдиган аёл энг баҳтсиз аёлдир. Бундай отага фарзаңд бўлган болалар дунёда энг ўқсиқдир.

\* \* \*

Етимлик – ярим ғариблик. Отаси бўлса-ю, ичувчи, қимор ўйновчи бўлса, ўша болалар ҳақиқий бебаҳт ва ғарибдирлар. Вафосиз, қатъиятсиз эркак бутун авлодни айнитади.

Ўғлоним, дилозорлиқнинг яна икки тури бордир: тилнинг ва қўлнинг касри. Тилингизни ёмон сўздан тийинг – бир марта айниган тил яна айнийверади. Қўлингизни биринчи шапалоқдан тийинг – бир бор юурган қўл югураверади.

Илоҳо, ҳар бирингиз буюк Шарқнинг ориятли, ҳамиятли, юксак оиласи маданиятга эга бўлган, шарпаси кўчага чиқмайдиган, номуси қаттиқ йигитлардан бўлингиз.

\* \* \*

Ўғлоним, энди қулоғингизни тутинг. Келинларга эшилтирмай, айрим маҳфий гапларни айтиб қўяй: биласизми, қандай қилиб энг зўр оила тутадиган рўзфорбоши бўлиш мумкин? Аввало, чимилдиқдаёқ, келинчагингизга:

– Мен ота-онам, жигарбандаларимнинг, дарвозамиздан кириб келиши мумкин бўлган яқинларимнинг қандай эканлигини ўзим яхши биламан. Улар ҳақида бирор марта ёмонлаш оҳангига гапирсангиз, сиздан рози эмасман. Қўлингиздан келса, менинг ёмонларимни яхши қилиб беринг, шундай бўлингки, мен сиз туфайли ҳеч кимни ёмон кўриб қолмай, – деб олинг.

— Мағрур бўлинг — хафа бўлишни билмайдиган, орияти суст эрларни аёллар сўймайдилар.

— Аёлингизнинг кўнглига қаранг, аммо у нима деса, «хўп» дейишга дарҳол шошилманг. У сизнинг кўниш ёки кўнмаслигингизни хавотир билан кутсин. Хоҳишини бажаришга ҳамиша тайёр эканлигингизни билган куни аёлингиз учун сизнинг қадрингиз ўлади.

— Аёлингиз билан орада гап қочиб турган бўлса ҳам, унинг учун азиз бўлган сана ва воқеаларни унутманг, ҳеч йўқ деганда битта тароқ ҳадя этинг, унга ҳам имконингиз бўлмаса, гулзордан бир дона чечак узиб, қутлаб қўйинг: жуфтининг совғаси аёл учун осмондаги ой билан тенг.

— Онам раҳматли айтардилар: эркакнинг бети иккита бўлиши керак деб. Аёлига бошқа, бошқаларга бошиқа. Шу гап сизниг ёдингизда бўлсин.

— Рўзборнинг бошидан бошлаб, сиз аччиқланиб турганингизда, аёлингизни сиз билан баробар даҳанаки жаңг қилишига йўл қўйманг.

— Рўзборда эркак қўли билан битадиган ишларни ўзингиз бажаришга ҳаракат қилинг. Арзимаган юмуш олдида ожизларча мўлтираб, кўчадан одам ёллаб ишлатадиган эрларнинг аёллари афсус билан ўтадилар ва зимдан ўзгаларнинг яхши эрларини ҳавас билан кузатадилар.

— Инсоннинг нозик бир жиҳати бор: интилган, орзу қилган довонига етишган заҳоти унга бўлган қизиқиши камаяди, яна янги довонлар сари бўйлагиси келади. Эсингизда бўлсинки, ҳеч қачон аёлингизга кўнглингизни тугал очманг. У сиз учун жон қадар суюмли бўлса ҳам, изҳорни тилингизга чиқарманг. Мен жуфтимга ёқаманми, йўқми деган гумон аёлни ҳамиша безовта қилиб турсин. Ана ўшандা у фақат сизга ёқишига ҳаракат қиласди...

Рўзборингиз, илоҳо, тафтли, шарофатли бўлсин, ўғлоним!

## СИЗ УЙНИНГ РАҲБАРИСИЗ ...

Аёл эркақдан ўзини пастда тутмоғи лозим, дея ўргатади ислом одоби. Мен эр кишиман, ҳурмат қилишга мажбурсан, деб кўкрагига уради эркакнинг ўзи. Биз Шарқмиз — эрларни ҳурмат қилиш биз учун фарз дея ниқтаб гапирувчилардан бири — мен.

Хўш, эркак нима учун бу қадар ҳурматли? Уларга Аллоҳ буюрган қандай юмушлар бор?

Шарқда аёлларни қизғангандари учун эмас, аяганлари туфайли кўча юмушларидан озод қилишган. Минг эгилиб, минг букилишни талаб қиласидиган рўзғор ишлари аёл учун етарли заҳмат эканлигини, улар бажарган ишларни эркаклар асло уddyалай олмаслигини тан олиб, баҳосини берган авлодларимиз аёлларга ғоят марҳаматли бўлганлар. Оилани боқиш, унинг муҳофазаси, иморат солиш, дехқончилик қилиш, ўтин ёриш, сув ташиш каби куч талаб қиласидиган ишларни эр кишининг мажбурияти деб билганлар. Аллоҳим минг йил аввал эркак билан аёлнинг куч-қувватини қай ўлчовда яратган бўлса, ҳозир ҳам шундай — эркаклар кичрайиб, аёллар йириклишиб кетгани йўқ. Аммо бир фожиа юз берди: аёллар зиммасидаги юклари ортгандан ортиб, эрлар оқбилак бўлиб қолдилар. Бунинг устига ойнаи жаҳонда ҳам, радиода ҳам, газета-ю журналда, тарбия масканларида нишон битта — аёл шўрлик! «Қизларни оилага тайёрлаш керак. Она бундоқ бўлиши керак, келин ундоқ...», «Шоира опа, маҳалланинг аёлларини бир йиғиб берай, қишлоғимизнинг аёлларини бир тўплаб берай, таъзирини бериб қўйинг!» деяверадилар. Исломни таниган айрим кишиларимиз бугунги аёллар кўнгилдагидай эмаслигини тинмай писанда қиласидилар.

Хўп, бугунги эркаклар қандай? Оилада аёл билан эркак орасидаги мувозанатнинг бузилишида, аёлларда аёлларга хос бўлмаган унсурларнинг пайдо бўлишида асосий сабаб эркаклардаги манфий ўзгаришлар эмасми?

Агар миллий тарбияни эркаклардан бошламас эканмиз, уларни ҳақиқий шарқона қиёфага қайтаришга шошилмас эканмиз, аросат феълли бўлиб қолаверамиз.

Келинг, оилаларга кириб бугунги йигитларни яқинроқдан қўрайлик.

Йигитларнинг биринчи ютқазиши замоннинг зайли билан, уларнинг «бир йигитта қирқ ҳунар оз» ибратидан йироқ бўлиб қолишилари дир. Ёки «мен меҳнатда эзилиб катта бўлдим, у заҳматни болам кўрмасин», қабилидаги хатоларимиз ўғлонларимизни оқбилак қилиб қўйди. Боримизни сарфлаб, болаларни бўйи баланд ўқишлиларда ўқитдик. Биргина касбга суюниб қолсангиз ҳам чатоқ экан, бу дунё – чархпалак, гоҳ у косага сув қуяди, гоҳ бу косага. Ишингизда синиш бўлди. Бола-чақа қўлингизга қараб турибди. Сиз суюнган тераклар қуриб битган, бошингиздан офтоб уриб, bemадад қолдингиз. Мардикорлик сизга уят, савдога уқувингиз йўқ. Ота-онангиз ҳам, ўзингиз ҳам ҳунарни писанд этмагансиз бир пайтлар. Қарабсизки, ўқишдан ташқари йигит кишига бир ҳунар шарт. Ҳунарманд киши ҳеч қачон оч қолмаган.

Кузатиб юраман. Маҳалламиизда бир оила бор, ҳамиша бирдай тўкин, ҳамиша ишлари тамизли. Эркаги тажрибали шифокор. Бир этак боласи бор, аёли ишламайди. Мана неча йилдирки, кечалари ҳам уларницида тўқиллаган товуш эшитилиб туради – косибчилик билан шуғулланишади. Давлатнинг ишини ҳам қўйишмайди. У одам кексалик нафақасига чиқди, ўйладим – энди бир оз тортилиб қолишса керак деб. Йўқ, ўшандай тўқис ва текис яшамоқдалар. Энди ўғиллари отасининг ёнига киришган: кўчада зиёли, уйда ҳунарманд.

Бир йигит билан мактабда бирга ишлаганман. Физикадан кучли муаллим эди, уйида суқингиз кирадиган бешиклар ясарди. Шу ҳунарнинг орқасидан кўшқдай иморатлар қурди. Катта укам математика соҳасида олим (унга қатнаб сабоқ олган ўнлаб ёшлар собиқ СССРнинг энг йирик техника институтларида

ўқишига эришдилар). Шунинг билан бир пайтда у ўзи яшайдиган маҳалла-кўйнинг қўлбола устаси ҳамдир. Кимдир электр асбобини тузаттиргани олиб чиқади, кимдир айвонимнинг полини қоқиб беринг, деб чорлайди, кимдир уйига жавон қилдиради. Қодир кишилар ҳақ берса олади, имкони йўқларга эҳсон тарзида ёрдамлашади. Муҳими – у энг керакли одам. Ҳамиша йифинларнинг тўрида, кўчага чиқса, бўйи баландлар ҳам эгилиб салом беради.

Кичик укам – иқтисодчи. Нуфузли идорада ишлайди. Аммо шанба-яқшанба кунлари лип этиб йўқолиб қолади. Ҳа, десангиз, «фалончининг зинасини қуриб бердим, фалон жойда печка қурдим», дейди. Ҳеч бўлмаса, бир қоп ун ишлаб келади уйга...

Оила сизнинг тўқис савлатингизга эмас, қўлингизга қарайди. Ёшингиз қирқда бўлса ҳам қўшимча ҳунар ўрганинг, биродар. Пешона тери билан тебратилган рўзғор энг хотиржамдир, хосиятлидир. Бировнинг дўпписини бировга кийдириб, ундан ундирганини бунисига пора қилиб узатиб, жарақ-жарақ пул топгандарнинг ҳолини қўринг: Аллоҳ уларнинг тўйларини ҳам татиттирмайди...

Нафақат пул топиш учун, балки ҳақиқий эркакнинг вазифасини бажариш учун ҳам йигитнинг ўнта баромфи ўнта ишни билиши шарт. Дейлик, қўшнингиз уйини ўзи оқлади, ўзи ер чопиқ қиласи, ҳали қозонга қопқоқ ясаётган, ҳали томга ўтин тахлаётган бўлади...

Атрофдагиларни миннатдор қилган одамгина ҳурматга сазовордир. Одамнинг мукаммалий йўқ, анчамунча хато, адашишларни кечириб юбориш мумкин. Фақат сизда ўзингиздан хижолатлик сезилса, қоқилишларнинг мукаммалликка эришиш йўлидаги табиий ҳолатлар тарзида намоён бўлса, кўзимиз устига. Аммо онгли ва беписанд тарзда гуноҳлар содир этаверсангиз, номим эркакми, тамом, елканг товонимнинг тагида туриши керак деб, калондиморлик қиласидиган бўлсангиз, Аллоҳ бизни кечирсину: онангиздан туғилмасангиз ҳам

майли. Бундай қараганда, энди сиз ойнаи жаҳон қаршиисида узала тушиб ётаверсангизу аёлингиз нариги маҳалладан сув ташиса, уйда дараҳтлар капалаб, гулзорлар ичи ўт босиб ётса, ҳовли ўнқир-чүнқир, ошхонангизнинг томидан чакка ўтган, қўрада қўйлар белидан ботиб ётса, сиз чойхонада тинмай гап сотиб, ош еб, ароқ ичиб ўтираверсангиз ёки қизу келинларнинг олдида оғзингиздан боди кириб, шоди чиқаверса, ёки Набигул читтақдай у ерда бир ой, бу ерда бир ой ишлаб, тўрт тангангизнинг тайини бўлмаса, аёлингиз болаларига қўшиб сизни ҳам боқаётган бўлса, айтинг-чи, энди сизнинг отингиз ким?

Шарқда оила юкини филдай тортгани, ҳар балога қалқон бўлгани учун эркакларни юқори баҳолаб келинган. Сиз худбин, оилавий баҳт нималигини билмайдиган, «бола-чақа бўлса бор, уйимда гаҳ десам қўлимга қўнишади, қўчада эса бойваччаман», деб юрадиган маънавияти камбағал экансиз — бўлганингизча бўлаверинг, сизга ачиниш йўқ! Аммо чаёндан чаён қўпаяди, илондан илон — сизнинг хонадонингиздан бутун одам чиқмайди, шуниси даҳшат! Қизингизни яхши одамлар олмайди, ўғлингизга тушган қизнинг баҳти кемтик. Аёллари бошини ҳам қилиб чиқадиган оиласалар бор экан, жамият соғлом бўлолмайди.

Биродар, ўз миллий ахлоқ меъёrlарини феълида жам қилган одам ҳақиқий маданиятилдири. Пул топиб, мол топиб, овруполикларга тақлид қилишни етуклик ҳисоблаб, миллийликни қолоқлик деб, миллатдошларига беписанд бўлганлар ҳам топилади.

Масалан, аёлу эркакнинг ўғил-қизлари билан бирга спиртли ичимликлар ичиб ўтириши, фарзандларнинг ота-онага бемалол гап қайтариши, ота-она ўтирган жойда оёқ узатиш ёки узала тушиб ётиш бизнинг феълимиз эмас.

Кайф ақлни ўғирлаб, киши инсонийлик қобигидан чиқади. Айниқса аёлнинг, гарчи фақат аёллар даврасида бўлса-да, қўлига спиртли ичимлик олиши ўша

аёлнинг ва унинг жуфти ёки ака-укаси бўлмиш эркакнинг иймони сустлигидир!

Уйда аёлнинг устувор туришига елкасини қисибгина кўнган, ўғил-қизларига сўзини (ўринли сўзини, албатта!) ўтказолмаган эркак ҳам бизни эмасдир! Бозор ишлари, умуман, оиласа тегишли кўча юмушлари аёл зиммасида бўлиши шу хонадон эркагининг ғоят билимсизлиги ва иймонининг сустлигидир.

Турмуш қуриш борасида ҳам ўзимизга хос миллий анъаналаримиз бор. Жуфт танлаш ҳуқуқининг ўғил-қизнинг ўзига бериб қўйилиши ёинки фарзанднинг кунлардан бир кун мен фалончи билан турмуш қурмоқчиман, деб эълон қилиши ва бунинг оиласа оғриқсиз қабул қилиниши бизнинг миллий одатларимизга хос эмас.

Миллий феълимиизда *ОРИЯТ* ҳар қандай манфаатдан юқори туради. Кейинги ўттиз-қирқ йил шу муқаддас орият хор бўлмоқда. Аёlinи қалқон қилиб иш битирувчилар учрай бошлади, «сен пишиқ иш қиласан» деб, ўзини аёлидан кўра ночорлигини тан олиб, бозор ва турли-туман идораларда битадиган ишларга хотинларини юбориб, ўзи уй пойлаб қоладиган эркакларнинг борлиги ўзбек йигити ва миллати учун доғдир.

Ота-она сифатида ўғил тарбиялашдаги хатоларимиз бизни мустар ҳолатга олиб келди: йигитларимизнинг учдан бири жисмонан бақувват эмаслар. Жисмоний иш кам бўладиган хонадон ўғил болалари, албатта, спортнинг бирор турига қатнашиши керак.

Биз, аёллар, сабру қаноатда, меҳнат заҳматларига фиддай чидамлимиз. Рўзгор ҳурмати, фарзанд юзи деб ёнингизда бирга-бирга ўтиб бораверамиз. Биз сизга дostonлардаги қаҳрамонларга, чақмоққа-ю бўронга айланиб бер, деяёттанимиз йўқ, инсоний қоидада йигит қандай бурчларни бажариши керак бўлса, шунидай бўлишингизни тилаб турибмиз, холос. Иншооллоҳ, Шарқни шарқона йигитлар тиклайдилар, дуоларимиз ижобат бўлсин.

Сизга тоғларга суюнгандай суюниб яшайлик, йигитларжон!

## СИЗ ОТА БҮЛДИНГИЗ...

Сиз ота бўлдингиз. Назарингизда атроф бирданига ёришиб кетгандай бўлади. Юрсангиз бўйингиз ба-ландашиб қолгандай, оёқларингиз ҳам ерга тегмаёт-гандай туюлади. Гўё шу биргина болангиз билан дунё тўлиб қолди, ҳамма каму қўстингиз битгандай бўлди. Юрагингизни таг-тагидан бутун жисмингизга бир ширин яйраш таралади. Қўлингиздаги бир парча эт сизнинг такрорингиздир. Битта эдингиз иккита бўлдингиз. У улфайиб ўзидан кўпайса, учта бўласиз, тўртта бўласиз... Қарабсизки, иншооллоҳ, сизнинг номингиз билан аталадиган авлодингиз карвони пайдо бўлди. Бу бекиёс бахтнинг бошланиши. Муборак бўлсин, ўғлоним!

Уйингизда фарзанд отлиқ ширин «душман» пайдо бўлди. Юрагингизнинг ўртасига бир ип боғланди-ю, иккинчи учи болангизга уланди. Кўксингизнинг шу қисми энди ҳеч ухламайди. Қаерда бўлсангиз ҳам, шу ширин оғриқ сизни уй томон тортаверади, тортаверади. Бу ип энди умрингизнинг охиригача жонингизни қўйиб юбормайди. Ўғлоним, шундай онда бир дам ўзингизга келинг: сиз туғилганда ота-онангиз ҳам шундай қўйга тушганини тасаввур қилинг. Уларнинг бағридаги ўша оғриқ, сиз эканлигингиз ва шу кунгача ҳам улар бу дардан озурда эканлигини ҳис этинг ва аввало, қалбан уларга таъзим этиб, сўнггина болангизга юзланинг.

Болангизнинг ширин тили ва ширин ҳаракатларидан симобдай эриган пайтларингизда, у бемор чоғлари ҳали у, ҳали бу нажотнинг кетидан сарсон бўлган кезларингизда ота-онангиз ҳам сиз туфайли худди шу ҳолга тушганини ёдлаб юринг ва уларнинг остонасига бош уриб, узларингизни айтишга шошилинг.

...Дадам раҳматли марҳум синглим Зумрадхон ҳақидаги бир воқеани такрор-такрор эсларди. Синглим тўрт ёшда (шу воқеадан кейин кўп ўтмай вафот этган), мен етти яшар эканман. «Бир куни сенга пўстинча олиб келдим. Укангга йўқ эди (Дадам ҳар сафар шу

жойни айтаётганда лаблари титрар, укангга қўшиб олгани пулим етмаганди, дея олмай азобланадигани кўриниб туради). «Буни опангга олиб келдим», дедим унинг кўзига қарамай. У пўстинчани кўриб, чапак чалиб, чунон суюнди. «Вой, дада, мунча чиройли, опамга олиб келдингизми, ҳозир топаман, ҳозир айтиб кела-ман, опа, опажо-он», деганча югурга кетди».

Дадам ҳар сафар ҳикоя қилиб туриб йиғлаб юбо-рар, «Менга қани» демади-я ўшанда, воҳ болам-а, воҳ болам-а», – деб тиззасига шап-шап уради.

Сиз ҳам ота бўлдингиз, гоҳо болангизни кўнглингиздагидай кийдиролмай, кўнглингиздагидай еди-ролмай, ичу бағрингиз зил кетган пайтларда болаларингизни ўшандай пасту баланд йўлларини ва ота-онангизнинг сиз дея неча озиб, неча тўзганини хотирлаб қўйинг.

Дунёда энг ёмон ғариблик боланг боласи билан овора бўлиб кетиб, бир чекқада эътиборсиз қолишингдир. Қадим ўзбаки феълимиизда ёнларида ота-оналари турганда, болаларини умуман эркалатмаганлар. Ўйлаб қарасам, бунинг остида катта фалсафа бор экан: қаранг, жонимизнинг бир парчаси боламизга ўтди, бу жоннинг оғриғи-алами битмай туриб, боламиз биз берган жондан узиб ўз боласига ўтказади. Айтинг-чи, бир азоби иккита бўлиб, яна бу азобларга тиланиб етиб, парчаланиб турган ота-онага орқа ўгирилиб, уларни унубиб, ҳадеб кеча тухумдан чиқсан болангизга гиргиттон бўлаверсангиз, одилликми, ўғлоним!

Фарзандингизни Аллоҳ яратди, аммо унинг неларга яраши сизга боғлиқдир. Қани, биродар, болангизни қандай одам бўлишини хоҳлар эдингиз? Илмли дейсиз, катта мартабали дейсиз ё пулдор бўлсин, дейсиз, шундайми? Фаришталар омин, деди дейлик ҳам. Юз саъй-ҳаракат билан, юз уриниб, юз букилиб, болангизни ўша маррага етказдингиз ҳам. Лекин, кўнглингиз энди ўсгандаги фожия юз беради. Болангизни топган топилдиқлари татимай, дунёси нурай бошлайди:

Гўдак жами яхши-ёмон, гўзал ва хунук нарсани дастлаб ота-онасида танийди. Энг қалтиси шуки, болалар дунёсида ота-оналар хато қилмайди, уларнинг ҳамма иши тўғри деган тўхтам михланиб қолган. Сиз эса аввал қандай бўлган бўлсангиз, фарзандлик бўлганингиздан кейин ҳам ўзингизни шундай тутаверасиз. Оталикка номуносиб қусурларим бордир-ов, дея хавотир олмайсиз! Тегрангиздаги молу давлатнинг, дастурхонингиздан таом еб турган мавсумий жўраларнинг даврасида ўзингизни шер сезасиз ва «болам менга ўхшаса, ёмон бўлибдими?» дея кўкрагингизга урасиз. Шу аснодан бошлаб фафлат босди, қулфат босди сизни! Орзу қилганингиздай, болангиз ўқимишли бўлди, аммо чекувчи зиёли бўлди. Бу чекиш ва ичишлар уни қирчиллама ёшида хароб қилди. Уни шу қўйга солган сизсиз. Чунки уни чекиб юриб боқдингиз. Андоза ўзингиз бўлдингиз.

Болангиз мартабали бўлди, дейлик... аммо элнинг назаридан қолди. Топаверди, аммо топгани тўкилиб кетаверди. Бунга ҳам сиз айбдор. Чунки сиз иш битириш учун кимларгадир хиёнат қилгансиз. Оқибатда бунинг заволи ўзингизни эмас, болангизни тутади. Қолаверса, болангиз сизда қандай тутум кўрган бўлса, ўз мансаб курсисини шундай бошқаради. Энди ўз навбатида болангизнинг заволи набирангизни тутади.

Баъзан ўн бешидаёқ айниб кетган болангиздан куйиб юрасиз. Урасиз, сўкасиз, муаллимларни айблайсиз, йўлдан оздиради, деб ўртоқларини қарғайсиз! У эса бу кўчадан қувсангиз, нариги кўчага ўтиб саёқлигини қилаверади. Нега шунаقا бу деб, дод соласиз! Ўзингизни босинг, дардингизни ютасиз энди! Қани айтинг-чи, ўзингиз кимсиз?! Қанча сирли қозонларни очилмайдиган қилиб ёпиб юрганингиз ўзингизгагина аён. Ўнг келса, гувоҳ йўқ жойда ҳозир ҳам гуноҳ қилишга тайёрсиз. Сиртингиздан шундай зиёли, шундай одобли кўринасизки, «Шундай одамнинг боласини қаранг-а», дея ачинадилар баъзан. Йўқ, биродар, ҳамма ишингизни Аллоҳ, кўриб боради

ва ҳеч нарсани қайтимсиз қолдирмайди. Олманинг тагига олма, беҳининг тагига беҳи тушади. Ота-она қонида яшириниб қолган баъзи айблар болада кўпчиб чиқади.

Ота бўлдингизми, дарҳол барча гуноҳларингизга тавба келтиринг. Шу фурсатдан бошлаб, ишингизда ҳам, емишингизда ҳам, демишингизда ҳам яхшилик, тўғрилик ва поклик бўлсин. Иншооллоҳ, болангиздан бошлаб, наслингиз тозариб кетади!

Яна бир гап. Аёлингиз жисму жонидан йўниб бола ясади. Жони ҳалак бўлиб ясаган боласини «фалончизода» деб сизнинг исмингиз билан атайди, бунинг устига, яна бу яримта жон билан болани боқиши, оёққа турғизиши ҳам керак. Ота бўлгач, сизга ҳар вақт ҳам ёқадими, йўқми қатъи назар, аёлингизни парвариш қилинг (айниқса, бола туғилгач бир йил). Бу пайтлар аёл учун энгchorасиз йиллардир. Она бўлгач ёки бўлиш олдида турган аёлнинг табиби ҳам, ҳабиби ҳам унинг жуфтидир. Бу муқаддас бурчингизни англамас экансиз, яна заволга учрайверасиз.

Мендан кейин ота-онамнинг фарзандлари турмай, онамнинг қирқ уч, қирқ беш ёшида кетма-кет икки ўғил кўришди. Ўша кезларни эслайман. Ўзимиз қўл учида яшаймиз. Мусофиричилик ҳар борада ўзини эслатиб туради. Аммо дадам қиши чилласига қарамай, ҳар куни қоронғи аzonда Тошкентнинг Кўкча бозоридан сут ва бир пиёла қаймоқ олиб келади. Онам кунда дадамнинг зўри билан сутли таом ерди. Сандалнинг устидан емак аrimасди. Дадам озгина-озгина бўлса ҳам қуруқ меваларнинг ҳамма туридан тинмай ташир эди. Ва ҳар гал «олинг енг, икки жон саломат бўлади», деяверарди. Ора кунда қўйнинг бир парчагина жигарини келтираси, «Турсунбиби билан мана буни икки бўлаккинадан қовуриб еб олинглар, вақтинглар чоғ бўлади», дерди. Укаларимнинг соғлом қоматларига қараб туриб, узоқларни кўрган доно дадам-ей, дейман юракларим сизиб.

Сиз ота бўлдингиз... ҳакка жонида болалари учун ёндоқ кўмиб ғамлайди. Олмахон-чи! Чумолининг заҳматини қаранг! Қалдирғочнинг, чумчуқнинг боласи учун парлар тушашини қаранг! Сиз эса ҳазрати Инсонсиз! Чумолининг олдида сизни дев деса бўлади. Хўш, ота бўлиш учун ўзингизни қандай тайёрладингиз? Бола-чақа боқишга ярайсизми? Аёлингизу болангиз сизни *НАЖОТ* деб биладилар – *НАЖОТ* бўлмоққа шаймисиз?

Сиз буюк Шарқ ўғлонисиз! Болани оёққа турғазиши, хунарли қилиш Отанинг бурчиидир. Бу ишларни аёлга юклаб қўйиш сиз учун *ХОИНИК* бўлсин!

Оёфингиз юриб, қўлингиз тутиб турган пайтда аёл пули билан қозон қайнатиш сиз учун *ОР* бўлсин!

Аёлингизнинг бозордан сабзи-пиёз ташиши сиз учун *НОМУС* бўлсин! Боланинг ризқидан қийиб қиморга бериш, ичиш, ноқобил йўлларга юриш сиз учун *ШАРМАНДАЛИК* бўлсин!

Сиз ОТА бўлдингиз, пок бўлсангиз, бутун авлодингиз тозадир, йўқса ота-буваларингизнинг нурли рухлари ҳамиша чирқираб ётади, ҳушёр тортинг, ўғлоним!

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ...

Бир жойда саксон ёшга бориб қолган одам ҳақида гап кетди. Маълум бўлишича, бу одам ёлғиз яшар, беш ўғли бор экану, лекин биронтаси ҳам унинг ҳолидан хабар олмас экан. Сўз олган одам борки, бу бевафо фарзандлардан ранжиб гапирдилар.

Отанинг ҳоли ғариблиги ўғилларининг эса бағритошлиги рост. Лекин шу ўринда кўнглимдан кечган гапни аччиқ бўлса ҳам айтай – мен шу мўйсафида юрак-юрагимдан ачинмадим. Бешта ўғилнинг ҳаммаси қачон ёмон бўлиб улгурди? Очиги, бағритошлик уларга ё наслдан ўтган, ё улар бағритошларни кўриб, андишасиз ҳаётни симириб катта бўлганлар, ё ҳарқалай бу уйда уларни ота безор, уй безор қилган, фақат ўзлари

билидиган нохуш вазият мавжуд. Залда мунозара кетяпти-ю, миямга бир фикр урилаверди. Нима учун ҳаёт бу кишига шу хилда тақдир берди? Бу ниманинг жавоби-ю, ниманинг акс-садоси? Ё ўзи ҳам ёшлигида отонаасига бемеҳр ўтганмикан? Болаларини ҳалоллик билан боқмадими ё?

...Мушук ҳам боласини боқади. Бу буюклик эмас, ҳақиқий ота-оналик бурчи **фарзандни меҳр ва ихлос** билан улғайтиришдир. Ота-она бўлгач, ибратли ҳалол йўлни тутмас эканмиз, эртанги кунимизда хатар бўлади. «Экканингни ўрасан», «Қилмиш-қидирмиш» деган халқ ҳикмати бежиз эмас. Дарҳақиқат, дилозор одамнинг фарзандлари вафодор бўлганини, бирорларнинг ҳақи ҳисобига бойиган кишининг уйида хотиржамлик бўлганини, айёр мансабпарамастларнинг узоқ вақт эл ҳурматига сазовор бўлганини ҳеч кўрмадим.

Заиф одам хатони бошқалардан излайди. Қўли, оёғи, кўзи, боши омон туриб, кўз ёшини шашқатор тўкиб, ҳаётдан, омадсизликдан нолийверадиган, ҳаммадан ранж кўрдим, менга ҳеч ким шафқат қилмайди дея, ўзини энг ғариб, энг баҳтсиз санайдиганлар ачинишга лойиқ эмаслар.

Ҳазрат Навоийда ҳар биримизнинг ҳаёт дастуримиз бўлишга лойиқ шундай гап бор: «Сен ўзингнинг бирорларга қилган яхшилигингни унут, бирорнинг эса сенга қилган ёмонлигини унут. Ўзингни бирорга қилган ёмонлигингни, бирорларнинг сенга қилган яхшилигини унутма». Ҳадеб қилган яхшилигимизни пеш қила-вермай, хатоларимизни тузатишга тутинасак, асосий вазифамизни кўнгил олиш деб билсак, ҳаётий исбот шуки, фарзандларимиз, албатта, солиҳ бўлгай!

## ЁМОННИНГ КАСРИ

Ота-онанинг касри ўзига урмай, кўпинча болаларига уриши афсусланарли. Нега қўпчилигимиз ишда таранг турамизу, уйга келгач – озодлик, хоҳлаган кўйга тушавериш мумкин деб ўйлаймиз. Бизнинг

асосий ишимиз болалар эканлигини баъзан унугиб қўямиз. Болалик уйда ота-онанинг иши фоят мураккаб. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир қалом ўлчамли. Болалар дунёси чиннидан қурилгандаи нафис – салга дарз кетади. Биз эса «Жаҳл устида сўкиб юборибман», – деймиз. Эрга «сенсираб» бақириб, хотинни кўчага қувиб чиқариб, болани ҳақорат қилиб, ҳушимиз ўзимизга келгач, ялиниб-ёлвориб кечирим сўрашга тушамиз. Улар эса синган кўнгил, ўқ еган юрак билан ноилож бизга илжайдилар. Жаҳл устида билмай қилгандим-да, мана, улар кечирдилар, деб ўзимизни юпатамиз. Аммо... бир айланиб қарасакки, фарзандларимиз ҳам разабдан кимгадир қўл кўтаряптилар, аламидан ўзларига ўт қўяяптилар.

Ҳатто, хотин қўйиб, хотин олиб ва буни оддий ҳол деб тушунадиган, эркак номи билан юрган мижғов кимсалар ҳам бор. Уларнинг юз хил кўйга тушиб, тамом бўлган хотинига: «Чидайсан! Онам отам билан эллик йил шу тариқа яшаб, ўлиб қолгани йўқ!» – дейдигани ҳам бор. Жамиятнинг баданига тушган қурт булар, ўз палагини ўзи айнитган жоҳиллар булар!

Ўзини ўзи бошқара олган, ўзига кучи етган одам ҳақиқий қаҳрамондир. Бундай одамларни иродалилар, саботлилар деймиз.

«Ёмон ишларнинг тескарисини қилиб, яхши бўлдим», деган экан Луқмони ҳаким. Ота-онанинг хатоси, гуноҳини такрорламаган фарзанд ҳақиқий инсондир. Ўзининг оқил бўла олгани бир қутлуғ иш бўлса, ота-онанинг номини ўз яхшиликлари билан поклаб қўйгани унинг икки карра улуғлигидир.

\* \* \*

Ногирон деганда кимни тушунасиз дейсизми? Соғлом инсонлардаги ногиронлик энг оғир ҳолатдир. Уйи тўла юмуш, иш жойи тўла иш, аммо соатлаб, кунлаб соғ қўлини осилтириб юрган бекорчидан баттарроқ ногирон борми?

Ҳатто соқов одам имлаб юриб ўз меҳрини изҳор этади, аммо булбулдай сайроқи тилини ишлатмай, ғазаблини юмшатадиган, ғафлатлини уйғотадиган, ҳасратлини юпатағидиган икки оғиз керак каломни айтмай, муомаласини құлфлаб юрадиган одамдан ортиқроқ ногирон борми? Оёғи юрмай ётиб қолғанлар: «Юриб қолсам, фалончини зиёрат қылардим, фалон даргоҳнинг тупроғини ўпіб қайтардим, гулларга, булоқларга етишсам, пойига юзимни қўярдим», дея орзиқади, аммо соғ оёғи билан ҳадеганда онасини бориб кўравермайдиган, опа-сингилларини ойлаб йўқламайдиган, ватанининг қайси жойлари муқаддас, бу озод юрт нималарни қайтадан бунёд қилди, ана бу ҳайбатли музейнинг бағрида нималар бор, бу боғнинг ичига бир кирай демаган, юраги тошмаган одам ҳақиқий ногирондир, Аллоҳ асрасин, асрасин — дид кўрлиги, юрак карлиги, завқу шавқнинг ўлишидан асрасин! Атрофга нафи тегмайдиган мингта соғдан, ҳаётни севадиган, ҳеч йўқ яхши дуолар берадиган битта бемор чандон афзалдир.

\* \* \*

Ҳар кимнинг қисмати Яратганинг ўзидан, деб гапни чўрт кесиш ҳам мумкин. Аммо бу томоша ҳаётни кузатар экансан, унинг турфа таъмини гоҳ йиғлаб, гоҳ қувнаб тотар экансан, нима учун ҳаммага ҳар хил қисмат буюрилишини тушунгинг, таҳдил қиласинг ва савоб йўлида ортингдан қоладиганларингга уқдириб кетгинг келиб қоларкан.

Ҳаёт-ку, ўзи «экканингни оласан», «қилмиш-қидирмиш» деган шартларини тинмай рўкач қилиб турди. Биз эса уни кожлик билан четга сурис, хатолар содир этаверамиз: ёлғон гапириб қўямиз, мақтаниб қўямиз, дилозорликка, фийбатга, ҳаром луқма ва нопок йўлга юз тутамиз ва бу билан ўзимизга кулфат чорлаймиз. Биз нафс туфайли шундай бўлдик. Бу фийбат, хиёнат, ёлғон, емак-ичмак нафси, мулку

давлат, шуҳрату мартаба нафсиdir, шаҳвоният нафсиdir.

Гоҳида бирор қадрдоннинг йўлиққан қайғусига ўта ачиниб, жон ҳалак қилсам, онам мени қаттиқ, койир: «Қўлингдан келган яхшилигингни қил, аммо бунақа ўртаниб кетма, унга Худонинг раҳми келсин», дердилар.

Қисмат ноқис келдими, дарҳол ўзимни тафтиш қиласай: мен ё ўз хатоим, ё ота-онамнинг қайсиdir хатоси учун жавоб беряпман экан.

Сендан хоҳ жонли, хоҳ жонсиз нарсага зиён етдими, жазо кутавер. Бирорга безараар тарзда, ўзингни билибгина яшаш ҳам кифоя эмас. Ўзингдаги жами афзалликни бошқага ҳам юқтиришга уриниб, ўзингни қандай эҳтиёт қилсанг, атрофга ҳам шундай балогардон бўлсанггина завол кўрмас экансан.

\* \* \*

Уйингдаги исрофгарчилик, тутумингдаги нопоклик, сув қўймаганинг учун қуриётган ана бу дарахт. Экин эксанг, боғ бўлиши мумкин бўлган, сендаги ғафлат туфайли ахлатхонага айланиб, йиғлаб ётган ҳовлинг, кўчанг ё чорбогинг, сендан ҳурмат кўрмаган аёлинг ёинки эркагинг, сени туғиб, озорларинг ичра тўзиб бораётган онанг, сендан етарли оталик ё оналик меҳрини олол-маётган бағрингдаги боланг ёки қунингга, умрингга яраб, озуқа бўлиб турган неъматлар, имконлар учун шукронга айтмаслигинг, қувонмаслигинг... бари, бари қисматингнинг қандай бўлишини белгилайдиган омиллардир. Пешонангдагини Аллоҳдан эмас, ўзингдан кўр экан...

\* \* \*

Эркагу аёлдаги бугунги сакталикларни шўронинг асорати деб ўзимизни юпатиб турибмиз. Аслимиз тоза, иншооллоҳ, қаторда асил йигитларимиз йўқ эмас, деб ҳаминқадар ўзимизни юпатиб турибмиз. Аммо андишани йиғишириб айтай: аёлга юз хил талабномалар қўйилади ва ҳар сафар синчковлик билан фалон банди

бажарилмади, деб писанда қилинади. Аёл ишлаб келади, аёл тугади, аёл бола тарбиялади, аёл уйда хизматкор. Хизматки, нон ёпиш, овқат қилиш, кир ювиш, касал боқиши, молга қарашиб, супур-сиدير, дазмол ва минг ҳоказо! Шунча меҳнат – азиятнинг устига: «Аёлмисан, шу вазифанг, улгуришинг шарт», деб туриш худобехабарлик эмасми?!

\* \* \*

Агар аёл бугун эридан бир қадам илгарилаб кетган бўлса, бу бугунги эркакнинг беҳунарлиги, ношудлиги ёки ориятининг суст кетганидандир.

Эркак оиласининг қўрғони, ҳам моддий, ҳам маънавий устуни, қўриқчисидир. Шариатда ҳам, дунёвий тарозуда ҳам шундай белгиланган.

Хўш, бугунги эркак ўз бурчини уddaляяптими? Нега аёллар бозорда? Нега аёллар қурилиш ашёлари ташийди? Идораларда юмуш билан югуриб иш битираётганлар – аёллар. Сиз қанисиз, эркаклар? Аёлингиз пул топиб, қозон қайнатса, соғ бўла туриб, ориятингиз оғримай, уни қандай ҳазм қиляпсиз?

Қўлингизга пул тушса, улфатчилик қиласиз, машина олиб минасиз, сизнинг рўзгорингиз дастидан озибтўзиб кетган аёлингиздан қўнгил совишларни айтмайсизми! Иккинчи, учинчисига қараб оғиб ҳам кетасиз! Уятни ҳам унутасиз-да, мусулмончиликни пеш қиласиз.

Аммо аёлнинг яхиси ҳам, ҳатто сизу биз ёмон кўрган ёмони ҳам топганини чумолидай уйига ташийди, рўзгорига чаплайди. Қани айтинг-чи, ким номардроқ?

Азизим, пулингиз йўқ бўлса, қўлингиз билан, тилингиз билан мурувват қилинг, муомалангиз парвариш ўрнида бўлсин. Бойиб кетсангиз, машина олмасангиз олманг, аммо аёлингиз тузга зориқмасин. Рўзгордаги оғир юмушларга ҳақ тўлаб ёрдамчи ёлланг. Болаларингизга илмли тарбиячи чорланг. Соғлигини асранг унинг, ютқазмайсиз. Аялган аёл – эркакнинг захирадаги бойлигидир. Аялган аёл – миллатнинг афзаллашувидир.

\* \* \*

Аёл күпроқ уйида эмас, күча-жамоат иши билан машғул бўлиб қолди. Аммо замоннинг рангига, ҳолига қараб иш кўриш ҳам бурчимиздир. Юз йиллар алами-мизни ичга ютиб етишган Озоддигимиз ўспирин ёшда. Унинг камолини кўриш ҳаммадан ҳам оналар учун, аёллар учун керақдир! Бугунги кунлар сабрдай оғир, аммо тикланишдай табарруқ кунлар! Бугунги қийин-чиликни малол олиш гуноҳи азим, ки бугунги меҳнатим эртанги ўз болам учундир. Либосимиз Шукрон, шиоримиз Сабр бўлмоғи, эрқақдир, аёлдир Мустақилликни елкамизда опичлаб, мушкулликлардан омон олиб чиқишимиз шарт!

Мустақилликни боламдай асрой деб турган Ўзбекистон аёллари бугун бўй баравар орзу-ҳавас гадоси эмаслар. Улар ўз яқинларидан бир нарса сўрайдилар – жиндек эътибор, чимдим кайфият, холос! Унга муҳаббат керак, кўнглига монанд биргина сўз керак. Шўро оила мувозанатини изидан чиқарди, дедим. Қўштириноқ ичидаги «тeng ҳуқуқлилик» эркак-аёлнинг бир-биридан кўнглини қолдирди. Рўзғорда сендан мен зўр қаби-лидаги шармандаларча рақобат юз берди. Назокат, кўнгил олиш, бир-бирига маъқул келиш учун ҳаракатлар, илиниш, ота-оналик салтанатини биргалиқда шарқона бошқариш тобора сусайди. Ота ҳам, она ҳам, бола ҳам кўчада силлиқ, илфор, уйга келгач, ёввойи манзара: тил хоҳлаганини гапиради, оёқлар – бош, бошлар – оёқ! Ичиб келиб махлуқдай бўкиришлар, идиш синдиришлар, аёлинин болалари олдида калтаклаш, сўкиш, ўғилларнинг ҳам шу йўлдан кетишлари... маънавий инқирозимиз бўлди. Шўргага шу керак эди... Оилавий муносабатларнинг пароканда ҳолати ичидаги туриб, эркагу аёл жами миллий афзалликларимизни ўзида жамлаган оила учун курашмас эканмиз, кўчада бошқа, уйда бошқа гапирадиган, бетайин, иккиюзламачилар бўлиб қолаверамиз.

Эркакларга мурожаатим шуки, йил ўн икки ой сиз ҳам ишлаб келасиз, аёлингиз ҳам. Сиз остоңадан кирибоқ тинасиз, аммо аёлингиз меҳнатнинг авжига энди киришади: кир-чир, овқат, дазмол, уй хизмати, бола ташвиши, сигир-бузоқ, ҳатто ҳовлидаги гулу райхонга ишлов ҳам унга. Яна тез-тез ундан шикоят ҳам қилиб турасиз! Энди унинг юмуши билан ўзингизнинг жисмоний ҳаракатингизни тарозуга солиб кўринг. Қилча жони билан филни тортмаяптими у? Яна индамай тортади, шикоят ҳам қилмайди. Нега у ўз ёшидан катта кўринади?

Нега юзларига доғ тушган, нега у ориқ? Феълидаги тарангликлар ҳам зўриқишидан эмасми? Аёл – дарё, аёл – тоғ, аёл – нима ясаса бўлаверадиган кулолнинг лойи. Аёл меҳнатдан ўлмайди, жонининг мингдан бири қолса ҳам уйи, боласи, жуфти учун қайта жонланаверади, ўлолмайди.

Аммо эътибор кўрмаган аёл, меҳр туймаган она, аялмаган сингил Аллоҳнинг суюб-суюб яратган неъматлариdir. Унинг даҳшатли ҳисоб-китоби бордир! Рўзгорли эркакнинг аёлига хиёнат қилиши оиласа фалокат келтиради, эркаги ичадиган аёлнинг афти одам, холос, ичи тўкилиб бўлади. Унинг шу синиб туриши эркакнинг бошидан қуйилаётган лаънатdir. Қўли, тили югурик эрнинг аёли титраб турган барг – салга чирт узилади, Худо буни жавобсиз қолдиради дейсизми?

Аёlinи аяган эркак, аввало билимли, тадбиркордир. У бирламчи миллатпарвардир. Чунки аёл миллатнинг сифат белгисини белгилайди. Кенг аёлдан кенг, тор аёлдан тор фарзанд дунёга келади. Ўз оиласига куюмли эркак, билингки, ватанпарвардир. Оиласини асраяптими, демак, ватани ҳам шундай орият билан асрайди.

Андижонда Абдуғани ака исмли одамни биламан. Ёшлари етмишдан ошиб боряпти. Кўп нуфузли ишларда ишлаганлар. Лекин ҳеч қачон бурунлари қонамаган, элнинг назаридан тушмаганлар. Яқинда шу одамнинг оналари 111 ёшида вафот этдилар. Эшишиб

юрадим, Абдуғани ақа ҳамиша, қаерда, қайси вазиятда бұлса ҳам етиб келиб түшликни оналари билан бирга қыларканлар. Худо берган ҳар куни волидаларини оёқ-құлларини уқалар, сұхбатларига қулоқ солар эканлар. Құлларыда күтариб, елкаларига ортиб сайдроқ ерларга тинмай олиб борар эканлар.

Мен үйлаб айтаманки, аввали Аллоҳку-я, аммо бу аёл меҳр, эътибор ичида бұлгани учун ҳам узоқ яшаганмикан? Онасини рози қылгани учун үфиллари ҳам назардан қолмай келяптыми? Сен қобил фарзанд бұлдинг, шунинг учун то мўйсафид бұлгунингча онангни ёнингдан олмайман, дедими Аллоҳ?!

Аёл ҳеч қачон тил келиб меҳр сўрамайди, мени аянг демайди. Сўрамагани учун ҳам асрайлар. Унинг томирида эртанги миллат етилаётир, жон-жаҳдимиз билан уни авайлайлик.

# МЕН ЖУФТИМНИ ҚАНДАЙ АНГЛАДИМ?



\* \* \*

Умр йўлдошим ғоят камгап, хокисор одам. Инсонийлик илми қандай бўлишини шу кишида қузатдим, уқдим. Ўнта бармоғи ўн ҳунарга мойил. Меҳнат деган нарсанинг, ғайрат деган нарсанинг сурати қанақа бўлади деса, шу одамни кўрсатса бўлар.

Мубтало бўлиб мутолаа қилишни ҳам шу одамда кўрдим. Уйимиздаги йигилган бари китобни келтирган у. Болаларимнинг ҳамма саволларига жавоб топадиган ҳам у. Болалар уйида катта бўлгани, рус тилида ўқигани учун, ўзбек адабиётидан тўкис хабардор эмас, аммо рус, Оврупо адабиётини, дунё тарихи, Осиё тарихини астойдил, бурро билишидан ҳамиша ҳайратланаман. У киши ҳеч қачон билган нарсаси ҳақида оғиз очмайди, ўрни, кези келганда ўзингиз фаҳмлаб қоласиз. Аммо энг яхши одам шу экан ҳам деманг. Унинг ботиний бутунилигига гап йўқ, лекин зоҳирида менинг тилим билан айтганда, «муздаккина»! Назокатли сўзларни, лутфни билмайди. Бетоб бўлсангиз, сизга қараб сарғайиб кетиши мумкин, аммо ҳол сўролмайди, совға олиб келишни билмайди...

Келинг, яххиси, аёл кишининг ўз жуфти ҳақида бирорвга айтадиган ва айтмайдиган қандай кечинмалари, ўйлари бўлишини бир айтиб кўрай...

\* \* \*

Дейман, ўзим ҳам шоир бўлганим учун ғалатироқманми, тўйдан олдин, иккиланиб турган бир пай-

тимда, бу одамнинг айнан ўша йўнилмаган, совуққина жиҳатларини кўргач, розилик билдиригим келган. Биз бир-биримизни танимас эдик. Яхши одамлар ўртага тушди, совчилар қатнови бошланди, қуёв қаердадир мени кўрибди эмиш. Аммо мен куёвни кўролмай доғда эдим. Элчилари кўз очирмайди, ўзи йўқ. Бир куни журъатимни тўпладим-да, ишига қўнғироқ қилдим. Залворли овозда жавоб қелди. Энди мени эшитсангиз: «Мен Турсунойман. Сиз ҳақингизда эшитдим, билдим, яхши одам экансиз. Мен қидирган одам бўлса, сизчалик бўлар. Аммо бир нарсага қойилмасман. Сиз кимга уйлансангиз барибир экан-да! Мен бошқа шаҳарда беш йил ўқиб келган бўлсан, тўғриманми, эгриманми, яхшиманми, ёмонманми, гапим қанақа, фаҳмим қанақа сиз учун аҳамияти йўқ экан-да! Бошингиз иккита бўлиб қолса бўлди экан-да!» ва... яна нималардир деб юбордим. Узоқ сукутдан кейин, овози титрабгина нима дейди денг?! «Э, мен... мен борар эдим, шу... шу десангиз, иш кўп (!)», – дейди! Ўша заҳоти юрагим тиниқлашди, бу ёмон одам эмас, дейди кўнглим ва хўп деганим бўлсин, деб қўйдим. Сабаби, бу гап покиза одамнинг – ҳали сийқалашмаган, аёллар билан ҳеч муомала қилмаган, уларга ёқишни ҳеч машқ қилиб кўрмаган, тоза одамнинг муомаласи эди...

\* \* \*

Умр йўлдошим совға келтирмасди, дедим. Худди шундай. Мавриди келса, ҳеч йўқ сўз билан ҳам табрикламасди. Тўғрироғи, табриклай олмасди. Аммо ҳеч қачон ичимда ҳам, ташимда ҳам ортиқча ўксиган, хафа бўлган эмасман.

У киши маош олса, маълум бир жойга қўйиб қўяр ва тортинибгина: «Ана у ерда пул бор», деб менга огоҳлик берарди. Ҳозир ўйласам, биз ҳеч қачон бир-биримиздан қанча ойлик олдингиз ёки оласиз, деб сўрамаган эканмиз.

У киши байрамлар араfasида, айниқса, безовта бүлиб қолар ва йўғон овоз билан қўполгина қилиб: «Пул борлиги эсинглардами?» деб қўярди... Аёл ҳеч қачон совға сўрамайди, сўрагандан кейин келтирилган совға эса яйрайдиган жойга сингмайди. Аммо у бир умр арzonдир, қимматдир жуфтининг совфасини ёш боладай яшнаб қабул этади ё унинг илинжида яшайди. Ўшанақа истаклар менда бўлмабдими дейсиз! Менинг ўрнимда бошқа аёл бўлса, кўнгли оғриниб ўтарди эҳтимол. Менинг эса бундай қилишга ҳаққим йўқ эди. Эру аёлликда ҳамиша холис таҳдил жоиз – у шўрлик етимхонада ўстган бўлса! Ҳақиқат шуки, меҳр кўрган, меҳрибонликнинг мазасини тотган одам меҳр кўрсата олади, меҳрибончилик қила олади. Мана, тўрт фарзанд катта қиляпмиз, лекин бирон марта дадасининг болаларни ўпганини, «ундоқ болам, бундоқ болам», деб овоз чиқариб эркалатганини кўрмабман. У бу ишни қандоқ эпласинки, ўзи ота ардоғини кўрмаган, она эркалатишларига тўймай ўтган бўлса!

Унинг табрик, совға борасидаги ҳолатини ҳам тушунаман: совға олсаму аёлим қутганидан арzon-роғини ёки номуносиброгини олиб қўйсам-чи, деб олмаса керак. Шунинг ўзи менга аталган буюк меҳр эмасми? Ҳеч йўқ пулини қўлимга тутмаганига сабаб, қутганидан кўра кам бериб қўйсам, ранжиб қолармикан, деб андиша қилса керак. Бу ҳар қандай совғадан аъло эмасми?

Мана бу кўйлагингиз ярашибди, мана бу совға сизга, ё сиз учун мана бундай фидоликларга тайёрман дейишни бир эмас, минг марта хоҳлаётганини, лекин уни изҳор этолмаётганини сезиб турибман. Бу менга очилмаган хазина билан teng эмасми?!

Шуни англадим – мен жуфтимни умр бўйи тинглаб эмас, уқиб келдим ва уқиш билан бирга унинг шугина туришига ўзимни кўндира олиш ҳам қўлимдан келди.

\* \* \*

Ёлғон бўлмасин, кам бўлса-да, совға олганман. Бошқа шаҳарга қариндошларни йўқлаб боряпмиз. Йўлда бозор қилмоққа тўхтадик. Мен болаларим билан машинада ўтирибман. Бир пайт дадаси қоғозга ўроғлик нарса келтириб узатди. Қарасам, қизил гулли селон халат. Борадиган жойимиз учун совға деб ўйлаб: «Ажаб қилибсиз, қувонадиган бўлишди», дедим. У: «Йўқ, бу нарса сизга», деган ишорани берди. «Ростдан-а? – дейман, – менгами?» дейман устма-уст уни силай- силай! Ҳадеб 3-5 ёшли тирмизак болаларимга қўрса- таман: «Қаранглар, дадангиз нима олиб берганини!» Унинг ўзини қувонганини қўрсангиз! Ҳаракатлари енгил, ҳазил-ҳузуллари кўпайган, шодон эди!

Меҳмонга борибоқ халатни кийиб олдим, назаримда шу кунгача ҳеч бир кийим менга бунчалик ярашмагандай. Ойнага пайт пойлаб қарайвераман. Бу халатни ювсам ҳам яйрайман, дазмол қилсам ҳам! Дадамизнинг совғасини қаранг, деб неча кишига кўз-кўз қилганимни айтмайсизми? Ўшанга ҳам 25 йил бўлибди. Халат уриниб қолгач, иккита ёстиқча қилиб қўйдим. У ҳам чарчагач, битта ёстиққа туширдим. У ҳам эскиргач, чойнакка қалпоқ қилиб қўйдим. Ҳар куни хонтахтам устида туради. Жим турсам ҳам майли-я, «Дадангнинг совғасидан тикилган қалпоқ қани, даданг олиб келган нарса-я, эҳтиёт қил», деб жаранглатиб эслатганим-эслатган. Ва ҳар бор эслатганимда дадасининг яираши, миннатдор кайфиятини қўрсангиз!

Қандай яхши, бирорга ненидир илиниш! Қандай яхши, сенга илинганлари учун яйраганингни уларга сездириб, уларни ҳам яйратиб яшаш!

\* \* \*

Мен шу кунгача билолмайман, жуфтимга қўнгил қўйдимми ё қўёлмадимми? Ё у менга содик дўст тарзидами? Ишонган, суюнган тоғимми? Унга сингилдай суюниб яшаяпманми ё мени отадай паноҳига олганми?

Ким у мен учун?! Баъзида кўргани қўзим йўқ, у йўқ жойга эса, мен ҳам сифмай қоламан. У менинг соямми ё мен унинг сояси? Билмадим, билмадим?

Аммо бир нарсани аниқ биламан: агар умр йўлдошимни омбир билан ҳаётимдан шундоқ сууриб олсалар, менинг фақат пўчоғим қолади!

\* \* \*

Оила, рўзгор муқаддас ўқувхонадир. Гоҳида эр – устоз, аёл – шогирд, гоҳида аёл – устоз, эр – шогирд. Ва бу умрнинг охиригача давом этажақдир.

Ташқаридан қараганда, у кишим одамлар эътиборини тортавермайди. Янги кийим кийдиролмайсиз, кўчага ясантириб чиқаролмайсиз. Аммо хокисорликни яшаш тарзи деб билган бундай одамлар ҳадеганда топилавермайди, деб ўйлайман. Ўз нафсини қул қилиб олиш осон бўлибдими? Бу одам шундай – иродали.

У – меъмор, ўз касбининг устаси. Масъул жойларда ишлади ва ҳамиша унинг хизмат машинаси бўлгувчи эди. Лекин у машинани ҳеч кутиб турмас, пиёда жўнаворар, ҳайдовчи уни йўлдан-чўлдан териб кетарди. Олти-етти бекат оралиғидаги юмушларга ҳамиша пиёда кетарди. Саломатлик учун шундай қиласиганлар ҳам бор, аммо бу одам у ҳақда ҳам ўйламас, назаримда, машинада юриш мартабасини ўзига эп кўравермас эди. Балки шу жиҳатлари менда ихлос уйғотгандир...

У узоқ йиллар Андижон шаҳрида бош меъморлик қилди. Шаҳарнинг остию устини ёд биларкан. (Ўзидан эшитиб бўпсиз бундай гапларни, бирорларнинг таърифи бўйича айтяпман.) Бу мансабдан, яъни бош меъморлик юмушидан чарчади ва озод бўлиб олди. Собиқ ҳайдовчининг ҳикоя қилишича, нима бўлибди-ю, шаҳарнинг энг асосий йўли тагидаги қувурлар ишдан чиқибди. Ўша жойни топиш керак. Бир неча нуқтани кавлаб очадилар, мўлжал нотўғри чиқади. Кимдир: «Буни фақат фалончи топади» деб, дадамизни айтади. Илтимос қилиб, олиб борадилар. У индамайгина қадам

билинг ўлчаб бориб, күчанинг бир жойини чизиб: «Шу ердан кавланг», дейди. Бузилган қувур нақ ўша ерда экан. Одамлар хурсанд, мансабдор шахслар раҳмат айтиб қўяйлик дейишса, дадамиз аллақачон жўнаб қолган экан. Мен унинг ўрнида бўлсам, ҳеч йўқ: «Қалай, хурсанд бўлдингларми, айланайлар», деб қўядим-да!

Балки у шу феъллари билан менга ёқиб қолгандир...

\* \* \*

Ота-онамнинг бошпанали бўлишига шу одам сабабчи бўлди. Менда ака йўқ, ўша пайтда ўғил укаларим саккиз, ўн ёшда эди. Хизматдан қайтгач, эски кийимларини кияди-да, гувала, фишт қуяди, ўзи девор кўтари, ўзи сувайди. Отам етмиш ёшдалар, ёрдамчи йўқ. Кунда шу ҳол, бир неча йиллаб шу ҳол. Ишхонада амалдор, ота-онам уйида эса мардикор. Уни ҳеч ким бу ишга қистамайди, одати шу – бир ишга уринса, охирига етмай қўймайди. Бу анча-мунча яхши одамнинг қўлидан келиши мумкинdir, лекин бошқа бир жиҳатга эътиборингизни тортаман. Ўша ишларга ўттиз йил бўлди. Ўттиз йилдирки, мен умр йўлдошимнинг оғзини пойлайман. Ўша меҳнатларини писанда қилиб қолармикан дейман! Йўқ, тил келиб гапирмади. Мен бош бола бўлиб ўғил бўлмаганим учун умр бўйи ичэтимни еб ўтдим. Агар жаҳли чиққанда ё ширакайф ҳолатда ота-онангга, укаларингга яхшилик қилганман, деб бир марта айтганда ҳам вайрон бўлардим, тамом бўлардим. Ҳеч йўқ яхши маънода ҳам, масалан: «Сиз учун, сизни хурсанд қилиш учун шундай қилдим», дейиши мумкин эди-ку! Йўқ, ундан ҳам демади.

Шу феъллари билан мени мот қолдиргандир балки!

Жуфтимнинг зеру забарсиз муомаласидан андак ранжиб қолган пайтларим ўзимни-ўзим уялтиришга тушаман: Сендан кўра тўрт тарафи тўқис қизга уйланганда, унинг жони бу қадар қийналмасди! Ҳали ундан қарзинг кўп, дейман ўзимга-ўзим.

\* \* \*

Онам узилиш олдидан беш дақиқача тилдан қолди. Шу орада менга күзи билан ненидир бетоқат ишора қиласады. Охири тушунгандағы бұлдым: «Күёвингизни чақирайми?» дедим. Онамнинг юзи ёришди. У ҳам дархол онам ёнига чүқди. Онажоним құлларини юзига олиб бормоқчи бұлади, құлидан ҳол кетган, құтарилемайды. Билдимки, умр йұлдошимга дуо бермоқчи. Лаби қимирлай олмас, күзининг икки четидан тинмай ёш оқар, аммо нигоҳи унга термулганча нималардир дерди. Күзида илтижо мұлтиради. Бу – ризолик сұраш, бу – қарздорлик, бу – узр видолари эди эхтимол! Онам менга, үйилларига ундағы қылмади, фақат күzlари билан охирги гапини күевига айтди!

Онам чараклаб юрган пайтларида ҳам тез-тез: «Хой қиз, агар шу етимнинг дилини оғритадиган бұлсанг, у дунё, бу дунё розимасман», деб қүяр, қайнона-куёв ҳамиша бир-бирини ёқлаб муносабатда бўлишарди.

Онамга ёққани, унга малҳам бўлгани учун ҳам, умр йұлдошимнинг изларию озорларини күзимга суртиб юргандирман...

\* \* \*

Рашкчи эркакнинг аёли энг озурда аёлдир. Үзига келмай, очилмай, яйрамай юради. Эркак рашк қымаса-чи?! Буни қарангки, бунда ҳам аёл үзини хор сезар экан.

Үйимизда рашк йўқ эди, бошидан шундай бўлган. Таниш-билишлар кўча-кўйда сўрашишса ҳам, синф-дош-курсдош дўстларим уйга меҳмон бўлиб келишса ҳам, турмуш ўртоғим очиқлик билан, югуриб-елиб муомала қилас, ортларидан ҳам илиқ таассурот билдиради. Ҳеч қачон улар ҳақида хижил саволлар бермас, ўзи ҳам ғашланмас эди. Аёлликнинг ғалати-лигини қарангки, бу менга ёқмай бошлади: рашк муҳаббатдан туғилади, демак, менга күнгли йўқ экан-да, дейман. Мен рашк қилишга арзимабманми, дейман.

Ўз аёлини бирордан қизғанмаган эрнинг баҳоси неча пул, дейман. Худо урган бўшанг одамга учрабман-да, дейман. Яна, яна... ичим чексиз «дэйишлар»га тўлиб кетди. Охири: «Нега мени рашк қилмайсиз?» мавзусида катта жанжалга тайёрландим. Бир ҳафта давомида энг кучли гапларни ёдлаб, қуролландим. Ва бир куни уриши бошладим. Чунон бехато, чунон зўр гапирдимки, ҳатто орада бир-икки нозикроқ гап ҳам ўтиб кетди. «Эҳ, энди сапчиб кетмасайди», деб қўрқиб ҳам турибман. Ёдлаган нутқим тугаб, жавоб кутяпман. У нима қилди денг? Шу дақиқагача газета билан юзини тўсиб, ўқиётгандай бўлиб ўтирганди. Газетани юзидан туширди-да, босиқ овозда: «Хўш, гапингиз тугадими, юринг энди, бир чой ичамиз», дейди! Энди алам қилишини қўринг: рашк қилмаганига эмас, энди зўрға йиққан гапларимнинг бекор кетганига йиглардим! Аёл руҳиятининг мураккаблигини қаранг: норозилигим кучаяверди. Бир куни: «Менга бефарқ қарап бўлсангиз, бу уйда ўтиришдан не ҳожат?» деб яна хуруж бошладим. (Ёшликнинг фўрлиги-да!)

Шунда у киши столни зарб билан бир чертдида: «Билиб қўйинг, ҳали рашк қиладиган иш йўқ. Мабодо бўлгудай бўлса, нима қилишимни ўшанда қўрасиз!» деди. Бу гап паст овозда айтилган бўлса ҳам, шундай жарангладики, суюкларимгача етиб борди. Бир зум қотиб қолдим. Сўнг... бир синоат бўлди. Бутун жисмимга яйраш тараалди. Ўтим ўчди, тутуним тарқалди. Бирам тиниқ, бирам ёқимли роҳат ҳиссини туйдим.

Демак, яхши қўраркан дейман, демак, керак бўлса, юрагида рашк бўлади. Демак, турмуш ўртоғим ҳамма нарсага йўл бераверадиган бўшанг, орсизлардан эмас, шукр, минг шукр, дейман... Ана сизга аёл! Тавба, тавба, жуфти сийласа ёқмади, ўта ҳурмат қилса ёқмади, кечирса ёқмади. Бир зарда қилиб эрди, ипақдай юмшади ва эркагига аввалгидан зиёд боғланиш сезди...

Ким ўзи аёл?

\* \* \*

Дейлик, эртага оғриб қолмаслик учун бугун эҳтиётизни қиласиз. Бу бир жон ташвишидир. Бир неча йил кейин берадиган меваси илинжида бугун күчат экамиз. Бу нафс ташвиши. Келажакда яхши одам бўлсин деб, боламизга муштдаклигидан тарбия бера бошлаймиз. Бу келинники ё куёвники бўлиб кетадиган бола учун қилинган тадбиркорлик. Унинг олдида рўзгор деган, эру аёллик деган нарса – катта уюшма ва эллик-олтмиш йилга мўлжалланган буюк битим-ку! Ҳамма тайёргарлик, зийраклик ва тадбиркорлик шунга бағишланиши ва оила руҳияти деган нозик муҳит синдирилмай сақланиши лозим!

Пайғамбаримиз жаноби Расулуллоҳ, бир ой оиласирига бормай иdda сақлаб, масжидда ётиб юрибдилар. Бир куни аёлларидан бири тамадди кўтариб хабар олгани келибди. Ул жаноб аёлларини дарвозагача кузатиб қўймоқчи бўлибдилар. Худди шу аснода ёнларидан икки одам ўтиб қолибди. Шунда жаноби Расулуллоҳ, уларни тўхтатиб: «Биродарлар, кўнглингизга келмасин, бу аёл ўз рафиқам Умму Салама бўлади», дебдилар.

Хўш, ул зот нега ундей қилдилар? Эру аёлни бирбирига ишониб туришининг ўзи кифоя эмасми? Ул Ҳазрат эл ичида ўзлари ҳақида гумонлар тарқалишининг олдини оляптилар, биргина гумон ҳам оилани зилзилага солади... Дунёнинг жами тирик мавжудоти ташқи таъсир остида ёки яхшиланади, ё ёмонлашади. Оиласа путур етказадиган нарса – гапдир. Ва у ташқаридан келади. Яхши-ёмон гаплардан нафақат бутунизни, бундан кейинги йилларимизни ҳам асрар ҳаракатида бўлишимиз керак. Буни докторлар касалнинг олдини олиш дейдилар. Гапни айлантириб олиб келиб, шундай демоқчиман:

Оиласизда рашкнинг йўқлигига, ўйлаб қарасам, ўзим сабабчи эканман. Ҳар гал хонтахта атрофидаги сұхбатларда, кези келса жойини топиб, энг яхши дўст-

ларим, танишларим ҳақида, уларнинг қайси хислатларини ҳурмат қилишим, менга қилган яхшиликлари ҳақида гапираверар эканман. Уларнинг ўзи ва оиласи хусусида гапириш жараёнида ҳаётга, одамларга бўлган ўлчов, баҳоларимни ҳам билдириб, ўз дунёқарашим билан жуфтимни огоҳ этарканман. Нафақат эркакларга, аёл танишларим, қариндош-уруғларим ҳақида ҳам худди шундай сингдириш ишларини олиб борарканман. Мен бундан қандай мақсадларни кўзда тутардим:

1. Жамоат ичида юрадиган аёлман. Бекатларда, йигинларда танишлар билан суҳбатлашиб қолишим, бир бекат, ярим бекат йўлда кимдир ёнма-ён сўзлашиб бориши, йигит дўстларим йўқлаб келиши ёки телефонда ҳол-аҳвол сўраши мумкин. Шу вазиятларга жуфтни тайёрлаш керак.

2. Билдимки, умр йўлдошимнинг феъли оғир, ҳар кимга ҳам, ҳар ҳачон ҳам очилавермайди. Эшигимдан ҳам ҳамиша ёқимли одам кириб келавермайди. Шунинг учун ақлим етганча атрофдагиларнинг фақат физиатларини қулоғига қуярдим. Уларнинг унча-мунча камчиликларини кейинчалик билиб қолса ҳам, мен берган биринчи таассурот уни совутмай турганини сезардим. Ва бу билан жуфтимни ширин муомала қилишга созлаб қўярдим.

3. Бу киши етимхонада ўсгани учунми, одамовироқ, тўғри-ку, деб қаттиқ гапни ҳам тикка айтаверадиган, мулозаматни билмайдиган одам эди. Унинг устига камчилигини айтсанг, оғир оларди. (Ҳамма эркаклар ҳам шундай!) Шунинг учун бировлар ҳақидаги суҳбатларни атай айлантириб айтаверар, айтаверар эдим. Токи у аёлим бундай одамларни ҳурмат қиларкан, мен ҳам ўшалар каби бўлиб олишим керак экан-да, десин деб! Қолаверса, харидор бўлган йигитлар қандай одамга турмушга чиқди экан деб, қизиқиши аниқ. Жуфтимнинг кўриниши билан эмас, катта қалби, мени тушуниши, оиласизнинг самимийлиги билан улардан устун

келишини жуда-жуда истардим. Ва минг шукр, худо ниятимга етказди ҳам!

4. Энг асосийси, шу тарзда оилада раشكка ўрин қолмас экан. Вазиятни шу даражага олиб келибманки, қадрдонларим келса, сиз Акромсиз, сиз Пұлат ака, сиз Ортиқбай деб чехра очиб қўришарди. Сафарларда бўлса, мен тайинламасам ҳам, ўша ердаги курсдошларимни қўриб келар ва буни фақат мени хурсанд қилиш учун қилаётганини билардим.

Аёл хоҳласа, уйида булбул бўла олади. Инсонни инсонча гап зериктириши мумкин, лекин булбулни жон деб эшитади. Сўзни куйга айлантириб айтса бўлади: яхши кишилар ҳақидаги яхши гаплар, одамларнинг ибратли ишлари, эркакнинг ўзи ва авлоди ҳақидаги мақтовлар, ҳар бир қилган яхши иши ҳақидаги тан олишлар... Куй бўлмай, нима! Бу эркакка ўнгланиш, яхшиланиш, ғайрат беради ва энг кераклиси – уни ўша булбул аёлига мубтало қиласи...

\* \* \*

Эркак аёлига астойдил ишончда бўлса, аёл шунчалик таранг тортиб, ўзини қарздор ҳис қила бошларкан. Бу ишончни нима билан тақдирласам экан, деган безовталик билан яшаркан. Навбатдаги шеърий тўпламим чиқадиган бўлди-ю, Тошкентга қўлёzmани умр йўлдошим олиб борадиган бўлди. Қофоз ўрамини қўлимдан оларкан, «Нега буни чўфи кам?» деди. (Мен муҳабbat ҳақидаги шеъларимни ажратиб қолдирган эдим. Жуфтимнинг ҳурмати учун шундай қилгандим. Нимаики ёзсан, биринчи шу кишига ўқийман, шеърни нозик тушунади. Аммо муҳабbat мавзусида ҳам ёзаяпсизми ёки ёзганингиз қани, деб сўрамаган.) «Ёшим катта бўлиб боряпти, муҳабbat ҳақидагиларини қўшмадим», дедим зўрға. «Бекор айтибсиз, қани дарров қўшиб қўйинг-чи, шунча меҳнат қолиб кетадими?» – деди ва уларни ҳам олиб кетди. Маълумки, шеър ошкору пинҳон дард, армону истак

дегани. Ҳамма малоли шу кишига бўладиган гаплар бўлиши мумкин.

Китобларим чиқади, у кишининг бир оз синиб, ўйчан бўлиб қолганидан биламанки, уни ҳижжалаб ўқиб чиққан. «Қандай бўлипти, дадаси?» дейман. Китобнинг ҳамма жиҳатига кўнглимни кўтарадиган изоҳлар топади, аммо муҳаббат мавзусидаги шеърлар хусусида лом-лим демайди, гўё уларни ўқимагандай.

Ана ўшандай пайтларда менинг ич-ичимдан изза бўлишимни қўрсангиз.

Аёлнинг феъли жумбоқ; айни шу кўнгил хусусида эркаги тергайверса, уни ёмон кўриб нари бўлавераркан. Агар бепарво бўлса, жуфтига талпиниб кела-вераркан...

\* \* \*

Одатда мен шеърларимни бирор қўшиқ оҳангидаги хиргойи қилиб тўқийман. Куй шеър вазни, сўзларнинг жарангдорлигини ясашимда қулайлик беради... Шундай қилиб, муҳаббат ҳақидаги ҳали қофозга тушмаган шеърларимни минфиirlab хиргойи қилиб келаётган эдим. Роса қалин қор ёққан. Қўлимда нарсалар. Шу пайт худди бирор итаргандай оёғим тойиди-ю, бўй баравар гурсиллаб йиқилдим. Сумкам у ёққа учган, зонтик бу ёққа. Қаттиқ тушганим учун нима бўлганини ҳадеганда билавермадим. Бирдан вужудимга ўт тушди – одамлар қараб турибди, тезроқ туриб олай, деган ўй келиши керак аслида, йўқ, миямга бошқа бир андиша тиқилиб қолган: «Муҳаббат ҳақида шеър ёзмай мен ўлай, мен бекорга йиқилмадим, ёшим бир жойга борганда муҳаббатни эслашга бало борми. Худога хуш келмади», дердим фақат. Эпланиб базўр ўрнимдан турарканман, юрагимда бир баланд овоз эшитилар ва у бутун жисмимни қоплаб олган эди. «Худо жазолади мени, бу шеър болаларимнинг дадасига хиёнат бўлди, ишқ ҳақида шеър ёзишнинг ўзи фирт хиёнат, шунинг учун йиқилдим, шу сабабли йиқилдим», деб жаранг-

ларди у овоз. Атрофга қаролмайман. Гүё гапимни ҳамма эшитиб тургандай.

\* \* \*

«Уруш ва тинчлик» романининг бир жойи бор: «Биз бирорларни бизга қилган яхшилигига қараб эмас, ўзимизнинг уларга кетган яхшиликларимизга қараб яхши кўрамиз», дейилган.

Рўзгордаги эру аёл шунинг учун ҳам бир-бири билан киришиб, пайвандлашиб, бориб-бориб бири кетса, иккинчиси ҳам эргашиб кетадиган бўлиб қоларкан. Бу ҳам бўлса худонинг мўъжизаси.

Биласизми, аёл зотининг йўқдан бор қилиш, ўз қўли билан ўзини тиклаш, ўзига-ўзи табиблик қилиш имкони қонида борлигига ўзимнинг мисолимда кўп гувоҳ бўлганман.

Изтироб бўларди ҳаётимда, муаммолар, чорасизликлар бўларди. Аммо уни ҳеч кимга айтмасдим, айтсам каттариб, кўпайиб кетаётганга ўхшарди: юрагимдагини тилим эшитиб иккитага, қулоғим эшитиб учтага, рўпарамдаги одам эшитиб, бир нечтага кўпайтиришнинг нафи не? Фаҳмлаганмисиз, бирор сизга ачинган сари дардингиз оғирлашади, кўпайгани шуда! Мен эса, аксинча, тескари бир иш қилардим. Жуфтимнинг битта яхши ишини ўн кишига таърифлаб берардим. Таърифлаш жараёнида тилим, дилим яйрарди, қулоқларим яйрарди. Эшитаётган одам: «Қаранг, қандай яхши инсон экан-а» деса, «Ана кўрдингми, унинг яхшилигини ҳатто бошқалар биляпти. Сен эса нуқул айбини топасан», деб ўзимни ғазаблашга тушардим... Аёл зоти шу тарзда ўзини-ўзи эритиб, рўзғор деган мушкул тақдирга ўзини-ўзи кўниктариб, иситиб бораркан.

\* \* \*

## **ШУКРОНА**

Гуллик қаён, бу боғ аро күртак-ниш эдим,  
Мехрингизнинг тафтларинда гул бўла қолдим.  
Хуш ва нохуш куйлагувчи оддий қуш эдим,  
Сизга келгач, сайроқи булбул бўла қолдим.  
Тоғим десам, тоғлар каби вулқонингиз йўқ,  
Сокинлик-ла қаддимни тик тутиб турасиз.  
Денгиз десам, гирдобингиз, ўпқонингиз йўқ,  
Аммо сўнгсиз хатоимни ютиб турасиз,  
Ҳали ишқнинг баҳосини топмади дунё,  
Сиз ишқдан-да баланд, ишқдан покиза бир тахт,  
Кимман ахир? Асли сизга буюклар раво,  
Ушоққина елкам узра Сиз қўп оғир баҳт...

## РҮЗФОР СИРЛАРИ



\* \* \*

«Күш тилини қүш билади», дейдилар. Мұхтарам тоифадош, келинг, бир аёлчасига қўнгил ёзайлик...

Кўринишга ҳар биримиз оддий аёлмиз. Аммо шу оддийгина бирлиқда минг битта рангли олам мужас-самдир. Гоҳо ўзимиздаги қудратнинг адогига етолмай ҳайратдамиз, гоҳо эса, энг нотавон кимсадай талай хатоларга йўл қўямиз. Ўзимизга ўзимиз ҳайрон бўлиб ўтаяпмизми, бизни тушуниш йўлида сабру иродасини букмай келаётган йигитлар омон бўлсин! Гарчи эркак зотини-да Аллоҳ жудаям текис, бегуноҳ яратмаган бўлса-да, мен бугун уларни беозоргина четлаб ўтиб, фақатгина ўз тоифамиз ҳақида сўз юритмоқчиман. Қолаверса, бизнинг йигитлар зийрак, «қизим сенга айтаман, келиним сен эшиш» иборасини яхши била-дилар.

\* \* \*

Рўзфордан койиниб ёзилган мактубларни ўқиб, ўзлари хоҳлаб турмуш қурган, бироқ кейинчалик осонгина ажрашаётгандарни эшигтгач, киши қўнглини фам босади. Икки ўртада болаларнинг сарсон бўлаётгани эса... фожиадир! Бундай турмуш ота-онанинг зўри билан бўлганда-ку, ҳаммасини уларга тўнкардик-қўярдик. Энди эса, «Олтин дея танлаганим мис чиқиб қолди» деб, барча гуноҳни жуфтимизга ағдаряпмиз. Киши бир йил киядиган кийимини ҳам обдан қўриб, чамалаб олади. Жуфт танлаш кўйлак танлаш эмас-ку! У умрингнинг сўнгги нуқтасига қадар бирга борувчи

иккинчи қалбинг, иккинчи қўл-оёфинг, иккинчи кўзингдир. У сенинг болаларингнинг отаси 20, 30, 40, 50, 60... ёшингнинг ягона елқадоши ва ҳомийсидир! Сен жуфт танлашда унинг қадди-бастига, ота-онасининг молу давлатига ёки унинг ваъдаларию бийронлигига қараб баҳо бердингми? Ва бунинг оти «севги» бўлдими? Дейлик, танлаган одаминг сен орзу қилган эмас экан. Сен қандай ўйлаган эдинг? Мукаммал, қуйма инсонлар онадан тайёр яралмайди-ку.

\* \* \*

Шундай, азизим. Рўзғор – бу истироҳат боғи эмас. Унда фақат гул кўтариб, рози дил айтиб, қўлтиқлашиб юрмайдилар. Халқ ҳақни айтади: рўзғор – бу фор! Ўзингни йўл-йўлакай худди шам мисол ёқиб борсанг-гина, атрофинг ёришиб шаклга кириб боради. Рўзғор эркакка ҳам, аёлга ҳам бир-бирига муносаб бўлиш учун бир умр ўзини ўзи қайта тарбиялайдиган майдон!

\* \* \*

Элда «Аёл кишининг ҳийласи қирқ туяга юк бўлади», деган нақл бор. Буни ижобий тушунмоқ керак. Бу бизнинг ўзлигимизга нисбатан айтилган айни ҳақиқатдир: айтинг-чи, ҳийлани ақли бор ўйлаб топадими? Демак, ўшанча ҳийланинг замирида аёлнинг қирқ туяга юк бўлгулик ақли ҳам мавжуд экан-да! Агар ўша ақлни ҳар сафар фақат эзгулик йўлида сарф қилсак эди, нечанеча рўзғорлар тўзимаган, неча диллар ўксимаган бўларди.

\* \* \*

Пароканда оиласарни қовуштирган – биз. Бўш-баёв эрларни қаторга қўшган ҳам, ноиттифоқ ака-укаларни бирлаштирган ҳам – биз! Суягувчи тоғ бўлган ҳам, яйратувчи боғ бўлган ҳам – биз аёллар, бу биздаги ўша яхши маънодаги «ҳийла»нинг шарофатлари. Аммо, холис айтайлик, бизни деб, биз туфайли чекувчи бўлиб

кетганлар қанча, ичувчи бўлиб кетганлар қанча! Бизнинг ханжар тилларимиздан абгор бўлиб... ювошроқ жуфтни орзулаганлар қанча! Атрофга астойдил разм солсангиз, шу нарса аён бўладики, аёлларга қараганда, эркак зоти ишонувчанроқ, соддароқдир. Мана шу самимиятни биз суиистеъмол қиласлигимиз керак. Эларнинг ишонувчанигини ўзимиз учун катта мукофот деб билмоғимиз ва бу самимиятни яхши ишлар сари йўналтиromoғимиз жоиздир.

\* \* \*

Кўнглинг бирордан озор еса, уйинг нотинч бўлса, бўғилиб тутақишдан аввал, шу ишларга ўзим сабабчи эмасманми, деб бир карра ўйладингми? Одамнинг заифи айни бошқалардан излайди, деган гап бор. Малоҳат, нағисликни табиат бизнинг тоифага берган. Биринчи бўлиб зарба бериш, чегарадан биринчи чиқиш аёллик иқлимига хос эмас...

\* \* \*

Шуро ҳукумати кўзлаган мўлжалига адашмай урди: кўплаб эркакларни ҳақ йўлидан чалғитди – ичкиликка ва фаҳшга мубтало қилди. Улар бешафқатликни аввало ўзларига қилдилар. Ки ҳар бир инсон Аллоҳнинг неъмати, бу неъматни ҳаромга аралаштирилар. Киши ароқни ҳеч қачон яхши ниятда ичмайди, камида мастилик баҳона кимнидир чаппараста қилиб сўкиб олиш мақсади бўлади...

Сурункали ичадиган ёки ора-орада ичса ҳам инсонлик қиёғасидан чиқиб кетадиган эркакнинг аёли дунёда баҳтсизларнинг баҳтсизидир. Бу эркак Она аталган неъматга озор бераётгани учун, онасининг калтак ейишидан қўрқиб, отасига кўзлари косасидан чиқай деб жавдираб турган гўдакларнинг жувонмарг болалиги олдида, оиласдан кўтарилаётган файз, барака қошида у дунё-бу дунё гуноҳкордир. Бундай оиласда туғилган бола, минг афсуслар бўлсинки, эртага зааркунаңдадир.

Боиси, у меҳр кўрмай ўси, биронга меҳр кўрса-  
толмайди.

\* \* \*

Рўзфор – муқаддас даргоҳ. Унга маҳсус тараддуд  
кўрмай яқинлашиб бўлмайди. Эр-хотиннинг бир-  
биридан андак кўнгли қолдими, тамом, оилада синиш  
бошланади. Бизни доим бир ғофиллик банди қиласи:  
турмуш қурган заҳоти эр аёлни, аёл эрини энди ўз-  
ўзимники бўлди деб хотиржам тортади. Аксинча, шу  
кундан бошлаб хавотири бошланиши керак. Гап шун-  
даки, киши-кишига яқин бўлган сари олдин кўрин-  
маган камчиликлар сезила бошлайди. Бир-биридан  
совиши содир бўлмаслиги учун доно эр-хотинлар бутун  
умр давомида ўз каму кўстларини тузатиш ва жуфтига  
ёқиб олиш учун тинимсиз ҳаракат қилиб яшайдилар.

\* \* \*

Эридан кўнгли тўлмаган аёл-ку армонларини  
кўксига кўмиб, туғилиб қолган «фалончизодалар» ҳаққи  
тошдай андишага тишини босиб индамай яшаб бора-  
веради. Аммо хотинидан кўнгли қолган эрнинг акса-  
рияти – хатарли! Чаппа қадам ташлашга ҳамиша  
фурсат ва қулайлик кутиб яшайди.

Эр тутиш ва аёл асраш ҳам санъатdir. Ким бу  
санъатдан бебаҳра бўлса ва ё хабардор бўлишни  
истамаса, бу рўзфорда ёруғ кун бўлмас.

«Ёш ва гўзал маҳбуба» топган эркаклар хусусига  
келсақ, асосий айбни мен эркакка эмас, ўша «маҳ-  
буналар»га қўйган бўлардим. Эркак чандон суюқ  
бўлсин, иштиёқи чандон баланд бўлсин, аёл киши изн  
бермаса, эркак ниятига етолмайди.

\* \* \*

Биронларнинг эрларини йўлдан ураётганларни  
ҳаргиз қарғашнинг ва қасд билан боплаб қўйишнинг  
ҳожати йўқ. Улар Аллоҳни танимасалар ҳам гуноҳ,

эканлигини билиб туриб гуноҳ қиласилар. Ўзларининг номлари Хиёнат эканини ҳар дақиқада ёдлаб турадилар! Шу аҳволда улар яйрайди дейсизми! Сиртдан ялтираб кўринишади, холос. Эр ижара, қувонч ижара. У одам қиёфасини ҳам ижарага олган маҳлуқ. Шўрликнинг на у дунёлиги бор, на бу дунёлиги! Бировнинг рўзғорини бузиб, баҳтли бўлган бу дунёда йўқ!

\* \* \*

Эркак нечун бошқа чорбоққа мўралаб қолди? Фазаб отига минишдан аввал бу ҳодисанинг сабабларини излаб кўриш лозим. Меҳнаткаш аёл бўлиш, пазанде ёки чиройли аёл бўлиш кифоя эмас, эр-хотиннинг бир-бирига берадиган кайфияти, кўчадан топиб бўлмайдиган гапи, қўнгилпарварлиги бўлиши керак.

\* \* \*

Яна бир гапки, «берсанг ейман, урсанг ўламан», дейдиган ройиш, керагидан ортиқ кечиримли аёл ва шу хилдаги эркак билан яшашнинг қизиги йўқ. Ўрни келганда ориятни ҳимоя қилишни, **ХАФА БЎЛИШНИ ҲАМ БИЛИШ ДАРКОР**.

Эру аёл муомаласида ҳамиша ҳисоб-китоб зарур. Кўчада, ишда, жамоада унча-мунча эҳтиётсизликка йўл қўйиш мумкинdir, аммо энг нозик муомала уйда бўлиши шарт! Миллатнинг келажаги кўчада эмас, асосан, оиласда шаклланади. Инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳам, қадрини тиклаш ҳам дастлаб оиласда содир бўлади. Шу боис ҳар юмушда аввал миллат боласини **ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ КЕРАК**.

\* \* \*

Сабр аёлдан, кечириш аёлдан, фарзанд бериш аёлдан, тарбия аёлдан, рўзғор иши аёлдан, миллатнинг келажаги аёлдан деб, икки қўлини баробар чўзиб турган эр, фарзанд, жамоа ва давр андак хижолат чекмоғи лозим. Аёлдан олаётганини ўлчамоғи ва

истиҳола билан ўзини-ўзи суд қилмоғи лозим, мен ўз онамга, синглимга, аёлимга, миллатнинг онасига нима бердим демоғи, ахир тинмай еганга тоғ чидамайди, аёлнинг аёллик захираси, қуввати, мағзи уммон эмас-ку, дея ўйга толмоғи лозим.

\* \* \*

Аёл борини анордай сиқиб, боласининг томирига қуийиб турган бўлса, унинг пучайиб бораётган илигини ким тўлдиради? Аёл жамиятта вужудида борини беради, йўғини беролмайди-да. Паловнинг аълосини еб бақувват бўлишни хоҳласак, масаллиқни муҳайё қилишимиз шарт-ку, ахир. Одам ва олам аёлнинг меҳр-муруввати билан кўкарап экан, нега дастлаб уни етарли масаллиқ — ором, озуқа, илм ва меҳр билан таъминлаб қўймаймиз? Нега бер, бер деяверамиз? Аёли ориқ юртнинг миллати ориқ, аёли ўксук юртнинг миллати яримдур. Мен онамдан оладиганимни олиб, тинкасини қуритиб бўлдим дейлик, энди уни чеккага суриб, бошқа бақувват аёлга томиримни улаб қўйишнинг иложи йўқку. Ёхуд менинг аёлимни муҳофаза қилиб бер деб, четдан нажоткор ёлламайдилар-ку.

Аёл сифатида куйиниб айтаманки, миллатдошим, сафдошим, ўғлоним, асрай олинг бизни. Сўрамасак ҳам сийланг, биз кутмаган яхшиликларни тортиқ қилинг. Ҳаргиз бизни хурсанд қилиш учун эмас, ўзингиз бутун бўлишингиз учун, ақлли қизли, соғлом ўғилли бўлишингиз учун.

\* \* \*

Оналикка маънан ва жисмонан тайёр бўлмаганларнинг она бўлаётгани, рўзғор билимини билмай рўзғорга қадам қўйиш кўпаяётгани миллат ўғлонларини зийрак торттириши керак.

Ҳурматли эрқак, аёлингиз сизнинг қулингиз бўлиб жимгина ўтиб бораётганидан, сиздан шикоят қилмаганидан ҚЎРҚИНГ. Сизни фафлат босмасинки, аёлин-

гиз биттагина жонини қирқтага парчалаяпти — у қандай бутун ҳомила берсин? Хавотирга тушинг, биродар.

\* \* \*

Ҳаммамиз ҳам онамиз. Фарзандларимиз баҳтли бўлишини жуда-жуда хоҳлаймиз. Ҳозир қизларни жуда ёш узатиш урф бўлган...

Бугунги қирқ ёшли аёлга биз қандай илм беролдик. Эр тутиш, уй тутиш, қайнона бўлиш ҳам санъат эканлигини ўргатдикми? Бирорга ёқиши, бирорни ёқтириш сирларини ўрганмагунча рўзгорнинг ҳалқасини тутиб бўлмаслигини биладими улар? Ўзидан ўтганини ўзи-ю худо билиб турибди-ю, улар тукъсан 16-17 ёшли фурқиздан нимани кутиш мумкин. Мана шу соҳада «тандир кийган Матмуса»нинг ўзи бўлиб қолмаяпмизми?

\* \* \*

Оила қуриш остонасида турған сингилжонларим, шуни ҳаргиз унутмангки, рўзғор бу эр билан хотиннинг давомли иттифоқидир. Уларнинг бир-бирига нафи тегмаса, руҳан тираклиги, кераклиги бўлмаса, турмушнинг чироги ёнармиди? Яхшиликни, муруватни, аввало, бир умр бирга яшайдиган кишинингга қиласан. Гар шундай экан, эр хотиннинг бир-бирига «фалон вақт сенга у қилганман, писмадон пайтда сенга буни олиб берганман» дейиши, ҳар гал жами яхшиликларини санаб кўрсатиши ўз юзига қора тортиш билан тенгдир. Бу — оиласидаги энг нозик торларнинг узилишидир. Энди булар эр-хотин эмас, душманлардир. Чунки улар бир-бирига миннат қилди. Миннат — заҳар. Заҳарни эса фақат душманларгина бир-бирига раво кўради! Биз она бўлишдек буюклик, фидойиликнинг уддасидан чиққан аёллармиз. Гоҳ эр-какларимиз адашиб, шу қусурга йўл қўйганлари тақдирда ҳам, биз миннатга тил урмайлик. Қилган яхшиликларимиз жуфтимизга татисин.

\* \* \*

Рўзфор – икки кишининг қўли, икки кишининг ақли билан тўқиладиган занжирдир. Бир масала юзасидан икки хил фикр бўлгандан сўнг, турган гапки, баҳс, мунозара бўлади. Бундай пайтларда **кимнинг кимдан устун келиши эмас, рўзфордаги ишнинг тезроқ битиши** аҳамиятлироқдир. Ишнинг биттанини тан олиб туриб, нега бу иш менинг фикрим билан эмас, сенинг фикринг билан битаркан деб, ҳафталаб, ойлаб тўнини тескари кийиб, юрадиганлар бор. Эру хотинлик икки ёрти – бир бутунлиқдир! Биримиз калаванинг учини тополмаётган найтда жуфтимиз жонга ора кирса, бунинг нимаси орият? Қайтага, шукр қилиш керак-ку!

\* \* \*

Инсон умри бир тутам асли! Бориб-бориб фарзандлар ҳам ўз йўлларига тарқайдилар. Жигарбандларнинг қайнайдиган ўз қозони бор. Оталар ўтадилар, минг оҳ, оналар ўтади! Ёнингда охирги йўлингчача ҳамроҳ бўлгучинг – шу умр йўлдошинг. Шундай экан, юрагимиздаги жами меҳримиённи жуфтимизга изҳор қилиб улгурайлик. Токи, «сендан олдин мен кетай» деб, жуфтидан айрилишдан кўра дунёдан олдинроқ кетишни афзал кўрган чол-кампирларнинг ширин тортишувлари ўзимиздан ортиб, болаларимизга ҳам насиб этсин...

\* \* \*

Оилани бутун сақлайдиган омиллардан бири **кечиримли бўлишдир**. Кечириш бу – оний ютқазиш, аммо яхлитни ютиб қолишдир. Дейлик, оиласда мени қаттиқ ранжитиши, демак бир инсон қаттиқ койинди. Шунинг ўзи қанчалик нохуш ҳолат! Энди, мени ранжитганлари заҳоти мен ҳам ўша кўнгилни синдиришим шартми? Битта қурбон етмаяптими? Кечириш биздан, аёллардан бошлангани маъқул. Бояги айтилган, «қирқ туюга юк бўладиган ақдимиз» билан

жойини топиб, ранжиганимизни изҳор қилиб улгурдамиз...

\* \* \*

Аммо «кечириш» — бетаъсирилик деган сўз ҳам эмас. Шундай оилалар бор: уларнидан эшитилаётган шовқин-сурондан ҳар гал, мана энди ажрашиб кетишади, деб ташвиш чекасиз. Оғизларидан чиқаётган гапларга илон пўст ташлайди. Бир-бирларини дунёдаги жамики хунук номлар билан атаб чақиришади. Стуллар ирғитилади, идиш-товоқлар синади. Болалар зор қақшаб, ота-оналарининг орасида югуриб юришади. Эртасига... эртасига қарабсизки, эр-хотин илжайишиб бозордан қайтаётган бўлишади! Бу қандай гап? Эр хотинлик бола катта қилишу бир эшикдан кириб чиқиши деганими? Улар ўзларини «Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши», деб овутсалар керак. Йўқ, асло! Бу — ориятнинг, фуурнинг, андишанинг қуришидир! Бу — инсоний фикрлашдан тўхтаб, табиатда ўрмалаб юрган жониворлар қабилида яшашга ўтишдир!

\* \* \*

Улуғ Навоийда шундай гап бор: «Кишининг олдида қўл уриш уят бўлган ишларни, айтиш ножоиз бўлган гапларни киши йўқ ерда ҳам қилмаса, демаса, ўша одам донодир!» Маданият дастлаб оиласа яралади. Оиласа ўзини ҳалигида тутиб, кўчада назокат билан юриш — қабоҳатнинг ўзиdir!

Мактабларда йиллаб гўзал хулқ сабоқларини болаларнинг қулоғига қоямиз, олийгоҳларда уқтирамиз, матбуот орқали ўргатамиз, аммо издан чиқсан оила бу меҳнатларнинг барини зое кетказар экан. Қуш уясида кўрганини қилаверар экан: мана ўша бир-бирини аямайдиган эр-хотиннинг фарзанди — олий маълумотли, ташқарида гаплашсангиз гапларидан роҳат оласиз. Кеча шу ёш келиннинг бир ярим ёшли қиз-часига бақирганини эшитиб қолдим: «Ўл, ўл итнинг

боласи! Йиғлайверасанми?» Қолған гаплари ундан баттар... Маънавияти носоғлом бўлган рўзғорнинг касри боладан ўтиб, энди набирани ҳам домига тортмоқда. Бу хавфли, фоят хавфлидир. Тўқсон фоиз касалликнинг бошланиши асабдан. Асабларнинг асосий кушандаси эса тилдир! Тилга эҳтиётсизлик ёшу қари, яхшию ёмоннинг нақ юрагини мўлжалга олиб, аралашига ўқча тутиш билан тенгдир. Кўнгил синдириш, bemavrid дилозорлик ҳам жиноят!

\* \* \*

...Баъзан жаҳл аралаш файрихитоблар қулоққа чалинади: «Ҳукумат бизга изн берган, эркаклар билан тенг ҳуқуқлимиз!» Сизнингча тенг ҳуқуқли бўлиш нима ўзи? Эркак билан аёлнинг баравар айтишибими? Ё аёлларнинг оғир тўрҳалталарда бозордан картошка, пиёз ташишибими? Синглим, «тенг ҳуқуқ» эркакнинг аёлга, аёлнинг эркакка айланиши эмас! Ҳамма нарса ўз ранги, ўз шакли-шамойилида бўлгани маъқул. Эрингнинг белидаги фартукни ечиб, қўлидан супургини ол. Жуфтинг-ку сен учун ёрдамга кўнибди – раҳмат! Аммо эркак киши минг уринсин, аёлнинг ўрнини босолмайди. Ўзимиздан қўймасин! Эрлар билан баравар ишлаб келамиз, кела солиб ошхонага югурамиз. Жуфтимиз меҳрибон бўлса, дарров ёнимизга киради, у юрақдан сенга ёрдам беришга тайёр, аммо на хамирга қўли келсин, на идиш-товоққа! Бу – бирми? Энди иккинчиси: меҳмон келди, ҳеч қачон сен гаплашиб ўтириб, эркак киши овқат қилмайди – одобдан эмас! Яна ўзинг балогардонми? Нақ ярим тунда боланг йиғлаб уйғонди ёки у бетоб. Отаси минг алдаб чорласин, бола унга бормайди. Фақат сен билан овунади. Яна сен бедор... ҳоказо ва ҳоказо.

\* \* \*

Эскиларнинг «Аёл киши эркақдан андак пастроқ туриши керак», деган нақли бор. Буни ҳам мен ижобий

тушунаман. Нафис овозимиз, нозик қаддимиз, майин табиатимиз билан оиласа биз сардор бўлгандан кўра, бу иш норгул, қатъиятли, кескин табиатли йигитларга ярашиқлидир. Бу – бирламчи. Иккиламчи, эрдан паст туриш дегани хокисорлик, қуллик дегани эмас. Бу – шарқона одоб! Учинчидан, бола тарбияси нуқтаи назаридан ҳам жуфтларимизни албатта, оила сардорлиги мавқеига олиб чиқишимиз керак. Аёнки, аёлнинг фикри, юрак қўри қўшилмагунча, рўзғорнинг араваси ўрнидан жилмайди. Одатда, эркаклар ошкора, дангал, аёллар эса сездирмай, синиқлик билан бошлиқ қиладилар. Аммо шунга эришиш керакки, болаларимиз ҳал қилувчи овоз отамизда деб билсинглар. Ҳар бир ишда отанинг рухсати бўлсин. Нафсилаамрини айтганда, оталарнинг омон бўлгани, болаларига бош бўлиб юрганига нима етсин!

\* \* \*

...Эркакларни уйдан бездирадиган асосан икки нарсадир. Бири – тилимиз. Иккинчиси – уй тутишни билмаслигимиздир. Бундай аёллар бор оиланинг ҳаловати бўлмайди. Тили ёмон аёл қотилдир. Бу – мазкур уйдан энди бутун одам чиқмайди дегани!

Асли табиати тоза аёл эса ёш боласи бўлса ҳам, соғлиғи ёмон бўлса ҳам, покиза бўлаверади. Шароит қисман ҳалал бериши мумкин, аммо асли покиза аёлни мутлақо ивирсиққа айлантириб қўймайди...

\* \* \*

Марҳабо исмли қўшни келин бўларди. Ҳозир улар Тошкентда яшашади. Үнга ҳар дуч келганда баҳорга йўлиққандай бўлар эдим. Энди ўйлаб қарасам, уни ҳамиша табассум чараклаган ҳолатда кўрарканман. Қўни-қўшнилар ҳар доим ихлос билан эслайдилар. «Барака топкур, бебаҳо эди-да», – деб алқайдилар. У ортиқча гўзал ҳам эмасди. Аммо унинг ажиг оҳанрабоси бор эди: соchlари ҳамиша орастга, уйда ҳам кеча

тушган келиндей ловуллаб, ороланиб юарди. Қачон қарасак, кир ёйган, қўлида супурги. Бир эмас, икки шўхтой боласининг усти-бошига гард ҳам юқмасди. Уйига кириб қолсанг, покизалиқдан, дастурхондаги антиқа пишириқлардан, унинг қўнғироқдек қувноқ овозидан кўнглинг яйрайди. Унинг тиккан зар дўппилари, самарқандча кашталарига қараб кўзингиз қувнайди.

Эрни ҳурмат қилишни шу ёш келинчакдай ўхшата олмай, биз қаторилар гоҳо тоза изза тортган пайларимиз бўлган... У икки боласи билан тиббиёт билим юртига ўқишга кирди ва уни имтиёзли диплом билан битирди. Мана, мен ҳозир уни эслаяпману, таъбим равшанлашиб боряпти. Ширин ўй сурман: бир қунмас-бир қун келин олсам, Марҳабога ўхшаса, қанийди...

Хуллас, рўзгор тутиш бу фоят мураккаб санъатdir. Уни уқмай туриб, пасту баланди ҳақида тасаввур ҳосил қилмай туриб, турмушга чоғланиш панд бергусидир.

\* \* \*

...Қўшни хонадонда тўй тараддути. Келин бўладиган қизнинг қулоғига аста айтаман:

— Сингилжоним! Эсингда тут, ҳовли супурар бўлсанг овсининг томонидан бошлаб супур, бу — сизни ҳурмат қиласман деганинг бўлади...

Унга яна нималар дейману, ўзим эса... олис келинлигим арафасида қўшни момонинг менга қараб, ургу бериб айтган ўйтларини эслайман:

— Жон болам, бирорнинг уйига кетяпсан. Ўша ерда унай, ўсай десанг, оғзингга тош сол. Күёвнинг остоносини ҳам «сиз»лаб бостиш. Борган жойингнинг бирини икки қиласансанг, қайнонангнинг ҳам, онангнинг ҳам меҳнати зое, болам...

Бу гапларнинг маъносини умр бўйи очиб боряпман...

# ҚАЙНОНА БЎЛИШ ИЛМИ



\* \* \*

Одам Ато билан Момо Ҳаво бир-бирларини кўрдилар ва ўзаро маъқул келдилар. Аммо Жаброил алайҳиссаломга «никоҳ ўқилмагунча кўришмай турсинлар» деган ваҳий келди. Сўнг инсоният тарихида биринчи никоҳ ўқилди ва уни Жаброил а.с. ўқиди. «Гувоҳликка эса Ўзим ўтаман», — деди Ҳақ таоло. Демак, ёдимиизда бўлсинки, ҳар бир никоҳда Яратганинг Ўзи гувоҳдир.

Яна Ҳадиси шарифда «Ўзи руҳсат берган ишлар ичида Аллоҳнинг энг ёмон кўрадигани талоқдир» дейилган. *Оила Аллоҳ тузган муқаддас уюшмагидир.* Шунинг учун ҳар бора талоқ сўзи янграганда Арши аъло ларзага келар экан. Бу — Яратган безовта бўлди, норизо бўлди деган гап. Бу — бандаси у дунёю бу дунёда бунинг учун жавоб беради деган гап. Бундан ҳар кимни Ўзи асрасин.

Қўйнимиздан эндиғина учирма бўлган, ҳали юрагига шайтон фулу солиб турган фўр болаларимиз бу нозикчиликни қандай ҳис қилсинлар! Янги оила янги кўчкат эканлиги, унга зийрак боғбон даркорлиги, боғларнинг пайҳон бўлмаслиги парваришга боғлиқ эканлигини бу жавдираған ёшлар қайдан билсин? Худди шу жараёнга жавобгар, оталик-оналик мартабасига сайланган бизлармиз-ку! Ўша боғбон биз-ку! Ва бу боғбонликка йиллаб дуолар қилиб, зўрга етишдик-ку! Агар бизнинг гувоҳлигимизда, кўз ўнгимизда оиласалар бузилар экан, гуноҳи айниқса, биз — оналарнинг бўйнидадир, биродар!

\* \* \*

Фарзанд деган буюк неъмат саодатманд кишиларгагина насиб этади. Одамдан одам бино бўлиши тақорори йўқ инқилоб! Кошу кўзи, феълу атвори, ҳаттоки овозигача ўзингта ўхшаб турган бу мавжудот жонингнинг парчасидир. У ёнингда турса, жисму жонинг бутун. Нари кетса, яримтасан! Фарзандлик оиласалардаги ажрим уларнинг келажаги учун дунёнинг тўфонга тўлиши, қуёшнинг кўқдан ағанаши, юракларнинг ўртасидан дарз кетишидир! Бир-биридан айрилган бу кишилар энди умрларининг охиригача нур кўрмай, совқотиб яшайдилар. Бир шоира айтганидай, доимо юракларига ёмғир тўлиб туради. Боласи гулларнинг бўйини эмас, отасининг ҳидини соғиилиб яшайди. Отаси эса буюк-буюк мақсадларни эмас, боласининг кўзларини қидириб ўтади! Боласидан кетган отанинг ҳеч қачон қадди баланд бўлмагай, тирик етим ўсган ўғлон ёки қиз ҳеч қачон чимилдиқда баҳтли ўлтирумгай! Она бўлса, алласи ғариб, оталикка етса, ҳамиша юрагини бир қуш чўқиб туради!

Қайноналикка етиб, бу фожиаларнинг олдини ололмасак, ўз боламизнинг иини ўзимиз бутун сақломасак, Аллоҳнинг олдига қай юз билан борамиз? Боласининг уйи бузилишига сабаб бўлган она ўз боласининг уйини ўзи куйдирган қотил эмасми, мажнун эмасми?! Бу қисматга ҳеч қайсимизни йўлиқтирумасин, илоҳим!

\* \* \*

Қиз бола туғилганидан бошлаб, ҳеч қайси ота-она: «Катта бўлса, мени боқади ёки менга у қилиб беради, бу қилиб беради», демайди. «Болам Худо хоҳласа, ақлли, энг чиройли қиз бўлади, энг яхши одамларга узатамиз, ўша ерда баҳтли-тахтли бўлади», дея тилайди. Шу тарзда йигирма йил муттасил унинг ақлига ақл, жонига жон қўша-қўша, ўзлари бўрдай тўзиб борадилар. Бир қўллари билан фарзандни парвариш қилсалар, бир

қўллари билан сандиққа сеп йифадилар. Ва буни завқу шавқ, минг ризолик билан қиладилар.

Бироннинг қизини келинликка олиб кетар экансиз, билингки, ота-онанинг йигирма йиллик ижодини, шунча йилги умрини олиб кетяпсиз, уларнинг орзу-умидларини, фарзандига ўтиб қолган жон томирини олиб кетяпсиз. Қизлари вояга етгунча ота-онаси унга қўшлашиб хизматкор бўлдилар. У энди улфайиб хизматга яраб қолганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўла қолдингиз-да, бироннинг бебаҳо боласини қайтиб бермасликка, умрбодга олиб кетяпсиз.

Биродар, бир зум тўхтанг-да, менга бир жавобни айтинг: онасидан айри тушиб кетаётган шу фўргина қизга она бўла оласизми? Камини кечирасизми? Яхши сига қувонасизми? Шу жавдираб турган ниҳолнинг катта дараҳт бўлишида боғбон бўлиш қўлингиздан келадими? Келади десангиз, қўл чўзинг. Гумон қилсангиз, аввал ўзингизни боғбонликка тайёрлаб олинг. Токи билиб-билмай гуноҳга ботманг, токи қиз боқ-қаннинг оҳига қолманг...

Яхши ёки ёмон қайнона бўлиш ёшу қарилик, кўп туққан, оз туққанлик, ўқиган ёки ўқимаганликка боғлиқ эмас. У аёлнинг феълида чўкиб ётган аслига, иймонига, ниятига боғлиқдир.

Агар сизнинг аслингизда йиллар тагида кўмилиб кетган уятли ишингиз бўлса, яъни сиздан ёки ота-онангиздан хато кетган жойлар бўлса, тинмай тавба жоиздир. Боиси бу қайтимли дунё – онангизга қилганингизни болангиздан, қайнонангизга қилганингизни келинингиздан қўришингиз аниқдир. Аллоҳ ҳеч нарсани жавобсиз қолдирмайди.

Куръони каримнинг деярли ҳар саҳифасида «Аллоҳ кечиргувчи»дир, деган жумла такрорланиб туради. Ҳаж сафарига яхшиларнинг орасида курмаклар ҳам аралашиб қолаётганига кўнглим хижил тортар, у ёққа фақат муносиблар бориши лозим, деб қоврилар эдим. Аммо бу ҳам Яратганнинг чексиз марҳаматларидан

бири, даргоҳининг кенглиги экан. Ҳаж ибодатини ўтаган киши онадан қайта туғилган каби покланар экан. Мана сени тозартиб қўйдим, энди у ёғига адашмасанг ажаб эмас, дер экан.

Аллоҳнинг иши бандасига маёқ бўлмоғи лозим, **қайнона бўлиш дегани янги туғилган ошлага муаллиф бўлиш деганидир**. Ажаб эмаски, шу баҳона яратган эгам сизнинг бор гуноҳингиздан кечиб юборса! Ният қилинг, бу ёғига сиздан атрофга озор етмасин, хатоларингизни болангиз тақрорламасин. Илоҳо, келин келган кундан бошлаб ўзингизга ҳам қайта янгиланиш, афзаллашиш насиб этсин!

\* \* \*

Катта фалсафани қўя турайлик, оддийгина итнинг феълини кузатинг. Агар майинлик билан емак тутиб, бир бора бошини силаб қўйсангиз, ҳар кўрганда талпиниб келаверади, овқат бермасангиз ҳам бошини силашингизни кутиб суйкалаверади. Агар овқатни зарда билан ирғитиб берсангиз, берган нарсангизга сиз кетганингиздан кейингина яқинлашади. Борди-ю, уни турткилаб, оёғингиз билан нуқиб кўринг-чи, ёнингизга келармикин? Келмайди! Қўполлигингиз тақрор бўла-верса, сизни кўрганда, «вов!» дейдиган ва нари қоча-диган бўлади.

Келин эса инсон! Унинг итчалик ҳам орияти бўлмасинми? Бездирсангиз, нари кетади-да! Келин тобе, сиз каттасиз. Ишора каттадан бошланади, тобе киши эргашувчиdir!

\* \* \*

Келинчагимнинг шарпасидан уйғониб кетсам, андиша босади: саҳарлаб шунча ишни қилиди-я, ўзимнинг қизим ухлаб ётибди. Онасиникида бўлса, бу гўдаккина ҳам эркаланиб ётарди ҳозир. Дарвоқе, ёшлигимда ўзим қандай эдим, шу келинчалик тутумим бормиди ё йўқ, дея ўзимни солиштираман.

Юзимни ювар-ювмас: «Айланайин-а, кўп ҳам қўлингизни совуқ сувга ураверманг», — дея алқашга тушаман.

Гоҳида ухлаб қолса, шоша-пиша қайнотасига: «Сиз сув сепинг, мен супурман», дея имлайман. Ишга тушиб кетамиз. Келин бечорани минг хижолатлик билан уйдан чиқишини, «Аяжон, ўзим қилардим», деб типирчилашини кўрсангиз! «Сизга шугина ёрдамни ҳам қилмайликми!» дейман юмшоққина!

Келиннинг узр сўраб турган шу ҳолати гўзал, қайнонанинг самимий муносабати ундан ҳам гўзал!

\* \* \*

Қуръони каримда «Ҳамма нарса ниятга боғлиқдир», деган жойи бор. Кelinga: «Бу келин эмас, ўзимнинг болам бўлиб қолади», деб қарасангиз, кўзингиз фақат ютуғини топиб келади. «Бу келин, ҳеч қачон эл бўлмайди, бошидан ҳушёр туриш керак», деб ётсирасангиз, унинг фақат камчилиги қўринаверади.

Ютуғини топиб, шукrona айтганингиз сари, келиннинг чеҳраси очилаверади, сизнинг чараклаган кунларингизни Аллоҳ қўпайтираверади. Келинни хафа қилгач, соғлифингиз ёмонлашса, қўнглингиз қоронfu бўлса, билингки, бу Аллоҳнинг жавоби. «Берма мўминга озор», деган жойи бор. «Келинимга она бўлиб қоламан», деб ният қилинг. Болага қўкрак тутганда етмиш икки томирингиз ийиб келгандай, Худо ниятингизга яраша қўнглингизга шафқат эшигини очади. Кelinga суюмли бўлиб яшаш гашти ўз болангга ёқиб яшашдан минг бора роҳатлироқдир!

\* \* \*

Ўғлингизни келиннинг олдида асло, асло сўқманг, камчилигини айтманг (Умуман, бола борки, кичикдир, каттадир, бироннинг гувоҳлигига танбеҳ бериб бўлмайди). Эр йигитта аёлиннинг олдида ота-онадан гап эшитишдай оғриқли нарса йўқ. Бу ҳаракатингиз билан,

биринчидан, ўғлингизни ўзингиздан совутасиз. Иккинчидан, ўзингизда одоб йўқлигини кўрсатасиз. Учинчидан, келиннинг тарбиясини бузасиз.

Нафақат бу, балки бу ёш оиланинг фариштасини ўз қўлингиз билан кетказасиз, энди сиздан андоза олган келин ўғлингизга дағдағага тушади. «Қандоқлигингни онанг айтди-ку», дейди! «Нимангни ҳурмат қиласман», дейди! Тадбиркор келин бўлса, сиз ҳар гал ўғлингизга қўпол гапирганингизда, у юмшоқ гапиради. Сиздан топмаган эъзозни болангиз аёлидан топади, қарабизки, онамдан кўра аёлим яхши деган хулосага келади. Хўш, бунинг оғриғи қалай?! Аммо аlam қилмасин: экканингизни оляпсиз!

\* \* \*

Бирор сўраса, сўрамаса, келинини осонгина ёмонлайдиган қайнона, билингки, ўз даврида қайнонасини учраганга фийбат қилиб келган номард келиндири.

Келинини мақтаган қайнонанинг келини эмас, аввало ўзи яхшидир! Ёшлик дегани фуж-фуж хато дегани, хатосини яшириб, яххисини ошираяптими, бу қайнонага, иншооллоҳ, келинидан астойдил буюргусидир!..

\* \* \*

Сиз ўғлингизни келиндан қизғаняпсиз. Шу рашқ сизни тобора безовта қиласи. Боиси шуки, сиз табиатан худбинсиз, ўз келинлигингизни ўйлайверасиз. Жуфтингизга онасини дедирмай қўйганларингиз, эт билан тирноқни ажратиб юборганингиз эсингизга кела-веради. Келиним ҳам мени ўғлимга ёмонлаётган бўлса керак, ўз томонига буриб оляяпти-ёв, ўғлим бугун очилиб гаплашмади, келиннинг касри бу... деган ўйлар исканжасида қоласиз. Келин пайтингизда ўзингиз гуноҳ йўлидан боргансиз... Рўпарангиздаги қўш-каптардай келин-куёвга гумон кўзи билан қараб, гуноҳингизни яна икки қилманд. Тавба денг ва булар мен қилган хатони қилмасинлар, деб тиранг! Йўқ,

айтганим айтган, деб бездираверсангиз, ўғлингиз ҳам отаси қилган номардликни қилиб қўйиши, яъни сизга терс ўгирилиб олиши ҳеч гап эмас!

\* \* \*

Айтинг-чи, келин фарзандингиз қатори фарзандми ёки хизматкорми? Агар фарзанд бўлса, нега қизингизга буюрмаган ишни келинга буюрасиз? Нега қизингиз бажарган ҳар бир ишга шукр келтириб, дилингиздаю тилингизда миннатдор бўласизу, келиннинг бажарган ишини кўрмай, бажара олмаган ишини санаб юрасиз? Қизингиз хато қилса кечирасиз, хафа бўлса юпратасиз. Нима учун келинни кечирмайсиз, кайфияти билан ишингиз йўқ? Келин қилган овқатни ейсиз, у супуриб-сиdirган жойларда елпиниб ётасиз, аммо тилингизда тинмай унинг ғийбати бўлади? Бир эркакни энақага солиб юриш ўзи фурбат. Уйнинг хизмати, эрнинг хизмати, бола инжиқлиги дастидан чўзилиб-чўзилиб узилишга келган келинга тинмай кесатик қиласиз?

\* \* \*

Бир инсофга келинг-да, тасаввур қилинг: сиз келинга қилган пичинг, зардаларни бирор қизингизга қиляпти. Шу торлигинги билан чидаб тура олармидингиз? Келинингизнинг онаси шу кунгача бир оғиз индамади. Танангизга ўйлаб кўринг, нега у сизни боплаб қўйишга шошилмаяпти? Боласи ўгайми ёки келиннинг онаси онамас, тошми сизнингча? У сизни авайлагани учун, ҳурматингизни сақлагани учун ўзини босиб турибди. У сизнинг инсофга келишингизни Аллоҳдан тинмай тилагани тилаган!

\* \* \*

Келинингиз билан ўғлингиз иноқ бўлса, титрайсиз. Келини билан ўғлининг суҳбатини пойлаб юрадиган худобехабар аёллар ҳам йўқ эмас. Бунинг отини ғайир-

лик, ўғилни қизғаниш дейилади. Бу кундошлик билан тенг нарса. Бу она шаъни учун шармандалик, бу уятдан ўзингизни эҳтиёт қилинг, биродар!

\* \* \*

Ўғлингизни қизғанишингизни боласидан узоқлашиб қолган онанинг алами, деб тушуниш мумкиндири. Аммо сиз келиндан қайнотани ҳам қизғана бошладингиз. Келингиз қайнотага ҳурматни оширса ҳам, уйда чиройли кийиниб юрса ҳам ғашингиз келади. Кўзингиз изидан қолмайди, нима деди, нима қўйди — олазараксиз. Табиатан ота қизга, қайнота келинга меҳрибон бўлади. Эрингиз шўрлик дастингиздан келинга одатий гапларни айтишга ҳам қўрқади. Чиройли келин олиб бошқалар баҳтиёр бўлса, сиз келинингизнинг айнан шу чиройини кўргани кўзингиз йўқ. Тўхтанг, ойим, мана шу жойда ўзингизни аслида ким эканлигингизни очиб қўйдингиз: демак, аёл сифатида сизнинг ўзингизга ишончингиз йўқ. Ёшлигингизда лов этиб кўринган эркакка тез берилгингиз келиб турган, яъни табиатингиз енгилоқ бўлганидан, эҳтимол, гуноҳдан ўзингизни асрашга кучингиз етмай, умр бўйи армон қилиб юрган жойларингиз бордир. Кўзингизни очинг, биродар, гуноҳдан қўрқмайсизми?

Аллоҳдан бу аёлга мен иймон тилайман. Токи у жисмидаги аёллик баднафслигини енгсин, тийсин. Токи ундан тарқалаётган авлодга бу қусури ўтиб қолмасин.

Дунёда энг ёмон кўрганим — аёлпараст эркагу эркакпараст аёлдир! Булар ҳамиша гуноҳ қилишга тайёр, хатарли инсонлардир.

\* \* \*

Келинини нари-бери қилаверган қайнонага дейишяпти: «Уйингизни ораста ушласа, овқатингизни қилса, сиз капкир ушламасангиз, супурги тутмасангиз, бир оғиз рағбат сўзига ярамайсизми?» «Қилган бўлса, унинг вазифаси!» — терс жавоб қиласи у.

Бу аёлнинг виждонидан сўрагинг келади: келинлигингизда ўша вазифани ўзингиз бажарганмисиз, деб! Келин фидойи меҳнатни асосан қайнона-қайнотага ёқиш учун қиласди. Аксари ҳолатларда қайнонасини қуидириб адo қилган келинлардан ёмон қайнона чиқади. Ҳалиги қайнона ўз даврида ихлос билан келинлик қилган бўлсайди, қўли кўсов, сочи супурги бўлган бўлсайди, бирорвинг кўнглини олиш роҳат-азобларини ўз баданида туйган бўлсайди, келинига бундай тошибагир бўлмасди!

Бу аёлга икки ёқлама увол бордир: уни роҳат кўрмай ўтган қайнонасининг оҳи бир томондан тутса, қўлида озорланиб яшаётган келиннинг армони иккинчи томондан тутгусидир!

\* \* \*

Бир гап қулоқларимизга михланиб қолган: «Қизинг тушган маҳалла итига ҳам эгилиб салом бер», эмиш. Бу бизнинг кўникмамиздаги нотўғри жиҳатларимиздир. Адолат қилинса, аслида менга қизини берганларга юкинмоқ жоиз. Боласини жонидан узиб олиб келганим учун, қизимни меҳмон қилиб ўтқазиб, келинни хизматга solaётганим учун, унинг ҳатто отаси исмини ўчириб ўз номимга кўчириб олганим учун улардан умрбод қарздорман. Ўғилни онаси қийналиб туқсан бўлса, қиз бозордан сотиб олинмаган. Онам раҳматли айтардилар: «Туғиладиган қизнинг тўлғоги ҳам аччиқ бўлади», деб! Қиз бола ўз жойини топиб кетгунча, отона игнанинг устида яшайди. Келиннинг унча-мунча камчилиги учун унинг онасига хўмрайиш ёки беписанд бўлиш иймонли одамнинг иши эмас. Керак бўлса, уни ўзингиз боп қилиб ўзгартириб оласиз. Ўзингиз ҳам шу кунгача кимдандир ниманидир тинимсиз ўрганиб келяпсиз-ку! Келинингиз ҳали сизнинг ярим ёшингизда, билганидан билмагани кўп. Беайб Парвардигорнинг ўзи!

Энди ўғлингиз ҳақида гапирайлик. Хўш, қани айтинг-чи, унинг ҳамма иши текисми? Баъзи хомлик-

ларидан ичингизни ит тирнаб юради-ку! Буни келин тараф билмайди ва юраги увшумайди дейсизми?

Аслида ҳар икки ёш рисоладагидай йўлга тушиб олгунча қудалар хуфияю ошкор бир-бирларига маслақдош, ҳасратдош бўлмоқлари керак. Ўғил туққаним учун, камчилигим бисёр бўлса-да, мен зўрман, хоҳласам салом бераман, бўлмаса йўқ деб турсангиз, жабр ўзингизга бўлур. Ҳадиси шарифда шундай дейилган: «Ҳар бир қўпол, қуруқ, гердайган, беканоат ва димоғдор одам аҳди дўзахдир».

\* \* \*

Келиним қўп андишали, ҳалол, меҳнаткаш қиз, аммо таом пиширишларга жуда уста эмас. Уни овқатга уринаётганини қўраман-да, эх, яна ўхшамай қолса-я, дея безовта бўламан. Шу аснода қўшни чиқиб қолади-ю, ошхона олдидан ўтар экан, келинимга: «Ҳа, овқат қиляпсизми?» деб луқма ташлайди. Пайтдан ютаманда, дейман: «Болам келиб, қўлларим узайиб кетди, оч қолсам, боқадиганим бор энди! Ҳали қўрасиз, опаси, қизим шунаقا пазанда бўлиб кетадики, маҳалланинг ҳамма келиnlари менинг қизимдан ўрганишга чиқади!..» Шу гап билан келинчагимдан қўп яхши ишлар кутаётганимни у билди ва қўп ўтмай қўшним: «Келинингиз яхши, қизиқувчангина экан, мендан фалон таомларнинг тавсиясини ёзиб чиқиб кетди», деди. Бир қувониб қўйдим. Демак, иш жилди.

Каттадан ботмайдиган бир ишора бас, кичик у ёғига ўзи филдираб кетаверади.

\* \* \*

Келин – бола. Ҳаётга эндингина кириб келаётган жавдираган жон. Ҳеч вақт уни ота-онаси дарвозангиздан зўрлаб киритиб, шуни олсанг ҳам, олмасанг ҳам оласан демагандир. Харидор бўлиб, қўйлар бериб, тўйлар бериб ўзингиз олиб келгансиз. Энди бу ёғи Фармонбиби айтганидай, сизнинг мактабингизда ўқий-

ди. Лекин ҳаётда озурда ҳолатларни кўрган одам сифатида қулоғингизга шуларни айтай: келиннинг бир иши сизни ранжитса, аввал икки-уч яхши ишини эслаб, миннатдорчилик изҳор қилиб, сўнггина шундай яхши ишлар қилган одам, шуни чатоқ қилибсиз-да денг, оғриғи енгил бўлади.

\* \* \*

Ҳаргиз пичинг, кесатиқ ишлатманг, у душманнинг усулидир.

\* \* \*

Келиннинг ота-онаси ҳақида салбий гапларни келинга эшиттириб айтманг, сиз билан уни боғлаб турган нозик ип узилади. Мусулмончиликнинг асосий белгиларидан бири Ҳалимлиқдир. Дилозор минг ибодат қилсин, барибир коғир қавмидадир.

\* \* \*

Қизидан кўнглингиз тўлмаса ҳам, қудаларга марҳаматли бўлинг – сиздан қувонса, қизини сизга эгиб беради.

\* \* \*

Аёлнинг яхши-ёмонлиги келин олганда маълум бўлади.

\* \* \*

Тилингизда доимо дуо бўлсин. Йилдан-йилга орқага кетаётган жонмиз, келинларга малолимизни келтирмайдиган ягона малҳам уларнинг ўзига эшиттириб қилинган дуодир.

\* \* \*

Ўғлингиз билан келинингизнинг иттифоқлиги фашингизга тега бошлаган заҳоти, билингки, шайтоннинг йўлига кирдингиз, тезда ўзингизни ростланг.

\* \* \*

Етим йигитлар эмас, күпроқ ота-онаси тирик йигитлар оиласдан күп сиқилади. Күпроқ шулар юрак ва асаб касалига мубтало бўладилар. Уларнинг бағри бутунлиги қаерга борди?

«Хотининг ундоқ қилди, хотининг бундоқ қилди», деб она сиқиширади. «Онанг мени мана бу жафоларга қўйди», деб аёли минғирлайди. Иккаласини келиштириш фўр йигитнинг қўлидан келадиган иш эмас! Йиғлаб-йиғлаб ёзилиб олай деса, у эркак! Тишларини фижирлатиб, ютишдан бошқа иложи йўқ, қарабсизки, ичи бевақт тўкила боради...

\* \* \*

Келинни ўғлингизга ёмонламанг, сочингизнинг оқи билан унга сиз чора тополмайсизу фўр йигит нима қилолади?

\* \* \*

Ўғлингизни келинга мақтанг, уни эшитиб ўғлингиз сизга янада яқинлашса, иккинчи томондан, жуфтининг олдида боши баланд бўлади.

\* \* \*

Ўзимдан кейин қизларим хор бўлмасин десангиз, келиннинг кўнглини овланг. Эшигингизни очиб, чироғингизни ёқиб қоладиган, қизларингиз келса, кўрпача солиб, сизнинг ўрнингизга қозон осадиганлар шулар!

\* \* \*

Ўзингиз тўнфиллаб турсангиз ҳам, қизларингизни келинларга ҳиммат ва меҳр кўрсатмоқча чорланг, ҳатто мажбур қилинг. Биздан кейин жигарларни бирбиридан жудо қиладиган ҳам, бирлаштирадиган ҳам шу келинлар.

\* \* \*

Қайнона одил бўлмаган уйда ҳар куни қиёмат.

\* \* \*

Келин олиб гапини ташқарига чиқармаган аёлга қиз беринг.

\* \* \*

Келинингиз қовоғи уюлиб, очилмай қолса, энг яқинда турган сиз айбдорсиз – совуқ ҳаво тегаверса, тегаверса, шифил мева қилган дараҳт ҳам күсовга айланади-да.

\* \* \*

Эрингизнинг уруғи ҳам, келинингиз ҳам, ўғлингиз ҳам, қудангиз ҳам кўзингизга ёмон кўринаверса, демак, гап ўзингизда экан. Қуръони каримда шундай дейилган «...Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартиргма-гунча Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас».

\* \* \*

Куни кеча ўзингиз ҳам келин эдингиз. Мустарлик билан жавдираб турардингиз – қайнонамнинг нега қовоғи солиқ, қайси ишим ёқмади экан? Қайнэгачим хомуш кўришди – билмай гуноҳ қилиб қўйдимми, деб безиллаганингиз безиллаган эди.

Эрталаб ҳаммани еб-ичириб, кийим-бошини ялаб-юлқаб чиқаргунингизча анча вақт ўтади. Уйни йифиштираман дегунингизча тушлик таомнинг ҳозирлиги бошланади. Қўлингиз капгирдаю хаёлингиз тўпланиб қолган кирда. Таомни ҳам чала ейсиз-да, кирга тушасиз. Кеч киради, яна қозон. Оралиқда униси келиб, буниси кетиб туради. Кейин дазмол, яна ошхона... Бунинг устига сизга ёқсан, ёқмаган одамларнинг барига бирдай илжайиб туришингиз керак! «Яхшилаб овқатланинг», демайди қайнонангиз. Астойдил овқатлангани тортинасиз, қимтинибгина еб туриб кетасиз.

Оғир иш бўлмаса-да, бир-бирига уланиб, давом этаверган ҳаракат, ҳаммага маъқул тушаман деб, асабларнинг таранг туриши зўр келади, тинкангиз қурийди. Дам олгани эса ҳаққингиз йўқ. Ишдан келган

куёвингиз ёнбошлаб ётади, ўқишдан келган қайнингиллар бир-бир ухлаб чиқишиди. Сиз келинсиз, ишдан келсангиз ҳам, ўқишдан келсангиз ҳам бирдай ҳовлининг у бошидан-бу бошига бўз қўйиб юришингиз шарт! Болаларим чарчайди, нега бу чарчамайди, демайди қайнонангиз!..

Бугун эса ўзингиз қайнонасиз, бир ширин жон қўлингизда худди шу аҳволга тушиб турибди, кўрган кунларингизни бир эсланг-да, унга раҳмингиз келсин.

\* \* \*

Қўшни аёл қўш келинини кечки дастурхон йифиширилганидан кейиноқ «кечгача чарчадинглар, қани уй-уйларингда дам олинглар», деб киритиб юборади. Сизнинг қайнонангиз ундей эмас, то охирги одам қўчадан қайтиб, дарвозани қулфламагунча, телевизорнинг томошаси тугаб, биринчи хўroz чақирмагунча, сизга ухлашга рухсат йўқ. Тунги 12 бўлди. Судралиб кириб кетасиз, ичингиз йиглайди, онам бўлса ҳозирги ҳолимни кўриб, у қиласарди, бу қиласарди дея ўксинасиз. Зирқираган суюкларингиз тўшакка шундоққина тўкиладио қотади.

Яна саҳар туришингиз керак. Кеч ётганингиз учун бир оз ухлаб қолсангиз, кўринг томошани! Қайнонангиз қаттиқ гапирмайди, таъна қилмайди, аммо нигоҳларнинг совуқлиги, алик олишларнинг оҳанги, идиш-товоқларнинг бир-бирига урилиши нақ юрагингизни чақади...

Сиз жуда тарбияли эдингиз – «хафаман» демасдингиз. Сиз жуда ориятли эдингиз – «чарчадим» демасдингиз. Қайнонангиз яраяпти-ю, деб иш буюраверарди. Индамаяпти-ю, деб тошбагирлиқда давом этаверарди...

Ичингизга сола-сола эрта қаридингиз. Юта-юта дард оширдингиз. Мана бугун ўзингиз ҳам қайнона бўлиб турибсиз. Келиндай яйраб ўтмаган келинлигингизнинг армонларидан энди чиқинг. Рўпарангиздаги келинни ўзингиз деб билинг. Унинг сиздан яшириб

турган дардларини, истихола қилиб айтолмаётган чарчоқларини уқиб туринг. Ўзингиздай бир онаизорнинг ширин жони у. Салга сўлиб, салга эгилади. Дунёга келганига эндиғина йигирма йил бўлган новда у. Элликка, олтмишга кириб биз адашамиз-у, у адашмасинми?

Ота-онасиинг иссиқ бағрини ташлаб, боғингизни кўкартиргани келди у!

Аёлликнинг дўзахий азобларини бўйнига олиб, ўғлингизни ўзидан кўнайтиргани келди у!

\* \* \*

Ютқазган қиз томон. Қудаларингиз ойда-йилда бир кўринадиган күёвга эга бўлса, сиз умрингизнинг охиригача, кечаси-кундузи хизматингизни қиласидиган қизлик бўлдингиз!

Қизларингиз уйи билан овора бўлиб кетади. Куч-қувватингизни ҳам сизга боғлаб қўйган эмас. Очиқсангиз ош, чаңқасангиз чой тутадиган, бошингиз ёстиққа етса, тонггача ухламай чиқадиган шу – келин. Қизларингиз келса, қўлига тугун тутадиган ҳам шу – келин.

Илоҳо, ҳар кимки фарзаңд кўрибди, ошини ошаб, ёшини яшаб, болаларининг фароғатини кўрсин. Аммо кунлар келиб, бу фоний дунёдан кетар бўлсак, орқамиздан эшигимизни очиб, чироғимизни ёқиб қоладиганлар ҳам шу – келинлар!

\* \* \*

Қизимиз келин бўлди, ўша ерда униб-ўссин, орқасидан раҳмат эшитай десак, қудамизни бошимизга кўтарайлик, бир яхши ишини икки деб кўрсатайлик, ёмонини яширайлик. Унинг яхши одам ёканлигига ўзини шу қадар ишонтирайликки, уялганидан феъллари эриб кетсин.

\* \* \*

...Ўғлимиз күёв бўлди. Келинимизнинг ота-онасини шу қадар қадрлаб, кўнглини шундай топайликки, токи қизини бизга қуюмли ва вафодор қилиб эгиб берсин. Бунга катта куч кетмайди – озгина зийраклигу ширин тил бўлса бўлди. Агар ота-оналар тўйдан кейинги икки йилда шу зайлни ташкил қилолсалар, ҳаммаёқ обод бўлгай...

\* \* \*

Гоҳ ҳалол, гоҳ ҳаром аралаштириб териб-туғиб тўй қиласиз, йигирматалаб кўрпа қоплайсиз – захлар чиритади, сичқонлар ейди, дошқозонларда ошлар дамлайсиз, қўш тандирларда нонлар ёптирасиз – органини моллар ейди! Биродар, бу тиришиб-тирмашишингиздан, жизғанак бўлишингиздан муддао не? Ўзингиз неча йил яшамоқчисизки, ё қирқта жонингиз бормики, ярмини ҳавога сарфласангиз! Ўзингизнинг биттагина жонингизни қачон ўйлайсиз? Дам олиш жойлари нималигини биласизми, неча марта санаторийга бордингиз? Ўзингизни аянг, биродар! Ўзини аяган, бирорвни ҳам эҳтиёт қиласиди. Ўзимизга ҳамиша шундай савол бериб юрайлик: бугун неча кишини кўнглини олдим? Неча одам менинг ҳузуримдан юраги яшнаб чиқиб кетди.

Навоийда шундай байт бор:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

## ҚАЙНОНАЛИК УСТОЗЛИҚДИР

«Устоз» деган сўзнинг маъноси жуда кенгdir. Бу ёруғ дунёда нимаики бунёд бўлган ва бўлаётган бўлса, устоз-шогирдликнинг мевасидир. Ниманидир қўшнингдан ўрганасан, дўстингдан, оилангдан, китобу матбуотдан, табиат, ҳаттоқи жониворлардан-да нимадир оласан. Баъзан фарзандингдан ҳам бир нарсалар

ўрганиб, тананг яйрайди. Тўрт тараф сабоқ ва ўшанча шогирд.

Қайнона-келинликни олайлик. Энг нозик устозшогирдлик шу эмасми! Рўзғор деган муқаддас уюшманинг бугунги ҳолатига разм солиб, юрагим увишади. Ҳар бир оила жамиятнинг бир гишти. Аммо бу фиштларнинг бутунидан синифи кўпайиб кетаётгани, оиласвий ажримларнинг катта қисмига қайнона-келин низолари сабаб бўлаётгани ҳаммага аён.

Касбига ноқобил ўқитувчи ўқувчисидан шикоят қилади. Келинини ёмонлаб юрадиган қайнона ҳам худди шундайдир. Аввало, худо ёрлақаган одам келинли бўлади – шунинг ўзи давлат. Оила иқлимига келиннинг, яъни янги бир ҳавонинг кириб келиши катта воқелик! Ҳар қандай воқелик содир бўлганда эса ўзгаришлар, силжишлар, янгиланишлар бўлиши табиийдир.

Янги фарзанд кўрсангиз, ҳеч қачон уни уйлар қуриб, сеплар ясаб, ҳовлиларгача башанг қилиб кутиб олмайсиз, лекин келин келса, шундай қиласиз, ўзингиз паст уйга сурилиб, келинни баланд уйга жойлайсиз. Буни ҳаяжон ва ризолик билан қиласиз. Сабаби, келин авлодимизни кўпайтиргани, боламизнинг ёнида бола бўлиб, толсак суягани, кетар бўлсак, чирофимизни ўчирмаслик учун келади.

Шундоқ воқелик содир бўлади-ю, нега таранг тортмайин! Келинга бўлган лутф ва марҳаматларим аввало унга бўлган ҳурматим изҳоридир. Қолаверса (мана шу устозликнинг бошланишидир), ҳаммаёқни созлаб кутишим – келиннинг кўзи бошидан бошлаб орас-таликка ўргансин деганим, уст-бошимни саришта тутишим – келин мени кўриб уйда рўдапо бўлиб юрса бўлаверар экан демасин, деганим. Айб иш қилган оиласи аъзосига овозимни кўтармай, бепошна гап айтмай, имо-ишорали танбеҳга ўтишим – келиннинг тилию этини қотириб қўймай, қолаверса, онаси бўла туриб, ўз болаларимни шу қадар юз-хотир қиласлип-

манми, келиннинг уларга ҳурматсизлик қилишига йўл йўқ деганимдир.

\* \* \*

Фарзандлар аксари айтганимизни эмас, қилганимизни қиласидилар. Келин менинг уйимга четдан кириб келди, то шароитни уққунча хатолар қилиши бор гап. Мен унинг адашишларини маржонга тизиб санамай, аввало, тўғрисини ўзим қилиб кўрсатишм зарур. Буни ҳалимлик билан, устозларча beminnat бажаришим керак. Худо берган тўрт келиним бор, қўшганлари билан қўша улғайсинлар. Онамдан кейин онам, фарзандларим ҳам билмайдиган сирларимни айтадиган ишонч тоғларим, ҳақиқий меҳр ва иззат кўрадиган манбаларим — шу келинларим, у дунё-бу дунё улардан розиман...

Агар уларнинг янгилигига биронтасининг уйига бепарволигини сезсан, билдиришмагина кириб йифишириб чиқардим. Қизариб-бўзариб узр айтишга тушса: «Вақтим бор эди, сизга ёрдам қилдим-да», деб қўя қолардим. Шу кифоя, кейин унинг ўзи жонсарак бўлиб қолади...

Янги келин давлат имтиҳони топшираётган, қалтираб турган талабага ўхшайди. Оиланинг ҳар бир аъзоси уни зимдан кузатиб туради. Шунча ҳаяжон ва изтиробини менинг кулбамга бағишлиб турса-ю, бу жиндаккина жонга нега она бўлиб раҳмим келмасин, нега унга қўргон бўлмайин?! Хатосини ёпишим, камини тўлдиришим, юпатиб туришим унга мадад беради, қолаверса, менга меҳри тушади, яна қолаверса, меҳнатини розилик билан қиласиди. Ҳатто онамизнинг сути бизга қарз бўлади-ю, келиннинг менга хизмати қарз эмасми! Розилик бўлмас экан, уйимизда барака бўлмагай!

\* \* \*

Келиннинг гуручдай яхши ишини ҳам сезганимни билдиришим керак. Мақтовга ҳали лойиқ бўлмаса, ҳеч

йўқ дуо тарзида рағбатлантириш жоиз. Орамизда шундай қайнона бўлгучилар бор. Бирор туққан, бирор бокқан бир инсон келиб, ўз эгасига эмас, етти ёт бегона, яъни сизга овқат қилиб, уйингизни тозалаб, ўтиңгиздан кириб, кулиңгиздан чиқиб турса-ю, бир оғиз: «Барака топ», демайсиз-а! Қўша-қўша шолча, гилам ювиб, меҳмонга борсангиз, сават-сават пишириқларни қўлингизга тутса, яна ҳадик билан қўзингизга жавди-раб турса, бир оғиз: «Қизим, чарчаб қолмадингизми, еб-ичиб олинг энди», дейишга ярамайсиз. Ваҳоланки, бирданига шунча ишини қизингиз ҳам, ўзингиз ҳам қилмайсиз. Нега мамнунликни билдиrmайсиз, иши битаётган уй сизники-ку! Келинга очиқ чеҳра бермай, кибр сақлаб нимани ютдингиз? Келиннинг юраги синди, сизга бўлган ихлоси музлади, норизо бўлди, оиласда нимадир чирс этиб дарз кетди!

\* \* \*

Яна шундайларингиз бор: ўз қизингизнинг кўрган тушидан бошлаб, кечаги еган овқатигача сўраб-сурингириласизу сизга тўшак солиб, оғзингизга кунда иссиқ чой тутаёттан келиннинг соғлиғини, уйига бориб келса, отонасининг тинчлигини, ишларининг боришини тил келиб сўрамайсиз-а! Янги кўйлак кийса, кўрмаганга оласиз, бирорлар уни мақтаса, эшитмаганга соласиз. Буларни келин кўриб туради. Юрагининг сингани энди унинг юзида ҳам кўрина бошлайди. Табассуми ўчади, қадамида хорлик сезади, бу навжувон новда гуллашнинг ўрнига сарғая боради. Унинг устига тилингизда тизгин йўқ. «Фалончининг келини ундоқ кулиб тураркан, пистончининг келини қучоқ очиб кўришар экан, йигит бўлмай ўласанми, хотин тергаш, хотин сўкишни ҳам билмайсан», дея маҳаллалаға эшиттириб шовқин соласиз. Келиннинг сайроқи булбул эди, гунг қилган сиз; очилган гул эди, кул қилган сиз; олов бўлиб кириб келганди, ўчирган сиз. У резина қўғирчоқмики, эзид ташласангиз ҳам, тишлиб отсангиз ҳам бирдай илжайиб тураверса!

Сиз ҳам, келин ҳам Аллоҳнинг неъматларисиз. Ҳақ яхши ниятда берган тил, дилни кибрга, биронга озор беринига сарфладингизми, жавобини берасиз. Рӯпарангиздаги неъмат — келинни хор қилдингизми, гуноҳингиз икки баробар ошди.

\* \* \*

Яна шундайларингиз бор: келинингиз чиройли бўлиб, ўзига қараб юради (бу аслида — омадингиз, этаги сўклиб, қоши ўсма қўрмай, Сайд Аҳмад ака ёзганидай, ёнингиздан ўтса кир совуннинг ҳиди келиб турса яхшими?!). Юрагингизда шайтон уйғонади, нега ишга чиройли бўлиб кетяпти, бирортасига илакишимадими, дея қайнотага гап едиришга тушасиз. Faфлатий эрингиз унинг изидан пойлаб ҳам кўради. Бу тинмаган жағингиз айбномалар тўқийверади. Ўйлаб-нетиб ўтирмай бир куни шартта: «Нега кечикиб келдингиз, ким билан юрганингизни биз қаёқдан биламиз», деб юбордингиз. Худо бехабарлик бу!

Балки келиннинг авлод-аждоди ўта покдомон сулоладир. Балки келинингиз покларнинг поки, не-не жойлар орзу қилиб етолмаган бир малақдир. Балки шаън, орият келинингиз ва унинг ота-онаси учун икки дунё пархидан қимматроқ турар! Ҳали гуноҳ йўқ, ҳали гувоҳ йўқ. Ўзингиз пул сарфлаб, онасидан қофозга ўралган қанддай қабул қилиб, оқ шоҳига ўраб олиб келган келинингизни бирон эмас, ўзингиз булғаб чақиряпсиз, уйингизни ўзингиз портлатяпсиз. Уй бузар сиз эмасми?! Ўғлингиз довдирайди, келин-куёв бир-бирига мўлтирайди. Кетай деса, куёвидан ёмонлик қўрмаган, боласи бор. Қолай деса, энг хунук гап айтилди, орият жисми жонини узади. Келиннинг ота-онаси у ёқда вайрон. Дил бузар сиз эмасми?! Қилмишнинг қидирмишидан қўрқмоқ жоиз. Сиз бироннинг асраганини аямадингизми, Худо сизнинг асраганингизни уриб қўяди.

Мана шу мен санаган қайноналар ҳам карвон эргаштириб бораётган устозлар. Уларни қанча-қанча ёшлар

кузатиб бормоқда. Қисқароқ ўйлайдиганлари уларнинг изидан кетса, доғ қолгани шу. Ёмон ишларнинг тескарисини қилиб борсалар, ортимизда боғ қолгани шудир.

\* \* \*

Бир улуғ ёшдаги қайнонанинг күлдай ивиб йифлаётганининг гувоҳи бўлдим. Набираси обдан куйдираётгани, олтмишдан ошиб қолган ўғлининг бундан адойи тамом бўлганини айтиб бўзларди. «Бунга мен айбордман, — дейди у, — келинимнинг менга озорлари ҳаддан ошгач, «илоҳим, болангдан тортгин», деб юборган вақтларим бўлган, воҳ, демасам бўлар экан», — деб ўз бошини ўзи муштлар эди!

Қайнонага озорлик бўлган у келиннинг ўзининг биттагина келинига қилганadolatsizligini ҳам кузатганимиз. Яратган унга дилбар келин берди — ораста, пазанда, чевар, муомалали, чиройли. Аммо у ҳамиша иддаода, қачон кўрманг, келинга ҳамлага тайёр туради, ўқланган қуроддай ўқ ёғдиргани ёғдирган. Кўринганга тинмай ёмонлаб чарчамаганини айтмайсизми! Бир ёшли, уч ёшли набираларига «ҳамма ёмон ишларинг онангта ўхшайди!» деб бақириб-чақиришларини айтмайсизми! Келин эса сукутда. Шу ҳолатнинг ичида ўн йилдан ортиқ яшаб келаётган бўлса-да, бу баттол қайнонанинг юзига ҳаргиз тик қарамади, жавоб тошини отмади...

Бугунги қунда эса уни биттагина ўғли нақ оловгинага ўтқазиб қўйди! Кулфатдан қандай қутулишни билолмай карахт! Бу аёлнинг қайнонасига бериб келган азоблари, энди эса биттагина келинини қон йифлатишлари жавобсиз қоладими дейсиз! Аллоҳ бор ва ҳеч бир бандасининг яхши-ю ёмон ишини жавобсиз қолдирмайди. Аллоҳдан ҳеч ким қочиб қутулолмайди!

\* \* \*

Бир ширин холапошшага: «Устозингиз ким?» деб савол бераман. «Худо раҳмат қилгур қайнона ойим-

лар, – деб жавоб беради. – Келин бўлиб келганимдан кейин, қўлимдан ушлаб рўзгорни айлантиридилар. «Мана бу супургининг ини, мана бу хокандознинг ини. Мош бу ерда қопқоғи ёпиқ туради, гўшт анови ерда докага ўроғлик туради. Хуллас, шу ерда нимам бўлса, энди сизга топширдим. Шундоқ тартибда сақланг, яхшилансанки, ёмон бўлмасин. Ўзимни ҳам сизга топширдим – берсангиз ейман, бермасангиз ўламан», дедилар. Ерга урса қўкка сапчийдиган асов той эдим. Раҳматли қайнона онам силаб-сийпаб мени одам қилганлар», – деб ёшларини артади холапошиша.

Яхшиликка чорлаш – устозлик! Яхши амалларни ўзинг қилиб бирвларга ўргатиш – улуғ устозлик. Ҳар биримиз қайсиdir даражада устоздирмиз ва жамиятнинг покланиб бориши учун маъумиз.

Сўзимиз сўнгида ҳар доимги тилагимни яна тилга оламан: ҳар биримизга ўзимииздан кучлироқларни уйфотиб кетиш насиб бўлсин ва улардан: «Устозинг ким эди?» деб сўраб юрсинлар.

\* \* \*

Қиз бола узатилар экан, куёв бор хонадонни Эрам боғи деб боради. Зухрога айланмоқ учун боради. Атласу шойилар ичида Ой бўлиб, балқиб боради, сукунатга тўла ҳовлингизга баҳорий жаранглар ва баҳорий ранглар билан ҳаётнинг энг ширин қўшиқларини бошлаб, маликалардай кириб боради.

*Орзулари ушалсин унинг!  
Ихлослари синмасин унинг!*

Тоҳирини топсин шу даргоҳдан! Мажнунини топсин шу боғдан!

Онасидан ҳам меҳрибон онани, отасидан ҳам аъло-роқ отани шу ердан топсин!

*Ўз уйим деб жойлансан уйингизга,  
Ўлан тўшагим деб жойлашсан!*

Қайноналик имтиҳонларидан ёруғ юз билан үти-  
шингизда Аллоҳ мададкор бўлсин!

\* \* \*

*Сиз келдингиз, эртакларни туйдим, қизим,  
Жоним тиниб, ором тўнин кийдим, қизим,  
Ҳеч кимнимас, сизни сизлаб суйдим, қизим.  
Келин қизим, атиргулдай сўлим қизим.*

*Қийғоч қошлар қалам билан чизилмаган.  
Ҳеч бир кўзлар бу кўзлардай сузилмаган,  
Кулгичингиз аъло турар минг тилладан,  
Келин қизим, тўлин ойдай тўлин қизим.*

*Тилла қошлар қошингизда жилоланаар,  
Бошингизда зар дўппилар тиллоланаар,  
Ифорларга тўлиб кетди остоналар,  
Остонамни чаман қилган гулум қизим.*

*Эвоҳ, сизни онам кўрса бўлмасмиди,  
Йиғлаб юриб, кўзмунчоқлар илмасмиди,  
Сизни кўргач, яйраб, балки ўлмасмиди,  
Келин қизим, бағрим тилим-тилим қизим.*

*Энди онам ўлди дея йиғламайин,  
Ҳолим сўраб турибсиз-ку онамдайин,  
Сиз келдингиз, умрим узун бўлар тайин,  
Келин қизим, тўлин ойдай тўлин қизим,  
Остонамни чаман қилган гулум қизим.*

## КЕЛИНЛИК ИЛМИ



\* \* \*

Жисмингизнинг жами аъзоларини Худо ҳурлиқда яратди, яъни кўз, қулоқ, қўллар, оёқлар... бари эркин. Аммо, таассуфки, тил деган нарсага кўп ҳадик билдириди. Даставвал унга тиш аталган тошлардан икки қатор қўрғон қўйди. Ҳадиги ортавергач, лабларни дарвоза сайлади. Бу ҳам хавотирли бўлавергач, тафаккурни унга соқчи тайинлади. Аллоҳки қўрққан нарсадан баңдаси қўрқмасинми? Тоғ кўчиб ўлмаган, ўқقا учиб ўлмаган одам бир оғиз сўздан тугаши мумкин. Ёмон тил хоҳлаган кишини бемор қила олади. Яроғ билан одам ўлдирган кимсанинг оти қотил ва ундан умрбод сесканиб ўтадилар. Лекин эру фарзандларнинг асабларини, кайфиятини, юрагини кунда бир неча бор ўлдириб юрадиган аёлга ким деб қараш керак? Унинг жазоси нима?

Мехрибонлик уйларига назар солинг. Она ҳам жонга тегиши мумкинми, она-я?! Тўшакка қадалиб ётган она ҳам ҳеч йўқ бир оғиз маслаҳати билан боласига дармон бўлади. Онаси юзга кириб ўлганлар, тўймадим деб йиғлайдилар, яна юз йил яшаса бўларди, дея бўзлайдилар.

Фарибхонадагилар эса, Худо мени кечирсину, болаларини тиллари билан, феъллари билан зада қилганилар-ов! Сени туғиб қўйдим, сени боқиб қўйдим, деб таъна қилганингиз заҳоти Аллоҳнинг қаҳри келадир. Фарзандни сизга Худо берган. Таънани унга қиляпсизми? Ҳамма эътиборинг менга бўлсин, топганинг

менга бўлсин, ҳали мендан қарзинг кўп дедингизми, ҳамма савобингиз куяди! Ахир она-бала кўчадаги йўловчими, қўшнимики бирга-бир қилиб ҳисоблашса! Бола бизнинг танимиздан, жонимиздан ўсиб чиқадику?! Бола бизнинг ўзимиз-ку! Аслида, онанинг энг ёмонини ҳам фарзанд қўлида кўтариши керак. Бу унинг бурчи! Аммо ўз боласини тинимсиз яралаб, тили билан наштар санчишга қодир онадан қандай қилиб меҳрибон бола туғилсин? Буғдойдан буғдой, курмақдан курмак унади!

Демак, келин ойим, ҳали бағрингизда бола деган фунча тугилмай туриб, ният қилинг, феълингиз созлансин, токи сиздан ҳеч ким озор емасин, отингиз МЕҲР бўлсин, одатингиз ҲАЛИМЛИК бўлсин. Тақдирнинг ҳукми шу: тили ширин онага бола – РОҲАТ, тили ёмонга эса боласи – ўзидан чиқсан ЖАЗОдир!

\* \* \*

Жуфтингиз билан нонушта қиляпсиз. Шу пайт қайнонангизнинг овози келди: «Яхши бор, болам. Албатта, тушлик қилгин, оч юрмагин, бўлтими?!» «Ойим укангизни кузатяптилар, омон бўлсинлар, жуда меҳрибонлар-да, – дейсиз чой узатаётиб ва кулиб туриб юмшоққина қўшиб қўясиз, – лекин сизга унақамаслар, сиздан унча хавотир олмайдилар».

Эркагингизга бу гап малол келади. Онам менга жонини ҳам бериши мумкинлигини сен қайдан биласан, дейди ичида... Бу гап ўтди-кетди.

Бир куни ўғли чарчаб турган пайтида онаси битмай келаётган бир чала ишни эслатади. Ҳар сафар хижолат чекиб «Эсимда, онажон» дегучи ўғилнинг кўнглига бу гал «Нега энди шу ишни фақат мен қилишим керак?» деган зардали ўй келади. Бу ҳам ўтди...

Кунлардан бир кун яна онаси бир оз гинали гап қилиб қолади. Онанинг қўзига бирор марта кўз қадаб қарамаган ўғил бирданига: «Нима, мен ўтгайманми, ё бошқа ўғилларингиз осмондан тушиб, мен ердан

чиққанманми?» деб бақириб юборганини билмай қолди! Үзининг үшқириғидан эркакнинг ўзи ҳам караҳт қотди. Хонадонни гўзал қилиб турган нафис қобиқ жаранглаб синди, нозик бир тор узилди. Онанинг бошидан бамисоли қайноқ сув қуийлди. Йўқ, йўқ, бошига эмас юрагига қуийлди — «жаз-з-з» этди бир нарса қўксида!..

Хўш, келин ойим, энди нима бўлади? Шу ҳолат маъқулми сизга? Үзингизнинг ҳам рангингизда ранг қолмабди. Ҳовлига илон киргандай бу совуқ вазият сиз туфайли содир бўлди. Эшилибгина чой узата туриб, тилингиздан кетган хиёнатнинг ҳосиласи бу! Эт билан тирноқнинг орасига ниш уриш бу!

Тоғни талқон қилишга қурби етадиган эркакнинг бир ожизлиги бор, дунёни ҳушёр қўриқлашга қодир эркакнинг бир ғофиллиги бор: ки у аёлидан эҳтиёт бўлмайди! Аёлнинг бир ишораси билан инсонийликдан чиқади, аёлнинг бир гугурт чақиши билан дунёсига ўт қўйиб қараб ўтиради.

Таъкид: Сиз бу нотавон эркак қошида ёмонлик келтирадиган ишоралардан тийилинг! Кўрдингизми, тилингизнинг қилдай гуноҳидан филдай кўнгилсизлик бино бўлди. Ҳали бунинг қайтими бўлмайди дейсизми! Фақат унинг болангизга қайтгани ёмон, келин ойим!

\* \* \*

Келин ойим, сиз чиройли гапирасиз, жуфтингизга ёқадиган қилиб гапирасиз. Эркак зоти мақтовга бесуяк бўлади, бу сизга қўл келади. «Онам сизни ундоқ суждилар, опам сизни бундоқ мақтайди. Акам сизга мана бу кўйлакни бериб юборибди, ҳурматингизнинг баландлиги-да бу!» деганингиз сари эркагингиз сари-ёфдай эрий кетади. Қарабсизки, ҳайит-арафаларда аввал сизнинг онангизни йўқлаб, кейингина ўз онасиникига келади. Сизнинг опа-укаларингизни тўрт-беш йўқлагандан кейин, ўз эгачи-синглисеникига бир бора кириб қўяди. Сизга бу ҳол хижолатлик туюлмайди, ҳатто

ёқади. Туппа-тузук йигит қўлингизда манқуртга айланди. «Мен камолга етгунча, онамнинг икки кўзи қону йирингга тўлган, аввал ўша муштипаримни кўрай», демайди. «Хотинимнинг уруғи уч-тўрт марта кўнглимни олган бўлса, жигарларим мени улғайтирди, емай едириб, киймай кийдирди. Шу товусдай товланиб турган хотинни ҳам шулар олиб берди – изларини ўпиди, аввал шуларнинг кўнглини олишга шошилай», демайди! Чунки у сизнинг етовингизда.

Эркагингиз фақат сиз томонга юкиниб, ота-она ва жигарларидан нари бўла бошладими, огоҳ бўлингки, у эрта туриб индинга сиздан кечиб, сизга орқа ўгириб, хотинининг этагида намоз ўқийдиган, сизни зор қақшатадиган ўғил бўлиб тақдирингизга қайтади!

\* \* \*

Сиз эркагингизга оға-инисини ҳеч қачон ёмон демагансиз. Улар келса-кетса жонингизни садақа қилиб кутасиз. Ҳатто бирвларга улардан миннатдор гапирасиз. Эркагингиз ўқтам йигит, қўлидан келса, ҳаммага яхшилик қилса! Жигарларидан ҳеч нарсани аямайди. Аммо бу кетаётган сарф-харажатлар баъзан юрагингизнинг тагида ғашлик пайдо қиласи. Эрингиз эса тинмай яхшилик билан банд! У ҳеч қачон буни раҳмат эшитгани ё атрофга кўрсатгани қиласи эмас – унинг феъли шундай.

Келин ойим! Орага яна сиз ораладингиз:

– Укангизга олиб берган костюм роса ярашибди-я, акаси борларнинг баҳти бор-да, – дедингиз.

– Синглингизга ясаттириб берган жавонингиз уйини яшнатиб юборибди. Қизи тушмагурнинг оғирбосиқлигини қаранг, ўрнида бўлсам, бўйнингизга осилиб раҳмат айтардим, – деб қўйдингиз!

– Мана икки ойдан бери акангизнинг ишини қиласиз. Раҳмат сизга. Кимнинг укаси ўз тирикчилигидан қолиб акаси учун ўлиб ётибди. Сизларга жудажуда ҳавасим келади, – дейсиз никтаб тезда-тезда...

Бундоқ қараса, гапларингиз ширин. Ҳеч кимни қарғамаяпсиз, мана бу иши хато демаяпсиз, яхшиликни тұхтатинг ҳам деганингиз йүқ. Фақат юрагига сездирмай тариқдеккина гумон уруфини солиб қўйдингиз. Эркак мўрт-да! «Дарвоке, ўлиб-тирилиб уларга илинаман. Демак, атрофда мендақаси кам. Нега жигарларим хурсандлыгини менга билдирамайди? Ҳўш, қани улар менга нима қилиб бердию мен нима қилдим», деган ўргимчак тушади ўйларига. Ва миясида айланаверади, ақли унинг тўрига уралашади. Қарабсизки, бир куни акаси келса... муздай сўрашади ва унга норизо тарзда тикилиб қўяди: «Ишингни қулдай қилиб қўйдим, раҳматинг қани?» дейди у кўз! «Уринтириб қўймадимми, ҳолинг қалай, дейишга ярамаяпсан-а!» дейди у нигоҳ.

Келин ойим, ним қочиримларингиз иш берди – оғанини орасидаги жаннатий қўприкка ўт кетди! Жигарларнинг қийғос гуллаган, уларни яйратиб, яшнатаётган баҳорига қор уфурдингиз! Миннат фасли бошланди! Эрингиз оға-инисига қилган яхшилигини ҳисоб-китоб қила бошлади! Бу орқага кетиш, бу таназзулдир! Бир-бирини рози қилган жигарларни Аллоҳ ёрлақайди. «Кимки ризқим улуғ, умрим узун бўлсин деса, қариндош-уругларига меҳр-оқибатли бўлсин», дейилади Ҳадисда (Ҳадис. 4-жилд, 12-боб, 82-бет).

Миннатни қўзғатиб, дуо олиб турган бофингизга гармсөл чорладингиз. Водариф!

\* \* \*

Манман деган эркак ҳам аёлнинг гапига лақقا тушади. «Хотинидан қўрққан эркак эркакми», дейди қўксига уриб айримлари. Ҳақиқатан ҳам аёли ундан зириллайди. То кўчага чиқиб кетгунча атрофида бўз қўйиб югуради. Кўзлари ҳадик билан унга жавдираб туради. Шунинг учун эркакнинг қўнгли тўқ – «гаҳ» десам, аёлим қўлимга қўнади, уйда хўжайин менман, дейди! Аслида эса, асосий ишлар аёлининг хоҳиши билан бошқарилади: аёли кимни мақтаса, эркак ўшанга

иljайиб қарайди, кимни ёмонласа, үшани ёмон құради. Икки оғизгина хезлаб қўйса, қўшни билан уришиб чиқади, озгина гап едирса, хотини айтган одамни бориб мукофотлаб келади...

Келин ойим, мен бу ўринда эркақдан ғазабланмаяпман, уни лақмага ҳам чиқармайман. Балки Аллоҳ уларни бизнинг фойдамизга яратгандир. «Мана сенга зўр, аммо фўр зот. Сенга берганим – тафаккур билан ундан ЯХШИЛИК ЯСАЙСАН», дегандир. Бундай ўйлаб кўрсангиз, қучга тўлган билаги, ихтирога қодир ақли, юрагида шердай шиддати билан эркак ҚУЙМА ОЛТИН. Аммо уни шу туришда на пул қилиб бўлади ва на чаккангга қистиргани гул!

Аёл эса ЗАРГАР! Умр бўйи эркагидан оиласи учун керакли нарса ясаш билан уриниб ўтади.

Келин ойим, илоҳим, инсофли заргар бўлинг!

\* \* \*

Келин ойим, оилангизга узоқ-яқин бўлган кишилардан озорлансангиз, ичингизга ютиб туринг. Обдан мулоҳаза қилгачгина эркагингизга сездиринг. Йўқса, сизнинг гапингиз билан бир совиган кишисига у қайта исимай қўяди. Кейин чандон ўт ёқсангиз ҳам ўрнига келмайди. Жуфтингизга у эгачи-сингилдир, тоға-жиян ёки онадир, ё сизнинг қавм-қариндошингиздир, ҳар эҳтимолга қарши, улар ҳақида эркакка фақат яхши ахборотларни айтиш лозим.

Дейлик, сиз жуфтингизга яқинлари ҳақида ҳеч ёмон гап айтмайсиз. Лекин бу сиз учун ҳали ютуқ эмас, бу билан ҳали сизнинг номингиз яхши эмас. Боиси, уйланган эркак учун аёл таянч нуқта, иқдим яратадиган манба бўлиб қоларкан. Аёл бамисли дирижёр – қўлидаги чўпи қаёққа қимирласа, оиласидаги куй шу ёққа ўзгараверади. Балки бу табиийдир, шундай бўлиши керакдир. Демак, эрларимиз ғофил қолса, биз айбдор! Одамгарчилиги суст кетса, бизда хато! Жуфтингиз опасини ёки синглисини йўқламай қўйди. Сиз борманг демадингиз, фақат

эслатмадингиз. Ўзингиз эсладингиз, лекин бормаса бормас, харажат камроқ бўлади деб, атайин айтмадингиз ёки ёдингиздан кўтарилди. Гоҳида эслатсангиз ҳам бормаслиги мумкин. Баъзан шундай гапларни эшитамиш: «Менда нима гуноҳ минг марта опангизникига боринг, боринг дейман, ҳатто йиғлаб ҳам ундан кўрдим, бормади», дейди! Демак, ўша жигарнинг бир гапи ё у яшайдиган муҳит уни итариб туради, у томоннинг юрак тортадиган илиқлиги кам. Келин ойим, мана шу ўринларда жуда ҳушёр туриш керак: эркакка очиқ хитоб, сўппайган таклиф сингмайди. Энг яхиси, сиз жойини топиб, ўша қайнингил ёки қайноғангизнинг яхши ишларидан гап ташлаб боринг. Уларнинг эркагингиз ҳақидаги яхши гапларини қўшиб-чатиб эслатиб туринг. Яна шундай гапларни ҳам деб туринг:

— Эшиқдан акангнинг ё укангнинг кириб келиши қўёшнинг келиши билан тенг бўларкан, тунов куни акам келганда чунон яйрадим-да!

— Қайнонам сизларни яхшиям ўғил-қиз қилиб туғибдилар. Акасини кўрганда қиз боланинг ҳамма ғами унутилади.

Ёки:

— Худо хоҳласа, ҳайит келса, опангизнинг уйига саҳарлаб кириб боринг. Даҳаси тирилиб келгандай бўлсин. Биласизми, эрнинг уйи жаннат бўлса ҳам, аёл киши остона пойлаб жигарини кутади!

Ёки:

— Бугун тушимга синглингиз кириди. Сал хомушроқ кўрдим-да, тинчмикан?

...Ва ҳоказо! Шундай гаплар асносида жуфтингизнинг жигарига мойиллашаётганини, исиб бораётганини шундоққина сезиб, мазза қила борасиз. Дунёда узилганни улашдай, яримларни яхлитлашдай фароғат борми?! Келин ойим, эсингизда бўлсинки, жигарлар ўзлари ҳеч қачон бир-биридан совимайди, уларни орага кирган бегоналар ажратади. Бундай ҳолларда ҳамиша ҳадик ва гумон келиндан бўлади. Ўша ёмон ном сиздан соқит бўлсин.

Яна ўйларсиз, шунча заҳмат бир келинга кўп эмасми, боламни боқаманми, жигарларни топиштираманми деб! Узоқни қўзласангиз, шундай қиласиз. Сизнинг номингиз топиштирувчи бўлсин, яхшиликларни уюштирувчи бўлсин. Жавобига ўғилларингизга ўзингиздай инсофли, иймонли, жон озиғи келинлар келажак!

\* \* \*

Ўғил болалар оналарига суйкалевчан бўладилар. Она сифатида айтаманки, ўғилларимга кўпроқ боғлиқлигимни, ҳар сафар улар ҳақида ўйласам, юрагимда тоғлар юксалаётганини сезаман. Аёл борки, мен ка-бидир.

Келин келгач, бир булбулинг иккита бўлгандай, икки ой, икки қуёш уйингга баравар тушгандай бўлади. Хонадонинг камалак рангига беланади. Сурурдан бошинг айланади. Лекин шу билан бирга, ўғлингнинг сендан аста-секин узилаётгани ва келин томонга боғланаётгани сезила бошлайди. Яхши она «ўғлим ўз жуфтини тонди-да, ҳали булар ёш-да», дея ўзини юпатади. Калтабин она эса «кеча келиб, ўғлимни ўзига қаратиб олди-я» ёки «ўғлим келинни мендан аъло кўрди-я», дегиси келади. Биринчи она юрагида мунг турса-да, ўзини бу ҳолатга осон кўндиради. Кейинги баттол она эса, шу ондан бошлаб, келинчакнинг хатоларини излашга тушади. Нафақат она, опалар ҳам, сингиллар ҳам ниҳоятда яширин ҳолда, сал бўлсаям келинчакдан жигарларини қизғанадилар. Буюк Шарқ одобида келинлик илми катта илм ҳисобланган. Келин оила мувозанатини сақладайдиган ўқ томирдир. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳисобда туради ва момоларимиз бу борада шундай йўл тутган эканлар:

- 1) келинчак оила аъзолари қошида куёвига ҳеч қачон юзланмаган;
- 2) куёв ҳам уйдагилар эшитадиган жойда келиннинг отини атаб чақирмаган, ҳатто умр бўйи эру аёл бир-бирларини фарзандларининг номи билан чақирганлар;

3) атрофдагилар қараб турганда, келин-куёв бир-бири билан пичирлашиб гаплашмаган;

4) келиннинг оила аъзолари олдида куёвга нозистифно қилиши ёки қуёвнинг келинга атойи лутф қилиши уят ҳисобланган.

Келин то оилага киришиб, қуёвнинг хонадони уни фарзанддай суюб қолгунга қадар, юқоридаги усул муолажа ўрнида бўлган ё айтиш мумкинки, ўшандай йўл билан келин қуёвнинг яқинларига ботмайгина сингишиб борган...

Келин ойим, шу қуёв сизники – умрингизнинг охиригача минг айланиб, минг ўргилиб яшайверасиз. Фақат ўзингизни шундай тутиングки, қуёвга ҳам обдан ўргатингки, гўё ўғиллари сиздан кўра ота-онасини, ака-укаларини кўпроқ яхши кўради ва шунинг учун уларга доим эътибор беради. Ана ўшанда сиз малол келмайсиз, оиладагилар хотиржам яшайдилар, ўзингизга ҳам келинлик татийди.

Нафси заманин айтганда, опа-сингиллар учibur кетадиган қушлар, ота-онанинг йўли эса дарвозага яқинлашиб қолган. Уларни кўриб қолиш, сұхбатлашиб, эркаланиб-яйраб қолиш ҳам ўғил учун ғанимат! Отана бола боқиб эмас, келин кўриб, қиз чиқаргач, кўпроқ азият чекадилар. Уларнинг кун ботарида дуосини олиб қолинг, келиш ойим!

\* \* \*

Қуш уясида, келин онасида кўрганини қиласди. Уядаги ишларнинг хато бўлганлигини англаб туриб ҳам, уни такрорлаб қўяверар экан бандаси...

Камолга стгач, кейинчалик оилалик бўлганимдан сўнг ҳам, онамнинг баъзан жаҳл устида айтиб юборадиган айрим сўзларидан оғринар, бундай қаттиқ гапни айтманг, деб норозилик билдирадим. Йигирма бешга кирдим – ундей гапдан ўзимни тийдим. Ўттизга кирдим – айтмадим. Ўқиганман-да, онамдан кўра маданийроқман, дейман ўзимча! Ўттиз бешга кирдим,

болаларим авжи тўполончи бўлган, кетма-кет оғрийди, ҳеч нарсага улгуролмайман, асабим қақшаган. Бир куни тўс-тўполоннинг ичида ўша мен ёмон кўрган хитоб жаранглаб эшитиляпти-ку. Ва уни айтаётган ўзим эдим! Ана сизга «уя»нинг таъсири!

Келин ойим, ҳатто мусаввир ҳам бола кўчиргандай нусха кўчиролмайди. Катта бўлаверсин, тўғрисини ўргатиб қўяман, деб ғофил бўлманг. Болани бирор деб ўйланг ва айбга сапаладиган ишларни унинг оддида қилманг. Яшириб юрган хатоларингизни кун келиб, болангиз ўзининг мисолида ошкора қиласи. Бола она-нинг тили билан айтганини ёки уриб-сўкиб ўргатганини эмас, унинг қилганини олади. Ошхонангиз тўла ювуқсиз идиш, кунда шу. Ошхона шунаقا бўлади, деб кўнижияти қизларингиз. Оилангиздагилар нарсаларни хоҳлаган жойига қўйиб кетаверади, чунки уйингизда ҳеч нарсанинг ўз жойи йўқ! Кеча тиктирган кўйлагингиз ювиладиган кирларга аралашиб ётади – бу қизингиз билан ичидаги матоҳлар бошингиздан қуишлиб тушади. Токчаларда чанг босган буюмлар йиғлаб ётади... Қайнонангиз келадиган кун ҳаммаёқни жон талвасасида бир қатор қараб қўясиз. Бошқа кунлари эса, ахлатнинг ичида нон еб, ахлатнинг ичида ухлайверасиз! Шунинг ичида қизингиз ҳам улғайяпти!..

Сизга энди гапиришнинг фойдаси йўқ. Сизнинг сяягингиз шундайлигича қотди энди. Фақат бу бехосият тутум қизларингиз билан бошқа хонадонларга ҳам ўтажаги учун йиғлайман. Сарфланган пулни-ю қўяверинг, бирорларнинг қизларингизга бағишлайдиган умрлари увол бўлажаги учун йиғлайман.

Келин ойим, дунёда дуолар сон мингта! Аммо сизга фақат покизалик тилайман. Покиза бўлмасангиз, уйингизга бойлик келмайди. Келса ҳам барака бўлмайди! Барака бўлса-да, тинчлик бўлмайди.

Аллоҳ, аввало, аёлнинг таъбини покласин экан...

...Бир куни эшик очсам, құшни әркак юзида хижолат билан турибди. «Айбга буюрмасанғиз, бир илтимосим бор, – дейди қызариб, – уятли жойга кетаётгандик, үртогингизни уйингизга туширай, соч-почларига бир оз зътибор қилиб қўйинг». Кетидан чимирилганча аёли чиқди: «Кўрмайсизми, бу әркакнинг олифталигини! Бежаниб, ўзимни бозорга соламанми?» – дейди. Кўп ҳам уринмадим, унинг қулоқларини шундоққина сочи тагига олиб, рўмолини ўхшамлик қилиб ўратдим. Қош-кўзига қаламни ҳази- лакамига бир-икки тегизиб эдим, ойдай бўлди-қолди. Ҳуснини ўзи кўмиб юрар экан. Бу аёл содда эмас, камтар эмас, бориб турган эринчоқ ва ғофилдир. Билингки, ўзига қарамаган аёл уйига ҳам яхши қарамайди. Боласига ҳам худди шундай! Бундайлар билан яшаганлар эса ҳеч қачон баҳтли бўлмаслар. Аёл бўла туриб завқи бўлмаса, гўзалликдан яйрамаса, уйидагиларга ҳам тинмай малоҳат улашиб турмаса, ҳаммаёқ кул рангига кириб, унинг боққан болалари ҳам тўнка табиат бўлиб қолмайдими?!

Аввало, аёл ўзи учун бежанади. Ойнага қараб, «Хайрият, кўринишим ёмон эмас, худо ҳоҳласа, ҳали яхшиман. Қариб кетганим йўқ», деган юпанч топиш илинжида ўзига оро беради. Қолаверса, атрофдаги-ларнинг кўзига ботмаслик, бўлар-бўлмас кўриниш билан кайфиятларини бузмаслик учун ўзига қарайди. Ярашиқсиз тикилган кийим билан, йиртиқ ё этаги сўкилган кўйлак, ёки ўнгиб ер ранг бўлиб кетган рўмол, ёинки хунук турмакланган соч билан юриш ён-веридагиларга, айниқса, ёшларга ёмон таъсир қиласди, уларни дидсизликка кўниктиради.

Бир куни боғча боладан сўраяпман:

- Сен нимани жуда-жуда ҳоҳлайсан?
- Аяжонимни чиройли бўлишини.

Ана сизга кичик боланинг катта орзуси! Гўзалликка эҳтиёж бола билан бирга дунёга келаркан. Унинг кўзини шу пайтда тилаган нарсаси билан бойитилса,

**дунёда дидсиз одамлар қолмайди. Гўзаллик саборини оиласда фақатгина аёл беради ва ўзининг мисолида!**

\* \* \*

Сиз келин бўлдингиз. Онангиз сизга бўлган муҳаббати туфайлими ёки қудаларга ўқтамлигини кўрсатмоқчи бўладими ҳайтовур, кунда, кун орада тугун жўннатаверади. Ота-онангизнинг топиши яхши. Унинг устига сиз ҳам телефонда буортма беришни қўймайсиз! Бир неча йилки, шу аҳвол.

Келин ойим, шу ўринда ақлингизни йифинг ва таҳлил қилиб кўринг:

Биринчидан, атрофдаги келинларнинг орқасидан ҳар кунда тугун келяптими? Келмаётган бўлса, нима учунлигини ўйлаб кўрдингизми? Овсинларнинг ўксисб қолиши мумкинлигини ҳам ҳисобга оляпсизми?

Иккинчидан, ота-онангиз кон эмас, эрта ўтиб индинга имконияти торайиб қолса, тинмай оқаёттан ариқ тўхтаб қолса, унга ўрганганларнинг мувозанати қандай бўлади?

Учинчидан, тушган жойингиз ўзига тўқ оила. Нега улар қуданинг озиқ-овқат ташишидан ор қилмаяптилар? «Безовта бўлманглар, бир келинни эплаб боқиб оламиз», демаяптилар?! Уларнинг орияти қани? Ва яна бир хатарли томони бор: «Қуда бекорга оғзи-бурнимни мойлаёттани йўқ, бошқа қудалари менинг даражамда эмас шекилли, демак, мен қудачиликни зўр қиляпман, қолаверса, ўғлимга қизидан ўн марта чиройлироғини олиб беришим ҳам мумкин эди-да, шунинг учун пойи-патақ бўляпти», деган гумроҳ фикрлар туғилиб қолиши мумкин.

Яна бунинг устига бора-бора күёвингизнинг фуури суст кетади. Қайнотанинг кафтидан дон ейишни ўрганади. Ва худо кўрсатмасинки, кунлардан бир кун «бойвачча отангга айт, у олиб берсин, бу олиб берсин» ёки «бор, отанг боқиб олсин», деб қолиши ҳам ҳеч гапмас!

Қиз бола тушган жойи ёғ еса ёғ ейди, тош еса тош! Борига шукр қиласди, йўғига сабр! Рўзгорнинг қизиги шу ерда!

Куёвнинг остонасига қудаларнинг кунда-кун орада илжайиб кириб қелавериши ҳам ўзбекчиликдан эмас. Ўрни келади, қолаверса, эл қатори ҳайит-арафалар, маросимларда ярашиғи бўлаверади.

Келин ойим, «кўп берма, қўнгил қўйма» деган гап куйганларнинг гапидир. Бирорга керагидан ортиқ изҳор қилинган меҳр-муруваттаги хорлик келтиради. Шу қулоғингизда бўлсин...

\* \* \*

Жуфтингиз бозор қилиб келганда чеҳрангиз ҳамиша очиқ бўлсин. Чунки оломоннинг ичида савдо қилиш, юкни уйгача келтириш азиятли иш! Эркагингиз нима олиб келган бўлса ҳам, ўша нарсалар тугагунча қўнглингиз тўлмаганини билдираманг. Қилган яхши савдосини бот-бот мақтаб туринг: «Олган картошкангиз бирар яхши-я, чойни зўридан олибсиз-да, гуруч танлашга устасиз-да» каби лутфлар эркакни тарбиялади, унинг кўнгли ўсади, кейинги гал янада астойдил бозор қиладиган бўлади. «Нега қолган нарсалар ҳақида индамайсиз, улар ёқмадими?» – дейди у. «Йўқ, улар ҳам яхши», – деб қўясиз қисқагина. Ўша ёмон нарса тугаб жуфтингизни яна бозорга йўллаётгандагина ётифи билан: «Ўтган сафар гўшт ёки сабзининг фалон айби борлигидан олиб қўйибсиз. Энди ўша томонларига эҳтиёт бўлинг», – десангиз кифоя.

Умуман, келин ойим, рўзгорга илиниб қимматми, арzonми, қўлида ниманидир кўтариб келганки эркак **ЯХШИ**дир! Уларга рағбат бериб, зукко бозор қиладиган, олиб келган буюмларини бошимизга қўйиб юриб, рўзгорга қайишадиган, болаларни чуғурлатиб раҳмат айттириб юриб, болам-чақам дейдиган қилиб оламизда!

\* \* \*

Эркакнинг яна бир заифлиги бор. Пули тугаб қолса, қовоғи тушиб, тегманозик бўлиб қолади. Шундай пайтларда сизга тинчлик керак бўлса, унга нохуш

гапларни айтмай туринг. Дунёнинг пулдан кўра минг марта гўзал неъматлари борлигига, уларни кўриб, туйиб маза қилишга чорланг. Болаларнинг яхши иши, ширин гапидан, атрофдаги чиройли ишлардан гапириб чалғитинг, тор дунёсини ёритинг.

Куч кетадиган, вақт, кайфият кетадиган, маблағ кетадиган муаммо ва маслаҳатларни жуфтингизнинг пули бор пайтига тўғриланг. Ўшанда кайфияти яхши бўлади. Ишингиз осон битади.

«Аёл юрагига қил сифмай турганда ҳам, ҳамма ишга балогардон-ку», деманг, «эрлар нега бундай», деб сиқилманг. У кучли салоҳият Аёлга берилган, эркақда йўқ. Инсондан имкониятида борини талаб қилиш керак. Каптардан булбуллик, олчадан ўрик сўролмаймиз-ку!

«Эрни эр қилиш» машаққати шу бўлса керак...

\* \* \*

Келин ойим, оила, рўзғор дегани ҳамиша бир неча фикр ва феълнинг тинмай тўқнашуви, мунозарага киришуви демақдир. Гоҳида бир онадан туғилганлар бир-бирига сингмай қолади-ю, четдан келган келин анча-мунча илғаниши турган гап.

Гап қайтариш беодоблик! Аммо ҳар гал индамай қўяверсангиз, аста-секин елкангизга ва бошингизга оёқ қўйиб юборсалар, вазиятни енгиллатадиган жавоб топинг, сизда ҳам ўтиш мумкин бўлмаган чегара борлигини озгина сездиринг. Лекин, хафа бўлсангиз, жаҳлингиз чиқса, жаҳлингизни чиқарган охирги нарса ҳақидагина гапиринг. Ҳаргиз эски-туски гиналарни санаманг, озор берганни қарғаманг, атаб чақирманг, овозингизни кўтарманг! Чунки бу тўқнашувдан кейин, хайрлашиб чиқиб кетолмайсиз. Яна ҳаёт бор. Шу уйда бир неча йилдан бери яшаяпсиз. Қанчадан-қанча яхшиликлар, чиройли кунлар албатта бўлган. Нега уларни унутасизу, ҳамма хато ёки ёмон ишларнигина хотира халтангизда тўплаб юрасиз?! Кўнгли, феъли қора одам шундай қиласи, ёдингизда бўлсин!

Бирорни ёмонлайдиган одам аввало ўзини қаритади. Фийбатчилик, гиначилик ёмон электроннинг ичидагашаш демақдир. Файбула ас-Салом «Толибнома» китобида: «Деворнинг ҳам қулоги бор, у одамларни тинглаб яшайди. Ичидагулгу, меҳр-муҳаббат шевалари, куй-қўшиқ янграган иморат нурамайди. Аммо ҳақорат, йиғи, жанжал бор хонадон зидан тўкилиб боради», дейди. Келин ойим, сизнинг шевангиздан нафақат кишиларнинг, балки сизга қулоқ солиб яшаётган иморатларнинг ҳам бағри бутун бўлсин.

\* \* \*

Мана ўзингиз келин бўлиб кўрдингиз. Келин ўзидан ўтганини ўзи билади-ю, худо билади: бирорлар учун хизмат, ҳар бир қадамингга қатор назоратчи, қисиниб овқатланиш, қисиниб гапириш, бир пайтнинг ўзида ҳаммага «тез ёрдам» бўлиш... осонми? «Рўзгор» деган синоату «бола» деган ширин душман ушлаб турмаса, ҳар дақиқада учиб кетгинг келади бу даргоҳдан...

Келин ойим, ўз уйингизда қайнингил ёки қайнэтгачи тарзида келинингизга берган озорларингизни энди ювинг. Ўзингиздан кичик қайнингилнинг сизга тепадан қараши, ҳатто танбеҳ бериши жонингизни оғритганда, ким эдиму ким бўлдим деб, ичингиз йиғлаганда келинойингиздан хаёлан узр сўраб қўйинг. Унинг юрагига ўзингиз санчган тиканларни олиб ташлашни ният қилиб қўйинг.

Агар онангизни ҳақиқий севсангиз, унга садоқат кўрсатмоқчи бўлсангиз, онангизнинг келинларини эритинг, уларга ёқиб олинг. Чунки, катталар ёшига ёш қўшилган сари эскириб, феъллари торая боради. Бундан бу ёғига ота-онангизнинг ёқадиган ишидан ёқмайдиган иши кўпайиши аниқ. Ва уларнинг ҳамма иши келинга тушиб туради. Ота-онангиз айтмаган миннатдорчиликни келинга сиз айтиб туринг, улар илинмаганини сиз илиниб туринг. Ораларига кўприк бўлинг, икки тарафни бир-бирига тушунирувчи, иситувчи бўлинг.

Бирога ёмонлик қилиб ҳеч ким роҳат топган эмас. Сиздан миннатдор бўлган келинингиз сизни рози қилиш учун ҳам ота-онангизга муҳаббат билан хизмат қилади. Сизнинг бу «ямоқчи», бу «сувоқчи»лигин-гиздан ҳамма манфаатдор: ота-онангиз меҳр ичиди, келинингиз хурсанд, ўзингиз хотиржамсиз.

\* \* \*

Сенга кўз, қулоқ ва тафаккур бердим, эҳтиёtingни ўзинг қил, дейди Аллоҳ. Кўринг, эшиting ва танангизга ўйланг: аканинг хотинига қаттиқ дилозорлик қилиб келган бир аёлни биламан. Бир қизи бебаҳт бўлди, иккинчи қизининг фарзанди турмади, учинчи қизи касалванд. Бир набираси ногирон туғилди, иккинчиси яна айбордor...

Шаҳарни вайрон қилишдан кўнгилни вайрон қилиш ёмон. Дилозорга Аллоҳнинг жавобини кўриб турибсиз.

\* \* \*

Онам раҳматли дангал аёл эди. Ўзи билган айрим хонадонларнинг тўйига ҳам кирмасди. «Уй тутмай ўлсин шу аёл, умр бўйи тўшаги оқармай ўтди-я», дер эди астойдил куйиниб. Келиннинг чатоғи кўрпачасидан маълум бўлади.

Уйимида каму кўст кўп эди, аммо ҳеч қачон кир тўшак бўлган эмас.

\* \* \*

Тўй кечаси чимилдиқقا кириб кетаётган ўғлини бир бор чақириб ўзига қаратиш удум эмиш. Токи онаси ning чорлаб турган овози қулоғига, нигоҳи нигоҳига ёзилиб қолсин учун, токи аёлнинг пойига мук тушмасдан, ортига бот-бот қараб, онаси ning кўзини излаб туриши учун...

Келин ойим, яхши келин аталай десангиз, жуфтингизга ортда қолган онасини тез-тез эслатиб туринг...

## ҚУТЛУҒ ИСМЛАР



### ҲАЗРАТИ НАВОИЙНИ ЁД ЭТИБ...

(«Тафаккур» журнали мухбiri билан сұхбат)

**Савол:** Маълумки, Алишер Навоийнинг буюклиги исботталаб гап эмас. Лекин, фаразан, исботлаш талаб этилса, Сиз қандай далиллар келтирган бўлур эдингиз?

**Жавоб:** Ҳеч ким айтмаган фикрни айтиш, қадам етмаган чўққини эгаллаш, фанда янгилик яратиш – бу ҳали буюклик эмас, бу – ҳайратли жараён, бу – ноёб воқелик, холос! Буюклик – ўша ихтиронинг яшаб қолиши! Фақатгина яшаб қолиши эмас, балки ўзининг ҳаётбахшлигини даврлар давомида сақлаб қолишидир. Инсоният тарихида не-не «боши олтин»лар келиб кетди. Не-не теша тегмаган гаплар айтилди! Аммо буюк иш қилғанларнинг ҳаммаси ҳам буюк бўлиб қололмади! Нега?!

Ҳазрати Навоий ўтганларидан бери неча хоқон, неча султон ўтди. Уларнинг бири кенг бўлса, бири тор эди. Қай бири Навоийни сўйса, бирори куярди, эҳтимол. Уларнинг қўлида ҳукм эди, уларнинг қўлида муҳр эди! Лекин ҳайрон қоладигани шуки, Навоий ҳамма асрда ва ҳамма шоҳлик фаслларида бирдай буюк саналиб келаверилди! ... 1941 йил. Ўрис учун икки дунё бир тутам бўлиб турибди. Ленинград устига ёмғирнинг ўрнига бомба ёғилади. Аммо шу тумонат, шу аросат ичидаги Алишер Навоийнинг 500 йиллиги нишонланяпти! Бу балки самимиятдан холидир, мазкур тадбир шўргага сиёсат учун керак бўлгандир. Аммо шунча миллат, шунчага элат туриб, уларнинг хазинасида неча ализлар туриб, нега ўриснинг эсига айнан шу зот тушди?

Беихтиёр онам такрорлаб юрадиган бир нақдни эслайман: «Ҳақ азиз қилган кишини бандаси хор айламас!»

— Навоийни Ҳақ азиз қилди! Аллоҳ қатор бандаларига истеъдод беради ва шу неъмат ичида уларни имтиҳон қилиб ҳам боради. Имтиҳондан эса бири ўтиб, минги тўқилиб қолаверади. Азизликка эришмак учун истеъдоднинг ўзи кифоя эмас, катта истеъдодни кўтаришга қодир шахсият бўлиши керак. Истеъдод — илоҳий нур, шоир шахси эса шу муборак нурни қабул қилиб оловчи макондир. Нур бирдай тушаверади, аммо гул ёки тиқан униши маконга боғлиқдир. Макон шикаста бўлса, макон қусурли бўлса, истеъдод улғаймас! Улғайса-да, Аллоҳ уни эл назарига туширмас! Боиси, у муборак нур — истеъдодни ғуборли феъли билан нопок қилди. Яъни унда ҳасад, кибр бор ёки у хасис, дилозор, ёлғончи ёки ношукр ва бесабр. Бундай шахсият истеъдод учун малодир ва истеъдод ҳам ўз навбатида ундан хун сўрайди. Ки шоир ғоят жарангдор сўзлар айтаверади, аммо тангри тўсган деворга тегиб қайтаверади, қайтаверади, орага минг даллол тушса ҳам, элга етмайди, етолмайди!

**ТОЗА ШАХСИЯТ**, яъни тил, дил, феъл поклиги билан **ИЛОҲИЙ НУР**, яъни истеъдод қовушган жойда **БҮЮКЛИК** бунёд бўлади. Бу — илоҳий инъом. Бу комиллик нури билан илоҳий нурнинг пайвасталиги. Мана шу сазоворликнинг номи Ҳаққа етишмақдир! Алишер Навоий шу неъматга эришган зотдир. **БҮЮКЛИК** нур манбаига ўхшайди — Навоийнинг номини зикр этганингиздаёқ сизга ҳарорат келган каби бўлур! **БҮЮКЛИК** замон ва маконга дахлсиз, қўёш нури каби беминнат — «мен қўёшни севмайман» деганларга ҳам нур сочаверади, эҳтиёжманд ҳужайраларни ўзи топиб тирилтираверади.

**Савол:** Навоий ижоди жаҳон адабиётида юксак мақомга муносиб бўлгани ҳолда, ҳали шунга яраша тарғиб этилмаган, қадрланмаётгандек туюлади. Бу борада адолатни тиклаш — Навоийни бутун дунёга тани-

тиш, асарлари, ғояларини кенг тарғиб қилиш учун нима ишлар қилиниши лозим?

**Жавоб:** Биринчидан, Навоий шу миллатнинг дарди билан оғриб ўтган шоирдир. Миллатнинг ақли расоси борки, шоир ижоди мӯъжизаларини жон-жонига сингдирмас экан, Навоийнинг руҳлари гирён ургай! Аввало, ўзиники ўзига буюрсин халқнинг! Бугун эса Навоий бамисоли баланд тоғ, кенг китобхонлар оммаси унга етолмай пойида мўлтираб турибди.

Иккинчидан, қўлида қалами бор, истеъдодли ёшлардан танлаб, дунёнинг етакчи тилларига ўқитиш керак, иложи бўлса, ўша мамлакатларнинг ўзида малака ошириб келсин. Улар қадим туркий тилни ҳам обдан ўргансинлар, ўзлари ҳам миллий рух, миллий қадриятлар бағрида ўсган бўлсинлар ва Навоийни тўғридан-тўғри жаҳон тилларига таржима қилсинлар. Қанийди, қанийди-я шундай бўлса!! Қани эди, шу ишга фидойи ўғил-қизлар ўртага тушса! Қани эди, уларга ҳимоя бўладиган ҳомийлар пайдо бўлса!!

Учинчидан, дунёдаги элчихоналаримиз қошида «Навоий уйи» номли жойлар очиш зарур. У ерда Навоийга бағишлиланган адабий кечалар ташкил этилса, Ўзбекистондан борган санъат ва адабиёт аҳли иштирокида бот-бот гўзал мажлислар тузилса, ниятлар олдинга жилса, ажаб эмас.

Тўртинчидан, Республика Президенти номидан тантанали саналар муносабати билан чет элларнинг юқори мартабали шахсларига топшириладиган Алишер Навоий номидаги совфа-мукофот таъсис этилса.

**Савол:** Навоий асарлари ва ул зотнинг шахсан намунаси руҳият ва маънавиятнинг ҳаётбахш чашмаси, таълиму тарбиянинг бекёёс манбаси бўла туриб ёш авлод, айниқса, талабаларимиз бу чашмадан деярли бебаҳра қолмоқда. Аҳволни ўнглашнинг чораси борми?

**Жавоб:** Бир мухбирнинг саволига жавобан армонларимни бир-бир санай туриб, «энг катта армоним —

кўзим очиқ туриб, отим ўзбек бўла туриб Навоийни луғат билан ўқиётганим», дея жавоб бергандим.

Навоий достонлари, илмий, тарихий асарларини бугунги ўзбек тилига тезда ўтириш керак. У халқقا аталган неъматлардир, бизнинг айбимиз билан эгасига тўкис етолмай турибди.

Навоий ғазаллари, рубоийлари, қигъалари, фардларининг шарҳлари учун танловлар эълон қилиш керак. Энг чиройли шарҳларни ярим, бир, икки тобоқ ҳажмли китобчалар тарзида чоп этилса, халқقا тез тарқайди.

Россиянинг иқтисодий аҳволи, қўриниб турибди, чапак чаладиган даражада эмас, аммо болалар учун чиқарган китобларининг сифатига ҳавас қиласиз. Бугунги кунда телевизорнинг тагидан кетмай қўйган болани унча-мунча нарса билан эътиборини тортиб бўлмайди. Аммо бола тарбияси жон қадар керак, мустақилликнинг илдизини маҳкамлай десанг, болангни тарбиялаб қол! Бир танишим ҳикоя қиляпти: касалхонаада ўн ёшли қизини олиб ётган экан, улар билан бир рус аёли ҳам қизини даволатяпти экан. Танишларимизнинг муолажаси тугабди, аммо қизи «кетмайман» деб диққат қиласмиш-да! Сабаби, ҳамхонасидан олган китобни ҳали ўқиб тугатмабди. У «Библия»нинг болалар учун чиқарилган нусхаси экан. Шундан ҳисса чиқариб айтамизки, Навоий асарлари ислом динининг пок ахлоқ-одобга чорловчи даъватларининг синтези, гўзал тақдимиdir. Инсонийлик илмининг халқчил ифодаси бўлмиш бу хазинани чиройли муқова ва шаклларда, кўзни қамаштирадиган қилиб болаларимизга тутқазайлик. Чиқими деймиз, бозор иқтисоди деймиз. Аммо мутолаа, бола тарбияси борасида баҳона кетмайди, ахир инсон ўзи емаганини боласига едиради-ку! Гуноҳ бўйнимизда бўлур!

**Савол:** Навоий сизнинг шахсий ҳаётингиз ёки ижодингизда қандай ўрин тутади?

**Жавоб:** Ҳазрати Навоий қошида ҳамиша ўзимни шифо илинжида турган бир бемордай сезаман. Шоир ёзғанларини уқишим керак дея бетоқат бўламан. Уққан сарим, албатта, тугунимга ечим бўлади, руҳимнинг очиққан жойлари қониқади деб ишонаман. Ва юрагимга битиб юраман: Навоийни варақма-варақ ўқиб улгуролмасам, уқиб улгуролмасам — бу дунёдан қашшоқ кетишими шудир!

Гоҳида дарс ўтар эканман, шоирнинг битта шоҳ байтини тўқсон минут давомида шарҳласам ҳам, ичида яна гавҳарлари қолиб кетаётгандай бўлади. Бу дарсларни қўпроқ тингловчилар учун эмас, ўзимнингроҳатим учун ўтаётганимни сезиб қоламан — сўзлар қатига кирганим сари қулфи дилим очилаётганини, руҳим қанот ёзаётганини туяман. Тингловчиларнинг ҳам кўзларида маънолар ўзгариб боради, Навоийнинг тафти уларга ўтаётганини кўриб тураман.

*Эй Навоий, дарслиғ назмингни дарс аҳли билур,  
Дардсиз доги бўлур они ўқуғоч аҳли дарс,*

дейди шоир. Ўқиган нарсангдан сенга «дард иниши» кўзингнинг ўзингга тушишидир. Ўзингдаги дил, жон жуда нозик ва ширин неъмат эканлигини бирдан билиб қоласан! Юрагингта қамалган булбулни топиб оласан! Ана энди унинг нолонлари билан дардлашишми! Бу ўз-ўзини кашф этишдир!

*Навоий ўзни хуш тутким, кишига даҳр иши бордир,  
Агар мушкул тутар — мушкул, ва гар осон тутар — осон,*

дейди яна. Бу байтни руҳимга бамисли асо қилиб олганман. Неча суҳбатдошни ҳам шу мисраларнинг талқини билан қаддини тиклагандай бўламан. Жами бечораликнинг чораси Яратганинг қўлида. Ўзига таваккал қил ва ихлос билан юкун! Ихлос билан ҳаракат олиб бор, «ва гар осон тутар — осон», Ўзига ишонсанг, мушкулингни ҳам осон қилади. «Агар

мушкул тутар — мушкул», борди-ю ФИНФИЛЛАЙВЕРСАНГ, бесабр ва ношукр бўлсанг, осонингни ҳам мушкул қилиб юборади. Ёки бу — «йифи йифини келтиради» дегани, ёинки «торга тор, кенгга кенг дунё» дегани шудир!

*Фунчадек бўл қон ютиб кулмакка монанд, эй кўнгил.*

Шугина құдратим бўлса, дунё юки менга ўйин-чоқдир, дейман ўзим ўзимга. Қонга тўлган бағир билан кулиб тура олишнинг номи *ИРОДА, САБОТ*. Аммо иродали, саботли бўлиш ҳаргиз ҳусн ёки фазл эмас, *БУРЧ*дир. Боиси, Яратганинг ҳукми билан дилинг доғ бўлди. Забунликнинг ўзи сенга бесабаб келмас, эккан-ларингнинг меваси бу. Ишора борким, Аллоҳнинг жавобини очиқ чехра билан қутиб ол, балки унинг химмати ила енгилроқ жазо олаётгандирсан. Агар уни шукронга билан қарши олмасанг, бундан баттарроғи келиши мумкин!

Қуръони каримда «зарб тушган пайтда чиройли амаллар билан чиқиб кетган бандам — суйган бандам-дир», деган жойи бор. «Фунчадек бўл қон ютиб кулмакка монанд, эй кўнгил» мисраси юқорида келтирилган «чиройли амал»нинг гўзал суратидир...

2000 йил

## **ОҲОРИ ТЎКИЛМАЙ ЎТГАН УМР**

Халқда «аслига тўғри», «айнимаган палак», «оҳори тушмаган софлик» дейишлар бор. Файбулло устоз ана шундай — миллатнинг афзаликларини, наслу насибини ўзида мужассам этган фарзанди солиҳ эдилар. Халқда яна «буюк шайхлар даъват пайтида узилади», деган гап бор. Устоз минбарда, нутқ ижро этаётиб, халқнинг кўзига кўзларини қўйиб туриб, ўзи суйган ва уни суйган ана шу халқнинг қўлида жон берди.

Бу хабардан вужудимга яшин тушди, юрагимнинг ўртасини тиф олди! Устознинг соғлигидан ҳамиша

хавотирда юрардик, аммо ўлим деган балони бу қадар тез келишини, воҳ, бу қадар тез содир бўлишини ким билибди дейсиз! Вужудимга тушган ўт оғзимдан отилган каби, бир фарёд янградики! Мен отамдан кейин, онамдан кейин бу қадар гирён йиғламаган эдим! Маъни боғининг кумуш ранг қабутари учдида кетди! Самимият инжуларини ёғдириб, одамларнинг ғуборини ювадиган ул оппоқ булат олис самоларга кўчди-да кетди! Қўлидаги асо билан қаддини эмас, орият, ғурурини адл тутган, феъли ҳалим, аслида шер ўтди-да кетди! «Дунё» дея аталган бу эски дўқоннинг яна бир чети ғариф бўлди! Қалами бодомдай ғуж гуллаганда, ижоди ларзон-ларzon мева-лаганда, тиллари булбулга айланганда, яъники авж нардасига етганда, биз, муҳлисларнинг эса ул киши боис кўнглимиз ғоят ўстганда, Файбулло олимдан, Файбулло муаллимдан, Файбулло навосоздан айри тушдик!

Файбулло ас-Салом тилшунос, менинг эса адабиёт оламидан эканлигим боис, ҳаёт бизни ҳеч рӯбарӯ келтирмаган. Аммо атрофдан ва шогирдларидан у киши ҳақида кўп эшитардим. «Бебаҳо одам!» дея таърифлардилар. Республика Маънавият марказига ишга келганимдан кейин, умрларининг охирги тўрт-беш йилидагина бир неча суҳбатларини олишга муюссар бўлдим. Икки-уч бор бир гуруҳда ҳалқ билан учрашувларга бордик. Ҳавас билан айтиш мумкинки, устоз худо азиз қилган киши эди. Эл орасида машҳур эди, қаерда қандай гап айтса, ҳаммага манзур эди. Бу эски дунёнинг ҳамиша янги ҳақиқати шуки, ҳеч кимса Ҳақнинг амрисиз элга манзур бўлолмайди! Бўйи баравар китоб ёзиб, юз маддоҳга ўзини олқишлишиб, «мен фалон ихтиrolарни қилган фалонийман» деб кўкракка урган билан номи ўсмагай, назарга тушмагай! Аллоҳ тили билан дили монандга мўътабарлик бергай! Аллоҳ, камолни камтарга бергай! Устоз умрининг сўнгигача ана ўшандай мартабада кетди.

У ҳаммадан яхшилик қидирар, яхшилик топар, зарра ютуғингизни осмонларга күтарар, сизга рафбат, ғайрат бағишларди. Файбулло домла, мен ва яна икки-уч олим суҳбатда эдик. Жойи келди-ю, устоз бирдан жиғдийлашыди ва сўзларини ниқтаб-ниқтаб: «Биродарлар, гувоҳлигингизда айтиб қўяй, агар Турсунойхон маънавият бўйича ёзганларини тартиблаштириб, илмий иш тарзида ҳимоя қилиб қўймаса, мен бу кишидан у дунё, бу дунё рози бўлмайман!» – деди. Бирор учун бу қадар кенглик кўрсатишни кўринг! Домла олдин ҳам бу хусусда бир-бир гапириб ўтган, лекин мен уни лутф деб билгандим. Шугина гап юрагимни неча кунгача нурлантириб тургани эсимда... Устози азиз, бундай дилпарварликлар учун сиздан Аллоҳ рози бўлсин!

Бу одам кези келганда, болаларча содда ва самимий ҳам эди. Суҳбатларнинг бирида у киши чуқур хомуза тортди-да (айтишга қийналаётгани шундоққина кўриниб туради), дил ёриб қолди: «Мени менга жуда қадрли бўлган кишим қаттиқ хафа қилди. Кимлиги сир. (Рўмолчаси билан кўзларини артиб қўйди.) Мен унинг бу озорига лойиқ эмас эдим. Унга талай ёрдам ва мурувватлар илингандим. Бу оғриқдан ҳануз ўзимга келолмаяпман-да», – деди. Қарасам, қоврилиб боряпти. Дарҳол руҳий муолажага ўтдим: «Домлажон, шогирд сифатида сиз билан озгина мунозараға киришишга ҳаддим сифадими, – дедим аста, – наҳот даҳр ишига эътибор қилмасангиз? Бандасининг кишининг хатосидан гина қилишлари, койинишлари ўринли эмас. Чунки сизни яралаган заҳоти у дилозор билан Яратганинг ҳисоб-китоби очилган. Бугун бўлмаса эртага унга аталган жазо етиб келади. Сизнинг исмингиз ўртага тушиб, энди у кўргулик тортади. Бунинг устига сиз ҳам мана бундай қаттиқ гина қилиб турсангиз, худо урганни Худоберди ҳам қўшиб уриши шу эмасми? Бу мусулмончиликдан эмас, бу – бир! Қолаверса, шогирдга қилинган ҳамма мурувват эҳсондир ва пийса-

биллодир. У эсдан чиқиб кетиши керак. Биласизки, миннат – ёмон гуноҳ, «яхшиликларимни билмади», дейишингизнинг ўзида андак миннат бор-ов, дилингиздаги оғриқ шу миннат туфайли эмасмикан, домлажон!» Устоз қошларини керганча ўй суриб қолдилар... Ўша куни кечқурун уйга қўнфироқ бўляпти, гўшакда устознинг овозлари янграяпти: «Баракалла, Турсунойбегим, баракалла! Неча муддатдан бери елкамни эзib келаётган юкни шундоққина тушириб қўйдингиз-а! Сиз энг тўғри гапни айтдингиз. Бу яхшилигингиз учун худо хайрингизни берсин, назаримда дилим билан бирга дунё ҳам ёришиб кетди-я, раҳмат сизга, раҳмат!» – дедилар. Овозлари бамисоли ҳайтлик олган бола каби хушнуд эди...

Файбулло домланинг ҳар бир иши ибрат эди, ҳикмат эди. Бир ҳангомани эшитинг: устоз бир одамга, назаримда, ота ўрнида оталик қилган ва у деб кўп азият ҳам чеккан шекилли. Шу йигит улғайиб, камол топиб, мартабаси ҳам кўп ўсибди. Йиллар ўтиб, бир куни домлани қидириб келибди. Обдан дийдорлашиб, маза қилишгач, кетар пайтда меҳмон қоғозга ўралган бир нарсани «бу сизга» деб қолдирибди. Очиб қарасалар, бир дунё пул эмиш! Энди бу ёғини домланинг ўзидан эшитинг: «Аввалига орият қилдим. Кетидан шайтон алайҳиллаъна мени юпатди – ундан пул сўрабманми, ўзи олиб келди-ку, рад қилсан ҳам, зўрлаб ташлаб кетди-ку, дедим ўзимга! Ҳамма бало шундан бошланди! Авваллари кўчага чиқсан, бир четгинадан ҳассамнинг учига қараб, кўзим ерда қадам ташлардим. Анови пул уйга киргач, ҳадеганде кўчанинг ўртасида бошимни баланд тутиб кетаётганимни, қадамим ҳам гурсиллайдиган бўлиб қолганини сеза бошладим. Саломларга майингина алик олар эдим, энди овозим жаранглаб чиқадиган бўлиб қолди! Оддинлари яхшими-ёмонми, уйимга етиб келганимда ором топиб, роҳатланардим. Энди эса атрофим энсамни қотира бошлади. «Анови тандир мунча хунук бўлмаса, шартта бузиб, зўрини

қуриш керак, пул бор-ку!» дейишга тушдим. Буни ҳам қўяверинг. Умр бўйи бола-чақани яёв юриб боқиб, ҳамма мушкулотимни югуриб юриб ҳал этаётганим учун, оёқларимдан минг ўргилиб яшар эдим. Буни қарангки, бир куни ичимдан: «Ҳой, Файбулла, шу аҳволингда ўтиб кетаверасанми? Оёқларингга раҳминг келмайдими? Фалончилардан қаеринг кам, ахир но-мингни айтиб кўр, жаранглаши зўр-ку! Яхшиси, уйдаги пулга машина ол», — деган овоз эшитилди! Шундагина ҳушёр тортдим: бу нафс-ку дедим! Ўзимни йифиштиридим. Менга пул бериб, шайтонга ошно қилиб кетган қадрдонимни зудлик билан чақиртиридим. Келди. «Мени тинчимни қайтар, мана бу омонатингни ол», — дедим. У қаттиқ хафа бўлди, ҳатто кўзига ёш ҳам олди. Аммо унга «агар қайтариб олмасанг, тескари дуо қилиб юбораман», деб қўрқитдим. Кейингина, ноилож олди болафақир!» Бу гапларни устоз хандон кулгу, офтобли юз билан чарақлаб ҳикоя қиласа эди...

## ФАЙБУЛЛО УСТОЗ!

Туфлаб қўймадингиз қалам, созимга,  
Сиз каби ростини битмоғи учун.  
Туфлатиб олмабман болам оғзига,  
Сизнингдай иймонли ўтмоғи учун!

Асомас, сизни ғоз тутган илм эди,  
Дўппингиз дўппимас, орият, фурур.  
Бағирда лахта қон ютган дил эди,  
Сиз — шу хаста дилни сайратган сурур!

Китобларингизда чах-чах уради  
Дилингиздан учган булбуларингиз.  
Жаннатга еткурсингиз, Ҳақдин сўрадим,  
Сизни олиб кетган дулдулларингиз!

2003 йил

## ДҮППИГА ҚҮНГАН МУСИЧА

Мен учун Турғун Алиматовдай инсонларга замондош бўлиш, бармоқлари синоатига ҳайрат билан гувоҳ бўлиб юриш ҳам фахр, ҳам сазоворлиқдир. Бу киши ҳақида кичкина қўрсатув қиласидиган бўлдиму, хонадонларига бориш насиб этди. Бошда дўппи, елкасига ялангқават тўн ташлаб олган, полвои келбатли, саксонлардан ошган бу одамнинг салобати ўзидан олдин юрар экан. Кўзингизга асло қарамай, чертиб гапириб, ўлчаб куладиган, аммо ҳамсұхбатини вужуди қулоқ бўлиб тинглаётган бу одам шундоққина Шарқнинг сурати, Шарқнинг ўзгинаси эди. Умрининг ҳали у, ҳали бу бекатига тўхталар экан, юрагида фақат боғ бўлиб ёки доғ бўлиб қолган жойларинигина эслар, кам гапирса ҳам, катта руҳият билан гапиради. Ўзбек санъатининг тирик тарихи, бетакрор ҳазинаси рўпарамда турганини ва бу дақиқаларнинг ғаниматдан ғаниматлигини билиб турибман. Қани энди, бу киши гапираверса-ю, хотирам ўзига муҳрлайверса! Аммо тилимдан илиниб, қовун тушириб қўйишдан қўрқаман, жимгина ўтираман... Астагина дутор чалиб беришларини сўраб юкинаман. Чап қўл пардаларда, ўнг қўл бармоқлари ёзиқ ҳолатда дутор иплари узра пасту баланд тебранади, «Дутор навоси» янграйди, чандон тикиламан – панжалар ҳеч букилмайди, ҳатто ипга ҳам ё тегади, ё йўқ! Аммо уй тўрғай овозига тўлиб кетади. Руҳинг қўксингдан чиқиб, гоҳо отда чопаётгандай, гоҳ бамисли учайтгандай сайраётган тўрғай ортидан қувлади, тўрғай бўзлаб чарх ураверади. Ватанинг жами гўзаллиги бафингга кириб келаверади. Чўлпоининг тили билан айтганда «бидратиб чалинаётган» дутор ҳам яйратади, ҳам йиғлатади!

«Ўргилай, дутор, – деймац, – айланай, дутор! Бағримни қонатганинг учун, жон озиғи дардларимни ёдимга согланинг учун!» Дуторнинг бўйнига осилиб олиб йиғлаётган юрагимни эшитиб тўймайман, шунақаям чиройли юрагим бор экан-а! Ҳар бир парда бағ-

римнинг оғрийдиган жойини топиб тегинади, куй теккан жойки бирдан олча бўлибми-ей, бодом бўлибми гуллаб юборади! Яна, яна оҳанг тегаверади, дардларим ифорга айланаверади. Фикратимни титишга тушаман: бу синоат қандай бошланган, аслида куй дегани қачон пайдо бўлган, дил оғриқдариға қараб куй тўқилганми ё юраклар чолғу пардаларидан ўзига ҳамоҳанглик қидирганми?.. Эҳ, биродар, қушларнинг садоси учун, чолгулар навоси учун, куйларга ошно қилган дил яроси учун яратганга шукрлар қилайлик!

Магнит тасмадан «Эй, сабо» куйини эшитаман. Дуторда ҳам, танбурда ҳам, сатода ҳам Турғун аканинг ўзлари чалганлар... Ёзувчи Саид Аҳмаднинг сўзларини эслайман: «Турғун Алиматов – бетакрор истеъдод, у виртуоз созанда!»

Бир машҳур бастакор умри поёнига етай деган пайлар атрофда шунча куй туриб, қанча созанда туриб, фақат Турғун Алиматов ижросидаги «Эй, сабо»ни қайта-қайта эшитаверар ва юм-юм йифлайверар экан...

Оналари Турғун акага юклик эканлар. Оталари бир туш кўрибдилар: эмиш осмондан Ой узилиб, уларнинг дарвозахонаси олдидаги дараҳт ичига тушиб кетибди. Кейин бу киши теракка чиқиб, Ойни олибдилар-да, қўйниларига солибдилар. Уйғониб, тушларини оналарига айтиб берибдилар. «Ўғлим, сиз бир ажойиб фарзанд кўрагар экансиз, – дебди оналари, – у боладан бутун атроф нурафшон бўлар экан, иншооллоҳ!» Ўша туғилган гўдак Турғун ака эканлар.

...Турғун Алиматов биз, асрдошлари учун, ёнимиздаги баҳтларнинг бири. Унинг бармоқлари ёғдусига беланиб яшаётган эса биздурмиз.

\* \* \*

Турғун аканинг аёллари ҳикоя қиласи: «Жуда мӯъжаз ҳовлимиз бўларди, шундай бўлса-да, бир қулочгина жойига албатта райҳон, жамбил экардим. Экканларим эндиғина барг чиқариб, тўрт энлик бўй чўзган. Уларни

кунда кўзим билан парваришилаб, меҳрим билан суғораман. Худди шу кунларнинг бирида қизимишга совчи келди. Қоидаси билан кутдик, кузатар пайт бўлди. Меҳмон дарвозаҳона томон юрар экан, эгатчаларга кўзи тушди, «вой, буни униб қолганини қаранг», деди-ю, мен гап қистиргунимча чаққон эгилиб, эндиғина иккита қулоқ чиқарган райҳон туни шартта бўғиздан узди-да, димоғига босди! Назаримда, менинг ҳам ичимда бир нарса узилгандай бўлди. Меҳмонни эшикдан чиқардигу дадасига: «Бу аёлга қиз бермаймиз, бешафқат инсон экан, норасида райҳонга юраги ачишмади-я», – дедим. Ва шугина сабаб бўлиб, қизимизни уларга бермадик».

Яхшиларнинг ишини таҳлил қиласлил. Икки қулоқ райҳон сабаб, тақдирлар қовушмади. Гул ҳам Аллоҳнинг неъмати, у бевақт узилди. Унинг охи тутди ва кимдир ниятига етолмади! Раҳм-шафқат пок инсонларнинг феълидир. Бераҳмликнинг, озорнинг катта-кичиғи йўқ. Одам эмас, фил эмас, ўлса бир чумоли ўлибди-да ёки биргина барг сўлибди-да, деб бўлмагай! Жами борлиқнинг ЭГАСИ бор ва адашмай ҳисоб-китоб қиласди!

\* \* \*

Турғун аканинг аёллари яна ҳикоя қиласдилар: «Бир куни қайнэгачим билан болаҳонада кўрпага пахта соляпмиз. Турғун акангиз пастда танбур чалиб ўтиргандилар. Нима бўлди-ю, ўша томонга кўзим тушди. Ҳайратдан қотдим. Қайнэгачимни туртиб имлайман, унинг ҳам нафаси ичига тушди – шу десангиз, бир мусича Турғун аканинг бу елкасида, яна бир мусича иккинчи елкасида, бир мусича эса дўпписида қўниб турарди! Куй чалингапти, улар ўтирибди. Куй авжига чиқяпти, улар ҳануз ўтирибди. Оҳанг охирлаяпти, улар жилмаяпти. Куй тугади, энди нима бўлар экан, деб биз бу ёқда илҳақ! Турғун ака уларни чўчитиб юбор-маслик учун шунчаки «динғир-динғир»га ўтдилар. Куйдан маъни чиқмагач, мусичалар учуб кетишиди».

«Куйдан маъни чиқмагач» деган жойига эътибор беринг. Мусича қаёқда-ю, куй қаёқда-ю, маъни қаёқда! Лекин шу ўринда мусикаларнинг куй эшитгани келгани – хужжат! Мўъжизани қаранг, шу тобда **инсон ва қуш бир тилда, куй тилида гаплашди, дардлашди!** Балки бу уларни бирлаштираётган илоҳий шевадир? Атрофимизда ҳаракатда турган жами тирик мавжудот бизнинг замондошлардир. Улар билан бир-бирларимизнинг тақдирларимизга таъсир қилиб яшаб борамиз. Яхшилаб қарасангиз, қушлар, жониворлар, дараҳтларнинг ўзига хос илму фалсафаси борлигини кўрасиз. Ҳаттоқи инсонлардан кўра ақллироқ ҳаракатларини ўқийсиз. Чумолиларнинг яшаш учун ҳаракатлари, арғимчоғини узмай кетаётган турналарнинг интизоми, ҳар йили дунёнинг нариги четидан инини адашмай топиб келаётган қалдирғочнинг хотираси нега бизни уялтиrmайди? Ўз мақомида ғоят событ ва ҳалол бу майда жонзотлар биз – забардаст инсонлар устидан кулмаяптимикин? Тўрт тараф улкан томошахона, тўғрироғи, улкан ўқувхонадир! Ўз навбатида бизни ҳам, инсонлардан ташқари, гир атроф кузатиб турадир. Сочилиб, фаромуш, атрофга беписанд яшашга ҳаққимиз йўқ! Яна қушларнинг чуғурлари бизни қарғаётгани бўлмасин?! Ҳашаротларнинг чириллашлари, дараҳтларнинг шивирлари бизга айтилаётган норизоликлари бўлмасин!?

Аллоҳ инсонни инсонлар билан баҳтиёр яратган, аммо инсон инсонсиз қолган ҳолатда ҳам уни улкан елкадошлар билан ўраб, ҳимоялаб қўйган. Булар дараҳтлар, қушлар ва жониворлардир. Ўшаларнинг розилиги бизнинг омонлигимиздир!

Андижоннинг Хонободини обод қилган, худо раҳмат қилгур Солижон ака: «Мен дараҳтлар билан гаплашман, тўғрироғи, дараҳтлар мен билан гаплашади, – дерди. Ўзи эккан қайназорларни алқаб: — Буларнинг кўксига қулоғингизни тутинг-а, юрак уришларини эшитасиз», – дерди дараҳтларни маҳкам қучганча қўзларини юмиб!

Онам ҳаётлигида қаердадир лат еб, оёғи қинғир бўлиб қолган мусича бўларди. Ҳар ер-ҳар ерга ўшанга атаб дон сепиб қўярдилар.

Бизга ҳам писанда қиласардилар: «Бу ўзимизнинг мусича, чўчитманглар!» Бир кун-ярим кун кўринмай қолса, бетоқат бўлардилар. Пайдо бўлса, одам билан гаплашгандай росмана гаплашардилар: «Келдингми, қадрдон, кам есанг ҳам, шу ерда юриб тургин. Мушукпушук илиб кетдими деб хавотир қилдим», – дердилар. Мусича ҳам нақ онамнинг этаклари атрофида айланиб юраверар эди. Бу Ҳақ замондош қилиб яратган икки неъматнинг мулоқотидир.

1996 йил

## МУҲАММАД ЮСУФ БИЛАН ИККИ СУҲБАТ

### *Биринчи сухбат*

**Савол:** Турсуной опа, биласиз, мен ўқувчилик йилларимдан буён шеърларингиз мухлисиман. Кейинроқ, талабалик йилларим, юпқагина илк китобчангизни чўнтағимда олиб юрадим. Бугун сиз элгà танилган шоирасиз. Лекин жамоат ишларида ҳам тиниб-тинчмайсиз. Турсуной опа, ҳам йифинларда қатнашасиз, ҳам шеър ёзиш оғир эмасми? Айтмоқчиманки, жонингизни койитмай, фақат ижод билан шуфуллансангиз бўлмайдими?

**Жавоб:** Нимасини айтасиз, укам! Афсуски, жим ўтириш менинг иқдимим эмас экан. Шеърга сифмай қолаётганга ўхшайвердим – бир талай насрий ёзмишларим дунёга келди. Улар қай сифатда битилди, билмадим-у, лекин ҳар гал ёзиб бўлгач, енгиллагандай бўламан. Гоҳида бағримда яна бетоқатлик бошланади, қоғозга эмас, энди элнинг кўзига қараб деб-деб олгим келади. Қарабсизки, саноғи йўқ учрашувлар, баҳсли анжуманлар содир бўлади...

Маънавият муаммоси – менинг қонаб турган ярам, бу дардни айтиб йифлайвераман. Баъзан унга айтиб кўриб, бунга айтиб кўриб қўзғатолмасам, шартта енг шимариб ўша ишни ўзим қилишга киришаман...

Эсингиз, кучингиз етиб турса, Аллоҳ сизга даъватчиликдай неъматни берган бўлса, сиз туфайли ҳеч йўқ бир юрак уйғониб, бир киши яхши кўчага кирса, армонсиз кетганингиз шу-да, биродар!

**Савол:** Кейинги йиллар кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Мана, сиз ҳам она юртингиз Андижонни тарк этиб, «мусофири»га айландингиз. Кечаги Турсунхон Андижоний бугун бир паровоз силкиниши билан Турсунхон Тошкандий бўлиб турибсиз... Умр ўртасида пойтахтга кўчиб келишга нима мажбур қилди? Ёки адабиёт етаклаб келдими?

**Жавоб:** Ҳазилдан ташқари айтсам, мен пойтахт излаб келмадим. Йигирма икки ёшга етгунимча мени шу пойтахтнинг ўзи катта қилган. Ички бир оғриқ билан айтаманки, ёшингиз элликка етиб, умрингиз кун ботарга оға бошлагач, ортга боққингиз, ҳайтингиздан узилиб кетиб бораётган нарсаларингизнинг охирги шарпалари, эпкинларини кўриб қолгингиз келар экан... Болалигиму ёшлигимнинг ярқироқ бекатлари Тошкентда ўтган, ота-онамнинг ўттиз-қирқ ёшли навқирон йиллари Тошкентга тўкилган, пойтахтнинг қабристонларида сингилларимнинг хоки ётибди. Шуларга бир тўйиб кетай деб келгаңдирман балки... Ҳазил аралаш айтадиган бўлсан – андижоний феъл бу!

Қолаверса, шоир иним, бир гапни айтай: мени Андижон туққан демакки, Андижонийман. Ўзингизга аён, сизни ҳам бир чақирдим, юрга қайтинг деб, икки чақирдим – кўнмадингиз! Марказ сизларни севиб қолдими ё сизлар марказними?.. Бу ёғига ҳушёр турасиз, менинг келишим бежо – кетсам жўн кетмайман, ҳаммангизни битта-битта териб, этагимга солиб кетаман!

**Савол:** Ҳаёт, шоир айтганидек, «бир бош узумни еб битирмак» каби осон иш эмас. Турмушнинг турли

күчалари бор. Бироқ, барыбир, бозор иқтисодиётини рўкач қилиб, ўзини савдо-сотиққа урган айрим аёлларни кўрганда одам ғалати бўлиб кетади.

Умуман, савдо-сотиқ аёлларга хос қасбми, нима дейсиз?

**Жавоб:** «Савдо-сотиқ аёлларга хосми?» деб куйини шдан аввал жавоб берингиз: рўзғор тебратишни аёлга ҳам тенгма-тенг юклаш, эркак бажарадиган ишларни, бозор юмушларини аёлига суреб қўйиш Шарқ эркагига хосми?

Авваллари эрлар бозордан у-буни кўтариб-кўтариб келиш учун еттига белбоғ боғлаганлар. Ҳозиргиларнинг топгани ялтироқ чарм сумка, уни ҳам фасонга кўтариб оладилар. Тугиб-тугиб олиб келай деса (иқтисодий тангликни ўртага солманг), ҳунари йўқ, ўтиз куннинг якунига мўлтираб ўтиради. Шарқ аёли ҳеч қачон бундай ер чизиб ўтириб қолган эркакни кўрган эмас!

Момиқдай қўллари билан шойи галстуклар боғлагандан кўра кетмон, омбир, ранда, бигиз ушласинлар. Юмшоқ диван, креслолар эркаклардан зада бўлди. Эркакларнинг феълидаги синиш ва ўпиришларни тўлдираман деб аёлларда эркакча хусусиятлар пайдо бўлмоқда. Бу – кулфат!

Биз аёллар бугунлик кунда қомати, сўзи, мағзи иирик, ишлари ҳам яхлит, оиласда сардор бўлишга ярайдиган, аёлинин тузга ҳам зориқтирмайдиган, нафақат ўзининг оиласи, балки авлодимдан-да ёмон чиқмасин деб, бутун уруғ-аймоғининг орияти учун куюнадиган эркакларга зор бўлдик. Мана шундайлар ярайди миллат муҳофазасига. Айни даврда қирқта жонини мингтага келтириб яшаётган аёллар масаласини эмас, ҳақиқий Шарқ ўғлонини қандай тарбиялаймиз, деган муаммо ва мақсадни ўртага қўймоқ зарур!

**Савол:** Агар туғишиган синглим шеър ёзиб: «Ака, шуни бир ўқиб беринг», деса, рости, энсам қотади. Бундан кўра рўзғор қилишни ўрган, турмушга чиқишини ўйла дейман. Аммо шоирликни ҳавас қилган бошқа

сингилларимга бундай деб айтолмайман негадир. Аксарият, жүнгина битилган шеърларни ҳам эгасига қайтараётиб, «ёмон эмас» деб қўяман. Қизлар шеър ёзмасин демайман-у, бу дард, агар чинакам бўлмаса, яхиси, уй бекаси бўлишни орзу қилганлари тузукмикан?!

**Жавоб:** Шоирликнинг машҳурликнинг азобларипи ўзингиз тортганингиз учун уларни аяйсиз-да! Аммо, «аёл зоти қаёққача борарди» деган озгина эркакча беписандлик аралашаётган бўлмасин тағин! Агар аёлнинг пешонасига аёллик, оналик қисматини битмаганда, «фидойилик» деган илоҳий қудрат насиб этмаганда – Улугбекнинг ихтиrolарини эҳтимол онаси яратган, Навоийнинг ёзмишларини онаси битган бўларди. Илм-закода мислсиз чўққи бўлиши мумкин бўлган аёллар рўзгору фарзанд туфайли ўзларида ким яширганини билмай ўтадилар. Шунинг учун ҳам тарихда аёл алломаларнинг номи кам.

Шоирим, йигитларнинг йўлини Аллоҳим бирмунча текис яратган, аммо миллатнинг қизларига зийрак ва эҳтиёткор бўлмоқ даркор. Иқтидорли қизлар камоли учун елка тутмоқ – миллатни кўтаришдай гап.

**Савол:** Кўча-кўйда оқ рўмол ёпиниб юрган қизжувонларни кўрсам кўзим қувнаб, дилим яйрайди (Дарвоқе, мана, ўзингиз ҳам «отинча» бўлиб олгансиз). Айтинг-чи, бу бирор нимага таассубми ёки анчайин ҳавас?

**Жавоб:** Шоирим, «Султон суягидан тонмабди», деган гап бор. Эллиқдан ошиб бораётган ёшнинг ярашифи шу, бу – бир!

Иккиламчи, тўрт-беш йил аёллар қўмитасида ишлашим жараёнида минг бир тоифа билан сўзлашмоққа тўғри келди. Ҳамма даврага йўл очиб берадиган яшил чироқ шу рўмол бўлди.

Қолаверса, табиий кўркинг «бевафолик» қилгач, айбингни яшириб турган нарсани асраринг келар экан, бу – уч!

**Савол:** «Кўнглим каби ой ҳам яримта».

Тунда ойга қарасам, шу сатрлар ёдимга тушади. Турсуной опа, бу шеърингизда биз билмаган, тушунмаган яна не кечинмалар бор? Қачон, қандай ҳолатда ёзилган у?

**Жавоб:** Йигирма ёшда эдим. Бўкага фўза чопифига чиққан эдик. Чекка қишлоқ. Чивин шунча кўпки, ташқарида тезак тутатиб, чойшаб ёпиниб юриб жон сақлаймиз. Чироқ йўқ, яқин атрофда аҳоли ҳам яшамайди. Осмонни томоша қилишдан бошқа иш йўқ. Ўшандаги Бўка осмонининг нақадар пастлигини айтинг: гўё бошингизга тегиб турган қора баҳмалдай! Шундоққина қўёл чўзсангиз, юлдузлар узилаверади! Фақат яримта ой жуда безовта – тинмай юради... Орадаи икки йилча ўтди. Ўша энг яқин келган осмон бот-бот эсимга тушаверади. Ҳалиги яримта ой эса изимдан эргашаверади. Бир куни уни шеърга солдиму қутулдим. Унда шундай сатрлар бор эди.

*Қалбимдаги ғашлигимсимон  
Аста босиб келади оқшом.  
Қуёшини йўқотиб осмон,  
Қора либос кийибди, боқсам.  
Юлдузлардан чодир ёпиниб,  
Чиқдим туннинг ҳолин сўргали,  
Кўнглим каби ой ҳам яримта,  
Жой излайди ўзин қўйгали...*

**Савол:** Тўқсон ёшли момом бор. Сизнинг отдошингиз – Турсунбиби. Кўзойнаксиз газет ўқииди. Умрида бирон марта «Ватан» деган сўзни тилига олган бўлмасада, ҳеч қачон уйидан бўлак жойда ту nab қолмаган. Ҳатто ўз фарзаndlари хонадонида ҳам.

Момомдан сўраш ноқулай, иккала Турсуной учун ҳам ўзингиз жавоб бераколинг: Ватан нима ўзи?

**Жавоб:** «Ватан» сўзини айтишга мен ҳам қўрқаман. Шу мавзуда шеър битмаганиман ҳам. Агар унинг отини

айтиб чақирсам, юрагимни ушлаб турган бир нарса  
учиб чиқиб кетадигандай...

Ватан ҳақида гапиришдан құра, уни томир-томир-  
ларингиз билан түймоқ лаззатлироқдир!

Пул чүнтакни тұлдиради, омад уйингизни, дүст  
атрофингизни, дейдилар. Аммо юракларингнинг қатла-  
ригача сингиб, томирларинггача тұлиб, сим-сим жон  
узатиб турадиган ёлғыз шу – Ватан! У – неъмат! Таъ-  
рифи йүқ мавжудлық. У – илохий тұхфа! Ватаннинг  
кatta-кичиғи, хунук-чиройлиги бўлмайди. Шунинг  
учун кимдир саксовул ва қумга пешона қўйиб, ким  
шўр тупроқни ўпиб, ким музларга тиз чўкиб «Ватаним»  
дэя бўзлади! Менинг ҳам қўлларим дуода, дейманки:

...Мени шу ерда бор этди,  
Ўларда шундай ўлдирсан...

1997 йил

### *Иккинчи сұхбат*

#### **ЮРАККА ҚАДАЛГАН БАЙРОҚ**

Муҳаммаджон, иним, Сиздан кейин китобларин-  
гизни ёнимга қатор териб, сатрма-сатр үқидим, обдан  
үқидим. Бағримнинг сўқилмаган чоки қолмади, варақ-  
ларга кулдай тўқилдим, укажон... Мени қарангки,  
газета-журналларда үқибман Сизни, радио, телевизор  
ва тифиз йиғинларда чиқишиларингизни бир зум-бир  
зум эшишибман. Қўшиқларингизни тинглаб, фарах  
олиб, фаҳр туйиб юраверибман, аммо бу номард опан-  
гиз ёзганларингизни қидириб юриб, бирма-бир ҳам-  
масини үқимабди, излаб юриб сұхбатларингизда бўл-  
мабди!Faflat босибди-да мени! Ҳамшаҳарлигим учун-  
ми, қўйнимдаги ўз гавҳарим-ку, ҳали обдан қўра-  
жакман дебман-да! Тошкентнинг Дархонида ёнма-ён  
маҳаллаларда яшадик. Шунда ҳам ухлаб яшабман,  
жигарим! Бир нарса илинсам, совимай етгудай жойда  
турадингиз-ку, бирор марта ёнингизда ўтириб, бир

чойнак чойни бирга ичмабман-а! Киприкларим остида турганда түйиб олмаган ғаниматим-а!

Фақат бир бора Сизни меҳмонга чорладим. Ҳаяллаброқ келдингиз. «Сиздай опамнинг қошига пиёда борганим бўлсин дедим, аммо қийналмай топдим, меҳрингизнинг ўзи йўл кўрсатиб келаверди», — дея лутф қилдингиз. Яйраб шеърлар ўқидингиз ва кетарда яна пиёда қайтдингиз. Ўша куни Пушкин ҳайкали ёнида хайллаша туриб бирга кетган ҳамроҳингизга бир чапанича мутойиба қилибсиз:

— Ука, Пушкин бобо шу туришида нима деяпти, биласизми?

— Ака, нима деяётганини билмадиму, аммо кўзи сизнинг уйингизга қараб тургандай, — дебди у.

— Унга яхшироқ қулоқ солинг-а, «мана бу уйда мендан ҳам зўр шоир яшайди» деяпти, — дермишсиз.

Ўх, ўх, ботинида кимлигини чандон туйиб, зоҳирида эса бошини адл кўтармай сўзлашиб, овозини баландлатмай шеър айтиб ўтган синифим укам-а! Шеърларингизни ўқирканман, ҳақиқатан ҳам Аллоҳ Сизни ярлақаганига, дилингиз булбул эмас, булбулзор эканлигига, сўзларингиз атиристонлиги, мағзингизда балки ўн, балки юз шоирга етгулик таъм, ранг ва қувват мавжудлигига амин бўлдим! Менинг назаримда ҳали жуда ёшдай туйилаверардингиз ва бот-бот «ҳали у улфайсин-а, оламжаҳон нарсалар битади, худо хоҳласа», деб қўярдим. Ўзингиз ҳам «ўйин боласи бўлиб юрибман-да, ижод курсисига ҳали астойдил ўтирганим йўқ» деб ўйлардингиз, эҳтимол. Сиз ҳақиқатан ҳам ёзишга ҳали муқим ўтириб киришганингиз йўқ эди. Аммо бугун юрагимга ботиб турган тугунларим ёзилиб кетди, йигит ёшингизда кетганингиз-ку чандон алам, лекин ижод бобида Сиз бир асрда, балки ундан-да кўпроқда ёзгулик гўзал шеъриятни яратиб бўлибсиз. Авж пардаларга аллақачон етиб, ёзганларингизни мумтозликка сайлаб ҳам улгурисиз. Дараҳтнинг бўйи йиқилганда кўриниши рост экан, шоирим, нақадар дуркун

бүю бастингиз борлигини бугун бутун мамлакат күриб турибди. Миллий адабиётимизнинг бир четини ўлмайдиган қилиб яшнатиб, шифил мевали боғ қолдириб кетибсиз. Бу боғ аро юрибман-у, мана шоирнинг ҳақиқийси қандай бўлади дейман, шу ивирсиб юришимда мен ҳам шоир бўлдимми дейман ва бу ғариб қаламимни синдириб оттиларим келди, укажон!

Сатрлардаги юрагингизни қаранг, ниятлари билурдай тоза ва осмонча баланд, лаҳжаси нақадар оддий, изҳорлари бунчалар оромижон! Бир шеърингизда «оламни эркалааб эрка сўз излаб ўтяпман» дебсиз. Мен аёл деган нафис зотдан бўлсан-да, бундай латиф таърифни билмабман, сўзни минг келишикда турлаш мумкинdir, аммо «эрка сўз» бўлишини Сизда кўрдим. Ва «оламни эркалаш» деган иссиқ таърифни ҳам Сиздан топдим. Таърифлашни ҳам дўндириб қўйгансиз, укажон! Сизни айниқса, ватанда туриб ватаннинг таъмини туймаганлар ўқисин, ватаннинг ҳидига димоқларини энтикиб босмаганлар ўқисин! Она-Ер ҳақида гапиракансиз, юракларим ялпиз ҳидига тўлиб боради, вах, вах, бағрим лолазорга дўниб боради, Сизга қўшилиб капалакларни жониқиб томоша қиласман, ҳатто чумолининг бошини силаб қўйгим, лолақизғалдоқнинг пешонасидан ўпгим келади.

Мен Сизни ўқийман, Сиз мени ватаннинг қатқатига олиб кирасиз, ҳар бир гиёҳига опа сайлатиб, ҳар жониворига эгачи тутинтирасиз. Сиз ватанни шундай таърифлайсизки, жон ипларим унга янада қаттиқроқ боғланаётганини сезиб тураман. Онангизга, синглингизга, болангизга ёзганларингиздан, ҳатто муҳаббат ҳақидаги хонишларингиздан ҳам ватан ҳиди анқиб туради!

У ёқда шотутлар  
Тўкилар сувга.  
Қовуналар ёрилар,  
Сен йўл қарайсан.  
Тупроқ кўчаларда,

*Муштоқ күчаларда  
Ёз – мени соғиниб сарғайған майса.*

\*\*\*  
*Үксимагин о, юрак,  
Бұлма хомуш, бұлма лол.  
Менинг отам оқтерақ,  
Менинг онам – мажнунтол.*

*Осмонда ой ёлғиздир,  
Ёлғизман мен ҳам, ахир.  
Менинг опам ялпиздир,  
Синглим лола қонбағир.*

*Тұшагим шу шүр тупроқ,  
Күрпам күкда бұлутдир.  
Менинг акам Улуғ тоғ,  
Менинг укам бургутдир.*

*Табассумим чақмоқлар,  
Ёмғирлар күз ёшимдир.  
Арслон мени ардоқлар...  
Қоплон қариндошимдир...*

Бу мисраларни үқиркансан, бу замин менинг онам, мен унинг бағридан униб чиққан бир томирман дейсан киши, атрофдаги унганки, юрганки мавжудот бир бағирда яшаб бораёттан жигарбандалынг эканлигини тан оласан!

Мана үша «эрка» сүзларингиз:

*Ялпизлари  
Күкка туташ,  
Тұнлари зар,  
Тонғи маржон.  
Юлдузлари – қотған қуёш,  
Қуёшлари күйдирмажон.  
Олтин тупроқ,  
Зұмраг далам,  
Ипак карвон,*

*Олмос қалъам.  
Кузда кетган қушлари ҳам  
Баҳор қўмсаб қайтган айвон –  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!*

Бир жойда дебсиз: «Унугтманг, бу қўҳна чархи фалақда Ватандан бошқаси ҳаммаси майдада». Айтганларингиз нақадар ҳақ, нақадар одил! Хунук она бўлмагани каби, хунук фарзанд бўлмагани каби Ватанинг ҳам яхши-ёмони йўқдир! Ватанин ҳам болангни суйгандай суюб, унга онангга куйгандай қуясан. Аммо оналар кечирсинлар, болалар маъзур тутсинлар – Ватанинг улардан-да қимматлиги ростдир! Онанг йўлда ўлиб беради, боланг эгасини топиб кетади, аммо фақат Ватанинга товонинг тагида собит туради ва сўнгти дамингда ҳам биринчи бўлиб сенга кўксини очади-ю, бағрига босади...

*Кўҳна тол бешикдан  
Бошланар олам,  
Сенга иddaолар  
Қилмай севаман.  
Бир куни синглим деб,  
Бир куни онам –  
Ватан,  
Кимлигингни  
Билмай севаман.*

...  
*Менга еринг суюк,  
Осмонинг суюк,  
Боқсан менг  
Тўрттала  
Томонинг суюк,  
Товонимга кирган  
Тиконинг суюк –  
Кафтдан зирапчанг ҳам  
Олмай севаман.*

*Чўксанг,  
Тур, синглим деб,  
Сочинг силайман.  
Сўксанг,  
Опам дейман,  
Умринг тилайман.  
Сендан ранжимайман,  
Гина қилмайман –  
Хоҳ хўмрай,  
Хоҳ жилмай,  
Бирдай севаман.*

*Ватан –  
Юрагимнинг  
Олампаноҳи,  
Бу дунё  
Букри бир  
Жийдангнинг шохи!  
Кўзим ёши билан  
Суғориб гоҳи,  
Кўксимда ўстирган  
Гулдай севаман...*

Бу тўқилган шеър эмас, бу йиғлаб айтилган розидил,  
бу фидойи, лахча чўғ юракнинг сасидир!

Яна дебсиз:

*Сиз куларсиз, бу китобий сўзларни қўй деб,  
Хитобларни тўқаверма, бола, липлангдан.  
Аммо рости, лабда болдек қотиб қолган шу –  
Онам сути, онам сути экан-да Ватан!*

Ўзингиз таъбир қилган «мўмин ва соф Ўзбекистонни» яна шундай алқайсиз:

*О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгта.  
Сенингдек меҳрибон йўқ,*

*Сенингдек кўркам,  
Римни алишасман бедапоянгга.*

...

*Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,  
Ё худбинми мен, ё содда касман мен –  
Парижнинг энг гўзал ресторанларин  
Битта тандирингга алишасман мен...*

Бу жон Ватан соясидагина ором олишини, Ватаннинг қиммати унда она сути таъми борлигида эканлигини бирданига билиб қолдим-ку! Бу заминнинг оддий бедапояси, мунфайган тандири ҳам юрагимнинг банд-банди эканлигини топиб олдим-ку! Ох, юрагимнинг қулфини очган Муҳаммад, тугик тилларимни ечган Муҳаммад!

*Гўёлар тилида сўзлаб ўтганим,  
Элнинг ризолигин ҳалол тотганим,  
Марҳамат томондан тонгдай отганим,  
Ойлардан тушгоним эди Муҳаммад.*

*Куйларидан битар жоним яраси,  
Ўланлари унинг куйлар сараси,  
Андижоннинг қорамайиз боласи,  
Куёшда пишгоним эди Муҳаммад.*

*Оҳ урса, юлдузни уйғота билган,  
Бўзласа булбулни йиғлатта билган,  
Кесак юракни ҳам чўғлатта билган,  
Сўзоним, хушхоним эди Муҳаммад.*

Ҳақиқатан шоир зоти машъал, шоир зоти йўлчи юлдуздир. У – мураббий, жонингнинг қатларига кириб микробларингни ўлдиради, иймонингни уйғотади, уят, андиша уруғларини экади. Инсон фақат билим билангина, куч билангина эмас, асосан, ОРИЯТИ ва ФУРУРИ билан шахсга айланади. Шеърият ўша томирингни тарбият қиласи.

Ўпинг, кўзингизга суринг тупроғин,  
Ҳар сўзин муқаддас дуодай севинг.  
Қаданг юракларга миллат байробин,  
Ватанни Нажмиддин Кубродай севинг.

\* \* \*

Кўҳинурдан кўҳлигим,  
Онам Ўзбекистоним.  
Ўзбекман, ўзбеклигим  
Менинг олий унвоним,

деган сатрларингиз оғриган жойларимни оғритадир, укажон. Тўқсонинчи йилмиди, Андижон олийгоҳларининг бирида таниқли ўзбек санъаткорининг ўғли, машҳур эстрада хонаңдасига «Нима учун ҳеч ўзбекча куйламайсиз?» деб савол беришса, «Чунки мен ўзбек тилини билмайман», деб жавоб қилди саҳнадан. Йўқ, у тилни яхшигина биларди, лекин шундай жавоб бергиси келди. Чунки айрим иймони ухлаганлар учун она тилини унтиб, ўрисча сўзлашни қойиллатиш ҳам бир мартаба эди.

Кимлар учун бизлар эдик бағавийлар,  
Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар,  
Холимизни қон кузатди Яссавийлар,  
Топганимиз ҳандалакдай тилим-тилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим ...

деганларингизни улар ўқисин-да ишқилиб! Қизлари сочини майдалаб ўришдан, ўсма қўйишдан ор қилиб, ўғлонлари ҳеч йўқ чимилдикқа дўппи билан кирмай қўйган замонларни кечирдик.

Замон ёмон, замон тор эди....

Хўш энди-чи, дерсиз, нима ғов?  
Дўппи бошга ўрнашмаётгандек,  
Тўним энди ярашмаётгандек,  
Кийсам кулаётгандек бирор ...

сатрларингизни ўқиганды бу гапларни ўзинг айтаёт-гандай уялиб кетасан, заиф дунёингни бирор кўриб қолгандаи изза тортасан.

Гоҳида «миллий ғоя нима?», «миллий фуур нима?» деб саволлар тузадилар, жавоб тарзида узундан-узун матнлар ясайдилар, жумлаларининг эга-кесимини топиб бўлмайдиган, изҳори оғир рисолалар битадилар, ўқитмоққа соатлар ажратиб, талай дарсларни бағишлайдилар, аммо тингловчининг кўзи сўроқ тўла қолаверди! Менинг эса миллий ғоя, миллий фуур мана бу бўлади деб, Сизнинг мисраларингизни ўқиб бергим келади!

*Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Құмлар босиб қуrimасин дарёларим,  
Алломишга алла айтган момоларим  
Рұхини шод этай десанг, халқ бўл, элим.*

*Кўз ёшларинг айланса ҳам деңгизларга,  
Қўргонингни бермай десанг Чингизларга,  
Улуғбек ном қўйиб кетган юлдузларга  
Юзим босиб ўтай десанг, халқ бўл, элим.*

*Гўрўғиллар қонга ботса Fиротларда,  
Кўр ўғиллар юртни сотса хилватларда,  
Бобуринг бехабар ётса Ҳиротларда  
Бориб мен уйғотай десанг, халқ бўл, элим...*

Халқ юрагини титратган гапга эргашади, Сиз титратиб гапирасиз, шоирим. Ору фуурни уйғотиш мана бундай бўлади:

*Сен Машрабсан,  
Халқда тумор,  
Балхда дорга осилган.  
Навоийсан, шоҳ ёнига  
Фақирни дуо қилган.  
Яссавийсан, меники деб,  
Қўринган даъво қилган,*

*Минг бир ёғи очилмаган  
Құриғимсан Ватаним.*

*Сен Хұжандсан  
Чингизларга  
Дарвозасин очмаган.  
Темур Malik орқасидан  
Сирдарёга сакраган.  
Муқаннасан, қорачиғи  
Оловларга сачраган,  
Широкларни күрган чўпон –  
Чўлиғимсан Ватаним.*

*Ким Қашқарни қилди макон,  
Ким Энасой томонда,  
Жалолиддин Курдистонда,  
Бобуринг Ҳиндистонда.  
Бу қандай юз қаролиғ, деб  
Ётарлар зими斯顿да,  
Тарқаб кетган тўқсон олти  
Уруғимсан Ватаним...*

Бу волалар шеърхонга ҳам ўтиб боради, юракларнинг ўртасига етиб боради,вой, минг ўлиб, мингирик қолган юртим-а, деб инграб юборасан, мисралар ор ва фуулингни расталашда давом этади:

*Эр бошига иш тушса ўт кечгувчицир,  
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчицир.  
Ҳурлигинг ҳақ – қолган бари ўтаверсин,  
Бу дунёда энг ёруғ баҳт эл тинчицир!  
Айирмасин беминнат нон-тузингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқум, ўзингдан-а!*

*Эрк водийси – заҳматларга сийловцир бу,  
Той қоқилиб от бўлгувчи яйловцир бу.  
Ранж чекмасанг, нурли-нурли тонглар қайдга,  
Синовцир бу, балки буюк синовцир бу.*

*Бош кетса ҳам қайтма энди сүзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а!...*

Бир шеърингизда «булутларга юзимни босиб йифладим» деган эдингиз, Сизни «ойлардан тушгоним» дея отингизни қўйдим мен. Бир жойда «қўнглим гулдай эзилиб, қўзимга ёш тўляпти. Эҳ, қуёшга осилиб, ботиб кетгим келянти» дебсиз. Яна дебсиз: «Кўчиб бораётир бу умр карвон, кунларнинг бўйнида юрак қўнфироқ». Юрагини қўнфироқ қилиб, йўлларимизга илиб, ўзи булутлар бағрига учиб кетган иним! Тўрғайдай чарх уриб, наволар сочиб, бизни уйфотиб, ойнинг айвонига кўчиб кетган иним! Ватан ғамини еб, элнинг камини деб, кўкка муножотлар айтиб ўтган иним! Оҳлари етмаса ул осмонга, қуёшга осилиб ботиб кетган иним!

Дарвоқе, ёзиб кетибсизки:

*Ўлса ўзи ўлар,  
Сўзи ўлмайди,  
Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.  
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,  
Юракка кўмилар асл шоирлар.*

Шу сўзларингиз билан Ўзингизни бизга қайтарганингиз учун Аллоҳ раҳматларини ёғдирсин Сизга! Марҳабо, юракларимизга хуш келибсиз, қимматлигим! Бугун наволарингизнинг бир пардаси ҳақида гаплашдик, холос. Ҳали Сиз бор юрагимни бағримга босганича такрор-такрор суҳбатлар қуражакмиз, хуморларни, армонларни ёзажакмиз, ассалому алайкум, шоирим!

2004 йил

## **ҲАЗРАТИ ИНСОН**

Бир барги ҳазон учса, юрагинг зил кетади тоҳо. Кечагина ҳаёт тўла куртак эди-я дейсан. Бу ёғига ҳисобсиз баҳорлар келаверишини, гуркираган барглар унаверишини ва яна сонсиз кузакларга таслим бўла-

веришини, аммо қўлингдаги сарғайган баргнинг айнан ўзи энди ҳеч қачон тақрорланмаслигини билиб турганинг учун абгор бўласан.

Айвонингдаги қалдирғочлар учиб кетса, юрагинг ҳувиллади, гўё у энг ширин бир нимангни олиб кетгандай... Осмондан тизилишиб турналар ўтса, гўё улар эмас, сен кетаётгандай тўкилиб видолашасан...

Хонободдан эса БИР ҲАЗРАТИ ИНСОН кетди.

*Андижоннинг Солижони битта эди,  
Биттайди-ю жони доим ўтда эди...*

Шу байт юрагимдан ҳасрат бўлиб тўкилаверади. Ҳовлисига тўрттагина кўчатни ярашадиган қилиб эколмаган қанча! Экса-да, уни ўстириб эвлолмаган қанча! Гул билан қорин тўядими, аввал емиш керак деганлар қанча! Дарвозасининг ёнидан шарқираган сув ўтса ҳам, кўчасига бир тупрайхон экмаган қанча! Солижон Мехмонов деган инсон эса **Ўзбекистонда ягона боғ шаҳар яратиб** кетди. Эркин Воҳидовда шундай шеър бор:

*Уфқларга қўйиб гулдаста,  
Тоғ ортидан кўтарди-да бош,  
Аста боқди чўққидан пастга  
Олтин қалам тутган бир наққош.*

*Ҳар нуқтага сайқал бериб у,  
Водий узра чизди зар лавҳа,  
Сўнг қуёш деб имзо чекди-ю,  
Тонготар деб қўйди сарлавҳа –*

деган жойини «Солижон деб имзо чекди-ю, Хонобод деб қўйди сарлавҳа», дея айтгим келади.

Солижон ака балки қўли билан бир кўчатни-да ерга суқмагандир, ҳамма ишни хонободиклар қилгандир. Аммо бир жонсарак даъватчи бўлмаса, бу ғафлатий дарвозалар одамларни ютиб тураверарди, бир олов

қўзғатувчи бўлмаса, тоғдай ғайратлар қобирғаларнинг остида мудраб ётаверарди.

\* \* \*

Солижон аканинг таржимаи ҳоли жуда қисқа. Болалиги отасиз, ўксук кечди. Иккинчи жаҳон уруши, бу ёғи Берлин, бу ёғи Курил ороллари оралиғида неча бор яраланиб, неча бор тикланиб, ўлим билан ёнмаён юрди. Қайтгач, Хонободдаги терига ишлов бериш заводига оддий ишчи бўлиб кирди. Кейинчалик, йигирма йил давомида шу заводга директорлик қилди ва яна йигирма йил Хонобод шаҳар ижроия қўмитасига раис бўлди. Мехнат дафтарчасидаги ёзув шугина билан тугайди...

Ижроқўмда раислик жараёнида у тангри берган тафаккур билан, таваккалчилик, қайнаб турган ғайрат ва ҳамиша уйғоқ виҷдон билан ҳам меъмор, ҳам мироб, ҳам муҳандис, ҳам боғбонга айланди.

Заифлигимиз шундаки, унинг тириклигига ўз баҳосини ўзига айтолмадик, бўйларини бутун Ўзбекистонга кўз-кўз қилолмадик! Бу одамнинг шахсияти қай дарражада баланд бўлгани ҳали вақт ўтган сари обдан билинажақдир! Солижон aka ва унинг кабилар тарихнинг олтин варақлари, такори кам воқелиқдир! Унинг феълида Мажнуннинг жунунни, Фарҳоднинг фидойлиги, Алпомишларнинг келбати, шижаоти ва тоймасликлари бор эди. Бир сўз билан айтганда, беандоза одам эди...

\* \* \*

Олтмишинчи йилларнинг охири. Кампирробот сув омбори қурилгандан кейин, атрофи адирликлар, бутазор ва тошлоқ билан ўралган, кўзга ташланмайдиган, кичиккина қишлоқ Хонободни шаҳарга айлантириш тўхтамига келдилар. Шу мақсадда Солижон акани ижроқўм раиси этиб сайладилар. Бу юмуш йўқдан бор қилиш деган гап эди. Унинг устига

сув омбори қурилишига собиқ СССР нинг ахлоқ тузатиш даргоҳларидан ишчилар чақирилгани, кейинчалик улар шаҳар қурилишига ҳам аралашгани ва бу турфа феъл одамларнинг бошини қовуштириш Солижон акага қанчага тушганини унинг ўзи билади-ю, худо билади! Йигирма йил жонини-ю хонумонини унутиб, бу ернинг ҳар бир қарич ери билан гаплашди, ҳар бир туп гул ва дараҳтнинг таржимаи ҳолини ёдлаб чиқди. Ва йўл-йўлакай ҳар бир хонободликнинг юрагига гул ишқи, ер ишқини экиб борди. Ҳаммани боғбонга айлантириди! Сув ва ердан эмас, одамлар тўккан тердан бугунги Хонобод бино бўлди!

Хонободни таърифлаш қийин. Уни фақат бориб кўриш керак. Бу ердаги гул ва дараҳтларнинг асосий қисми поезд ёки самолёт миниб келган. Солижон аканинг меҳнат таътиллари дам олишга эмас, кўчат билан уруғ ташишга сарфланар эди. Собиқ шўро республикалари билан шу хусусда тинмай ёзишмалар олиб борар, турли томонлардан катта-кичик қутичалару қофоз халталарда гул уруғлари ва уларга кетадиган озуқалар узлуксиз келиб турарди. Турфа шаҳар, турфа миллат вакилларидан унинг апоқ-чапоқ бўлиб гаплашадиган боғбон дўстлари бор эди. Расмий йўл билан эплолмаса, норасмий йўллар билан ҳам бир ёқлардан кўчат ташигани ташиган эди. Солижон аканинг бир ҳикоясини эшигининг: «Фалон шаҳардан фалонча кўчатни сотиб олдик, аммо ҳужжат масаласида бирор бизга панд берди, вақтни бой бериш мумкин эмас. Ҳамроҳларимга таваккалига: «Қани, аэропортга юравер, биз бу ишни халқ учун қиляпмиз, йўлимизни худонинг ўзи очади», дедим. Аэропортнинг назорат нуқтасига етганда: «Ўртоқ, бу юкларингизнинг ҳужжати борми?» деб сўради текширувчи. «Бор!» дедим кўзига дадил қараб. «Қани?» демади! Кўпнинг ишини Аллоҳнинг ўзи ўнглайди дегани шу-да!» – дея завқ билан гапиради у.

\* \* \*

...Ҳамма жойда адир адир бўлиб яшайди, аммо Хонободдаги адирларни бир кўрингу лол бўлинг! Бундай қарасангиз, бир адирни оқ атиргул, иккинчисини қизил, учинчисини пушти атиргул лашкарлари эгаллаб олган. Адирлар атиристонга айланган! У ерларга сув олиб чиқиш усули ҳам Солижон аканинг тўқимаси. Энг баланд адир устига мушфик она ҳайкалини ўрнатганлар. «Бу – хонободликларнинг оналари рамзи. Шу ердан қараб, уларнинг яхшисига суюниб, ёмонига куйиниб туради», – дейди Солижон ака. Пастдан ҳайкалгача кенг зина қилинган. Бу зина бўлгунча неча қурувчи, неча меъмор билан ёқавайрон тортишувлар бўлган, аммо барибир Солижон аканинг лойиҳаси ўтган!.. Зинанинг икки четига то ҳайкалга ета-етгунча гулсафсар экканлар, ана энди уни очилганда кўринг – бамисли сафсар рангли қўш ариқ сакраб-сакраб зиналардан тушиб келяпти дейсиз. Шаҳарнинг ичи ялпи боғ. Дараҳтларнинг ичидаги пушти, қирмизи ранг баргилари ҳам бор. Хушқомат ўспириналардай тизилишиб турган арчалар, гулзорлар, уларнинг шаклу шамойили, ювиб-таралган дараҳтлар – дам олиш маскани!

\* \* \*

Бу ернинг ўзига хос қонунлари бор. Шаҳарда писта сотилмайди, писта чақилмайди, гул узилмайди. Пиёдалар юрадиган жойга велосипедчи кириб қолса, жарима тўлайди ва ҳоказо...

Шўро пайтида вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби шаҳар ўртасидаги хиёбонда ижроқўм раиси билан гаплашиб турган экан. Ёнидан папирос олиб энди тутатишни билади, бир пионер қиз пайдо бўлиб, қўлини чаккасига қўйганча: «Кечирасиз, амаки, сиз тартибни бузяпсиз, бизда хиёбонда чекмайдилар!» – дебди. Котиб ҳайрат билан қараган экан, «Худди шундай!» дебди Солижон ака ҳам жиiddий. Мехмон

шошиб-пишиб папиросини чиқинди қутига ташлаб келибди!

\* \* \*

Биродар, бу ҳикоямиз биз билан ёнма-ён яшаган, ҳар доим ҳам учрайвермайдиган, миллати, ватани учун жигар-бағрини сарфлаб хизмат қилган, лекин биз ардоқлаб улгурмаган – юрт ўғлони ҳақида боряпти. Яхшилар ҳақида гапириш керак, яхшиларнинг ишларини одамларга тинмай эслатавериш керак. Ана ўшанда улар ўлмайди, издошлари, ҳавасманлари қўпаяди. Яхшининг шарофати – шу! Солижон ака билан учтўрт мартагина суҳбатлашганман, холос. Ўшанда ҳам умрининг поёnlарида. У ўзи ҳақида кам гапирад эди, лекин тириклигигидаёқ унинг қилмиш-қидирмишлари эл орасида афсона бўлиб юрарди. «Солижон ака яна бир иш қилибди...» деб бошланадиган ҳикоялар кунда, кун орада бўлиб турагди. Шу фаройиб инсон ҳақидаги эшитган-билганларимнинг бир шингилини сизга ҳам илиньяпман...

\* \* \*

Ўғли машинасини пиёдалар ўтадиган жойга қўйиб қўйган экан. Солижон ака дарҳол милицияга айтиб, уни қаматиб қўйибди. Бир маҳал келини телефон қиляпти экан: «Дада, бола-чақалик ўғлингизни ҳам шундай қиласизми?» – дебди. «Аввал бола-чақага ўрнак бўлиш керак, бола берган ризқини ҳам қўшиб берган – ўзим боқиб тураман», – деб зарда билан телефон гўшагини қўйиб қўйибди у. Эртасига нуфузли икки жўраси кириб келяпти эмиш. Суҳбатни эшитинг:

- Э, Солижон, жуда хунук иш бўпти-ю!
- Хўш, нима бўпти?
- Ўз ўғлини қамаб қўйиш хунук-да!
- Мен тилимни етти қарич қилиб тартиб ўрнатсам, у ижроқўмнинг ўғлиман деб, нотўғри иш қилиб юрса хунукмасу, тартибга чақириш хунукми?! Ётади!!

Шундай қилиб, ўғлини тўрт кунми, беш кунми таъзирини бериб, сўнгра чиқарган экан.

\* \* \*

Дейлик, бир туп гул синиб ётибди. Буни Солижон aka қуриб қолди. Дарҳол ўша атрофдаги одамларни йигади. Кўриниши асраган нарсасидан ажralган каби аламзада: «Кўряпсизми, бир тирик жон ўлди! Сиз яратган бир гўзаликни қайсиdir хунук одам ўлдириди. Дуо қилинг (йифилганлар кафтларини очадилар) йўқ, — дея ҳайқиради у, — тескари дуо қилинг, унга худодан қайтсин!» — деб наъра тортади... Хонободда, албатта, яхши-ёмон инсонлар бордир, аммо гул узадиган одам йўқ...

\* \* \*

Ижроқўм бува йил-ўн икки ой, ҳар тонг соат бешдан саккизгача шаҳарни пиёда айланиб чиқаркан. Бир уйқусиз кампирнинг ҳам саҳарларда дарвозасининг тагида ўтириш одати бор экан. Кампир уни бир кузатибди, икки-уч кузатибди, бу ҳол такрорланавергач, ахири бир кун: «Ҳой, Солижон, бу сенмисан? Жиннимисан нима бало, қишин-ёзин каллайи саҳарлаб нимангни қидирасан-а?!» — дебди. Бу гапдан Солижон aka таъсирланибди-да, аёлига келиб: «Менга қара, мен жиннига ўхшайманми?». — дебди. «Вой, дадаси, — дермиш аёли, — жинни бўлсангиз қанийди-я, уларни тузатса бўлади, сиз тузалмайсиз-да!»

\* \* \*

Гуркираб турган бир арчани қўпориб кетибдилар. Излабдилар, излабдилар — йўқ! Ижроқўм бува ҳаммага эълон қилибди: ким шу арчани топиб келса, энг янги моделдаги мотоцикл — совфа! Ўзи катта Ўш йўлига чиқиб олиб, ўтганки машинани тўхтатиб, шу эълонни айтаверибди. Қарангки, арча топилибди. Солижон aka ваъдасини бажарибди. Одамларни йифиб, арчани

жойига ўтқазиб, мукофотни топширибди. «Совриндор» аввал ўғрини, кейин арчани топган бўлса-ю майли, аммо ўғри ўзи бўлса-чи? Ана, тарбиявий зарба! Ҳам арча топилди, ҳам ўғри сазои бўлди!...

\* \* \*

Солижон ака ўн саккиз йил ишлади, тақир тошлоқни бўстонга айлантирди. Довруғи ёйилди. Яхши ёмон нигоҳларни ўзига тортди. Бирданига қарабсизки, ижроқўм бува эскиргандай, у киши билан хайрлашадиган вақт келгандай туйилди. Ва бир бехосият кунда партбюро бўлиб, Солижон акани ижроқўм раислигидан олиб, кичикроқ бир ишга тайинладилар... Уни ишини олмадилар, ўн саккиз йил кўтариб юрган фарзандидан жудо қилдилар. Бошқа одам бюордан кейин абор бўлиб қоларди, эҳтимол. Аммо не кўз билан кўрсинларки, эртасига саҳар у ўнта кетмончини ёнига олиб гул экиб юрибди эмиш! Мен савол бераман: «Солижон ака, ўшанда шунча йиллик курсингизни бериш оғир келмадими, эртасигаёқ гул экиш кўнглингизга қандай сиғди?» Унинг жавобини қаранг: «Жуда қийинчилик билан олиб келган кўчатларим эди, ўша куни экмасам, сўлиб қоларди-да!» – дейди катта самимият билан...

Бу кенглик, бу покиза масъулият ҳаммамиз учун гўзал илм эмасми?!

\* \* \*

Билмадим, орадан қанча вақт ўтган, шаҳар сессияси бўлади. Шаҳар ижроқўми раислигига икки номзод қўйилади. Номзодларнинг иккаласи ҳам етарли овоз ололмайди. Вилоят раҳбарларидан бири «оқсоқолнинг номзодини кўрсатиб кўрайлик-чи» деб, Солижон акани овозга қўйиб юборади. Қарангки, у 94 фоиз овоз олади! Шундан кейин яна икки йил ижроқўм бувалик қиласди...

Ўша тўқсон тўрт фоиз овоздан айланай, ўша тўқсон тўрт фоиз овозга раҳмат! Бу овоз эмас, виҷдонлар садоси эди! «Ҳақ азиз қилган кишини бандаси хор айламас», деганлари шу...

\* \* \*

Ҳаётим давомида шунга амин бўлдимки, ташкилотчилик ҳам шоирлик каби туғма иқтидор экан. Шоир-ку юрагини бошқаради холос, эл бошқариш, уларни қовуштириш худо берган катта иқтидордир! Бунга ўқиб, ўрганиб етишмайдилар, шундай бўлиб туғиладилар!

Солижон Меҳмонов ўшандай фазилатга эга эди. У заводга директор бўлган пайтларини эслайди.

— Сайланганимда завод ўтириб қолганди, — дейди у, — аммо мен режа деб дағдаға солмадим, мажлисбозлик қилмадим. Ишни завод ҳудудини тозалашдан бошладим. Одамлар ўтадиган йўлкаларга, ошхона, таҳоратхоналарга эътибор бердим. Гул, дараҳт экдим, иш ўз-ўзидан юришиб кетди. Йигирма йил ишлаган бўлсам, йигирма йил режа бажарилган.

Инсон ҳамиша гўзалликка эҳтиёжманд. Ёқимли муҳит инсонга рағбат беришига яна бир мисол айтай. Бир жойда ўқиб эдим, Америкада қолоқ бир цехни яхшилаб таъмирлабдилар, натижада иш унумдорлиги қирқ фоиз ортибди. Қўшни цеҳда эса йигирма фоизга кўпайибди. Улардан: «Нариги цеҳдагилар-ку хурсанд бўлиб яхши ишладилар, сизлар-чи?» дейишса, «Навбатдаги таъмирлаш бизда бўлар экан-да», деб жавоб беришган экан...

Буни ташкилотчилик илми дейдилар! ...

\* \* \*

Дарвоқе, Солижон ака раҳбарлик қилган заводда унинг аёли ҳам ишлар экан. Бир куни фалокат босиб, у ишга беш минут кеч қолибди. Эртасига не кўз билан кўрсинларки, заводнинг эълон тахтасида уни ишдан

озод қилиш ҳақида директорнинг, яъни умр йўлдоши-  
нинг буйруғи турибди эмиш!

Буни адолат илми дейдилар!...

\* \* \*

Солижон ака шаҳарнинг нуфузли курсиларига ном-  
зод танлайдиган бўлса, сухбати қуидагича бўларкан:

- Хонободни ориятингдай асрайсанми?
- Ҳа.
- Ёлғон гапирмайсанми?
- Йўқ.
- Пора олмайсанми?
- Йўқ.
- Зино қилмайсанми?
- Йўқ.
- Вижданан ишлайсанми?
- Ҳа.

Кейин тортмасида ҳар доим турадиган қотган ион-  
ни оларкан-да, ўша одамнинг қўлига тутқазиб, «ушла,  
ваъдамда турмасам, нон урсин де!» деркан.

Бундан ортиқ руҳий муолажа бўладими?...

\* \* \*

Шаҳар-ку ўзи боғ. Унинг ўртасида яна бир боғ  
бунёд қилинган бўлиб, бу боғнинг катта кўли ҳам бор.  
Эшитдимки, бу кўлга давлатнинг пули сарф бўлган  
эмас, ижроқўм бува ҳашар йўли билан яратган экан.  
Мен ундан бунга қандай эришганини сўрайман.

– Боғнинг ўртасида кўл бўлишини, кўлнинг ўрта-  
сида музқаймоқхона бўлишини, Хонободнинг болала-  
рини бир яйрашини орзу қиласдим, – деб эслай кетади  
у. – Ке, бир айёрлик қиласдим. У пайтлар ижро-  
қўмлар ихтиёрига сотиш учун енгил машиналар  
бериларди. Шаҳарда бир эксковаторчи бўларди. Ўшанга:  
«Мен сенга давлат баҳосида енгил машина бераман,  
эвазига сен хонободликларга бир яхшилик қиласан»,  
дедим, тушунтирдим. Хурсанд бўлиб рози бўлди. Ҳар

куни ўз ишини тутатиб қайтади-да, боғда ишлайди. Бир неча кунда кўлнинг жойи тайёр бўлди.

Энди музқаймоқхонага навбат келди. Ишчи кучи керак, у керак, бу керак дегандай. Яна хитрлик қиласман! (Солижон аканинг битта қусури – ўрисча сўзни кўп аралаштирарди.) Кўл остимда ишлайдиган, аммо ишим тушадиган идора бошлиқларини кабинетимга чақирмасдим, телефон ҳам қилмасдим. Хокисоргина бўлиб иш жойига ўзим кириб борардим. Агар ёнида одам бўлса, қаноат билан қабулхонасида кутиб ўтираман. Котибаси бесаранжом бўлади. «Жим!» дейман. Бир пайт бошлиқ меҳмонни қузатаётиб қараса, мен ўтирибман! Бу «камтарлигим»дан ҳаяжонланиб, чокидан чиқиб, эригандан эриб кетади! Қарабсизки, бир нарсанинг ўрнига икки нарса ундириб келаман. Бу жойлар шу тарзда бино бўлди-да, қизим, бизни худонинг ўзи қўллади, худонинг ўзи!

Солижон аканинг бу сўzlари ҳали ҳам қулоғимга бот-бот эшитилади. Ўшанда қиш. Кўлнинг ёнида турибмиз. Айтаётгандари йигирма беш йил аввал бўлган эса-да, Солижон aka бу ишни кечагидай қилиб завқ-шавқ билан гапираварди...

Бу дийдорлашув унинг вафотидан 4-5 ойгина бурун бўлган эди. Оғир касалга чалинганини эшитиб қолиб, ғанимат дийдорини суратга тушириб қолиш учун телевидение мутахассислари билан бирга боргандим. Солижон aka ҳар сафар Хонободга ё баҳорда, ё қузда келишимизни тайинлайверарди. Чунки ана шу фаслларда бу ер эртакка айланади!

Одати бўйича, эрта келиб қолганимиздан бир оз ранжиди. (Аммо кечроқ келсам, гулларни топиб, ўзини тополмай қолишимни бу одам қаердан билсин-а!) Февраль ойи бўлса ҳам, атроф ям-яшил эди. Арчаларку маълум, гулларнинг ҳам барги кўм-кўк турадиган навларидан экилган экан. Солижон aka касал бўлсада, баланд бўйлари, устидаги пальтоси уни соғдай басавлат кўрсатади. Қўлларини шиддат билан силкиб,

эҳтирос билан, муҳаббат билан атрофни таниширади. У шундай суюниб, эриб гапирадики, гўё бу ерларда яна минг йил яшайдигандай! Водариф!..

\* \* \*

Ўша кунги шаҳар айланишда Солижон аканинг тез-тез телпагини ростлаб қўяётганини сезган эдим. У телпагини яна бир бор кўтарди-да, «жин урсин, янгироқ деб ўғлимникини кийгандим, катталик қиляпти», деб фудраниб қўйди.

Шу гап ҳам юрагимга зарбдай тегди! Умри Ватанни ўйлаб, Ватанни кўкартириб, атрофни янгилаш билан овора бўлган, Ватаннинг чиройини ўзига либос билиб ўтган содик инсон бу! Хонободнинг ҳар бир тошига сайқал бериб, ўз бошини унуган одам бу!

\* \* \*

— Сиз туну кунингизни хонободликларга бағишлаб, ўзингизни ерга, Хонободни кўзга қўйиб ўтгансиз, уларга қандай дуолар берган бўлардингиз? — деб сўрайман.

— Менинг дуоимни қўя туринг. Уларни Аллоҳнинг ўзи кўриб турибди. Дафтарига ёзиб турибди. Йилнинг тўрт фасли борки, худо хайрингни бергурлар, кетмон, белкурак қучоқлаб юради. Якшанбада ҳам ишлайди, беякшанба ҳам ишлайди! Каттаси ҳам ишлайди, кичиги ҳам! Каттароқ қор ташлаб қолса, ярим кечада сўйил кўтариб, бир-бирини чақириб, уйларидан чиқиб келаверади, эрталабгача дараҳтларнинг қорини қоқиб, синиб кетишдан асрайдилар. Номи хонободлик борки, гулпараст, боғпарастдир. Худо уларнинг меҳнатига яраша ярлақайди, инишоolloҳ! — дейди Солижон ака кўтаринки руҳда.

\* \* \*

Хонободнинг таърифи тилга тушибдикি, одам ари-майди. Катта-кичик, нозик-нуфузли меҳмоннинг охи-

ри йўқ. Мезбончилик – қийинчилик дегани. Лекин ҳеч ким, Юсуфбекҳожи айтганидай, бу ердан норози кетмаслиги керак. Меҳмон – азиз. Қолаверса, Солижон аканинг ижроқум деган оти бор! Хонтахт деган тепалиқда алоҳида сўлим жой қилиб қўйилган. Худонинг берган қуни бу ердан меҳмон узилмайди. Ётиб еганга тоғ чидамас, деган гап бор. Аммо Солижон aka бу ҳолатдан ҳам жуда чиройли чиқиб кетаркан. Қизифи шуки, у иккита меҳмон келса ҳам, саккизта меҳмон келса ҳам ошга 650 грамм гуруч солдирап экан, тамом! Лекин ҳамма тўяркан! Нима қилар экан денг? Озроқ меҳмон келса, аввал ош тортиб, кейин мева-чева қўяр экан. Кўпчилик бўлса, аввал обдан ҳўл мевага тўйдириб, ошни кейин суздирапкан. Таом доим етаркан, ҳатто ортиб ҳам қоларкан!

\* \* \*

Қозоғистонлик бир киши хизмат юзасидан, Кампирробот сув омбори қурилаётганда, яъни йигирма беш йил бурун, бир келиб кетган экан. Шу бўйи 1996 йили яна келибди (айни пайтда у катта мансабдор экан). Атрофга қараб, ҳайратдан қотиб қолибди. Ҳўв ўша қишлоқ қани, дермиш нуқул! Кейин унга Солижон aka ва унинг ишлари ҳақида сўзлаб берибдилар ҳамда ҳозир қаттиқ bemor ётганини айтибдилар. У дарҳол Солижон аканинг ҳузурига келиб зиёрат қилибди. Қўлларини қўзига суртиб, ҳадеб раҳматлар айтармиш...

— Орадан кўп кун ўтмай, бир юқ машинаси келди, — деб ҳикоя қиласи Солижон Меҳмоновнинг аёли, — ўша қозоғистонлик киши номидан катта қўй, ун, гуруч, қопларда картошка, пиёз келтирибдилар.

Бу сұхбат бўлаётганда Солижон aka ҳаёт эди, фақат тўشاқдан туролмай қолганди. Аёли гапиряпти-ю, у хомуш ҳолда билинار-билинмас бошини сарак-сарак қилди, лекин сўз айтмади...

Юрагимни ҳануз бир тиф ўяди: ўша хомуш бош тебратишнинг маъниси нима эди-я?..

\* \* \*

Бу одамни биринчи қўрганимда 50-55 ёш берган эдим, Ўшанда 65 да экан. Баланд бўйли, елкалари дуркун, юз суюклари кенг. Сочлари кўп, жингалак ва унча оқармаганди. Қарашлари шижоатли. Гапирганда қўлларини силтаб-силтаб гапирав, қўлларки, ҳар бири белкуракнинг юзидаи эди.

Ёш кўринишингизнинг сабаби нимадайкин? – деб сўрайман.

– Ёш кўринишининг сирини айтсам, – дейди у ним табассум билан, – баъзан шунаقا дейдиганлар бор, «шу меҳнатнинг орқасида касал бўлдим, шу меҳнат сочимни оқартиради, меҳнатни деб асабим тугади» ва ҳоказо! Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон (Қўлларини мушт қилиб столга уради у)! Одам ўз ишини севса, пухта билса, вижданан меҳнат қилса, у раҳмат олади! Мақтov олади! Мазза қиласи! Бу ҳол, аксинча, уни кўнглини кўтаради, ёшартиради! Агар у дангаса бўлса, нўноқ бўлса, унинг устига, худога ҳам, бандасига ҳам ёқмайдиган ишлари бўлса, тинмай сўкиш эшитади, асаби қақшайди, хатоси очилиб қолишидан қўрқиб юради. Бундай одам албатта қарийди-да! У хароб бўлмай, ким хароб бўлсин?..

«Мардинг қани? Тадбиркоринг, ишбилармонинг қани?» деган шиор ташланган бугунги омон-омон кунларни Солижон ака қўролмагани армон! Мустақилликнинг бу имконлари ичидаги шер бўлиб кетарди, лочин бўлиб кетарди!

Афсус, умрга бақо йўқ-да...

\* \* \*

Солижон ақани фильмга оляпмиз. У катта-катта одим билан қорни «ғарч-ғурч» босиб боряпти. Операторга нуқул «изларини олинг, изларини!» дейман пи-чирлаб. Қор эриса, излари кетади-ку, дейди юрагим йиғлаб! Дарҳақиқат, қор эриб, изларни олиб кетди. Йўқ, олиб кетмади, юракларга солиб кетди! «Солижон

ака» деган сўз уни билганки одамларнинг кўксига ботиб яшаяпти...

Ўша куни янги келин туширган шаҳар аёллар қўмитасининг раиси Мавлудаҳоннинг келинчагини қутлаб ўтгани кирдик. Солижон аканинг кириб келаётганини кўриб, хонадон эгаларининг бошлари қўкка етди. Таомилга кўра, келинчак саломга чиқди. Солижон ака келинчакнинг пешонасидан ўпиб, дуога қўл кўтарди. Юрагим яна сидирилади! Хонободнинг тарихи билан келажаги кўришиб тургандай!

Солижон ака овоз чиқариб тангридан бу оиласа толе тилайди. Мен эса юрагим билан шивирлаб, келинчакка мурожаат қиласман: келин ойим, келин бегим, чиллалик остоангда туриб тилайн, рўпарангдаги одамнинг дуоларини юрагингга бос, шарофатли изларини ўпиб қол, илоҳим, тану жонинг соғ бўлсин-у, Хонободга, Андижонга, Ўзбекистонга, миллатга Солижон акадай ўғлонлар бергин, увишиб турган юракларимизни яна кўкартир, отлар ўрнини тойлар боссин!

Хўшлашиб чиқар эканмиз, Солижон ака «ана у ёқقا қаранг» деди. Шом туша бошлаган, олтин товоқдай қуёш Хонободнинг уфқига оловланиб ботиб борарди.

Бу жуда гўзал якун эди...

2000 йил

## ТУРСУНОЙ СОДИҚОВАНИНГ ИЖОДИ ВА ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА



Турсуной Содиқова 1944 йил 24 марта Андижон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. У икки ёшлигида оиласи Тошкент шаҳрида яшай бошлади. 1961 йилда ҳозирги Шайхонтаҳур туманидаги 82-ўрта мактабнинг ўнинчи синфини тугатди. 1966 йилда эса Миллий Университетнинг (у пайтдаги ТошДУ) филология факультетини имтиёзли тамомлади. Дастлабки меҳнат фаолиятини Андижон шаҳрининг мактабларида бошлади, шаҳар ёшлар қўмитасида бир неча йил мактаблар бўлимини бошқарди, аммо ўқитувчиликни меҳр қўйган асосий касби деб билди. Етмишинчи йилларнинг бошидан бошлаб республика матбуотида унинг маориф ва тарбия муаммолари мавзусидаги мақолалари чоп этила бошлади. Шу йиллари Республика Халқ таълими вазирлигининг қатор Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирланди.

1979 йилдан бошлаб Андижон Тиллар педагогика институтида катта ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатди. Унинг маънавий тарбияга бағишланган «Андиша», «Меҳригиё», «Бахт нима» каби рисолалари шу йиллари чоп этилди. Худди шу йиллари Турсуной Содиқова «Эркин Воҳидов шеъриятида анъана ва новаторлик» мавзусида илмий изланишлар олиб борди ва унинг натижаси ўлароқ «Ўзбек шеъриятида анъана ва новаторлик» ва «Эл устозим» каби китоблари дунёга келди. Олий мактабдаги хизматлари учун 1986 йилда «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди.

У 1991 йили вилоят аёллар қўмитасининг раиси этиб сайланди ва шу йиллари жамоатчилик асосида вилоят Болалар фонди раислигини ҳам бирга олиб борди. Унинг ташкилотчи сифатидаги имконлари шу даврда юзага чиқди: ўша йиллари Андижон вилоятининг қатор иирик корхоналарида ҳомиладор аёллар учун меҳнати енгиллаштирилган алоҳида цехлар очишга муваффақ бўлинди. Жамоа хўжаликлари ва катта корхоналарда аёллар ташкилотчиси деган маошли иш ўринлари биринчи бўлиб Андижон вилоятида жорий этилди. Шу ҳаракатлари туфайли Турсуной Содикованинг ўзи ҳам элга танилди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди.

Шоира 1996 йилдан бошлаб Республика маънавият ва маърифат марказида бўлим мудири сифатида иш бошлади. Унинг жонкуяр тарбиячи, воиз ва публицист сифатида танилиши шу даврга тўғри келади. У маънавият ишлари ташкилотчиси сифатида республикада туман маънавият бўлимларини ташкил этишда қатъйлик кўрсатди, маънавиятни фан сифатида ўқитилишини амалга оширишда жонбозлик кўрсатганлардан бири бўлди. Турсуной Содикова маънавият соҳасидаги хизматлари учун 1998 йили «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Унинг ахлоқ-одоб масалаларига, оила муомалаларига бағишлиган илмий, бадиий-фалсафий асарлари: «Меҳр қолур» (1997), «Ҳазрати аёл» (1998), «Ёнингдаги баҳт» (1999), «Болам дерман» (2000), «Ўғлим сенга айтаман ва қизларга аталган сўзлар» (2002), «Келин бўлиш илми» (2003), «Қуёв бўлиш илми» (2003), «Қайноналик илми» (2003), «Оға-иниилик илми» (2003), «Ризолик излаб» (2004), «Яшаш тилсими» (2004), «Мураббий ким?» (2006), «Нозик савол» (2007), «Жаннатим онам» (2007) китоблари эл қўлида ўқилиб турибди, демакки, эътирофга сазовор бўлмоқда.

Шоиранинг 1976—1995 йиллар оралиғида «Күй», «Гул фасли», «Дил гавҳари», «Иқбол», «Иzlай-излай топганим», «Гиря» номли шеърий тұпламлари чоп этилди.

Турсуной Содиқованинг шоира, адиба, педагог-олима, адабиётшунос ва жамоатчи ташкилотчи каби жиҳатларига тұхталиб үтдик. Аммо бу ижодкорнинг халқа ёққан яна бир томони унинг воизлигидир. У ёзадиган китобларини аввал эллинг күзига қараб айтиб олади. «Етмиш икки томирим ёзиладиган жой минбардир», — дейді шоиранинг үзи ҳам. Воизлик санъати эл маънавиятини күтаришда мұхым омиллиги, юртимиз буюк воизлар мамлакати эканлиги, воизлар мактаби ташкил этилиши кераклиги, шартлиги ҳақида куюниб гапиради. Республика радиосида бир неча йиллардан бери унинг «Шахс маънавияти», «Оила илми» мавзусидаги туркум нутқлари узлуксиз беріб борилади. Уни халқ билан энг күп учраштирадиган сабаб ҳам унинг воизлигидир. Шоира нафақат мамлакатимизнинг барча вилоятлари, балки құшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларининг халқи билан ҳам бот-бот күришиб, оила илми, ахлоқ-одоб мавзуларида суҳбатлар үтказиб туради.

Бугунги кунда Турсуной Содиқова Республика «Маърифатпарвар аёллар» нодавлат уюшмасининг раисидир.

## **МУНДАРИЖА**

Муаллифдан .....	3
Ризолик излаб .....	5
Ҳазрати аёл .....	158
Ҳазрати эркак .....	186
Мен жуфтимни қандай англадим? .....	216
Рўзфор сирлари .....	230
Қайнона бўлиш илми .....	242
Келинлик илми .....	265
Кутлуғ исмлар .....	281

*Aqabiy-badiy nashr*

**Турсуной Содиқова**

**АЁЛГА ҚАСИДА**

*Сайланма*

*Тўртинчи нашри*

Муҳаррир *Б. Худоёрова*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Рассом-дизайнер *Ҳ. Меҳмонов*

Мусаҳҳих *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Кулназарова*

Нашриёт лицензияси AI 158. 14.08.09.

Босишига 2018 йил 25 октябрда руҳсат этилди. Офсет қофози.

Бичими  $84 \times 108^1 / 32$ . Таймс гарнитурада оғсет усулида босилди.

Шартли б.т. 17,22. Нашр т. 16,95. 5000 нусхада чоп этилди.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 18-526.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.

100011. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)